

Оноре де Бальзак

САҒРИ ТЕРИ ТИЛСИМИ

РОМАН

Мирзиёд Мирзоедов ва Маҳкам Маҳмудов таржималари

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ НАШРИЁТИ
1981



Стери. «Триграм Шенди», СССХХП 606

ТИЛСИМ

Ўтган йилги октябрь ойининг охирлари эди. Қиморхоналар эндигина очилган. Шу пайтда бир ёш йигит Пале-Роялга кириб келди. Бу қиморхоналар, давлатга солиқ тўлаб туришар, ўз моҳиятига кўра улар ишқибозликларни муҳофаза этувчи қонун ҳимоятида эдилар. Йигит ҳеч иккиланмай, пешонасига 36 рақами ёзилган қиморхона зиналаридан юқори кўтарилди.

—Марҳамат қилиб, шляпаларини қолдирсалар,— кескин оҳангда қичқирди рангпар бир қария. Тўсиқ ортида паналаб турган бу одамнинг совуқ турқи бирданига пайдо бўлиб қолди.

Қиморхонага киришингиз биланоқ қонун дарров шляпангизни тортиб олади. Эҳтимол бу ўзига хос инжил ояти, тангри таолонинг огоҳлантиришидир? Еки, янада тўғрироғи, бандалардан қандайдир гаров талаб этувчи жаҳаннам шартномасидир? Эҳтимол, бор-йўғингизни шилиб олувчиларни ҳурматлаш учун шундай қилиш керакдир? Эҳтимол, барча ёриқ-тешикларга кира олувчи полиция шляпадўз ус-тангиз кимлигини, ёки (агар астарига исмингизни ёзиб қўйган бўлсангиз) ўзингизнинг кимлигингизни билиб олишни хоҳлар? Ниҳоят, эҳтимол, шляпангиздан бош чаноғингиз ҳажмини ўлчашиб, қиморбозларнинг ақлий қобилиятларини кўрсатувчи ибратли статистика жадвалларини тузишар? Қиморхона маъмурияти бу масала борасида лом-мим демайди. Аммо, сиз шуни билиб қўйингки, қиморхонадаги яшил мовутли стол томон биринчи қадамни босишингиз билан шляпангиздан айриласиз. Худди шунинг каби,— ўйин чангалига тушганингиздан кейин,— бор бисотингиз; шляпангиз, ҳасачангиз, плашингиз ҳам ўзингизники бўлмай қолади, ҳатто ўзингиз ҳам.

Ўйиндан чиқаётганингизда эса қиморхона сақлашга берган буюмингизни қайтаради — ўзингизга ҳам бирон буюмингиз қолганини ҳақоратомуз ашёвий далил билан кўрсатиб,

Ўлгудай калака қилади. Мабодо бош кийимингиз янги бўлса, қиморбоз алоҳида либос кийиши лозим, деган ўғитнинг сиз учун бир чақалик аҳамияти қолмайди.

Йигит кўп тутилганидан соябони сал яғирлашган шляпасини бериб рақам олаётганида юзида ажабланиш ифодаси пайдо бўлди. Бу унинг тажрибасизлигини кўрсатарди; афтидан, жуда ёшлигиданоқ ишқибозликнинг қайноқ лаззатлари ботқоғига ботган чол йигитга нурсиз, бефарқ нигоҳ билан қаради. Файласуф бу нигоҳдан касалхоналар қашшоқлигини, хонумони куйганларнинг дарбадарлигини, сувга чўкканларнинг сафларини, бир умрли каторгани, *Гуасакоалько* сургуиларини уқиб олиши мумкин эди. Чолнинг ҳозир фақат *Дарсенинг* ёвғон шўрвасига куни қолганлигидан далолат берувчи, ғажиб ташлангандай, қонсиз юзи ниҳоятда тубан ишқибозликнинг рангпар тимсоли эди. Манглайдаги чуқур ажинлар унинг доимий изтироблардан боши чиқмаслигини кўрсатарди: у озгина маошининг ҳаммасини олган куниёқ ютқизса керак. У ҳар қандай қамчи ўтмайдиган қирчанғиларга ўхшаб қолганди. Ҳар қандай вазиятда пинагини бузмас, қиморда чув тушган бахтсизларнинг бўғиқ фарёдлари, сассиз қарғиш, лаънатлари, овсарларча маъносиз боқишлари бу кишини заррача ҳаяжонга солмас эди. Бу одам қимор тимсоли бўлиб қолганди. Агар йигитча бу тунд «пойлоқчи ит»га яхшироқ раъм солганида, эҳтимол, юрагида қимордан бошқа ҳеч вақо йўқ, деган фикрга келар эди. Аммо йигит тангрининг ўз томонидан қўйилган, ҳар қанақа ишратхонанинг дарвозахонасини хунук қилиб турадиган бу ибрат тимсолининг овозига қулоқ осмади.

Йигит дадил қадамлар билан залга ўтди, бу ерда очкўзлик домига тушган дилларни олтин жаранги сеҳрлаб, кўр қилиб қўйган эди. Чамаси, йигит бу ерга *Жан-Жак Руссо*нинг энг мантиқли ҳикматларидан бирига амал қилиб келганди: «Ҳа, одам қиморхонага бориши мумкинлигини тасаввур қиламан, аммо у ерга одам фақат ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи охириги экюси¹ қолгандагина боради», деган эди буюк мутафаккир.

Оқшомлари қиморхоналар тароватсиз бўлади. Аммо қонли фожиалар тунда авж олгандай, қиморхоналар ҳам шу пайтларда жонланади. Заллар қиморбозлар ва томошабинларга тўлади; ҳеч вақоси қолмаган, исингани келган қарияларга, жон талвасаси шароб билан бошланиб, Сена дарёсида чўкиш билан тугайдиган ҳаяжонли башараларга тўлади. Бу ерда эҳтирослар тўлиб-тошади, аммо «актёрлар»—ўйинчиларнинг кўплиги қимор иблисининг юзини аниқ кўришга халал беради. Кечқурунлари роса катта томоша бўлади, бунинг устига бу ерда «артистлар»нинг ҳаммаси бақириб-чақи-

ради, оркестрдаги ҳар бир чолғу ўзича садо чиқаради. Сиз бу ерда кўпгина муҳтарам зотларни кўрасиз, улар бу ерга кўнгили очишга келишади. Бировлар томоша ёки ширин тасм учун пул тўлайди; бировлар арзон-гаровга бирор ҳужрачада бир кеча фоҳиша билан яллалашгани учун кейин уч ой алам-афсус чекиб қарзини узади. Бу ердаги томошалар бировга қиммат, бировга арзон тушади. Аммо, ишратхона қачон очиларкин, деб тоқати тоқ бўладиган одамнинг қанчалар эҳтиросга фарқ бўлишини тушунармикансиз? Кечқурунги қиморбоз билан эрталабки қиморбоз ўртасидаги фарқ худди беғам эр билан севгилисини дераза олдида интизор кутаётган ошиқ ўртасидаги фарққа ўхшайди. Фақат эрталабгина қиморхонада қалтираб-қақшайдиган, эҳтиросли ва даҳшатли муҳтожликни учратасиз. Фақат эрталабгина ҳақиқий қиморбозни кўрасиз. Емай, ичмай, ухламай, яшамай, ўйламай, ҳар доим икки баравар ошириб пул тикиб ютқишиш балосидан шафқатсиз зарба еявериб, ахир қачон «трант-э-карант» чиқаркин, деб кўзлари тўрт бўлиб кутавериб, жони ҳалак бўлган қиморбозларни томоша қила оласиз. Мана шу машъум лаҳзаларда осойишталиги сизни даҳшатга солувчи кўзларни, сизни сеҳрлаб қўювчи чеҳраларни, гўё қаргаларни кўтариб, еб қўяман, дейдиган нигоҳларни сезасиз.

Хуллас, қиморхоналар фақат ўйин бошлангандан кейин қизиқ бўлади. Испанияда буқалар жанги бор. Римда гладияторлар бор эди. Париж ўзининг Пале-Рояли билан мағрурланади. Пале-Роялда рулетка сизни қиздириб, юрагингизни шувиллатишидан лаззатланасиз. Бу манзарада ҳам дарёдарё қон оқади-ю, аммо партерда ўтирган томошабинларнинг оёқларини ҳўл қилмайди. Шу саҳнага бир нигоҳ ташлашга уриниб кўринг, ичкари кириг... Бошдан-оёқ гарибликни кўрасиз! Деворларга қоқилган, ёғ босган гулқоғозлар заррача бўлса ҳам кўнглингизни очмайди. Одам бошини уриб ўзини ўлдирши учун миҳ ҳам топилмайди. Паркет пол сийқаланиб, ифлосланиб кетган. Залнинг ўртасида чўзинчоқ доира стол. Унинг мовути олтин тангалардан сийқаланиб кетган. Стол атрофидаги стуллар тирбанд. Тўқима похол ўриндиқли жуда оддий стуллар бу ерга фалокат босиб, бойлик ва дабдаба деб келган одамларнинг дабдабага ҳайратомуз бефарқлигини кўрсатади. Одам дилига ёқмайдиган иш қилган вақтларда ҳамиша шундай зиддиятлар пайдо бўлаверади. Ошиқ ўз маъшуқасини ипак либосларга, Шарқнинг майин атлас-шойиларига буркашни хоҳлайди, аммо кўпинча унга оддий тўшақда етишади. Олий мартабаларни орзу қилувчи амалпараст кўпинча қулларча хушомад ботқоғида судралиб юради. Савдогарнинг зах ва димиққан дўконидан не ҳасратлар билан пул топиб солган данғиллама уйлари, ўроқда йўқ-машоқда йўқ, хирмонда тайёр меросхўр ўғилга қолади. Ўғил ҳам акаси билан судлашиб, енгилгач, уйдан

¹ Экю — беш франк.

ҳайдаб чиқарилади. Ниҳоят, ишратхоналардай кўнгилсиз жой борми дунёда? Одам ўзи билан ўзи олишиб, фалокатлар ёғилиб келганда келажакдан умидини узади, яна келажакка умид билан фалокатлардан ўзини ҳимоя қилади, ҳамма қилмиш-қидирмишларида одамга хос саботсизлигини ва заифлигини ошқора қилиб кўяверади. Бу дунёда бахтсизликдан бошқа ҳеч нарса тўла-тўқис бўлмайди.

Ўйигит қиморхонага кирганида бу ерда аллақачон ўйин бошланган эди. Яшил мовутли стол атрофида тепакал учта чол стул суянчигига ўзини ташлаб ўтиришарди. Уларнинг дипломатларниқига ўхшаш ҳиссиз, девордай юзлари ҳаётдан тўйган одамлар эканлигидан далолат берарди. Буларнинг юраклари аллақачон ҳаяжонланиш нималигини билмай қолган, улар ҳатто хотинларининг ота-бобосидан қолган ер-сувлари қартага тикилганида ҳам заррача ҳаяжонланмайдилар. Зайтуранг юзли, ёш, қорасоч итальян йигит ўзининг пинҳоний сезгиларига, «Бор!» ёки «Йўқ!» деган маъшум садо берувчи сезгиларига қулоқ солганича, стол қиррасига тирсаги билан суяниб, хотиржам ўтирарди. Жанублик бу йигитнинг юзи олтин ва олов рангида эди. Етти-саккиз томошабин галеркада ўтиргандай саф тортишиб, тақдир хоҳиши, ўйинчиларнинг юзлари, пул ва куракчаларнинг ҳаракати қандай томоша кўрсатишини кутишар эдилар. Бу тақасалтанг одамлар Гре майдонида жаллод аллақайси бечоранинг бошини узишини томоша қилишга тўпланган оломондай, овоз чиқармай, миқ этмай, бутун диққатини ўйинга қаратишган эди. Яғири чиққан фрак кийган, бир қўлида ёғ босган дафтар, бошқа қўлида тўғнағич ушлаган баланд бўйли жаноб неча марта қизил ва неча марта қора қарта очилишини белгиламоқчи бўларди. Асрининг лаззатларидан ўзини четга тортган замона *Танталларидан* бири бўлган бу одам тасаввурда пул тикиб ўйнайдиган хасислар тоифасидан эди. Черковда ёш руҳоний эрталабки ибодат вақтида одамларнинг қилган гуноҳларини кечирешини ва хавф-хатарларни даф этишни олло таолодан сўраб дуо қилади. Баъзи ваҳимачи телбалар ҳам шунга ўхшаш ўзларини хом хаёллар билан овутадилар. Бояги жаноб ҳам шундайлардан эди. Қиморбоз йигитнинг қаршисидан қамоқлар билан ҳам қўрқитиб бўлмайдиган, ўйиндаги барча имкониятларни билувчи, пихини ёрган каторгачи-жиноятчиларга ўхшаш ўткинчилар жой олган эдилар. Булар кези келса, уч марта пул тикиб, ютуқ чиқиши билан қиморхонадан чиқиб кетишни мўлжаллаган одамлар эдилар. Уларнинг бор бисоти мана шу сўнги ютуқда эди. Иккита қари қарол қўлларини кўкрагига чалкаштирганича у ёқдан-бу ёққа бориб келишар, гоҳо деразадан боғ томонга қараб, ялпоқ юзларини эълондай кўрсатиб қўйишар эди. Қассир ва банк очувчи қиморбозларга азроилдай тунд қараб, бўғиқ овоз билан эндигина «тикинглар!» деб турган-

да эшик очилиб, бояги йигит кириб келди. Сукунат яна ҳам чуқурлашди, ҳамманинг нигоҳи қизиқиш билан янги келган одамга қаратилди. Фаройботни қаранг! Номаълум одам пайдо бўлиши билан тўнка бўлиб қолган чоллар, тошга айланган қароллар, томошабинлар, ҳатто мутаассиб итальян йигит — ҳамма-ҳаммаси қандайдир даҳшатни кўргандай қотиб қолишди. Одатда бу залда ҳамиша ғам-андух ичга ютилади, бировнинг кулфатига ҳамма кулади, дод-фарёд оддий нарса ҳисобланади. Бу ерда бировнинг шафқатига сазовор бўлиш учун ўтакетган бахтсиз, бировнинг меҳрини қозониш учун жуда заиф, бировнинг кўнглини эритиш учун жуда ғариб киши бўлиш керак. Йигит кириб келганида мана шу туйғуларнинг ҳаммасини ифодаловчи янги кайфият одамларнинг муз юракларини ларзага келтирди. Ахир баъзан жаллодлар ҳам революция буйруғи билан кесилган қизларнинг жажжи бошлари устида кўз ёшлари тўкишган-ку!

Ўйинчилар бир қарашдаёқ янги келган одамнинг юзидаги даҳшатли бир сирни уқиб олишди; унинг нозик вужудидан чексиз ҳасрат, мунг ёғилар, ёшгина чеҳрасида беҳуда уринишларнинг, пучга чиққан минглаб умидларнинг излари бор эди!

Унинг рангсиз, қони қочган манглайда ўзини ўлдиришга чоғланган қотилнинг даҳшатли хотиржамлиги, мийиғида енгил ва дардли табассум, унинг бутун чеҳрасида шундай бир тушкунлик бор эдики, одам қарашга қўрқарди. Чамаси, чексиз лаззат изтиробларидан ҳориган, туманлашган бу кўзларнинг туб-тубида яширин бир даҳо-заковат ярқирарди. Эҳтимол, бу фариштали чеҳрадан илгари нур ёғилиб турган, энди эса бебошлик ифлос тамғасини босгандир? Чеҳрасидаги қизил доғларни ва қовоқлари салқиганини кўрган докторлар бу йигитнинг юрак санчиги ёки кўкрак сили бор, деб ўйлаши мумкин. Шоирлар эса фанга ўзини бағишлаган одам ишчиरोқ ёруғида уйқусиз кечаларни ўтказганда шундай аломатлар бўлади, деб ўйлашарди. Аммо, янада даҳшатлироқ эҳтирос, ақлий меҳнатдан ва заковатдан кўра шафқатсизроқ дард-касаллик бу ёш чеҳрани сўлдириб, хунуклаштириб, серғайрат мушакларини шалпайтириб қўйган, эндигина фарёдлар, меҳнат ва касаллик ёпишган юрагини ҳолдан тойдирган эди: Каторгада машҳур жиноятчи пайдо бўлганида маҳбуслар уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишади. Шунга ўхшаб, қиморхонада тўпланган, кўп жабру жафолар чекиб пишиб кетган, одам қиёфасидаги бу иблислар ҳам янги пайдо бўлган нотаниш одамнинг юзидаги мислсиз қайғу, чуқур дард-ҳасратдан, лабларидаги сассиз киноядан, камбағалниқига ўхшамаган башанг кийимидан ўзларининг подшоҳларидан бири келганлигини сезиб қолишди. Йигитнинг эгнида қимматбаҳо фрак бор эди, аммо галстуги жилетининг ёқасига шу қадар ёпишиб турардики, унинг ичида қўйлаги

бор-йўқлиги билинмас эди. Аёлларникидай нозик қўлларини жуда ҳам тоза дейиш қийин эди,— ахир у икки кун қўлқопсиз юрганди. Банк очувчи ва ҳатто лакейларнинг сесканиб кетганининг боиси шуки, йигитнинг нозик ва келишган жусасида, кўнғир ва сийрак, табиатан жингалак сочларида ҳамон бегуноҳлик, поклик жозибаси бор эди. Чехрасидан йигитнинг йигирма беш ёшларда эканлиги, бузуқлик йўлига тасодифан кириб қолгани сезиларди. Ёшлик яшноқлиги ҳали қонмаган лаззатпарастликнинг вайронгарчилигига қаршилик кўрсатарди. Унинг бутун вужудида зулмат ва нур, ажал ва ҳаёт курашар, эҳтимол, худди шунинг учун йигит қандайдир мафтункор ва даҳшатли таассурот қолдирарди. Ёш йигит бу ерга худди ҳақ йўлдан тойган ва нури сўнган фариштадай кириб келди. Тишлари тўкилган кампир бузуқлик йўлига кираётган гўзал қизга раҳми келиб, «Бу ердан кетинг!» дегандай, мана шу гуноҳ ишлар ва шармандали эҳтирослар борасида хизмат кўрсатган «устозлар» ҳам кетинг, деб қичқиришга тайёр эдилар.

Йигит тўғри қимор столи олдига ўтиб тўхтади ва ўйлаб ўтирмай олтин тангасини мовутга ташлади; танга мовутнинг қора томонига думалаб кетди, йигит зикна одамларга хос иккиланишдан нафратланадиган барча кучли одамлардай, банк очувчига тик ва хотиржам боқди. Уйиннинг бундай бориши шу қадар қизиқиш туғдирдики, чоллар пул тикмадилар; аммо, итальян йигит мутаассибларча эҳтирос билан, хаёлига келган фикрга амал қилиб, ўзининг ҳамма олтинларини нотаниш йигитга қарши тикди. Кассир одатдаги сўзларини айтишни, «Тикинг!», «Тикканингиз ҳисоб!», «Бошқа тикманглар!» деб хириллашни ҳам унутди. Банкчи картани очди. Мана шу даҳшатли кўнгилхушликни уюштирган, ютганга ҳам, ютқизганга ҳам бефарқ қарайдиган, шу автомат киши ҳам янги келган одамга омад тилар эди. Ҳамма бирдай бу олтин танга фожиаси, покиза ҳаётнинг охири саҳнаси нима билан тугагини билишга қизиқиб, нигоҳларини машъум қартага қадаган эдилар. Аммо, улар гоҳ йигитдан, гоҳ қарталардан кўзларини узмасалар-да, йигитнинг совуқ ва итоаткор юзида заррача ҳаяжон аломатини сеза олмадилар.

— Қизил ютди, қора ютқазди,— расмий оҳангда эълон қилди банкчи.

Кассир мовутга бир даста буклогли пулларни ташлаётганини кўрган итальян йигитнинг кўксидан хирқирашга ўхшаш бир садо отилиб чиқди. Ёш йигит эса куракча сўнги олтин наполеондорига узатилганини кўрганидан сўнгина ўзининг тамом бўлганини сизди. Фил суяги тангага енгил урилиши билан олтин танга ўқ тезлигида кассир олдида турган олтинлар тўпига думалаб кетди. Нотаниш йигит аста кўзларини юмди, лабининг қони қочди, аммо у шу заҳоти

кўзини очди; лаблари ҳақиқдай қизариб кетди. Шу тобда у дунёдаги ҳамма сирларнинг тагига етган совуққон инглизга ўхшаб қолди. Йигит томошабинларга умидлари чилпарчин бўлган одамнинг сўнги фарёдли нигоҳини ташлашни ва бу билан ўзига хайрихоҳлик тилашни истамай, шу заҳоти гойиб бўлди. Биргина дақиқа ичида қанча воқеалар бўлиб ўтади, куракчанинг биргина зарби қандай улкан маънолар англайди!

— Бу, албатта, унинг сўнги бисоти эди,— деди кулимсираб крупье (ўйинбоши) ва бир лаҳза сукутдан сўнг олтин тангани икки бармоғи билан ушлаб, одамларга кўрсатди.

— Ақли жойидами! Жинилик қилиб яна ўзини дарёпарёга ташламаса,— деди қиморхонанинг доимий ўйинчиларидан бири ўтирганларга қараб. Улар ҳаммаси бир-бирига таниш эди.

— Бўлмаган гап!— хитоб қилди қарол бир чимдим тамакини бурнига тутар экан.

— Мана бу жанобга ўхшаб иш қилганимизда қандай соз бўларди!— деди чоллардан бири улфатларига итальян йигитни кўрсатиб.

Ҳамманинг нигоҳи қоғоз пулларни қўллари қалтираб санаётган бахтиёр қиморбозга қаратилди.

— Кўнглим сезиб турганди,— деди итальян йигит,— «бу одам умидсизликка тушиб турибди, ўйлаб ўйнасам ютаман», деган фикр хаёлимга келаверди.

— Шуям қиморбоз бўлдим,— сўз қотди кассир,— қиморбоз пулларини учга бўлиб тикарди, шунда ютиш имкони кўпаяди.

Ютқизган нотаниш йигит қиморхонадан чиқаётганида шляпасини олишни унутди. Аммо бу ернинг «тозиси» йигитнинг бир аҳволда чиқаётганини кўриб, индамай унга жулдур матоҳини узатди: ёш йигит беихтиёр рақамчани қайтариб берди ва «*Di tanti rappliti*»¹ деган мафтункор куй оҳангида ўзи ҳам эшитмайдиган даражада аста ҳуштак чалиб, зинадан туша бошлади.

Кўп ўтмай, йигит Пале — Рояль гумбазлари остидан чиқди, у ердан Сент-Оноре кўчасига ўтиб, *Тюильри* боғига бурилди ва журъатсизлик билан боғни кесиб ўтди. У саҳрода кетаётгандай эди, қаршидан келаётган одамларга уриниб-туртинса ҳам, ҳеч кимни кўрмасди. Кўча шовқини орасида унга фақат бир сас — ўлим овози эшитиларди. У Адлия қасридан Гре майдонига, 1793 йилдан буён тўкилаётган қонлардан қизариб кетган эшафотга олиб борилаётган жиноятчилардай, ўйга фарқ бўлганича муз қотган эди.

¹ Россинининг «Танкред» операсидан. «Нечун бу ҳаяжон!..»

Ўз жонига қасд қилишда қандайдир буюклик ва даҳшат бор. Болалар пастроқ жойдан йиқилганда ҳеч қаери лат емайди, кўпчилик одамларнинг қулаши шундай, қўрқинчли эмас. Буюк одам эса жуда катта баландликдан, самога кўтарилган ва ҳеч кимга насиб қилмайдиган жаннатни кўрган жойидан қулайди ва пачоқланиб кетади. Одамни тўппонча оғзидан ором тилашга мажбур қилган довуллар нақадар шафқатсиз бўлиши керак. Зерикканидан пашша қўрийдиган, олтин-кумушлар чарчатган оломон олдида мансардага — диққинафас ҳужраларга қамалиб, миллионлаб жонли вужудлар орасида фарқ бўлиб кетган қанчадан-қанча ёш истеъдодлар сўлади ва ҳалок бўлади: негаки буларнинг яқинида қўллайдиган бирор дўсти, кўнглига тасалли берадиган бирор аёл бўлмайди! Шу ҳақда ўйлаб кўришимиз билан кўз ўнгимизда ўз жонига қасд қилишнинг буюк маъноси пайдо бўлади. Ёш йигит ҳаётбахш орзу-умидлар оғушида, қанчадан-қанча ижодий ниятлар билан, қанчадан-қанча шеър ёзаман, деб Парижга келади. Аммо оқибатда йигит тушкунликка тушади, ҳавас-ҳайратлари бўғилади, урнишлари самарасиз қолади, дурдона асарлари чала тугилади. Охири ўлимига рози бўлади. Бу ишларнинг ҳаммаси ёлғиз худога аён. Ҳар қандай ихтиёрини ўлим — тушкунликнинг юксак достони. Қуйидаги газета хабарига эътибор беринг:

«Кеча кундузи соат тўртда ёш аёл Санъатлар кўприги устидан Сенага ўзини ташлади».

Адабиёт уммонида кўнгилни ларзага солиш қуввати жиҳатдан мана шу газета хабарига тенг келадиган, у билан қобат қила оладиган бирор асар топилармикан?

Бундай Парижча лўндалик олдида драмалар, романлар, ҳатто йўқолиб кетган ва фақат ягона парчаси сақланиб қолган қадимий китобнинг «Ўз фарзандлари томонидан чоҳга ташланган шавкатли Карнава қиролининг фарёди» деган сарлавҳаси ҳам ҳеч нима бўлмай қолади. Хотини ва болаларини ташлаб кетган *Стерн* ҳам бу китоб устида кўз ёши тўккан эди.

Жанг пайтида тилка-пора бўлган байроқлар ҳилпирагандай, нотаниш йигитнинг бошида ҳам шунга ўхшаш узук-юлуқ фикрлар ғужғон ўйнарди. У майсалар орасида шамол эпкинни енгил чайқалтираётган гуллар олдида тўхтаб бир зум ўй-хаёллар ва хотиралар юкини улоқтирди; сўнг ўлимини ўйлаб қийналаётганини, ҳаётга талпинаётганлигини сезиб, осмонга боқди, бироқ муаллақ, сурранг булутлар, шамолнинг эзилиб увиллаши ва суяк-суякка ўтаётган заҳ қуз ҳавоси унинг ўлимга иштиёқини яна кучайтирди. У ўзидан аввал ўтган, ўзини ўлдирган ўтмишдошларининг сўнгги истакларини ўйлаб, Қирол кўприги олдига яқинлашди. Лорд Каслриф ўзини бўғизлаш олдидан заҳар ушатганлигини, академик Оже ўлимга кетаётиб, тамакидонини излаганини

ёслаб жилмайди. Бундай ғалати қилиқларнинг маъносини ўйлаб кетаётиб, бирдан ўзи ҳам бозорчи ҳаммолга йўл бераман, деб кўприк раҳига суянганида фракинни енгига юқиб қолган оҳакка ўхшаш нарсани астойдил қоқаётганини сезиб қолди.

— Одам чўкадиган ҳаво бўлмапти,— масхараомуз кулди жулдурвоқи бир кампир.— Сена ҳозир ҳам ифлос, ҳам совуқ!..

Йигит кампирга сидқидилдан жилмайиб қўйди. Бу жилмайишда мажнунларча қатъият бор эди. Аммо, шу заҳоти Тюильри соҳилида улкан ҳарфлар билан ёзилган «ЧҲКАЕТ-ЎАНЛАРНИ ҚУТҚАРИШ» деган ёзувни кўриб, юраги шув этиб кетди. Дарров хаёлига «одампарварлиги» билан машҳур бўлган жаноб Деше келди. Деше ҳалоскор эшакларини зўр бериб ишга солар, шўринг қурғур чўкаётган одамнинг сувдан боши чиқиб қолса уриб пачоқлар эди. Йигит кўпинча жаноб Дешенинг бекорчиларни атрофига тўплаб, доктор қидиришини, ўликни ёқишга ҳозирлианини кўрган эди. Жаноб Деше қизгин базмда ўтириб, шўх раққоса билан учрашиб, шу орада журналистларнинг таъзияномаларини ўқирди. Йигит ўзининг ўлиги учун полиция префекти санаб берадиган олтин экюларнинг жарангини эшитгандай бўлди. Унинг ўлиги эллик франк туради, аммо тирик бўлса-чи — ёмғирдан сақланиш учун бошпанаси ҳам, ёр-дўстлари ҳам, похол тўшаги ҳам бўлмаган истеъдодли одам холос, тириклигида у жамият учун икки пулга қиммат, давлатга кераксиз; давлат ҳам унинг заррача ғамини емайди. Куппа-кундузи ўлиш унга жуда хунук туюлди, у кечаси чўкишга қарор қилди. У буюк руҳини тан олмаган жамиятга ўлигини ҳам раво кўрмади. Шунинг учун у вақтини қандай ўтказишни билмай, тентираб юрган беғам одам қиёфасида бу ердан нарироққа, Вольтер соҳилига қараб юрди. У кўприк охиридаги зиналардан тушаётганида соҳилнинг мўйилишида кўприк раҳига териб қўйилган эски китобларга кўзи тушди ва саҳҳоф билан баҳолашишга сал қолди. Сўнг ўз устидан кулиб, файласуфларча икки қўлини жилетининг чўнтакларига тикди ва яна беғамларча юришда давом этди. Бу юришда ҳамма нарсага совуққон нафрат бор эди. Аммо, шу заҳоти чўнтагида мўъжизадай туюлган тангаларнинг жарангини эшитиб қолди. Умид табассуми унинг юзини ёриштириб юборди, бу табассум-аввал лабларига, сўнг бутун юзига, манглайига ёйилди, кўзларида, қорайган ёноқларида шодлик олови ёнди. Бу бахтиёрлик шуъласи худди ёниб адо бўлган қоғознинг охириги чўғланишига ўхшарди; аммо, тез қўлларини чўнтақдан олиб, икки сулик учта тангани кўрганда унинг юзи яна тақдирнинг тунд рангини олди — юзига яна қайғу чўкди.

— Саховат қилинг, жаноб, la carita! La carita! Catarina!¹
Ақалли нонга бир су беринг!

Жулдур кийимли, юз-кўзлари қорайиб кетган мўри тозаловчи бола бу одамнинг сўнгги чақаларини сўраб, қўлини чўзди.

Кичик савоярдан икки қадам нарида жулдур кийимли, журъатсиз, касалманд, дард чеккан қари тиланчи қўпол ва хирқироқ товуш билан илтижо қиларди:

— Жаноби олийлари, берганингизча беринг, худо сизни ўз паноҳида сақласин...

Аммо йигит чолга қараши билан у индамай қолди, у энди ҳеч нарса сўрамас, йигитнинг ўлим соя ташлаган юзида ўзиникидан ҳам кўра зўрроқ муҳтожликни сезган эди.

— La carita! La carita!

Нотаниш йигит болага ва чолга бор тангаларини ташлади, соҳил сўқмоғидан тушиб, Сенанинг даҳшатли турқини кўрмаслик учун уйлар оралаб кетди.

— Худо сиҳат-саломатлик берсин!— деб қолишди иккала тиланчи ҳам.

Бу чалажон одам эстамплар магазинига яқинлашганида ҳашаматли файтундан ёшгина аёл тушди. Йигит оппоқ чеҳрасини ҳашамли шляпа устидан ўралган атлас дурра безаб турган бу гўзалга завқ билан боқди. Қизнинг келишган қомаги, нозик-нафис ҳаракатлари йигитни мафтун қилди. Файтун зинасидан тушаётганда қиз кўйлагининг этагини хиёл кўтарганида оппоқ пайпоғи таранг тортилиб турган оёғи кўриниб кетди. Жувон магазинга кириб, альбомлар ва тош босма сураглар коллекцияларини харид қила бошлади; у бир неча олтин танга тўлади, тангалар ғаладонга тушаётганида ялтираб, жаранглаб кетди. Йигит магазиндан чиқаверишдаги гравюраларни томоша қилган бўлиб, нотаниш гўзалга ўткир нигоҳ ташлади. Эҳтиросга тўла нигоҳ эди бу. Аммо бунга жавобан ёш гўзал ўткинчиларга қарагандай бепарвогина қараб қўйди. Йигит учун бу — муҳаббат билан, аёл зоти билан сўнгги хайрлашув эди! Аммо бу сўнгги, эҳтиросли даъватни тушунишмади, енгилтак гўзалнинг қалби заррача ҳаяжонланмади, бу нигоҳдан аёлнинг юзига қизиллик югурмади, кўзлари ерга қадалмади. Бу йигит ким бўлипти унинг учун? Бу қиз учун одатдаги яна бир ҳайратли нигоҳ, ўзи уйғотган яна бир эҳтирос холос. Қиз уйига борганида кечқурун ўзидан кўнгли тўлиб: «Бугун жуда очилиб кетибман», деб қўя қолади. Йигит нариги ойна томонга ўтди ва нотаниш гўзал файтунга ўтираётганда қарамади ҳам. Отлар жойидан жилишди, шу билан фаровонлик ва гўзалликнинг сўнгги манзараси ҳам сўнди; йигитнинг умри ҳам шундай сўнади.

¹ Хайр қилинг! Хайр қилинг! Муқаддас Екатерина ҳаққиғал!

Йигит ланж қадамлар билан магазинларни айланишда давом этди, у витриналардаги молларнинг намуналарини ҳеч бир қизиқишсиз кўздан кечирарди. Дўконлар тугаганида у *Луврни*, Академияни, *Биби Марям ибодатхонаси* минораларини, Адлия қасри минораларини, Санъатлар кўпригини томоша қила бошлади. Осмоннинг сўниқ рангларини, булутлар орасидан тушиб турган хира ёруғликни акс эттирган бу иншоотларнинг ҳаммаси тунд, совуқ кўринар, ғалати бир инжиқлик билан гоҳ хунук, гоҳ гўзал бўлиб турувчи чиройли хотинга ўхшаган Парижга қандайдир дарғазаб тус берарди. Асаб толаларимиз бўйлаб физиллайдиган флюидлардан иборат чиритувчи кучлар домига тушган йигитнинг бутун вужуди сув бўлиб оқиб кетаётганга ўхшарди. Бу талваса азоблари туфайли унга бутун борлиқ чайқалаётгандай кўринарди. Одамлар, иморатлар туман орасида қалтираб кўринарди. У моддий оламнинг ғашга тегувчи таъсиридан қутилишни истарди. Туйғуларига озик бериш ёки ақалли қоронғи тушгунча санъат асарларини баҳолашиб вақтни ўтказиш мақсадида қадимий буюмлар дўконига йўл олди. Одатда дор остига бораётган жиноятчи, ўз кучига ишонмай ўзини ўнглаб олиш учун қувват берувчи бирор ичимлик сўрайди. Аммо, у ўлим яқинлашганини сезиб, иккита хуштори бўлган герцог хонимдай дадиллашди. У қадимий буюмлар дўконига мағрур, маст табассум билан кириб борди. Дарвоқе, у ҳаётдан маст ёки ўлими яқинлашиб қолганидан маст эмасмикин? Кўп ўтмай йигитнинг яна бешин айлана бошлади, бирдан ҳаммаёқ ғалати рангларга бўялиб, жонланиб, енгил чайқалиб кўрина бошлади. Шубҳасиз, бу йигитнинг вужудида қон айланиши бузилганидан, томирларида гоҳ шаршарадай айқириб, гоҳ илиқ-милик сувдай оҳиста сизилаётганидан эди. У, залларни айланиб дидига ўтирадиган бирор ноёб нарса қидирмоқчи эканлигини айтди. Денгиз мушуги терисидан картуз кийган, икки бети қип-қизил гумашта дўконини деҳқон кампирга, урғочи *Калибанга* қолдирди. Бу қўрқинчли, хунук кампир *Бернар Палиси* даҳоси яратган, чинакам санъат мўъжизаси бўлган кошинкор ўчоқни тозалаш билан банд эди. Гумашта номаълум йигитга бетакаллуф гапирди:

— Қараб кўринг, жаноб, қараб кўринг! Пастда фақат жўн нарсалар бор, аммо юқорига чиқсангиз Қоҳирадан келган гоят гўзал мўмиёларни, кўзни қамаштирувчи вазаларни, нақшли қора огочларни— чинакам Ренессанс буюмларини кўрсатаман, ҳаммаси яқинда келтирилган, ҳаммаси аъло навли буюмлар.

Нотаниш йигитнинг аҳволи жуда огирлашди, бу чичеронининг тинимсиз лақиллаши, чайқовчилардай бидирлаши ғашини келтирди. Одамлар мана шунга ўхшаш бачкана гаплар билан безовта қилавериб, даҳони ҳам гўрга тиқишади.

Аммо йигит азобларга охиригача чидашга аҳд қилиб, ўзини йўл бошловчининг гапларини тиңглаётгандай қилиб кўрсатар, гапларига ишора билан, «ҳа» ёки «йўқ» каби сўзлар билан жавоб қилар эди. Охири у жимликка эришди ва кўрқмай яна ўзининг даҳшатли ўйларига ғарқ бўлди. У шоир эди ва қалби тасодифан ўзига озик топиб олди: ҳали тирик бўла туриб, йигирма оламнинг гардини кўра оларди энди.

Бир қарашда магазин заллари тартибсиз манзарани эслатар, бу манзарада худо ва инсон бунёд этган барча мавжудотлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Мумиёланган тимсоҳ, илон ва маймунлар ойнадаги черков суратларига тиржайиб боқишарди, гўё мрамор баданларни тишлаб олиш учун ҳамла қилаётгандай, локланган буюмлар кетидан қувламоқчидай, қандилларга осилиб чиқмоқчидай қиёфада эдилар. Жақото хоним мўйқалами билан Наполеон сурати туширилган Севр вазаси *Сезострисса* аталган сфинкс ёнида турарди. Кўҳна замонларда ва кечагина юз берган воқеалар бу ерда ғаройиб ҳолатда аралашиб кетган эди. Ошхонада турадиган кабоб сихи муқаддас хок сақланадиган идиш устида, республикачилар қиличи ўрта аср пилта милтиғи олдида турарди. Латур мойбўёғида ишланган, бошида юлдуз чарақлаб, атрофини булутлар қоплаган яланғоч Дюбарри хоним ташна бир қизиқиш билан ҳинд чилимининг илондай кулча бўлиб ётган халқаларининг нега кераклигини билишга уринарди. Ажал қуроллари: ханжарлар, ғаройиб тўппончалар, яширин тепкили милтиқ рўзгор буюмларига: чинни косалар, Саксония тарелкалари, шаффоф хитойи пиёлалар, қадимий туздонлар, ширинлик солинадиган ўрта аср қутичалари билан аралашиб кетган эди. Фил суягидан ясалган, барча елканлари кўтарилган кема ҳаракатсиз тошбақанинг устида «сузар» эди. Ҳаво кучи билан ишлайдиган — пневматик асбоб шохона салобат тўкиб турган император Августининг кўзларига кириб кетай дерди. Француз савдогарларининг бир неча оқсоқоллари ва голланд бургомистрлари мана шу қиёмат-қойимга тириклик пайтларидаги каби ҳиссизлик билан тунд, совуқ назар ташлаб туришарди. Гўё барча мамлакатлар бу ерга ўз билимларининг парча-пурчаларини, ўз санъатларининг намуналарини олиб келишган эди. Бу фалсафий ахлатхонада ҳамма нарса — ёввойиларнинг Тинчлик чилими ҳам, сераль — ҳарамхонадан келиб қолган яшил тилла шиппак ҳам, араб кескир қиличи ҳам, нўғойнинг санами ҳам топиларди. Бу ерда аскарнинг носхалтасидан тортиб, черков инъомдонигача, бир вақтлар қайсибир тахтнинг маҳфилини безаган шойнгача — ҳамма нарса бор эди. Турли рангларнинг аралаш товланишлари, нур ва соянинг жимирлаши туфайли бу даҳшатли манзарани минглаб хилма-хил жилолар жонлантирарди. Гўё узук-юлуқ қичқириқлар қулоққа чалинар, чала қолган фожеалар идрок этилар, ҳали ўчмаган чўғлар кўзга

кўринарди. Устига-устак, бу нарсаларнинг ҳаммасига абадиятнинг гард-губори чойшабдай ёпилган, шу туфайли уларнинг қирралари ғаройиб манзара ҳосил қилган эди.

Цивилизациялар ва динларнинг парчалари, тангрилар, санъат дурдоналари, ўтмиш салтанатлари, кайфу сафолар, маърифат ва жаҳолат ёдгорликлари тўлиб-тошган уч зални нотаниш йигит кўп қиррали кўзгуга ўхшатди, бу кўзгунинг қирралари бутун оламни акс эттиришарди. Ана шундай умумий, туманли таассурот олган йигит бирор ёқимли нарсани кўриб диққатини чалғитиш учун теварак-атрофига қаради, аммо ўйларга, орзуларга ғарқ бўлиб, аҳтимол, ич-этини еяётган очликдан бўлса керак, безгак тутгандай қалтирай бошлади. Ўз қўли билан бунёд этган нарсаларида мангу из қолдирган, аммо ўзлари йўқолиб кетган бутун-бутун халқлар, айрим шахслар тақдири ҳақидаги ўйлар йигитни ҳушсиз бир мудроқликка ғарқ этди. Бу дўконга келишдан мақсад тилаги амалга ошди; у реал ҳаётдан ташқарига чиқадиган эшикни топди ва зинама-зина олий руҳий оламга кўтарилиб, сеҳрли жозиба қасрларига етди. Авлиё Иоанн Патмосда кўз олдидан ёниб ўтаётган келажакни кўргандай, у ҳам бу ерда бутун оламнинг парчалари ва шуълаларини кўрди.

Жафоқаш, улугвор, даҳшатли, қоронғу ва нурли, узоқ ва яқин қиёфалар тўда-тўда, лак-лак, авлод-авлод бўлиб кўз олдидан ўта бошлади. Қум тепаларда суякка айланган қора кафанларга ўралган мўмиё қиёфасида сирли Миср пайдо бўлди; кейин ўзларига қабр қуриш учун бутун-бутун халқларни қабрга тикқан фиръавнлар, Мусо, ибрийлар саҳроси — қадимий ва улугвор дунё кўзига кўринди. Урама устундаги ёшгина ва мафтункор мрамор баданли гўзал унга Греция ва Иониянинг лаззатбахш афсоналаридан сўз очди. Нозик ишланган Этруск вазасининг қизил сополида тангри *Приан* ҳузурида рақс тушиб, уни шодон олқишлаётган ёшгина қорамағиз қизни кўрганида ким бўлсаям кулиб юборган бўларди. Унинг ёнида эса Латин маликаси даҳшатли махлуқни меҳр билан силаб-сийпалар эди. Бу ерда Рим императорлигининг барча ғаройиботлари кўринар, ўзининг *Тибулини* кутаётган шўх, хаёлпараст *Юлия* чўмиладиган ванна, ётадиган шохтўшаги, киядиган ҳарир либослари тасаввурда гавдаланарди. Арабий тилсимлар қудратини билувчи Цицероннинг боши озод Римни эсга туширар ва йигит хаёлида Тит Ливий саҳифалари жонланарди. У „*Senafus populusque Romanus*„¹ ни томоша қилар, консуллар, ликторлар, алвон ҳошияли ридолар, форумдаги кураш, ғазабланган халқ — ҳаммаси тушдагидай ғира-шира кўринарди. Ниҳоят, бу қиёфалар ўрнини христианлик замонидаги Рим эгаллади. Мусаввирлик

¹ Рим сенати ва халқи [латинча].

осмонни ёритиб юборди. Йигит олтин булутларда фаришталар орасида парвоз этаётган, нури билан қуёш ёруғлигини ҳам сўндираётган Биби Марямнинг жамолини кўрди. Қайта туғилган бу Момо Ҳаво бечораларнинг арзларини тинглаб, уларга майин жилмайиб боқарди. Йигит Везувий ва Этна ловаларининг парчаларидан ясалган мазойиқани кўриши билан руҳи жазирама ва нурафшон Италияга парвоз қилди. У *Боржиа* тасвирлаган шовқин-суронли базмларда қатнашди, Аbruцио тоғларида санқиди, итальян қизларининг муҳаббатига ташна бўлди, оқ юзли қийиқ қорақўз қизларни соғиниб қолди. Нафис каштадай нақшин ханжарнинг қон изидан занг билан қопланганини кўрганида у тунги можаро (эрнинг совуқ тиг санчиши билан) чала қолганлигини сезиб, уни титроқ босди. Зарбоф ва шойилар кийган, қийиқ тўртбурчаклардан иборат, қўнғироқчалар тақилган бош кийимдаги Будда санамида Ҳиндистон ва унинг динлари акс этарди. Бу кичик мабуднинг ёнида ҳануз сандал дарахти ҳиди анқиб турган бўйра бўлиб, у бир вақтлар устида ўтирган қиздай чиройли эди. Кўзлари бақрайган, оғзи қийиқ, танаси нотабий эгри-бугри хитойча махлуқ, ҳамиша бир хил гўзалликдан зеркиб хуноқликнинг ранг-баранглигидан мислсиз лаззат оладиган халқнинг фантастик — хаёлий уйдирмалари томошабин қалбини ҳаяжонга соларди. *Бенвенуто Челлини* устахонасида ясалган туздонни кўрганда унинг хаёли машҳур Ренессанс даврига кўчди. Бу даврда санъат ва хирс гуллаб-яшнаган, подшоҳлар одамларни қийнаб лаззатланган, черков бошлиқлари ўзлари гўзал нозанинлар қучоғида ётиб, оддий руҳонийлари покликка қақриб буйруқлар чиқаришган. Камея унга Искандарнинг ғалабаларини эслатди, пиликки аркебуза — камалак *Писарро* кирғинини, дубулғанинг учи эса мажнунларча, қайноқ, шафқатсиз диний урушларни эслатди. Қойиллатиб ишланган ялтироқ миланча совутларга қараганда рицарлик замонидаги шодон қиёфалар талатўп бўлиб жонланди; пўлат дубулға тешикларида баҳодирнинг кўзлари ҳамон чақнаётганга ўхшарди.

Атрофидаги буюмлар, уйдирмалар, модалар, санъат асарлари, харобаларнинг бутун бир уммони унга дoston айтаётгандай эди. Шақллар, бўёқлар, фикрлар ҳаммаси жонланар, аммо дилга тугал бир мақсад бермасди. Гўё буюк рассом улкан мўйқаламини тайёрлаб, беғам бир хотамтойлик билан инсоният ҳаётининг сон-саноксиз тасодифларини аралаш-қуралаш чизиб ташлагандай эди. Шоир буюк рассомнинг бу чала асарини охирига етказиши керак эди. Мамлакатлар, асрлар, салтанатларни томоша қилиб, бутун дунёни эгаллаган йигитнинг хаёли яна якка инсонларга қайтди. У маҳобати билан бизни эзиб юборадиган миллатлар ҳаётидан ўзини ажратиб, ҳар бир инсон қиёфасига кириб кўрди.

Анави ерда *Руйш* музейида сақланиб қолган, мумдан

ясалган бола мудраб ётарди. Бу ширин вужуд унга шодон болалик чоғларини эслатди. Қандайдир таитилик қизнинг пешбандини кўрганида, унинг қайноқ тасавурида оддий, табиий ҳаёт, яланғоч баданларнинг ҳақиқий иффати, одамзодга гоҳо ярашадиган ялқовлик лаззати, одамларни ўзининг ширин аталаси билан текинга боқадиган банан дарахти соясида, салқин ва ўйчан жилға бўйида кечадиган осуда ҳаёт манзаралари жонланди. Аммо, сон-саноксиз чиғаноқларнинг феруза ранг товганишларидан илҳомланиб, ҳали денгиз ўт-ўланлари ва Атлантика бўронларининг нафаси келиб турган юлдузсимон марваридларнинг гўзаллигидан руҳланиб, бирдан корсарга, — денгиз қароқчисига айланди ва *Лара* тимсолидаги шиддатли поэзияга шўнғиди. Сўнг қимматбаҳо қадимий кўлэзма китобининг нозик-нафис тасвирларини, шафақранг ва зарҳал нақшларини кўриб ҳайратланди ва бўронларни унутди. У сокин ўйларнинг аллалашига ғарқ бўлиб, ақлий меҳнатга, илмий ишларга қайтишга интилди; роҳибларнинг қайғусиз ва шодликсиз тўқ турмушини орзу қилди; хаёлида ибодатхона ҳужрасида уйқуга ётиб гумбазли деразадан ибодатхона ўтлоқларини, ўрмонзор ва тоқзорларини томоша қилди. *Тенирс* ишлаган катта сурат олдида у хаёлан аскар чакмонини ёки ишчининг жулдур кийимини елкасига ташлади; у ёғ босган ва тамаки ҳиди келиб турадиган фламандрларнинг қалпоғини кийгиси келди, пиводан маст бўлди ва деҳқонлар билан қарта ўйнади, юзи қизарган оқбадан деҳқон қизига жилмайиб боқди. У, *Мьерис* картинасида ёғаётган қорни кўриб совуқдан қалтиради; *Сальватор Роза* тасвирлаган уруш саҳнасини кўриб, жанг қилди. Иллинойс ҳиндуларнинг томоғавк-болтасини кўриб, гўё ирокез ҳиндуси скальпини шилиб олаётгандай ҳис қилди ўзини. Ажойиб созни кўриб, уни қаср маликасига тақдим қилди; гўзалнинг тиниқ, лаззатли овозини эшитиб, роҳатланди; Гота услубидаги камин олдида ўтириб, нозанин хонимга севги изҳор қилди; оқшом қоронғилиги гўзалнинг севги тўла кўзларини яширди.

У барча шодликларни, барча қайғу-ҳасратларни бошдан кечирди, борлиқнинг барча жумбоқларини ечди, ўз умрини ва туйғуларини сахийлик билан табиатнинг мана шу арвоқларига, мана шу хаёлий қиёфаларга бағишлади. Ҳатто кўнгида ўзининг қадамлари товуши ўзга, олис дунёдан келаётгандай эшитиларди. Биби Марям ибодатхонаси минораларида Парижнинг шовқин-сурони худди шундай эшитилади.

Бу зиналардан иккинчи қаватга кўтарилар экан, ҳар бир пиллапоя деворида қилич-қалқон, совут-дубулғалар, милтиқ, тўппончалар, назр-ниёз сақланадиган, ҳайкаллар билан безатилган идишлар, ёғоч тасвирлар борлигини сезди. Улим ва ҳаёт чегарасида турган одам кўз олдида пайдо бўлган энг ғалати шакллар, ажойиб-ғаройиб мавжудотлар таъқиб

қилар, у орзу-хаёллар сеҳрига кўмилган эди. Ниҳоят, у ўзининг ўзи эканлигига ҳам ишонмай мана шу чалажон ва чала ўлиги ғаройиб нарсалардан бирига айланиб қолди кўнглида. У янги залларга кирганида қоронғу туша бошлаганди, аммо бу ерда уюм-уюм бўлиб йиғилган олтин ва кумуш хазиналар олдида ёруғликнинг ҳам кераги йўқдай эди. Инсон телбаликларининг мана шу улкан бозорида миллионлаб пулларини исроф қилиб тугатиб, ўзлари муҳтожликда ўлган кишиларнинг энг қимматбаҳо ғаройиботлари бор эди. Эгасига юз минг франкка тушган, аммо кейинчалик юз суга сотилган снѐхдон олдида сирли қулф бор эди. Бир вақтлар бу қулфнинг баҳоси—қиролни асирликдан қутқариш учун етарди. Қора дарахтдан ясалган, *Жан Гужон* суратларига қараб безалган, санъаткор таъзим қилса арзийдиган, устанинг неча йиллар меҳнати сарфланган стол, эҳтимол энди бир саржин ўтин нархига сотилгандир? Парилар қўли билан ясалган қимматбаҳо қутичалар, нақшин ёғоч жиҳозлар—ҳаммаси айқашуйқаш бўлиб етарди. Утган асрларнинг рассомлари устунларини зарҳал нақш ва ҳайкалчалар билан безаган узун залнинг охирига етганида йигит ҳайрат билан:

— Бу ерда миллионлар бор экан-ку! — деб қичқирди.

— Миллиардлар деяверинг! — жавоб қилди антиқа гумашта. — Аммо ҳали булар ҳеч гапмас, тўртинчи қаватга чиқсангиз кўрасиз!

Нотаниш йигит йўл кўрсатувчининг орқасидан тўртинчи галереяга етганида унинг ҳорғин нигоҳи олдидан биринкетин *Пуссен* картиналари, *Микеланжелонинг* ҳайратомуз ҳайкали, *Клод Лорреннинг* аломат пейзажлари, *Герард Доунинг* Стерн саҳифаларига ўхшайдиган картинаси, *Рембрандт*, *Мурильо*, *Веласкесларнинг Байрон* поэмаларига ўхшаш ваҳшатли ва ёрқин, нодир асарлари; нарироқда кўҳна дунёганч нақшлари, ақиқ пиёлалар, ғаройиб ҳақиқлар... биринкетин ўта бошладилар. Хуллас, булар шундай асарлар эдики, уларни кўрган одам меҳнат қилишни хоҳламай қоларди, бундай дурдона асарлар қалашиб етганини кўрган одам санъатлардан нафратланиб, ҳеч нарсага ғайрати қолмас эди. *Рафаэлнинг* «Қиз»ига назари тушди, аммо *Рафаэль* унинг жонига тегди. *Коррежон* мўйқаламига мансуб, эътибор тилаб турган аёл боши эътиборга сазовор бўлмади. Қайсидир *Коринна* учун шодлик келтириши мумкин бўлган, нақшлари ажалли-ғаройиб *Рим приапесини* акс эттирган, порфирдан ясалган бебаҳо антиқа ваза йигитда бир лаҳзали табассумдан бошқа ҳеч қандай туйғу уйғотмади. У йўқолиб кетган эллик асрнинг вайроналари остида қолиб бўғилар, бу инсоний ўйларнинг ҳаммасидан ўзини касал ҳис қилар эди. Бу дабдаба, ҳашамат ва санъатлар юрагини тилка-пора қилар, қайта тирилган бу бадий шакллар уни босиб эзар, чунки буларнинг ҳаммаси ёвуз даҳонинг иродаси билан оёқлари

остида аллақандай махлуқлар қиёфасида пайдо бўлиб, уни битмас-туганмас олишувга, жангга чорлар эди.

Замонавий қиммат баҳра мавжуд нарсаларни газга айлантиргандай, инсон руҳи ҳам кўнглида барча шодликлар, гоёлар ва куч-қудратларни бир лаҳзада тўплаганида даҳшатли заҳарлар ҳосил қилмасмикин? Жуда кўп одамлар ўзига хос руҳий кислоталардан бутун вужуди бирданига заҳарланиб ўлмаганмикин?

— Манави сандиқда нима бор? — сўради йигит кенг хонага — жанговар шон-шуҳрат, инсон уринишлари, жинниликлари, бойликларнинг сўнги дафинасига кириб, қизил оғочдан ясалган, кумуш занжирга осилган катта сандиқни кўрсатиб.

— О, бу хазинанинг калити хўжайинда! — деди сирли оҳангда семиз гумашта. — Агар бу суратни кўргингиз келса хўжайинни безовта қилишга журъат этаман.

— Журъат этасиз? — ажабланди йигит. — Наҳотки хўжайинингиз қандайдир князь бўлса?

— Тўғриси, унчалик билмайман, — жавоб қилди гумашта.

Иккаласи ажабланиб, бир-бирларига тикилиб қолишди. Сўнг, нотаниш одамнинг жим қолганлигини ризолик деб биллиб, гумашта уни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

Қачонлардир Кювьенинг геологияга доир асарларини ўқиб макон ва замон чексизлигига саёҳат қилганмисиз? Унинг даҳоси шамолида тубсиз жарликлар устида сеҳргар қўли ёрдамида парвоз қилганмисиз? Ернинг турли кесмалари ва турли қатламларида, Монмартр тош конларида ва Урал сланецида тўфондан аввалги даврларга тааллуқли қазилма чиқиб қолса юрагингиз орқага тортиб кетади, чунки олдимиздаги қазилма миллиард йиллар, миллионлаб халқларнинг гувоҳи бўлади. Бу халқлар инсониятнинг заиф хотирасидан ўчиб кетгани етмагандай, ҳатто илоҳий афсоналарда ҳам сақланиб қолмаган. Фақат ер куррасининг юзига тўпланиб қолган ўтмиш замонлар гарди икки газ қалинликда тупроқ ҳосил қилиб, бизга нон ва гуллар етказиб беради. Ахир Кювье асримизнинг энг буюк шоири эмасми? Лорд Байрон сўз билан руҳларни ҳаяжонга солди. Бизнинг ўлмас табиатшуносимиз эса замонлар оқартириб юборган суяклар ёрдамида оламларни қайтадан яратди. У, *Қадм* сингари тишлар экиб, шаҳарлар қурди, у бир неча бўлак тош-кўмир ёрдамида минглаб ўрмонларни қайтадан зоологиянинг барча махлуқотига тўлдирди. Мамонтнинг фақат бир оёғига қараб гигант ҳайвонлар авлодини қайтадан вужудга келтирди. Қиёфалар ўрнидан туриб, ўсиб, жуда катта ҳажмларига мувофиқ барча соҳалардаги турларни ўзгартириб юборишди. У рақамлари билан шоир, у бирнинг ёнига еттита ноль қўя олиши билан улғувор. Сунъий, сеҳрли сўзларни ишлатмаёқ у йўқни бор қилади; у оҳактош парчасини ковлаб топиб, «Қа-

ранглар!» дейди. Мармар бирданига ҳайвонга, ўлим — ҳаётга айланади, бутун бир олам очилади! Жуда катта махлуқларнинг сон-саноқсиз сулолаларидан кейин, балиқларнинг қабилалари ва моллюскаларнинг тўдаларидан кейин, алп сиймоларнинг, эҳтимол, худодан мағлубиятга учраган улур Инсоннинг майдалашиб кетган боласи — одамзод пайдо бўлган. Кечагина туғилган бу аянчли одамлар ўтмишни тирилтирган олимнинг тафаккуридан руҳланиб, оламнинг бошланishiни кўриб, чексиз мадҳиялар ўқиб, ўтмиш дунё тақдирларини ўзлаштириб олади. Худди қиёмат тескари томондан кўринганга ўхшайди. Яккаю ягона одам даъвати билан юз берган маҳшир кунини кўриб, ҳамма соҳаларни қамраб, номсиз чексизлик орасидан бизга ажратиб берилган, Замон деб аталган умр дақиқаси нақадар аянчли эканлигини ҳис этамиз. Модомики, биз беҳисоб оламларнинг харобалари остига кўмилиб, келажакда сезилмас нуқтага айланар эканмиз, ҳаёт юкларини устимизга олиб нима қиламиз; бизнинг шон-шуҳратимиз, нафратимиз, муҳаббатимизнинг кимга кераги бор? — деб ўз-ўзимиздан сўраймиз. Шу зайлда замонамиз тупроғидан илдизимиз суғирилиб, ломаконга кетаётганимизда лакей кириб «Граф хоним сизни кутяптилар», деб қолади.

Файласуф номаълум дунёни ўрганаётганида руҳи қаттиқ чарчаганидай, маълум дунёнинг ажойиботларини кўравериш йигитнинг ҳам руҳи чарчади. Кўнглида ўлиш истаги ҳар қачонгидан кўра ҳам кучайди. Рафаэль креслога ўзини ташлаб, ўтмишнинг бу босириқ тушдагидай манзараларига қараб ўтираверди. Тасвирлар ёришиб кетди. Қизларнинг бошлари унга қараб жилмайишди, ҳайкаллар жонланиб, ранглар товланиб, кўзни алдай бошлади. Унинг касал миясидаги ваҳима туфайли бу асарлар тунинг қоронғи чойшаби остида жонланиб, қимирлаб, чарх уриб айланиб рақсга туша бошлашди; ҳар бир чинни махлуқ уни калака қилиб, башарасини буриштирар, суратларда тасвирланган одамлар кўзларига дам бериш учун киприкларини юмишар эди. Ўзларининг хулқи, хусусиятларига қараб кимдир вазмин, кимдир енгил, кимдир назокат, кимдир қўполлик билан ўринларидан туриб, сакраб, тебрана бошлашди. Бу манзара доктор Фауст Брокенда кўрган сирли шарпага ўхшаш жинлар базмини эслатарди. Аммо чарчашдан, қаттиқ тикилишдан ёки оқшом пайтининг ғаройиблигидан пайдо бўлган кўзни алдовчи бу ҳодисалар нотаниш йигитни қўрқитолмасди. Ўлим даҳшатларига кўникиб қолган одамга ҳаёт даҳшатлари ҳеч нарса қилолмасди. Бу ахлоқий гальванизмнинг тушуниксиз ажойиботларига ҳатто у кулиб қарарди. Мана шу гальванизм ажойиботлари нотаниш йигитнинг тириклик нишонасини билдирувчи сўнгги ўйлар билан қўшилиб кетган эди. Орага шундай чуқур сукунат чўккан эдики, у тезда яна лаззатли орзуларига берилди. Бу хаёлий вужудларнинг қиёфалари қош қорайиши

билан аста-секин сўниб борарди. Ёруғлик осмонни тарқатар экан, тун билан курашда сўнгги қизғиш шуъласини жангга солди; йигит бошини кўтарган эди, ғира-шира ёришиб турган скелетга кўзи тушди, у бош чаноғини шубҳали чайқаб, «Ўликлар ҳали сени кутишаётгани йўқ», деяётганга ўхшарди. Йигит уйқусини қочириш учун қўлини пешонасига олиб борганида қандайдир совуқ шабада эпкинини аниқ ҳис қилди, ёноғига қандайдир патли нарса тегиб кетганидан сесканиб тушди. Дераза ойналарининг элас-элас жаранглашидан қабр сирларининг ҳиди келиб турган бу совуқ эркалаш кўршапалакдан чиққан, деб ўйлади. У кунботарнинг эриб бораётган шафағида яна бир лаҳза атрофидаги қиёфаларни кўрди. Сўнг бу натюрмортнинг барчасини қуюқ қоронғилик ютиб юборди. У ажалини кутган тун соати сездирмай кириб қолди. Шундан сўнг бир неча лаҳза у чуқур ўйга чўмганиданми, чарчаб мудраганиданми, ё қалбини тирновчи ўйлар ғужғониданми, тириклик нишонасини кўрсатмади. Бирдан уни кимдир даҳшатли овоз билан чақираётгандай туйилди ва у иситмада алаҳсиб ётганида жарга ташлаб юборилгандай юраги шувиллаб кетди. Кўзини чирт юмди — порлаган чироқ нури кўзини қамаштирган эди. Унга аллақайда қоронғилик ичида қизғиш доира ва ўртасида чироқ кўтариб турган қандайдир кичкина чол кўринди. Чолнинг қандай кириб қолгани номаълум эди, у индамас ва қимир этмасди. Чолнинг тўсатдан пайдо бўлишида қандайдир жоду бор эди. Ёнидаги тош тобутдан чиқиб қолгандай туйилган чолни ҳатто тушида кўрган довурак одам ҳам кўрқиб кетар эди. Бу арвоҳсифат чолнинг тик қараган кўзлари ёш йигитларникидай чақнаб туришидан унинг жодуга алоқаси йўқлиги сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам, хаёлий ҳаёт билан чинакам ҳаёт ўртасидаги кичик бир лаҳзада йигит Декарт айтгандай, фалсафий шубҳа ичда қолди. У, беихтиёр тушуниксиз, галлюцинациялар таъсирига тушиб қолди. Бу галлюцинациялари ё ўзимиз гурур билан рад этамиз, ё кучсиз фанимиз уларни ўрганишга беҳуда уринади.

Қора барқут халат кийган, йўғон ипак белбоғ боғлаган, курумсоққина, озғингина пакана чолни тасаввур қилиб кўринг. Бошида ҳам қора барқут қалпоқ. Қалпоғи остидан икки томонидан узун оқ сочлари осилиб тушган. Қалпоқ чолнинг манглайида текис из қолдириб, бош чаноғига ёпишиб турибди. Халати кенг-мўл кафанга ўхшар — фақат узунчоқ, рангсиз юзи кўриниб турарди. Агар газламага ўралган, узун таёққа ўхшаган, чироқнинг бутун ёруғини йигитга тўғрилаб турган озғин қўли бўлмаса, унинг юзи ҳавода осилиб турганга ўхшарди. Оқ оралаган чўққи соқоли бу ғалати вужуднинг иягини ёпиб турар, шу соқоли туфайли унинг боши рассомлар Мусо пайғамбарни тасвирламоқчи бўлганида фойдаланадиган яхдий кишиларнинг бошига ўхшарди. Лаблари

шунчалик рангсиз ва юпқа эдики, оппоқ юзида оғзи аранг кўринарди. Унинг ажин босган дўнг пешонасини, сўлгин, ичига чўккан ёноқларини, қошу киприксиз кичкина яшилранг кўзларидаги омонсиз қатъиятни кўрган одам уни Герард Доу яратган портрет ҳошиясидан чиқиб келган олтин тортувчи деб ўйлар эди. Ёноқларини «шудгорлаган» ва кўзлари остида нурдай тарқалган ажинлар унинг инквизитордай маккорлигини ва ҳаётни чуқур билишини кўрсатарди. Энг пухта, ичимдагини топ дейдиганларнинг ҳам ўйларини билиб оладиган бу одамни алдаш мумкин эмасдай кўринарди. Дўконидаги чанг босган заллар бутун дунё асарлари билан тўлиб-тошганидай, чолнинг совуқ бағрида ҳам ер куррасидаги барча халқларнинг урф-одатлари ҳақидаги билимлар ва уларнинг донишмандлиги йиғилган эди. Унинг юзида ҳар нарса ни кўрувчи қодир эгамнинг ёхуд дунёда ҳамма нарса ни кўрган-билган одамнинг мағрур қудратини сезиш мумкин. Мусаввир мўйқалами билан бир-икки бўёқ берилса, Одам Атонинг гўзал қиёфаси ёки Мефистофелнинг масхараомуз ниқоби пайдо бўлиши мумкин эди. Чунки унинг манглайида олий қудрат, лабларида эса ёвуз истеҳзо бор эди. Ўзининг қудрати билан барча инсоний азобларни гардга айлантирган бу одам, чамаси, ҳаёт лаззатларини ҳам қуритган эди. Ўлаётган йигит бу қари даҳонинг армонлари битгани учун қувонмай, лаззатларни билмай қўйгани учун қайғурмай, бегона оламларда ёлғиз яшаётганлигини сезиб кўрқиб кетди. Чол зулмат ўртасидаги юлдуздай қимир этмай, қатъий турарди. Бу сирли хонада унинг чироғи қандай нур сочаётган бўлса, муғамбирона боқиб турган яшил кўзлари гўё одамнинг руҳий оламини ёритаётгандай эди.

Улим ҳақидаги ўйлар ва ажойиб-ғаройиб тасвирлар билан руҳи аллаланиб ўтирган йигит кўзини очиши билан худди шу манзарани кўрди. Изтиробли ўйлар, қийналган асаблар ҳозиргина кўкнори кайфига ўхшаш лаззатли изтироб бергани, шафқатсиз фожей манзаралар ҳаёти ва ақлига қора чойшаб ёпгани учун, гўдак энагасининг эртақларига ишонгандай, у ҳам бояги чолнинг арвоҳ эканлигига ўйламай-нетмай ишонди. Бу арвоҳ унга Парижда, Вольтер соҳилида, XIX асрда — сеҳр-жоду мумкин бўлмаган жойда ва мумкин бўлмаган вақтда кўринган эди. *Француз даҳрийларининг пири* қазо қилган уйнинг ёнгинасида туриб, *Гей-Люссак* ва *Араголарнинг* шогирди бўлган, ҳокимият бошида турган одамларнинг барча найранглари — кўзбўямачиликларидан хабардор бўлган йигит шоирона хаёлот сеҳрига берилди шекилли. Биз ҳам кўпинча, жонга азоб берувчи аччиқ ҳақиқатларни кўрмаслик учун, қудратга қарши бориш учун поэзия таъсирига бериламиз, ахир. Хуллас, қандайдир ғаройиб кучни ғира-шира ҳис этганидан ҳаяжонланган йигит бу ёруғликни, бу чолнинг қиёфасини кўриб, кўрқиб кетди. Биз

ҳаммамиз Наполеон олдида, умуман, порлоқ даҳолар, шон-шуҳратга бурканган улуғ одамлар олдида қандай ҳаяжонлансак, йигит ҳам ҳозир худди шундай ҳаяжонланган эди.

— Рафаэль мўйқаламига мансуб Ҳазрати Исо тасвирини кўриш истаклари борми?— тавозе билан сўради чол. Унинг дона-дона чертиб гапириш оҳангида қандайдир темир жанранги бор эди.

У чироқни нақшин устун парчасига шундай қўйдикки, қора сандиқнинг ҳар томонига ёруғ тушиб турарди.

Савдогар Ҳазрати Исо ва Рафаэлнинг-муқаддас номларини тилга олиши биланоқ, йигитнинг бутун вужудида беихтиёр қизиқиш уйғонди. Чол, шубҳасиз, шуни кутгани учун тез пружина тугмасини босди. Сўнг қизиқоғоч сандиқнинг эшиги аста сурилди ва йигитнинг ҳайратли кўзлари олдида Исо сурати пайдо бўлди. Бу ўлмас асарни кўрганида йигит дўконнинг барча ажойиботларини, барча инжиқ тушларини унутиб, яна одамлигига қайтди ва чолнинг ҳеч қандай ҳаёлий вужуд эмаслигига, чинакам жонли одам эканлигига ишонди; яна чинакам дунёда яшай бошлади. Нуроний чеҳранинг илоҳий майинлиги, тиниқ, сокинлиги дарров унга таъсир қилди. Самодан худонинг раҳмати ёғилиб, йигитни мияси ва суяк-суягига қовураётган дўзах азоблари тутундай тарқалиб кетди. Халоскорнинг боши зулмат ичида кўринарди. Сочларининг атрофида нурлар чамбари ярақлар, бу ёруғлик унинг бошидан чиқаётганга ўхшарди; унинг манглайи, чеҳрасидаги ҳар бир нуқтадан ғоят ифодали ишонч-эътиқод тўлқинлари ёғиларди. Алвон лабларидан ҳозиргина жон каломи учгандай; томошабин бу сўзнинг акс-садоларини ҳаводан излар, унинг муқаддас маъносига тушунишга интилиб, сукунатга қулоқ солар, уни келажакдан сўроқлар, уни ўтмиш сабоқларидан топар эди. Бу илоҳий кўзларнинг содда сокинлигидан жони қийналганлар нажот топар эдилар. Хуллас, бу ёввош ва гўзал табассумда бутун католик динининг «Бир-бирингизни севинг!» деган ҳикматдан иборат моҳияти акс этар эди. Сурат дуо-илтижога, ибодатга руҳлантитар, афв этишни ўргатар, худбинликни, такаббурликни сўндирар, мудраб ётган барча фазилатларни юзага чиқарар эди. Рафаэлнинг мусиқадай фусункор қудратга эга бўлган бу сурати сизни хотираларга ғарқ қилар ва тўла маҳв этар эди. Рассомни унутардингиз. Нурнинг мафтункорлиги бу мўъжизани янада кучайтирарди, гоҳи лаҳзаларда инсоннинг боши олисда, булутлар орасида қимирлаётгандай туюларди.

— Мен бу суратга бўйи баравар олтин берганман,— совуққонлик билан деди савдогар.

— Майли, демак — ўлиш керак!— хитоб қилди йигит орзулар мудроғидан уйғониб. Чолнинг сўзлари уни яна даҳшатли қуръага қайтарди. У изоҳлаш мушкул бўлган хулоса-

лар йўли билан, аранг турган сўнги умид юксаклигидан пастга тушди.

— Аҳа! Шубҳали кўринганинг бежиз эмас экан-да!— шошиб деди чол йигитнинг иккала қўлини омбурдай қисиб, бир қўли билан унинг билагини ушлаб олганча.

Нотаниш йигит бу англашилмовчиликдан дардли жилмайди ва ювош оҳангда:

— Кўрқманг, гап менинг ўлимим ҳақида боряпти, сизнинг эмас,— деди.— Беозор алдамчилигимни бўйнимга олганим яхши,— давом этди у безовталанган чолга қараб.— Оломоннинг диққатини жалб қилмаслик учун тунда ўзимни сувга ташлайман деб, унғача вақт ўтказиш учун сизнинг бойликларингизни томоша қилишга киргандим. Олим ва шоирнинг бу сўнги тилагини ким ҳам кечирмайди, дейсиз?

Сохта харидорнинг гапларига ишонқирамай, чол йигитнинг хафақон юзига синчков назар ташлади. Йигитнинг ҳасратли гапларининг самимий оҳангини, эҳтимол, унинг сўлиб бораётган қиёфасида қисматининг (сал аввалроқ қиморхонадагиларни титратган) машъум аломатларини сезиб, чол унинг қўлларини қўйиб юборди. Аммо, камида юз йиллик турмуш тажрибасидан келиб чиққан шубҳақорлиги бутунлай йўқолмади, у гўё суйанмоқчи бўлгандай токчага қўлини чўзиб, у ердан мўъжазгина ханжар олди ва деди:

— Сиз хазинадорликда уч йилдан бери штатдан ташқари ишлаб, ҳалигача маош олмаган бўлсангиз керак, тўғрими?

Нотаниш йигит жилмайшдан ўзини тиёлмади ва йўқ дея бош чайқади.

— Отангиз «нега дунёга келдинг?» деб жуда қўпол таъна қилворгандир? Еки ор-номусни бой бергандирсиз?

— Агар ор-номуссиз бўлиб қолсам ҳаёт билан видолашармидим?

— Сизни Фюнамбюль театридан ҳуштакбозлик билан ҳайдаб чиқаришгандир? Севгилингизни дафн этишга пул тополмай, байт тўқишга мажбур бўлгандирсиз? Балки олтинга хирс қўйиш балосидан қийналаётгандирсиз? Еки зерикиб, ҳаётдан тўйгандирсиз? Хўш, сизни ўлишга нима мажбур қияпти?

— Нега ўлмоқчи бўлганимнинг сабабини одатдаги сабаблар ичидан қидирманг. Сўз билан тушунтириш мушкул бўлган мислсиз қийноқларни гапириб беришни эп кўрмайман. Фақат шунга айтишим мумкин — мен хор-зорлик, муҳтожлик чангалига тушиб қолдим. Ҳеч кимдан юпанча тилаб, ёрдам сўраб ялинмоқчимасман,— деди у ҳозиргина айтган сўзларига зид келувчи жангари бир ғурур билан.

— Ҳэ-ҳэ,— жавоб ўрнига чолнинг оғзидан чиққан бу истеҳзо тартарак товушини эслатди.— Мен сизни ялтирмайман, юзингизни қизартрмайман. Сизга француз сантиминиям, Левант паратиниям, Сицилия тарениниям, немис гелле-

риниям, рус чақасиниям, шодланд фартингиниям, қадимги дунёнинг сестерцийи ва оболиниям, янги замон пиастриниям бермайман, ҳеч қандай олтин, кумуш, мис чақа, қоғоз пул ёки билет ҳам бермайман, лекин сизни ҳар қандай конституцион монархдан бойроқ, қудратлироқ ва таъсирироқ одамга айлантиришим мумкин.

Йигит чолнинг бу гапларини болаларча алжирашга йўйди: ажабланиб, нима дейишни билмай қолди.

— Қаранг,— деди савдогар бирдан чироқни қўлига олиб, ёруғини расмнинг қаршисидаги деворга тутар экан.— Мана бу сағри терига қаранг.

Йигит сакраб туриб кетди ва ўзи ўтирган креслонинг тепасидаги деворга осилган, тулки терисидай келадиган бир парча сағрини кўриб ажабланди; дарров тушуниш қийин бўлган сабабларга кўра дўкондаги чуқур зулмат қўйнида бу тери шундай ёруғ нур чиқарардики, уни кичкина думли юлдузга ўхшатиш мумкин эди. Йигитча бахтсизликлардан асровчи тилсим деб таклиф этилган бу нарсага ишончсизлик билан яқинлашди ва ичида кулиб қўйди. Аммо, табиий қизиқиш билан сағрини ҳар томондан кўздан кечирар экан, унга астойдил сайқал берилганлигини, ҳар бир бўртиғи анорнинг доналаридай ниҳоятда тоза ва тиниқлигини, бу шарқона терининг ҳар бир туки табиий равишда нур таратаётганини сезди. Бу ҳодисанинг сабабини математик аниқлик билан изоҳлаб берганида чол жавоб ўрнига қувлик билан жилмайди. Ўзини устун ҳисоблаган одамнинг бу кулгисидан олим қандайдир найрангбоз қўлига тушгандай ҳис этди. У ортиқча топишмоқни гўрига орқалаб кетишни истамагани учун, ўзининг янги ўйинчоғи сирини топишга шошилган боладай, терини тез айлантирди.

— Аҳа!— хитоб қилди у.— Мана бу ерида муҳр изи бор экан, буни Шарқда Сулаймон муҳри дейдилар.

— Сиз буни биласизми?— сўради савдогар ҳансираб, бу ҳансираши билан у ҳар қандай чиройли гаплардан кўра маънолироқ фикр англатаётган эди.

— Бу найрангга қайси аҳмоқ ишонади?— ҳайқирди йигит чолнинг сўзсиз, аммо истеҳзоли кулгисидан жаҳли чиқиб.— Фақат Шарқнинг хурфотчиларигина бу аломатнинг илоҳий қудратига, муқаддаслигига ишонади, шуни билмайсизми ахир? Мени лақма деб ўйламанг. Афсонавий сфинкс ва грифлар десангиз бошқа гап эди.

— Модомики шарқшунос экансиз,— давом этди чол,— балки мана бу ҳикматли сўзларни ўқиёларсиз?

Чол чироқни йигит ушлаб турган терининг орқа томонига яқинлаштирди. Терининг ҳужайра тўқималарига (бир вақтлар бу ажойиб терининг эгаси бўлган) ҳайвоннинг наслдорлигини кўрсатувчи қандайдир белгилар ўйиб битилган эди. Чол йигитнинг диққатини шу белгиларга жалб этди.

— Очиғини айтсам,— деди нотаниш йигит,— онагр терисига бу ҳарфларни шу қадар чуқур ўйиб битишганлигига сира ақлим етмаяпти.

Шундай деб у шошиб, нодир буюмлар уйилиб ётган столдан кўзи билан ниманидир қидира бошлади.

— Сизга нима керак?— сўради чол.

— Бу ҳарфлар босилганми ёки ёпиштирилганми, шуни билиш учун сарғини қийиб кўрмоқчиман, бирор асбоб борми?

Чол йигитга ханжарни узатди, у терининг ҳарф босилган жойидан кесиб кўришга урунди. Аммо, у терининг юпқа қаватини кесиб олиши билан ўрнига яна ўша ҳарфлар аввалгидай аниқ пайдо бўлиб қолаверди, гўё уларнинг юқори қисми кесиб олинмагандай эди.

— Левант усталарининг фақат ўзлари биладиган сирлари бор,— деди йигит қандайдир ташвиш билан, шарқ ҳикмати ёзувларига боқар экан.

— Ҳа,— жавоб қилди чол,— ҳар ҳолда ҳамма нарсани худога эмас, одамларга тўнкаган яхшироқ.

Сирли сўзлар мана бундай тартибда жойлаштирилган эди.

لو ملكتنى ملكت الكل
و لكن عمرک ملكى
واراد الله هكذا
اطلب و ستنال مطالبک
ولکن قس مطالبک على عمرک
فیکل مرادک استنزل ایامک
وهی ها هنا
اتريد في وخذ
الله مجيبک
آمین

Уларнинг маъноси бу эди:

Менинг эгам ҳамма нарсага эга бўлади, аммо унинг жонига мен эга бўламан. Тангри иродаси шу.

Истаганингни тила, ижобат бўлғай. Лекин тилагингни ҳаётингга мосла. Жонинг— менда. Ҳар бир тилагингдан ўмринг кунлари камайгани сингари мен ҳам камаяман. Менга эга бўлишни истайсанми? Ол. Сенга тангри ёр бўлғай. Омин!

— Санскрит¹ тилида тез ўқир экансиз,— деди чол.— Чамаси, Эронда ёки Бенгалияда бўлгандирсиз?

¹ Бальзак янглишиб, араб ёзувини санскрит — қадимги ҳинд ёзуви дейди. — М.М.

— Йўқ,— жавоб берди йигит, бу рамзий ва жуда галати кўнни қизиқиб чимдиб кўрар экан. Кўн сира эгилмас, худди металл пластинкага ўхшарди.

Кекса антиквар чироқни яна устунга қўйди ва йигитга «Мана энди ўлишни ҳаёлигаям келтирмаяпти», дегандай истеҳзоли назар ташлади.

— Бу ҳазилми? Ёки сирми?— сўради нотаниш йигит.

Чол бош чайқади ва жиддий оҳангда гапирди:

— Нима деб жавоб қилишнинг билмайман. Бу машъум қудратни сиздан кўра ғайратлироқ одамларгаям таклиф қилиб кўрганман. Аммо улар тақдирларига даҳшатли таъсир қилувчи бу нарсадан кулишган холос. Аммо ҳеч ким номаълум куч ҳодда қиладиган ҳокимият билан шартнома тузишга журъат этолмади. Улар тўғри қилишди шекилли — шундан кейин шубҳаланиб, ҳафсалам пир бўлиб...

— Синаб ҳам кўрмадингизми?— чолнинг гапини бўлди йигит.

— Синаб кўриш дейсизми?— қичқирди чол.— Агар сиз Вандом устунни устида турганингизда ўзингизни пастга ташлаб синаб кўрармидингиз? Ҳаёт оқимини тўхтатиб бўладими? Одамнинг қайта-қайта ўлганини кўрганмисиз? Бу хонага киришдан олдин ўзингизни ўлдиришга аҳд қилган эдингиз, энди бўлса бу сирга қизиқиб, ўлиш ҳақида ўйламай ҳам кўйдингиз. Бўтам! Сизнинг ҳар бир кунингизда бундан ҳам қизиқроқ сирлар учрайди! Эшитинг бўлмаса. Мен ноибнинг саройидаги бузуқликларни кўрганман. Худди сизга ўхшаб, ўшанда мен ҳам муҳтож, зор эдим, тиланчилик қилардим, шунга қарамай, мен бир юз икки ёшга етдим, миллионер бўлиб кетдим; бахтсизликлар менга бойлик келтирди, билимсизликдан мен яшашни ўргандим. Сизга ҳозир икки оғиз сўз билан инсон ҳаётининг буюк сирини айтиб бераман. Ўйламай иш қилавериш одам ўзининг тинкасини қуритади. Улимнинг барча сабаблари икки хилга бўлинади ва иккита сўзга — тилак ва имкон деган сўзларга бориб тақалади. Одамзод ҳаётининг мана шу иккала чегараси ўртасида учинчи бир ақида борки, буни фақат доноларгина билишади. Мана шу ақида менга бахт ва узоқ умр берди. Тилак бизни куйдиради, имкон — вайрон қилади, биллиш эса бизнинг заиф вужудимизни абадий сокинликка олиб келади. Демак, тилак, истакни менинг фикрларим ўлдириб юборган, мен вужудимнинг эҳтиёжларига қараб иш қиламан ва қудратли бўламан. Хуллас, кўнгил кўчасига кириб яшамадим, чунки кўнгил одамни хароб қилади. Ҳиссиётларимга ишониб ҳам яшамадим, чунки ҳиссиётлар ўтмаслашиб, ўлиб кетади. Мен ақлимга қараб яшадим. Ақл эса ҳеч қачон эскирмайди, ҳаммадан узоқ яшайди. Исрофгарчиликни қалбим ҳам, вужудим ҳам кўтармаган. Шунга қарамай, мен бутун дунёни кўрганман. Осие ва Американинг баланд тоғларига ҳам қа-

дамим етган. Мен ҳамма одамларнинг тилларини ўргандим. Мен ҳар қанақа ҳукуматларни кўрдим. Хитойликка пул қарз берганман, гаровига отасининг ўлигини олганман. Мен арабнинг лафзига ишониб, унинг чодирда тунаганман; Европадаги барча пойтахтларда шартномаларга қўл қўйганман ва олтинларимни қўрқмасдан ёввойиларнинг чайласига қўйиб кетганман. Хуллас, ҳамма нарсага эришдим, чунки ҳамма нарсани писанд қилмадим. Дунё кўриш — менинг асосий орзум, кўриш ахир билиш эмасми? Билиш эса кўнгил учун лаззат эмасми? Ҳаётнинг туб моҳиятини кашф этиш, унга чуқур кириб бориш лаззат эмасми? Моддий нарсаларни тўпладан нима қолади? Фақат — ғоя қолади. Ўйлаб кўринг, тафаккурда бутун борлиқни акс эттира оладиган ва бахт манбаларини ўз қалбига кўчира оладиган, уларни турмушнинг ифлосликларидан тозалаб, олам-олам лаззат ола биладиган одамнинг ҳаёти нақадар гўзал бўлади! Тафаккур — барча хазиначиларнинг қалити, у хасис одамнинг барча ташвишларини қолдириб, бизга барча лаззатларини беради.

Хуллас, мен арши аълода юрардим, барча лаззатларим руҳий шодликлардан эди. Менинг орзум — денгизларни, эл-юртларни, ўрмонларни, тоғларни томоша қилиш эди. Мен ҳамма нарсани сокин, осуда томоша қилардим, чарчамасдим; мен ҳеч нарсани тиламасдим, фақат кузатардим. Оламни ўз боғимда юргандай сайр қилардим. Одамлар қайғу-ҳасрат, муҳаббат, иззат-нафс, кулфат, хафагарчиликлар деб атовчи нарсаларни мен фақат ўйларимда кўрардим, булар фақат хаёлимда эди холос. Мен бундай нарсаларни ҳис этмайман, фақат ифодалайман, шарҳлайман холос. Бу нарсалар умримни қисқартиришига йўл бермайман, бунинг ўрнига, уларни хаёлимда кескинлаштираман, ривожлантираман, худди роман ўқигандай, улардан завқ оламан. Мен ҳеч қачон вужудимни толиқтирмайман, шунинг учун ҳозиргача соф-саломатлигим аъло даражада. Менинг руҳимда барча сарфламаган кучларим йиғилиб қолганлиги учун бошим хазиначиларимдан ҳам бойроқ. Мана бу ерда — деди чол пешонасига уриб, — бу ерда чинакам миллионлар бор! Мен кунларимни жуда ажойиб ўтказаман; кўзларим ўтмишни кўра олади: мен турли мамлакатларни, турли жойларнинг манзараларини, тарихнинг ажойиб лавҳаларини жонлантира оламан. Хаёлимдаги ишратхонада менга насиб этмаган барча аёллардан лаззат оламан. Кўпинча сизларнинг урушларингизни, революцияларингизни хаёлимда қайтадан кўраман ва улар тўғрисида мулоҳаза юритаман. Озми-кўпми дуркун бўлган гўзалнинг баданига, озми-кўпми думалоқ сийналарга бир лаҳза, қалтираб-қақшаб мафтун бўласизлар, барча алдамчи умидларингиз чиппака чиқади. Шундан кўра кўнгилда олам ярата олишдай юксак қобилият; вақт ва маконнинг толиқтирувчи кишанларисиз ҳаракат қилиб чексиз лаззатла-

нинг; борлиқни қамраб олиш, борлиқни кўриш, дунёнинг энг чеккасидан пастга эгилиб, бошқа оламларни кўриш, худонинг овозини эшитиш афзал эмасми? Бу ерда, — бўкирди чол сағри терини кўрсатиб, — тилак ва имкон бирлаштирилган! Мана, сизларнинг ижтимоий ғояларингиз, ҳою ҳавасларингиз, очкўзлигингиз, сизларни адо қилувчи шодликларингиз, юрак ҳовучлаб яшашга мажбур этувчи қайғу-ҳасратларингиз. Ахир оғриқ, дард энг зўр лаззат-ку сизлар учун, шундай эмасми? Лаззат қаерда дардга айланади-ю, дард қаерда лаззатлигича қолади, ҳеғарасини ким билади дейсиз? Жисмоний дунёнинг қиттай хафагарчилиги ҳам одамни тинимсиз жараҳатлайди, хаёлдаги дунёнинг равшан нурлари эса роҳат-фароғат бағишлайди. Донолик билимдан келади ахир! Тентаклик эса тилакларнинг ёки куч-қудратнинг тийиқсизлигидан келиб чиқади!

— Шунинг учун мен тийиқсиз яшагим келади! — деди нотаниш йигит сағри терига чангал солиб.

— Эҳтиёт бўлинг, йигит! — ўзига ярашмаган қизиққонлик билан хитоб қилди чол.

— Умримни илм-фанга, ақлий ишларга бағишладим, лекин сира косам оқармади, — жавоб берди нотаниш йигит. — Энди менга Сведенборгчасига панд-насиҳатлар ҳам, шарқнинг туморлари ҳам, мени бу дунёда ушлаб қолишга интилиб, шафқат кўрсатишингиз ҳам керак эмас. Мен бундай ҳаётдан тўйиб кетдим. Шунинг учун, — давом эттирди йигит тилсимни телбаларча қаттиқ чангаллаб, чолга қарар экан, — шоҳона, дабдабали ҳаёт кечиришни, замонага муносиб, одамлар айтгандай кайф-сафо билан айш-ишратда яшашни истайман! Даврамдагилар ёшгина, ўткир зеҳли бўлсин; қонун-қоидаларга, расмиятга ёпишиб олмаган бўлсин; телбаларча хушчақчақ бўлсин! Бир-биридан ўткир, учқун сочиб турган винолар кетма-кет қўйилсин; улардан уч кунгача маст бўлайлик! Қайноқ, эҳтиросли қиз-жувонлар кечанинг безаги бўлсин! Тийиқсиз айш-ишрат бизни тўрт от қўшилган учқур аробада дунёнинг чеккасига, номаълум соҳилларга олиб бориб ташласин! Руҳларимиз арши-аълога парвоз қилсин ёки ботқоқларга ботсин, билмадим, руҳларимиз самога учадими, ё ер қаърига қулайдими, менга барибир. Шундай қилиб, мен бу даҳшатли кучга бутун дунё роҳатларини келтиришни буюраман. Ҳа, оний ва илоҳий лаззатларнинг ҳаммасини сўнгги марта тотиб кўрсам, кейин ўлсам армоним йўқ. Базмдан, маст-аластликдан сўнг муҳаббат тангриси паноҳида лаззатли қовушишлар бўлсин; ўликларни ҳам тирилтирадиган қўшиқлар бўлсин! Бўсалар, ўпишишлар шундай узоқ, бениҳоя узоқ бўлсинки, уларнинг олови ёнгиндай, бутун Парижни ўраб олсин, эр-хотинларни уйғотиб, уларни бир-бирининг кучоғига отсин! Ҳаммага, ҳатто етмиш ёшлиларга ҳам ёшлик эҳтиросларини қайтарсин!

Шу пайт телба йигитнинг қулоқларини чолнинг дўзах гулдуросидай кулгиси батангга келтирди ва гапи шартта бўлингач, у беихтиёр индамай қолди.

— Сиз ҳозирнинг ўзида пол ёрилиб, нариги дунёдан шохона дастурхон ясатилган столлар чиқади, деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, йўқ, йигитча. Сиз шартнома туздингиз, шунинг ўзи етарли. Энди барча тилак-истакларингиз аниқ, аммо сизнинг умрингиз ҳисобига амалга ошади. Мана шу тегрига чизилган умрингиз кунлари доираси тилакларингизнинг кучи ва миқдорига қараб тораяверади, тилакларингиз хоҳ кичик, хоҳ жуда катта бўлсин, барибир. Менга бу тилсимни ҳадя этган бараҳмон айтишича, тилсим эгасининг тилаклари билан тақдири ўртасида яширин боғланиш бор экан. Сизнинг биринчи тилагингиз тубан тилак, уни менинг ўзим ўринлатишим мумкин эди, аммо бу ишларни энди сизнинг янги ҳаётингизга ҳавола қиламан. Ахир, сиз ўлмоқчи эдингиз, шундай эмасми? Майли, фақат ўлимингиз муддати сал чўзилади холос.

Бу ғалати чолнинг сўнгги сўзларида киноя аниқ сезилиб турганидан, ҳамон масхаралаётганидан ажабланган йигит хитоб қилди:

— Кўрамиз, дарё соҳилидан нариги ёққа ўтгунимча менинг тақдирим ўзгарармикин, йўқми? Агар мендай бахтсиз одам устидан кулаётган бўлсангиз, бу гуноҳингиз учун илоҳим раққосани севиб қолинг! Қайф-сафо мазасини ўшандагина тушунасиз, эҳтимол, емай-ичмай тўплаган бойликларингизни кўкка совурарсиз.

У, чолнинг оғир хўрсинганини ҳам эшитмай, бақалоқ юз гумашта орқасидан юриб барча заллардан ўтди. Гумашта унинг йўлини ёритишга беҳуда ҳаракат қиларди: нотаниш йигит ўғирлик устида қўлга тушган жиноятчидай жон ҳолатда югурарди. Довдираб, алаҳсираб қолган йигит ғалати терининг момикдай майинлигини жон-жаҳди билан муштида ёғимлаб, беихтиёр фраканинг чўнтагига солиб қўйганини ҳам сезмади.

Кўчага югуриб чиқиши билан у қўл ушлашиб келаётган уч йигитга учради.

— Ҳайвон!

— Галварс!

Улар шундай «ширин» саломлашишди.

— О, бу Рафаэль-ку!

— Салом! Қайси гўрда қолдинг?

— Ие, ўзлари-ку!

Шамолда чайқалаётган фонуснинг ёруғи ажабланган йигитларнинг юзига тушиши билан сўкинишдан сўнг мана шу дўстона хитоблар эшитилди.

— Оғайни,— деди боя Рафаэлни қоронғида туртиб, йиқитаёзган йигит,— ҳозир биз билан юрасан.

— Қаёққа, нима учун?

— Юравер, йўлда гапириб берамиз.

Рафаэль қанча тихирлик қилиб, боришга кўнмаса ҳам дўстлари уни ўраб олиб, қўлларини маҳкам ушлаб, ўзларининг шўх даврасига қўшиб, Санъатлар кўпригига етаклаб кетишди.

— Оғайни,— давом этди дўсти Эмиль,— сени бир ҳафтадан бери излаймиз. Жан Жак Руссо давридан бери эълоннинг қизил, қора бўёқлари ўчмай турган мўътабар «Сен-Кантен» мусофирхонасига бордик. Сен ўша ерда турар экансан. Леонарданг сени, шаҳардан ташқарига чиқиб кетган, деди. Тўғриси, биз пул иши билан келган терговчиларга, судхўрларга, жосусларга ўхшамасдик. Ана шунақа! Растиньяк бўлса сени кеча кечқурун Италия операсида кўрганлигини айтди. Бу хабардан дадилланиб, сенинг қаерларда юрганлигини зудлик билан аниқлашга киришдик. Сени Елисей майдоидаги бирор дарахнинг устида ухлаб қолганмикин, ёки гадоихонада икки су тўлаб, арқонга суяниб ухлаётганмикинсан, ёки бўлмаса бахтинг чоғиб бирор хонининг оромгоҳида бемалол ялпайиб ётганмикинсан, деб ўйладик. Сени Сент-Пелажи турмасининг маҳбуслари рўйхатидан ҳам, Ла-Форс аристонлари орасидан ҳам топмадик! Министрликларни, Операни, фоҳишахоналарни, қаҳвахоналарни, кутубхоналарни, префектурани, журналистлар бюросини, ресторанларни, театр фойеларини — хуллас Париждаги яхши-ёмон ҳамма жойларни «илмий асосда» текшириб чиқдик, аммо тополмадик. Шундан сўнг подшо саройига ёки турмага жойлашиш учун етарли даражада қобилиятли бўлган одамдан айрилиб қолдик, деб қайғурдик. Сени Июль революцияси қаҳрамони сифатида абадийлаштиришни келишиб ҳам қўйган эдик. Хуллас, ростданам сен учун афсусландик.

Ўртоқларининг сўзларига қулоқ солмай, Санъатлар кўпригидан бораётган Рафаэль мавжли тўлқинларида Париж чироқлари акс этаётган Сенага боқарди. Боягина у ўзини шу дарёга ташламоқчи эди, энди эса чолнинг башорати юзага чиқди, унинг ўлим соатлари кечиктирилди.

— Биз ростданам сенга ачиндик,— давом этди Рафаэлнининг ўртоғи.— Гап шундаки, биз бир найрангга сени аралаштирмоқчийдик. Бу ишда сенга ўхшаш, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган буюк одам керак бўлиб қолди. Қиролнинг конституция ёнгоғи билан кўрсатаётган кўзбўямачилиги ҳозир роса авжига чиққан. Халқ қаҳрамонлиги туфайли ағдариб ташланган шармандали монархия — хулқи бузуқ аёл эди, у билан ҳазиллашиш ҳам, базм қилиш ҳам мумкин эди. Халқнинг Ватан деб аталувчи хотини эса лақма, аммо саховатли, истасанг-истамасанг унинг вазмин эркаликларини кўтарасан. Биласан-ку, ҳокимият Тюльридан журналистлар қўлига ўтган. Маблағлар ҳам Сен-Жермен даҳасида Шос-

се-д Антенга кўчган. Лекин сен бир нарсани билмасанг керак. Бир вақтлар руҳонийлар подшоларни ётқизиб-турғизишарди. Ҳозир эса ватанни ётқизиб-турғизадиган аслзода банкирлар ва адвокатлар, (яъни ҳокимият) барча фалсафий мактаблардан ва барча замонларнинг олғирларидан намуна олиб, оқкўнгил француз халқини аҳмоқ қилгиси кеп қопти. Хуллас, гап шундаки, бу ҳокимият ҳам шоҳнинг, ҳам миллатнинг қарашларини халққа сингдирмоқчи. Бу сафсатабозларнинг айтишича, бир миллиард икки юз миллиону ўттиз уч сантиметр пулни қиролга тўлашдан кўра бир миллиард икки юз миллиону ўттиз уч сантиметр пулни ватаннинг вакиллари бўлган фалон-пистон жанобларга тўласа халқ бахтиёр бўлар эмиш. Негаки қирол «биз» ўрнига «мен» дейди. Хуллас, фуқаро-қирол ҳокимиятига унчалик зарар келтирмайдиган даражада норози одамларни рози қилиш учун оппозиция¹ ташкил этиш мақсадида газета таъсис этиляпти. Газетанинг яхшигина маблағи бўлади. Икки юз-уч юз минг франк. Демак, биз озодликни ҳам, зулм-истибодни ҳам масхара қилувчилар, динни ҳам, даҳрийликни ҳам масхара қилувчилармиз: биз учун ватан — пойтахт; бу ерда ғоялар алмаштирилади ва ҳар сатри фалон судан сотилади; ҳар куни мазали таомлар ва сон-саноқсиз томошалар бўлиб туради; бу ерда фоҳишалар ачиб ётибди; кечки таомлар нонуштага уланиб кетади; муҳаббат файтунга ўхшаб ижарага берилади. Париж — барча ватанлар ичида энг мафтункори, шодлик, озодлик, ақл-идрок, нозанинлар, муттаҳамлар, ўткир винолар ватани. Бу ерда ҳокимият таёғи унчалик қаттиқ сезилмайди, чунки биз таёқ кўтарганларнинг яқиндамиз, биз тангри Мефистофелнинг ҳақиқий муҳиблари... жамоатчилик фикрини бўяб кўрсатиш, актёрларни истаганча кийинтириш, ҳукумат кўғирчоқхонасига янги тахталар қоқиш, қондабозларнинг қўлтиғига сув пуркаш, эски республикачиларни ағдартиш, бонапартчиларни янгилаш, марказни озиқ-овқат билан таъминлаш вазибаларини зиммамизга олганмиз. Шу шарт билан олганмизки, бизга қироллар ва халқлар устидан астагина кулишга, оқшомлари тонгдаги фикримизни ўзгартиришга, Панургчасига хушчақчақ яшашга ёки *mare orientali*² парку ястиқларга ёнбошлашга рухсат берилса бўлди. Мана шу мошкичири қозон-товоғи ва масхарабозларча салтанат раҳбарлигининг жиловини сенга бермоқчимиз. Бояги газетанинг асосчиси, бебилиска олтинларини қаерга қўйишни билмай, ўткир сўзларга алмашишни хоҳлаган банкир зиёфат берапти. Шунинг учун ҳозир сени тўппа-тўғри шу зиёфатга олиб боряпмиз. Сени у ердагилар ўз одамидай кутиб олишади. Биз

¹ Оппозиция — ҳокимиятдан (бу ерда Конституцион монархиядан) норози гуруҳ. (Тарж.)

² Шарқона услубда (лотинча).

сени ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ва узоқни кўрувчи, Австрия, Англия ёки Россиянинг қандай ниятлари борлигини (Россия, Англия ёки Австриянинг ҳеч қандай нияти бўлмаса ҳам) сениб оладиган ҳур фикрлиларнинг подшоси деб эълон қиламиз! Биз сени дунёга ҳар қанақа *Мираболарни*, *Талейранларни*, *Питтларни*, *Меттернихларни* етказиб берадиган, хуллас, оддий одамлардай бир рюмка вино тикиб эмас, бутун-бутун давлатларнинг тақдирларини тикиб қимор ўйнайдиган барча олғир *Криспинларни* етказиб берадиган ақлий кучларнинг бош ҳукмдори қилиб тайинлаймиз. Бошбошдоқлик деган ғаройиб аждаҳони энг дадил одамлар яккама-якка жангга қақришни орзу қиладилар. Биз сени ана шу аждаҳога қарши жанг бошлаётган курашчиларнинг энг довурағи деб таърифлаганмиз. Ҳатто бошбошдоқлик аждаҳоси сени ҳозиргача енга олмаганини ҳам айтганмиз. Ишонаманки, юзимизни ерга қаратмайсан. Бизнинг *амфитрионимиз* бўлган Тайфер замонавий жажжи *Лукулларимизнинг* аянчли *сатурналия*ларини орқада қолдиришга ваъда берган. Унинг етарли бойлиги бор, майда нарсаларга улугвор, гуноҳларга — гўзал ва мафтункор тус бера олади. Эшитдингми, Рафаэль? — ўзининг нутқини бўлиб, сўради нотик.

— Ҳа, — деди йигит истакларининг амалга ошаётганидан кўра, воқеаларнинг бундай табиий тус олганидан ажабланиб.

У сеҳр-жодуга ишонмасди, амма инсон тақдиридаги тасодифлардан ажабланарди.

— Аммо шундай ғамгинлик билан «ҳа» деяпсанки, худди бувангнинг ўлимини ўйлаётгандайсан, — деди яна бир ўртоғи.

— Эҳ! — Рафаэль шундай соддадиллик билан хўрсиндики, Франциянинг келажаги, умиди бўлган бу ёш ёзувчилар кулиб юборишди. — Дўстлар, нимани ўйлаётганимни айттайми? — деди Рафаэль. — Биз катта найрангбозлар бўлиш арафасида турибмиз! Шу вақтгача биз қонунга зид ишлар қилдик, бир мастлик билан иккинчи мастлик ўртасида ноҳақ ишлар қилдик, ҳаёт ҳақида маст-аласт фикр юритдик, одамлару воқеаларга тушлик ҳазми таом вақтида баҳо бердик. Аслида гуноҳсиз бўлсак ҳам, оғизда жуда дадил эдик. Энди бўлса танамизга сиёсатнинг чўғли тамғаси босилганидан кейин буюк сургунга йўл оламиз ва у ерда орзуларимиздан айриламиз. Ахир фақат шайтонга куни қолган одам ҳам бегубор ёшликнинг жаннат боғларидан қувилганига кўз ёши қилади-ку. Бегуноҳ чоғларимизда биз оқкўнгил руҳоний қачон бизга муқаддас Исонинг жамолини кўрсатаркин, деб оғзимизни очиб кутиб турардик. Эҳ, азиз дўстларим, аввалги гуноҳларимиз шунинг учун лаззатли эдики, у вақтларда бизда виждон азоби бор эди. Шунинг учун ўша пайт гуноҳларимиз ҳам ўзимизга ширин туйиларди. Энди-чи...

— О, энди биз учун...— гапини бўлди биринчи суҳбатдоши.

— Нима қолди?— сўради бошқаси.

— Жиноят...

— Мана, дордай юксак ва Сена дарёсидай теран сўз,— деди Рафаэль.

— Йўқ! Сен гапимга тушунмадинг!. Мен сиёсий жиноятлар ҳақида гапиряпман. Бугун азонда мен фитначиларга ҳасад қила бошладим. Бу хаёлим эртагача умр кўрармикин, билмадим, аммо цивилизациядан, рангсиз-туссиз темирйўл изларидай бир хил ҳаётдан кўнглим айнийдиган бўлиб қолди. Французларнинг Москвадан чекинишига, «Кизил Қароқчи» ташвишларига ўхшаш, контрабандачиларнинг ҳаётида учрайдиган фалокатлар сингари нарсаларни кўнглим тусаяпти. Модомики, эндиликда Францияда картезичи роҳиблар йўқ экан, ҳеч бўлмаса, Ботанибэйга — кичкина лорд Байронларнинг касалхонасига тушсам ҳам майли эди. Бу жажжи лордлар ўз умрларини тушлик таомдан сўнги қоғоз рўмолчадай ёғимлаб ташлаб, қарашсаки, ўз мамлакатида ёнғин чиқариш, ўзининг пешонасидан ўқ қўйиш, республикачилар фитнасига қўшилиш ёки уруш оловини ёқишдан бошқа қиладиган ишлари қолмапти...

— Эмиль,— эҳтиросли гап бошлади Рафаэлниң иккинчи дўсти,— ростини айтсам, Июль революцияси бўлмаганида бирор чекка қишлоқда руҳоний бўлиб яшардим...

— Ва ҳар кун инжил ўқирдингми?

— Тўғри.

— Мақтанчоқ!

— Ахир газета ҳам ўқиймиз-ку!

— Журналист учун чакки эмас! Аммо, оғзингни юм, атрофимиздаги оломон — бизнинг обуначиларимиз-ку. Кўрдингми, журналистика ҳозирги замон жамиятининг дини бўлиб қолди бу соҳада тараққиёт бор.

— Қанақасига?

— Бош руҳонийлар динга ишониши шарт эмас, дарвоқе, халқ ҳам шундай...

„De viris illustribus“¹ китобини аллақачон ўқиб туширишган оққўнгил йигитлардай чақчақлашиб, улар Жубер кўчасидаги данғиллама иморат олдига келиб қолишди.

Эмиль журналист эди, бошқалар иши юришиб шуҳрат топса, у ҳеч иш қилмай юриши билан шуҳрат қозонган эди. Уткир зеҳни ва тили аччиқ, дадил танқидчи Эмилниң барча фазилатлари ҳам, барча иллатлари ҳам ўзига ярашарди. Пичингчи ва оққўнгил бу йигит дўстининг юзига қараб минглаб эпиграммалар² тўқиб ташлар, аммо орқасидан уни дадил ва мардлик билан ҳимоя қиларди. У ҳаммани, ҳатто ўз келажа-

гини ҳам масхара қиларди. Доим пулсизликдан қийналар, анча-мунча қобилиятли йигитлардай, ялқовликдан боши чиқмас, ора-сирада бирор гап айтиб кўяр, аммо ана шу биттагина гапи бутун бир китобга арзирди; шунинг учун бутун бир китобида биттагина жонли гапи бўлмаган баъзи жанобларнинг ҳасадини келтирарди. У сахийлик билан ваъдалар бераверар, аммо ҳеч қачон бирортасини бажармасди. У ўзининг бахти чопганидан ва топган шуҳратидан парку ястиқ қилиб олиб, гулчамбарларига ўралиб беғам-бепарво ётарди, қариганида бирор худойихонага тушиш хавфи доимо бошидан кетмасди. Боз устига у дўсти учун жонини аямай, дорга ҳам борар, ўзининг виждонсизлиги билан мақтанар, аммо, ёш боладай оққўнгил эди. Фақат илҳоми келганида ёки нон тополмай қолганида ишларди.

— Мэтр¹ Алькофрибаснинг сўзлари билан айтганда бу ерда зиёфат дастурхонидан бизга ҳам қоладиган ушоқлар бор²,— деди у Рафаэлга зиналарнинг икки четигаги ёғоч тивакларда гуллаб-яшнаб, муаттар ҳид сочиб турган гулларни кўрсатиб.

— Даҳлиз яхши иситилган ва гиламлар тўшалган бўлса яхши кўраман,— сўз қотди Рафаэль.— Францияда бундай жойлар кам. Бу ерда онадан қайта туғилгандай бўляпман.

— У ёқда, юқорида роса ичиб, чақчақлашамиз, шўрлик Рафаэлим. Кўрасан ҳали! — давом эттирди сўзини Эмиль. — Уйлайманки, биз бу қовоқбошларнинг ҳаммасидан ёғлиб чиқамиз!

У ранго-ранг чироқлар ва тилла жиҳозлар ярқираб турган залга кирар экан, меҳмонларни кўрсатди; шу заҳоти янги келганларни Парижда энг машҳур бўлган ёшлар ўраб олишди. Булардан бири янги чиққан талант — биринчи тасвири биланоқ Империя замонига энг яхши рассомлар қаторига қўшилган эди. Бошқаси яқиндагина ажойиб асарини эълон қилишга журъат этган; ҳозирги адабиётни менсимай ёзилган бу китоб янги адабий мактаб учун кенг йўллар очган эди. Қаҳрли юзидан жасур даҳо эканлиги шундоқ кўриниб турган ҳайкалтарош йигит шароитга қараб ҳеч кимни менсимайдиган ёки ҳаммага таъзим қиладиган ёш ва турқи совуқ майнабозлардан бири билан гаплашиб ўтирарди. Энг ўткир ҳажвчи рассомларимиздан бири, қув кўзли, тили аччиқ мусаввир суҳбатдаги қочириқларни «териб» олиб, шоша-пиша қоғозга туширарди. Сиёсий ғояларнинг моҳиятини ҳаммадан кўра нозикроқ тушунадиган, ҳазиллашиб туриб, икки-уч сўз билан қандайдир сермахсул адибнинг кимлигини айта оладиган ёш

¹ Мэтр — устоз, муаллим.

² «Гомер дostonлари шундай тўкин дастурхонки, менинг асарларим шу дастурхондан тўкилган ушоқлардир» деган иборани Софокл айтган. (Тарж.)

¹ «Гобсек»нинг бағишловига қаралсин.— Ред.

² Масхараловчи шеърлар.

ва дадил ёзувчи истеъдодсиз шоир билан гаплашиб ўтирарди. Мабодо бу шоирнинг истеъдоди рақибларига нафратидай кучли бўлганида барча замондошларини орқада қолдирган бўлар эди. Иккаласи рост гапни ҳам, ёлғонни ҳам гапирмасликка интилиб, ўзаро силлиқ, хуш ёқадиغان гаплар айтиб ўтиришарди. Машҳур мусиқачи бемоль оҳангида, ёнидаги суҳбатдошини масхаралаб юпатар эди. Суҳбатдоши, ёш сиёсий арбоб яқинда баланд мансабдан қулаб тушган, аммо ҳеч қаери лат емаган эди. Услуби бўлмаган ёш ёзувчилар эътиқоди бўлмаган ёш ёзувчилар билан, нафосатга ўч прозаиклар нафосатсиз шеър ёзадиган шоирлар билан ёнма-ён ўтиришарди. Ўз таълимотиغا ишонадиган даражада содда бўлган бечора сен-симончи шафқат юзасидан бу осий бандаларни яраштирар, чамаси, улардан ўз мазҳабига сомелар етиштиришни истарди. Ниҳоят, бу ерда яна суҳбатнинг обҳавосини азот қўшиб суюлтириш учун келгандай икки-уч олим, истаган вақтларида ялтироқ сўз айтиб ўзини кўрсатадиган, олмосдан чиққан учқунга ўхшайдиган сўзлари ҳеч қаерни иситмайдиган ва ёритмайдиган бир неча водевилчилар¹ бор эди. Бир неча зиддиятчилар ўзларининг нафратангиз ёки ҳайратангиз фикрларига қўшилган одамлар устидан киши билмас кулишиб қалтис, тигдор сиёсатларини бошлаб юборган эдилар. Шундай сиёсат ёрдамида ўзлари бирор тузум томонига ўтмай туриб, барча тузумларга қарши фитна уюштирар эдилар. Ҳеч нарсага ҳайрон қолмайдиган, Италия операсида каватина айтилаётганида эснаб ўтирадиган, биринчи бўлиб «Қойил!» деб қичқирадиган, ўзидан олдин фикр айтган ҳамма одамларга эътироз билдирадиган билимдон ҳам шу ерда эди, у бировлардан эшитиб олган ўткир сўзларни ўзиники қилиб такрорлар эди. Бу ерга йнгилган меҳмонлардан бештасининг келажаги бор эди; ўнтакаси бир амаллаб тириклигида шуҳрат қозонган: қолганлари эса Людовик XVIII нинг машҳур «бирлашиш ва гиналарни унутиш» деган ёлғон ширини қайтаришлари мумкин бўлган ўртамеъна одамлар эдилар. Амфитрион зиёфатга икки минг экю сарфлаган одамга хос ташвишини билдирмай, хушчақчақ бўлишга уринарди. У сабрсизлик билан тез-тез зал эшикларига қараб қўяр, кечиккан меҳмонларни чақираётгандай эди. Кўп ўтмай бақалоқ одам — шу бугун янги газета нашр этиш юзасидан шартнома тузган нотариус пайдо бўлди — уни меҳмонлар шодон қийқириқлар билан кутиб олдилар. Қора кийинган лакей кенг ошхона эшикларини ланг очиб юборди. Ҳамма ясоғлиқ катта стол атрофидан ўзларига яраша жой топиб ўтириш учун гур этиб ичкари киришди. Меҳмонхонадан чиқиб кетаётиб, Рафаэль яна бир марта атрофга қаради. Унинг тилаги чиндан ҳам аниқ амалга ошаётган эди. Қаёққа

¹ Енгил, қувноқ сахна асари ёзувчилар.

қараса олтин, қаёққа қараса атлас-шойи. Сон-саноксиз шамлар ўрнатилган қимматбаҳо қандил ёруғида хонадаги олтин нақшларнинг жимжималари равшан кўринар, туж кандакорлиги ва ёғоч жиҳозларнинг ҳашаматли бўёқлари товланар эди.

Бамбук — қамишдан ясалган нақшин токчалардаги ноёб пуллар ширин, лаззатли бўй таратарди. Бу ерда деворни безаб турган нозик-нафис матоларгача, ҳамма нарса фусункор, нафосатли, камбағаллар учун ҳайратланарли эди.

— Юз минг ливр даромад ҳар қандай жойни жаннатга айлантиради, бу пуллар билан ахлоқ қондаларига қойиллатиб амал қилиш мумкин! — деб хўрсинди Рафаэль. — Дарвоқе, мен энди пиёда юришга номус қиламан! Менинг учун болахона, жулдур кийим, қишда эски шляпа кийиш ва швейцар-дорбондан қарз олиш гуноҳ саналади... Эҳ, мана бундай дабдаба билан бир йил, ҳатто ярим йил яшаб, кейин ўлсам майлийдил! Ҳар ҳолда ҳаёт жомини тотиб кўрардим, охиригача ичардим, минглаб одамларнинг умрини кечирардим.

— Э, сен биржа ходимининг файтунини бахт деяпсанми? — эътироз билдирди қулоқ солиб турган Эмиль. — Бойлик тез кўнглингга уради, ишон: бойлик сени буюк одам бўлиш имкониятидан маҳрум қилади. Санъаткор бирор вақт камбағалнинг бойлигини бойларнинг камбағаллигига алмашганми сира! Сен билан бизга ўхшаш одамлар учун абадий курашиш керак-ку! Ҳозир эса иштаҳангни очиб тур, қарагин, — шундай деб Эмиль омадли корчалоннинг емакхонасига ишора қилди, у ердан улуғвор, жаннатмонанд, оромгоҳ манзара кўзга ташланарди. — Ростини айтсам, Амфитрионимиз фақат биз учун қийналиб пул тўплаганга ўхшайди. Ахир у қозон ювгичининг бир турига ўхшамайдими? Табиатшунослар адашиб, уни сўргичзулуклар қаторига қўшиб юборишган. Мана шу елинга қўл чўзгунларича ўзимиз қойилмақом соғиб олишимиз керак. Қара, девордаги барельефлар! Нақадар чиройли ишланган! Қандиллар ва суратлар-чи? Бай-бай-бай! Дидни қара! Агар ҳасадгўйларнинг гаплари, турмуш сирларини ипидан-игнасиғача биламан деб даъво қилувчиларнинг гаплари рост бўлса Тайфер қандайдир бир немисни, яна икки кишини ўлдирган экан. Энг яқин дўстини ҳамда энг яқин дўстининг онасини ўлдирган, дейишади. Соқлари оқарган муҳтарам Тайфернинг жиноятчи эканлигини фош этиб кўрчи. Ҳолимга маймунлар йиғлайди. Кўринишидан жуда очик-феъл. Кумуш соқларининг ялтирашини қара... Мана шу кумуш идишларнинг ярқираши хўжасининг қалбига пичоқ бўлиб санчилади, деб ўйлайсизми? Беҳуда гап. Кофир Муҳаммад динига ишонса ишонадики, бу гапга ишонмайди. Агар

¹ Ганчдан ишланган бўртиқ тасвир.

халойиқ тўғри гапирса, қалби ва истеъдоди бўлган ўттиз киши бу ерга бутун бошли бир оиланинг ичак-чавоқларини еб, қонини ичиш учун тўпланган... Сен билан менга ўхшаш покиза ва соддадил йигитлар эса жиноятга шерик бўлиб ўтирамин! Мен банкиримиздан сўраб кўрай-чи, виждони бормикин?...

— Ҳозир эмас! — хитоб қилди Рафаэль. — Улгудай маст бўлишини кутамиз. Аввал таом, бад-аз калом...

Икки дўст кулишганча ўтиришди. Аввало ҳар бир меҳмон сўзлашдан олдин узун столга ясалган дастурхондаги нознеъматларга қойил қолганлигини нигоҳи билан билдирди. Ҳозир ёққан қордай оппоқ дастурхон кўзини қамаштирарди; устига қип-қизил бўлиб пишган кулчалар қўйилган, тоза дазмолланган қўл сочиқлар чиройли қилиб териб қўйилган; биллур қадаҳлар юлдузлардай, камалакнинг барча ранглариди товланарди; шамларнинг шуълалари чексиз жилваланарди; кумуш қопқоқчалар остидаги таомлар зўр иштаҳа уйғотарди. Ҳамма жимиб қолди. Қўшнилари бир-бирларига қараб қўйишарди. Лакейлар мадера қуйишарди. Сўнг биринчи кўриниш тугаб, дабдаба билан иккинчиси бошланди. Бу кўриниш Камбасерсенинг порлоқ хотирасини улуглаши мумкин эди, бу саҳнани Брийа-Саварен улуглаши мумкин эди. Бордо ва Бургундия винолари, оқу қизил мусалласлар ҳотамтойлик билан тортилди. Ҳамма жиҳатлардан базмнинг биринчи қисмини классик фожеанинг муқаддимаси дейиш мумкин эди. Томошанинг иккинчи кўринишида одамларнинг жағи очилди. Меҳмонларнинг ҳаммаси виноларни кўнгли тусаганча алмаштириб, ўлгудай ичишди. Ажойиб таомларнинг қолган-қутганлари олиб жетилгач, шиддатли баҳслар бошланди. Баъзиларнинг рангпар манглайлари аллақачон қизариб кетган, баъзиларнинг бурунлари шолғомдай қизариб кетган; ёноқлар ял-ял ёнар, кўзлар чақнар эди. Шу вақтгача, маст-аластлиқнинг бошланишида ҳеч кимнинг оғзидан беибо сўз чиқмаган эди; аммо энди ҳамма алжираб, аста-секин ҳазил-мутойиба ва қочиреқ гаплар чиқа бошлади; сўнг ғийбат секингина илондай бошчасини кўтарди ва асалдай ширин говушда сайрай бошлади; ичимдан топ дейдиганлар ақл-ҳушини йўқотмаслик учун суҳбатга диққат билан қулоқ солишарди. Иккинчи танаффусдан сўнг ҳамманинг боши қизиб кетди. Ҳамма овқат ер ва гапирар, ҳамма гапирар ва овқат ер, ичкиликлар дарё-дарё қуйилаётганига парво ҳам қилишмасди — винолар шу қадар ҳушбўй ва ширин эди, чиллаки чиллакни кўриб чумак урарди. Меҳмонларни янада гижгижлаш учун Тайфер дастурхонга ниҳоятда ўткир бўлган Рене виноларини, роса қиздирадиган Токай виноларини, узоқ сақланган, дарров бошга урадиган русильонларни тортишни буюрди.

Интизорлик билан кутилган, аммо кейин тўкин-сочин қуйилган шампан виноларидан қизиб кетган меҳмонлар ўз ақл-

ларининг отларини, бекатдан чиқиб чопқиллаган почта ариваларидай, мулоҳазалар саҳросига қўйиб юборишди. Аммо ҳеч кимнинг фикрига ҳеч ким эътибор бермасди. Биров айта бошлаган ҳикояни ҳеч ким тингламас, юзинчи марта берилган саволлар жавобсиз қолар эди. Фақат кўплаб тушуниқсиз бақириқ-чақириқлардан иборат, Россини крешендосидай борган сари авжга чиқаётган шовқин-суронгина бир ўзи ҳамманинг овозини босиб кетар эди. Сўнг кинояли алёрлар, мақтанчоқлик, шаддодлик бошланди. Ҳамма ақлий қобилияти билан эмас, балки ким неча хуму неча кўза, неча челақ ича олиши билан мақтанишга тушиб кетди. Гўё ҳар бирининг иккитадан овози бор эди. Ҳамма жаноблар бараварига гапирадиган, хизматкорлар эса кулиб турадиган вақт келди. Жанг вақтида замбарак ўқлари, якка ва қаторасига узилган ўқлар бир-бирига тўқнашгандай, бу ерда ҳам шубҳанинг ялтироқ пардасига ўралган зиддиятлар, масхарабозлик либосига бурканган ҳақиқатлар, бақириқ-чақириқлар орасидан, суднинг жузъий таърифлари ва ажримлари орасидан, ҳар қанақа алжирашлар орасидан ўзига йўл олиб, бир-бири билан тўқнашардилар. Шубҳасиз, бу гап-сўзлар аталаси ичида баён қилинган ғалати фикрлар файласуфни, гаройиб ижтимоий тузумлар сиёсий арбоби ҳайратга солиши мумкин эди. Турли минтақалардаги турлича фалсафий таълимотлар, динлар, ахлоқий тушунчалар, ҳукуматлар — хуллас, инсоният ақл-идрокининг барча буюк муваффақиятлари бу ерда Вақт ўроғига ўхшаган ўроқ билан ўриб ташланаётган эди. Ҳар ҳолда ҳозир ана шу буюк ўроқ маст бўлиб қолган доноларнинг қўлидами ёки доно бўлиб қолган мастларнинг қўлидами — билиш қийин эди. Бу доно ақллар бўрон вақтида тўлқинлар қояларга урилиб, уни емиргандай, барча қонунларнинг қояларини зил кеткизишга тайёр эдилар. Бу қонунларнинг орасида эса катта-катта цивилизация замонлари «сузиб» юрарди.

Шундай қилиб шаддод ёшлар ўзлари билмаганлари ҳолда, ер юзида эзгулик ва ёвузликка ўрин бериб, уларнинг тинимсиз кураши сирларини ёпиқ қолдирган тангри иродасини амалга ошираётгандай эдилар. Шафқатсиз масхарабозларча бу баҳс чинакам жинлар базмига ўхшарди. Ун олтинчи аср билан ўн тўққизинчи аср ўртасида қандай катта тафовут бўлса, Гаргантюа туғилаётган пайтдаги қувноқ мастларнинг мулоҳазалари билан ҳозир Революция фарзандлари ҳазил-мутойибалари ўртасида ҳам шундай катта жарлик бор эди. Ун олтинчи аср қаҳқаҳа билан ҳаммаёқни вайрон бўлиш арафасига олиб келиб қўйган эди: бизнинг аср эса вайронлар орасида қаҳқаҳа урарди.

— Ҳов анави йигитнинг исм-шарифи нима экан? — сўради нотариус Рафаэлни кўрсатиб. — Уни Валантен дейишгандай бўлувди.

— Сиз уни шунчаки Валантен деб ўйлайсизми?— ҳазиломуз хитоб қилди Эмиль,— йўғ-е, кечирасиз, у Рафаэль де Валентен бўлади. Бизнинг гербимиз — қора майдонда кумуш тож кийган, тирноқлари ва тумшуғи қизил бургут, унинг остига «Non secidit animus!»¹ деган шиор ёзилган. Биз — аллақандай етимча эмасмиз, биз — барча Валантенуа наслининг асосчиси, Француз Валансаси ва испан Валенсиясининг барпо этувчиси император Валент авлодиданмиз, биз Шарқий империянинг қонуний ворисимиз. Модомики, биз Маҳмудга Константинополда подшолик қилишга рухсат берган эканмиз, бу бизнинг саховатли иродамиздан, шунингдек, пулимиз ва аскарларимиз етишмаганидандир.

Эмиль вилка билан Рафаэлнинг боши узра ҳавода тожни тасвирлади. Нотариус бир лаҳза ўйланиб қолди, сўнг Валенсияни, Валансани, Константинополни, Маҳмудни, император Валентин ва Валентинуа наслини ўзининг чўққатлари қаторига қўшиш ихтиёрида эмаслигини билдиргандай ишора қилиб, яна ичишни бошлади.

— Уткинчи бир дев оёғи остида Бобил, Тир, Қарфаген ёки Венеция каби буюк шаҳарлар ҳам чумоли уясидай янчиб ташланган экан, шунинг ўзи илоҳий қудратнинг одамзодни масхаралаши эмасми?— деди Клод Виньон, Боссюэга тақлид қилиб, ҳар қаторига ўн су оладиган бетамиз қул.

— *Мусо, Сулла, Людовик ўн тўртинчи, Ришелье, Робеспьер ва Наполеон* балки ҳаммаси турли цивилизациялар орасидаги думли юлдуздай пайдо бўлувчи бир одам эмасмикин?— деб жавоб қилди қайсидир бланшчи.

— Тангри-таоло иродасини синаб кўришнинг нима кераги бор?— сўз қотди балладалар тайёрлаб берувчи Каналис.

— Тангри-таоло иродаси эмасдир-ов!— унинг гапини бўлиб қичқирди *Билимдон*.— Дунёда бундан умумий сўзни топиш қийин.

— Аммо Людовик ўн тўртинчи де Ментенон хонимга сув қувури ўтказиб бериш вақтида жуда кўп одамларнинг ёстигини қуритган, ҳатто Конвент ҳам солиқларни адолатли тақсим қилиш вақтида, ҳамма учун адолатли қонун ўрнатиш вақтида, меросларни миллат мулкига айлантириш ва тенг бўлиш вақтида ҳам шунчалик кўп одамларнинг ёстигини қуритган эди,— сафсата сотди Массоль деган йигит. У фақат ўзининг фамилияси олдида бир бўғинли қўшимча йўқлиги учунгина республикачи бўлиб олган эди.

— Одам қони сизлар учун винодан ҳам арзон,— эътироз билдирди Моро деган киши, Уза дарёси соҳилларининг йирик мулкдори.— Айтинг-чи, ақалли шу сафар одамларнинг боши ўз жойида қоладими?

— Нима учун? Ахир ижтимоий тузум асосланганида бир неча қурбонга йўл қўйилмайдими?

— Бисну! Эшитдингми? Манови жаноб республикачининг айтишича, анови мулкдорнинг боши кетар эмиш,— деди бояни йигит қўшнисига.

— Одамлар, воқеалар — ҳеч нима,— ҳиқичоқ тутганига карамай, ўз назариясини ривожлантиришни давом эттирди республикачи,— фақат сиёсатда ва фалсафадагина гоёлар ва эътиқодлар бўлади.

— Қандай даҳшат! Демак, «ҳа» деган биргина сўз учун дўстларимизни афсусланмай ўлдираверар экансиз-да?..

— Э, виждон азобини биладиган одам ҳақиқий жиноятчи бўлади-да. Чунки шундай одамнинггина номуси бўлади. Буюк Пётр ёки герцог Альба деганда тузумларни тушуна-миз, денгиз қароқчиси Монбар деганда эса — ташкилотни.

— Жамият «тузум»ларингизсиз ва «ташкилот»ларингизсиз яшаёлмайдими?— сўради Каналис.

— О, албатта!— қичқирди республикачи.

— Аҳмоқона республикангиздан кўнглим айнийди! Бирорта хўрозниям бемалол сўйиб бўлмайди, албатта ичидан аграр қонун чиқади.

— Эътиқодларинг жуда ажойиб, азизим Брут, ичига қийма тиқилган дўстим! Аммо, сен менинг лакейимга ўхшайсан, ўша аҳмоқ озодалик касалига учраган, қўйиб берсанг кийимларингни шундай тозалаб, ялтиратиб ташлайдики, кўчада яланғоч юришга мажбур бўласан киши.

— Ҳаммангиз ҳайвонсиз! Сизлар миллатни тиш чўтқаси билан тозаламоқчи бўласиз,— деди республикага берилган жаноб.— Сизнингча, адолат қонунлари ўғрилардан кўра хавфлироқ экан-да.

— Ҳай, ҳай,— жавоб қилди адвокат Дерош.

— Сиёсатвозлигингиз меъдага урди!— деди нотариус Кардо.— Эшикни ёпинг. Ҳамма билимларингизу ҳамма фазилатларингиз бир томчи қонга арзимади. Агар ҳақиқат омборларини текшириб кўрсак, у ерда ҳеч вақо қолмаганини кўраемиз.

— Албатта, жанжалнинг яхшисидан кўра тинчликнинг ёмони тузук, ҳам арзон тушади. Шунинг учун минбарлардан қирқ йилдан бери айтилаётган гапларни битта лаққабалик-қа, Перро эртагига ёки Шарленинг хомаки расмига алиштирадим.

— Сиз бутунлай ҳақсиз!.. Анови қиймани бу ёққа олворинг... Нега десангиз, оқибатда озодлик бебошдоқликни вужудга келтиради, бебошдоқлик эса зулмни олиб келади, зулм эса яна озодликни қайтаради. Мана шу тузумларнинг бирортасига эришолмай миллионлаб жонлар ўлиб кетди. Ахир, бу маънавий олам абадий айланаверадиган нопок доира эмасми? Одам кўнглида бирор нарсани мукаммаллаш-

¹ «Рух ҳали заифлашмаган!» (лотинча).

тирдим, дейди. Аслида эса фақат ўрнини алмаштирган бўлади.

— О-ҳо!— қичқирди водевилчи Кюрсин.— Ундай бўлса, жаноблар, озодликнинг отаси Карл Унинчи учун қадаҳ кўтараман!

— Ахир тўғри айтяпти!— деди Эмиль.— Қонунларда кишану хулқ-атворда эркинлик ёки аксинча... Шундай бўлганидан сўнг, тўғри-да!

— Демак, бизга аҳмоқлар устидан кулиш ҳуқуқини берган аҳмоқлар ҳокимияти учун ичамиз!— деди банкир.

— Йўқ, азизим, Наполеон бизга ҳар ҳолда шон-шуҳрат келтирди!— қичқирди Брестдан нарига сузмаган денгиз офицери.

— Оҳ, шон-шуҳрат яхши мол эмас. Қимматга тушади, узоқ сақлаб бўлмайди. Аҳмоқлар худбин бўлгани учун бахтли, буюк одамлар шон-шуҳратга ўч бўлгани учун худбин эмасми?

— Ундай бўлса, жуда бахтли бўлсангиз керак...

— Ўз мулкларини биринчи марта четан девор билан тўсган одам касалманд бўлса керак, чунки жамиятдан фақат касалманд одамларга фойда келади. Маънавий оламнинг икки қутбида турувчи ёввойи одам билан мутафаккир бирдай мулкдан қўрқса керак.

— Қойил!— қичқирди Кардо.— Агар мулк бўлмаса нота-риал ҳужжатларни қандай тузар эдик?

— Бай-бай, мана бу нўхат бирам мазали бўптики!

— Эртасига руҳонийнинг ўлигини топишибди...

— Ким ўлим тўғрисида гапиряпти? Улим билан ҳазиллашманглар! Менинг амаким...

— Сиз, албатта, унинг ўлимига рози бўлгансиз, тўғрими?

— Ҳа-да...

— Жаноблар, эшитинглар!.. **ЎЗ АМАКИСИНИ ОСОНГИНА УЛДИРИШНИНГ ЙЎЛИ! ЖИМ-М!** (Эшитинглар, эшитинглар!) Аввало, хўппасемиз ва ёғли бир амакини оласиз, етмиш яшари бўлса яна яхши — чунки шундайлари аъло навли амаки бўлади. (Умумий жонланиш). Қандайдир баҳона топиб, унга роз жигаридан қилинган қийма едирасиз...

— Ахир, мени амаким дароз, қотма, зиқна ва қилтомоқ.

— О, бундай амакини аждаҳо деяверинг, улар худо берган умрни суистеъмол қилишади.

— Шу тариқа,— давом эттирди амаки ҳақида сўз бошлаган нотик,— у киши овқатини ҳазм қилиб ўтирганида банкири — синганлигини эълон қиласиз.

— Бу кулфатга дош берса-чи?

— Унга дўндиққина қизчани топиб бериш керак.

— Агар у киши?...— деб, эпполмаса-чи, деган ишорани қилди бошқа биров.

Ундай бўлса у амаки эмас экан-да... Амаки — аслида нар бўлади.

— Малибран овозидан икки нота йўқолиб қолипти.

— Нотўғри!

— Тўғри!

— А-ҳа, а-ҳа! Ҳам тўғри, ҳам нотўғри — ҳамма диний, сиёсий ва адабий мавзулар мана шу икки сўзга бориб тақалмайди? Инсон жарлик ёқасида ўйинга тушаётган масхарабозда.

— Гапингизни тинглаганим учун аҳмоқ эканман-да?

— Аксинча, тингламаганингиз учун аҳмоқсиз...

— Маърифат — аҳмоқлик! Жаноб Гейнфеттермахнинг нашр этилган миллиард том китоби бор: одам бўлса умри бўйи юз эллик мингдан ошиқ китоб ўқиёлмайди. Шундай экан, маърифат деган сўзнинг маъносини менга тушунтириб беринг-чи. Бировлар македониялик Искандар тулпорининг исмини билиб олса, ёки жаноб Дезаккорнинг дог ити Беросилло деб аталганлигини билиб олса, ўзини маърифатли ҳисоблайди. Аммо улар дунёда биринчи марта ким ёғочни дарёда оқизганлигини ёки биринчи марта фосфорни ким топганлигини билиши шарт эмас. Бошқалар учун ўлаётган одамнинг васиятномасини ўғирлаб, жамият орасида ҳалол, севимли ва ҳурматли бўлиб юриш ҳам — маърифат. Булар учун бировнинг соатини сув қилиш (яна бир мартамас, айбни оғирлаштирувчи беш ҳолатдаям), сўнгра ҳамманинг кўзи олдида Гре майдонига дор остига бориш маърифат эмас.

— Натан жойида қоладими?

— Э, унинг ходимлари аҳмоқ эмас.

— Каналис-чи?

— Жуда буюк одам, қўйинг, у ҳақда гапирмайлик.

— Сиз мастсиз!

— Ақлларни заифлаштириш — Конституциянинг биринчи қиладиган иши. Санъатлар, фанлар, ҳайкаллар — ҳаммасини худбинлик қуртдай кемиряпти, худбинлик — замонамизнинг мохов касаллиги. Уч юзта бойваччангиз палата курсисига ўтирволиб, фақат терак экишдан бошқасини ўйлашмайди. Истибдод қонунга бўйсунмайди, аммо буюк ишлар қилади: озодлик эса қонунга амал қилади, зиғирча фойда бермайди.

— Сизнинг таълим-тарбиянгиз қиммати юз су бўлган икки оёқли пуллар тайёрлайди,— гапга қўшилди истибдод тарафдори.— Таълим-тарбия билан сийқалашган халқ орасида шахслар қолмайди.

— Аммо, жамиятнинг мақсади ҳар бир одамга фаровонлик келтириш эмасми?— сўради сенсимончи.

— Эллик минг ливр даромадингиз бўлганида халқ тўғрисида ўйлаб ўтирмасдингиз. Агар халққа ёрдам бераман деган олижаноб ниятингиз бўлса, Мадагаскарга боринг: у ер-

да сийқалашмаган кичкина бир халқ бор. Ушани сенсимонлаштиринг, тасниф этинг, тувакка кўчириб экинг. Бизда эса пичоқнинг қинидай, ҳар бир одамнинг ўз уяси бор. Бизда швейцарлар — швейцар, аҳмоқлар — аҳмоқ, бу ун-вонларни олиш учун руҳоний отахонларнинг мажлис чақиришига ҳожат йўқ.

— Сиз — карлчимисиз?

— Бўлсам нима қипти? Мен истибдодни яхши кўраман. Истибдод ҳар қалай одамларга кучини кўрсатади. Мен қироллардан нафратланмайман. Ахир улар шундай кулгилики! Кўёшдан ўттиз миллион миль олисдаги палатада подшолик қилиш — ҳар ҳолда ҳазил гапмас.

— Цивилизация босқичларига умумий хулоса ясаймиз, — деди олим парво қилмаётган ҳайкалтарошга гап уқтиришга уриниб: у инсоният жамияти тараққиёти ва ибтидой қаби-лалар ҳақидаги мулоҳазаларини баён этишга тушди: — Элатлар вужудга келган даврда ҳукмронлик маълум даражада моддий, ягона ва қўпол ҳукмронлик эди; кейинчалик, йирик уюшмалар ташкил топгач, ҳукуматлар пайдо бўлди. Улар илк ҳокимиятни озми-кўпми чаққонлик билан емира бошладилар. Демак, жуда қадим замонларда куч руҳонийлар қўлида эди: коҳин ҳам, қилич ҳам исриқ билан кун кўрарди. Кейин эса икки олий шахс пайдо бўлди: руҳонийлар пири ва подшо. Ҳозирги замонда, цивилизациянинг сўнгги муваффақияти бўлган бизнинг жамиятимиз ҳокимиятни барча унсурларга бўлиб берди. Демак, бизда ҳозир саноат, фан, маблағ, адабиёт деган кучлар бор. Шу тариқа, бутунлигини йўқотган ҳокимият жамиятни ҳам емира бошляпти. Жамиятнинг емирилишига қарши фақат бир тўсиқ бор, бу манфаат тўсиғи. Шундай қилиб, биз динга ҳам, моддий кучларга ҳам эмас, балки ақл-идроқка таяниб иш тутушимиз керак. Аммо, китоб-қиличга, фикр — ҳаракатга бас кела оладими? Гап мана шунда.

— Ақл-идроқ ҳамма марсани хароб қилди! — қичқирди карлчи.

— Мутлоқ озодлик туфайли миллат ўзини-ўзи ўлдиради. Озодлик тарафдорлари ғалабага эришгач, қандайдир инглиз миллионерига ўхшаб зерика бошлайди.

— Ўзингиздан қандай янги гап чиқади? Бугун ҳокимиятнинг ҳамма турларини масхара қилдингиз; бу эса худони инкор этишдай разил нарса! Энди ҳеч нарсага ишонч-имонингиз йўқ. Шунинг учун асримиз бузуқлик йўлига кирган қари султонга ўхшаб қолди! Сизнинг лорд Байронингиз шеърини оҳ-фарёдларини тугатиб, жиноятларни куйлай бошлади.

— Мен сизга айтсам, — деб гап бошлади мутлақо маст Бьяншон, — фосфорнинг кўплиги ёки озлиги туфайли одам доҳий ёки ёвуз, ақлли ёки аҳмоқ, виждонли ёки жиноятчи бўлади.

— Виждон ҳақида шундай деб бўладими?! — хитоб қилди до Кюрсин. — Барча театр пьесаларининг мавзуи, барча драмаларнинг ечими, барча суд муассасаларининг асоси бўлган виждон ҳақида шундай деб бўладими?!

— Жим бўл, елим! Сенинг виждонинг — товонсиз Ахилл¹, — деди Бисиу.

— Ичамиз!

— Гаров ўйнаймизми, бир шиша шампанни бир нафасда ичаман?

— Нафасинг қурсин-е, — қичқирди Бисиу.

— Ҳаммаси молдай ичиб ғирт маст бўлиб қолишибди, — деди бир йигит жиддий тусда жилетининг чўнтагига вино қуяр экан.

— Ҳа, бизнинг давримизда ҳокимларнинг маҳорати ҳамма раҳбарликни жамоатчилик фикрига ташлаб қўйишда.

— Жамоатчилик фикрига, дейсизми? Ахир фоҳишаларнинг энг бузуғи шу-ку! Сизга ўхшаган насихатчилар ва сиёсатдонларнинг гапига кирсак, табиатдан кўра сизларнинг қонунларингизни, виждондан кўра жамоатчилик фикрини устун қўйишимиз керак экан-да. Аҳмоқона гап! Ҳамма нарса ҳақиқий, ҳамма нарса — ёлғон! Жамият бизга парёстиклар билан бирга бод касаллигини ҳам қўшиб берди. Адолат қонунлари билан суд ишлари бир-бирини тенглаштириб туради, кашмирий шойилар одамни тумов қилади...

— Агар католик дини минг тангрини бир қопга солса. Республика ҳаммаша бирорта Наполеон билан тугаса, қирол ҳокимиятининг чегараси Генрих Тўртинчининг ўлдирилиши билан Людовик ўн олтинчининг қатл этилиши ўртасида бўлса, либераллар охири Лафайетдай хоин бўлиб чиқса менинг гуноҳим нима?

— Сиз Лафайет билан июлда апоқ-чапоқ эмасмидингиз?

— Йўқ.

— Ундай бўлса гапирманг, эътиқодсиз экансиз.

— Эътиқодсизлар — энг виждонли одамлар.

— Улар виждонсиз бўлишади.

— Нима деяпсиз? Уларнинг камида иккитадан виждони бор.

— Осмондан ҳам пул ундириш — мана бунини чинакам савдогарлик деса бўлади! Қадимги динлар жисмоний лаззатларни гуллатар эди: биз осий бандалар эса, руҳни ва умидни ўстирдик — тараққиётимиз мана шунда.

— Эҳ, дўстларим, сиёсатга тўйиб кетган асрдан нимани ҳам кутасиз? — деди Натан. — «Богемия қироли ва унинг етти қасри»дай ажойиб қиссанинг тақдири нима бўлди-ю!

— Нима? — столнинг нариги четидан қичқирди *Билимдон*. — Ахир бу асар зўрма-зўраки жумлалар йиғиндиси-ку, жиннихона учун ёзилган-ку?!

¹ «Виждони зирҳга ўралган, заиф жойи йўқ» маъносига — М.М.

— Аҳмоқ!
 — Овсар!
 — О-ҳо!
 — А-ҳа!
 — Улар ҳозир урушишади.
 — Йўқ.
 — Эртагача, муҳтарам афандим..
 — Ҳозир ҳам тайёрман,— деди Натан.
 — Кўйсанглар-чи! Иккалангиз ботир экансиз.
 — Лекин, сиз ботир эмассиз,— деди жанжал бошловчи.
 — Аммо, иккаласиям оёқда туrolмайди.
 — Эҳ, ростдан ҳам оёқда туrolмайдиганга ўхшайман!— деди уришқоқ Натан, варракка ўхшаб, шох ташлар экан.

У дастурхон атрофидагиларга маъносиз боқди, сўнг туришга уринди-ю, бўлмади, стулга шилқ этиб тушиб, жимиб қолди.

— Мен бу китобни ҳеч қачон ўқимаганман, ҳатто юзини кўрмаганман. Шунини деб урушсам роса қизиқ бўларди-да!— деди Билимдон ўз қўшнисига қараб.

— Эмил, фракнинг ифлос бўлмасин, ёнингдаги одам тайёр бўп қолди,— деди Бисиу.

— Кантми? У ҳаво тўлатилган ва аҳмоқларга эрмак учун осмонга учирилган пуфаклардан биттаси холос! Материализм ва спиритуализм. Мана шу аломат ўйинда руҳонийлик ридосини кийган масхарабозлар халқни бор отанга, бор онангга, деб бир-бирларига улоқтиришади. Спинозанинг айтишича, бутун борлиқда худо бор, авлиё Павелнинг айтишича, худода бутун борлиқ бор. Тентаклик! Эшикни очиш билан эшикни ёпиш ўртасида қандай фарқ бор— иккаласи бир эмасми? Тухум товуқдан пайдо бўлганми ёки товуқ тухумдан пайдо бўлганми? (Анови ўрдакни бу ёққа олворинг!) Бор фанлар шунини текширади.

— Тентак!— қичқирди унга олим.— Сен айтган масала далил билан ҳал қилинган.

— Қандай далил билан?

— Ахир профессорлик кафедралари фалсафа учун чиқарилганми? Аксинча, фалсафа профессорлик кафедралари учун чиқарилган-ку! Кўзойнак тақиб ол-да, бюджет билан танишиб чиқ.

— Уғрилар!

— Аҳмоқлар!

— Тулкилар!

— Овсарлар!

— Париждан бошқа қаерда бундай тез фикр алмашувни топа оласиз?— хитоб қилди Бисиу бирдан овозини кўтариб.

— Қани, Бисиу, бирорта антиқа томоша кўрсатиб бер-чи! Бирорта найрангми? Илтимос!

Ун тўққизинчи асрни кўрсатайми?

Эшитинглар!

Жим!

Овозингни ўчир!

— Жим бўласанми-йўқми, қарға!

— Вино беринглар, боланинг овози ўчиб қолади!

— Қани, Бисиу, бошла!

Рассом қора фракнинг тугмаларини ечди, сариқ қўлқопларини кийиб, бир кўзини қисиб, афтини буриштириб «Ревью де Дё Монд» журналини тасвирлади; аммо шовқин-сурон унинг овозини босиб кетди, масхарабозларча нутқидан бирорта сўзни уқиб бўлмади. Ун тўққизинчи асрни бўлмасаям, Бисиу журнални тасвирлай олди. Ҳеч ким ўз овозини ўзи эшитмасди.

Ширин ичимликлар худди сеҳрли эртақдагидай тортилди. Томир устахонасидан чиққан, олтин суви югуртирилган бронза идиш-оёқлар бутун дастурхонни эгаллаган эди. Рассом идиш-оёқларни Европада энг гўзал деб тан олинган баланд бўйли йигит-қизларнинг қоматлари шаклида ишлаган эди. Улар ўз елкаларида тоғ-тоғ қулупнайлар, қовунлар, янги узилган хурмолар, қаҳрабодай узумлар, шафтолилар, Сегубалдан кемада келтирилган апельсинлар, Хитойдан келтирилган анорлар ва бошқа мева-чеваларни, хуллас, дабдабали ҳаётнинг ҳар қандай ғаройиботларини, қандолатчилик санъатининг ажойиботларини, энг лаззатли, иштаҳа очувчи, оғизнинг сувини келтирадиган тансиқ таомларни кўтариб туришарди. Бу гастрономия манзараларининг ранго-ранглиги чинни идишларнинг ялтирашидан, зарқал ҳошияларнинг учқунланишидан, вазаларнинг мулоим-майин эгилишидан янада равшанлашган эди. Пуссеннинг табиат манзаралари тасвирланган чинни идишларини океан тўлқинларининг кўпигидай ям-яшил ва енгил, майин майсалар безаб туришарди. Бундай дабдабали базмга етказиш учун бутун бошли немис князлигининг хазинаси ҳам етмас эди. Турли хил кумуш, феруза, олтин, биллур идишлар яна ва яна пайдо бўлар, аммо қалтираб-қақшаб, бир-бирига гап уқтираётган меҳмонларнинг хиралашган нигоҳлари бундай афсонавий сеҳр-жодуларни пайқамасди. Енгил винолар хушбўйлиги ва чўғи билан, қаттиқ ҳаяжонга солувчи шарбатлари ва сеҳрловчи буғи билан бир сароб ҳосил қилар, ўтирганларнинг қўл-оёқларини қудратли кишанлари билан ўраб-чирмаб, оғирлаштирар эди. Мева-чевалар хирмони талон-торож қилинар, овозлар янада дағаллашар, шовқин-сурон тагин ҳам кучаяр эди. Сўзларни тушуниш қийинлашар, қадаҳлар чил-чил синар, ваҳшиёна қаҳқаҳа мушакдай сочилар эди. Қюрси девордан бурғини олиб, жанг қақирғини чалди. Худди иблиснинг ўзи фармон бергандай бўлди. Оломон ақлдан озиб чинқирар, қийқирар, куйлар, ҳуштак чалар, бақирар ва бўқирар эди.

Табиатан шўх бўлган одамлар бирдан *Кребильон* пьесаларининг хотимасидаги каби тундлашиб ёки фойтунда саёҳат қилаётган денгизчилардай ўйчан бўлиб қолганлигини кўрган киши ўзини кулгидан тиёлмасди. Айёрлар ўз сирларини қизиқувчан одамларга валдираб айтишар, аммо улар ҳам қулоқ солмай қўйишган эдилар. Хафақон одамлар ҳам раққоса чир айланиб бўлиб жилмайиб қўйгандай, илжаяр эдилар. Клод Виньон қафасдаги айиқдай ўртада лаланглаб турарди. Энг яқин дўстлар ҳам бир-бири билан муштлишишга тайёр ўтиришарди. Физиолог олимлар одамларнинг ҳайвонбашара эканлигини қизиқарли мисоллар билан изоҳлаган эдилар. Ана шу ўхшашлик ҳозир меҳмонларнинг ҳаракатлари ва ҳолатларида равшан кўрина бошлади. Хотиржам ва ҳушёр бирорта *Биша* бу ерга кириб қолганида тайёр китобни кўрар эди. Уй эгаси ўзининг мастлигини сезиб, ўрнидан туришга журъат этмас, чиройли ва оққўнгил қиёфасни сақлашга уриниб, меҳмонларнинг қилиқларини афтини буриштирганича маъқуллаб ўтирарди. Унинг товоқ юзи қип-қизариб, деярли алвон ранг, қўрқинчли тус олган, бир ёғи қийшайиб кетаётган юк аравадай, боши гавдасига мос чайқалар эди.

— Сиз уларни ўлдирдингизми?— сўради Эмиль.

— Айтишларича, Июль революцияси шарафига ўлим жазоси бекор қилинар экан,— жавоб берди Тайфер ҳам айёро-на, ҳам аҳмоқона бир қиёфада қошларини учириб.

— Улар тушингизга кирмайдими?— эзмаланиб сўради яна Эмиль.

— Муддати эскириб кетди,— деди олтинларга кўмилган қотил.

— Яна бу кишининг мақбараси устига тоштарош «Ўткинчи, бу қабр ёнида кўз ёш тўкиб кет» деб ёзиб ҳам қўяди,— қочириқ қилди Эмиль.— О!— деди у яна,— алжабр тенгламалари ёрдамида дўзахнинг борлигини исботлаб берган математикачига юз су тўлаган бўлар эдим.

Шундан сўнг у тангани баландга отиб:

— Унги билан тушса — худо бор!— деб қичқирди.

— Қараманглар!— деди Рафаэль тангани ушлаб олиб.— Ким билади. Тасодифга ишониб бўладими?!

— Ҳайҳот!— давом этди Эмиль ҳазилакам қайғули оҳангда,— қаерга қадамнинг етса ё даҳрийнинг геометриясига, ёки Рим отасининг «Эй, падари бузруквор!» деган оятига дуч келасан! Дарвоқе, ичайлик! «Пантагрюэль» охиридаги илоҳий шиша айтган кароматгўй сўзлар ҳам менимча «ичайлик!» деган маънони билдирарди!

— «Эй, падари бузруквор!» ояти бўлмаганида бизнинг санъатларимиз, ёдгорликларимиз, эҳтимол, фанларимиз қаёқда эди? Энг азиз неъматимиз бўлмиш ҳозирги ҳокимият-

ларимиз қаёқда эди? Бу ҳокимиятларимизда беш юз калла қойиллатиб, жуда кенг-мўл, ҳосил берувчи жамиятнинг вакиллари бўлиб жойлашиб олишган. Дарвоқе, ана шу ҳокимиятимизда қарама-қарши кучлар бир-бирининг пайини қирқади. Бутун ҳокимият ЦИВИЛИЗАЦИЯГА, қиролнинг ўрнини олган мана шу улкан маликага бериб қўйилган. Ана шу беш юз калла сохта пайғамбарлик даъво қилган кўҳна, хунук қирол ўрнини босади. Одамзод ўзи билан само ўртасида қиролни даллол қилиб олган. Бу қадар муваффақиятлар олдида даҳрийлик пуштсиз, ҳеч нарса туғолмайди-ган қуруқ устихон бўлиб қолади. Сен бунга нима дейсан?

— Мен католанизм тўккан дарё-дарё қонларни ўйлапман,— совуққона деди Эмиль.— Бу дин томирларимизга, юракларимизга оқиб кирган — худди бутун олам тўфонидай! Нима ҳам қилардик! Фикрловчи ҳар қандай одам Исонинг ялови остида бориши керак. Фақатгина Исо руҳни моддийлик устидан голиб қилди, фақат угина худо билан ўзимизнинг ўртамизда воситачи бўлган оламнинг нафосатини кўзимизга кўрсатиб берди.

— Сен шундай деб ўйлайсанми? — сўради Рафаэль мастлики ва яна қандайдир ноаниқ маънони билдирувчи табасум билан.— Майли, ўзимизни фош қилиб қўймаслик учун машҳур алёрни айтамыз:

*Diris ignotis!*¹

Шундай деб, улар бирваракайига фан, шеърят ва куфрлик заҳри анқиб турган жомларни сипқоришди.

— Меҳмонхонага марҳамат, қаҳва тортилди,— эълон қилди эшик оғаси.

Бу вақт ҳамма меҳмонларнинг ақли сўниб, вужудлари ўз золимидан қутулиб, эркинликка чиқиб, ёввойиларча шодхурамликка шўнгидилар. Бир хиллари ўлгудай маст бўлиб, қовоқлари осилганича, тутқич бермаётган фикрини қувлашар, гўё ўша фикрни тутишса ўзларининг борлигини ишонадигандай эдилар: бир хиллари овқатга бўкиб ўринларидан қимирлаёлмамай, бақа бўлиб қолишганди. Жасур нотиклар ҳамон сафсата сотишар, аммо гапларининг маъносига ўзлари ҳам тушунмас эдилар. Аҳён-аҳёнда ёзув машинкаси тикирлагандай, у ер-бу ерда ҳали ҳам «хиргойи» қилиб қўшиқ айтишарди — бу ҳаёт эмас, балки ҳаётнинг ранглар сояси эди. Гоҳ ғала-ғовур кучайиб, гоҳ атроф суви сепгандай жимжит бўлиб қолиши қизиқ кўринарди. Шунга қарамай, уй хожаси ўрнига хизматкор эълон қилган қувончли хабарни эшитган меҳмонлар гур этиб залга йўналдилар. Улар бир-бирларининг қўлларидан тортиб, қўлтиқларидан олиб, баъзиларини эса ҳатто кўтариб, зал томон юришди. Аммо улар эшик олдида келганларида бир лаҳза қаршиларидаги ман-

¹ Рабленинг «Саргантюа ва Пантогрюэль» асарига ишора — Ред.

¹ «Номальум тангриларга!» (лотинча).

зарага маҳлиё бўлиб, оғизлари очилиб қолдилар. Амфитрион меҳмонларнинг шаҳвоний ҳисларини қўзғаб, кўнгилларини очиш учун шундай бир томоша кўрсатдики, бунинг олдида зиёфатнинг бошқа ҳамма лаззатлари бир пул бўлиб қолди. Олтин қандилларда порлаб турган шамлар ёруғида зарҳал рангли кумуш идишлар билан безалган дастурхон атрофида кўзлари юлдуздай чақнаган бир тўп қиз-жувонларни кўрган меҳмонларнинг эслари оғиб қолди. Аёллар ҳашамли гўзал либосларга ўралишган, уларнинг кўзни қамаштирувчи гўзаллиги олдида бу қасрдаги барча ажойиботлар хира тортар эди. Париваш қизларнинг мафтун этувчи, эҳтиросли нигоҳлари девордаги гулларни, оппоқ мрамларни ва чиройли бронза ҳайкаллари ярқиратиб турган ёруғлик шуълаларидан ҳам ёлқинлироқ эди. Ҳар хил қиёфали, нозившали гўзалларнинг ҳилпираган гажак ва зулфлари юракларни аланга олдириди. Меҳмонларнинг ҳайратланган нигоҳлари олдида қиз-жувонларнинг бошларидаги инжу, гавҳар ва ҳақиқ билан безалган гултожлар, уларнинг оппоқ бўйинларидаги қора мрамварид шодалари, маёқ алангасидай ҳилпираб оловланаётган, бўйинга ташланадиган узун ҳарир рўмоллар, манглайга мағрур қўндирилган лачаклар, ҳиссиётни қўзғатувчи енгсиз ҳарир кўйлақлар намоён бўлди... Бу ҳарам нозанинлари ҳар қандай одамни мафтун қилар, ҳар қандай одамга олам-олам лаззат бағишлар эди. Чир айланиб, ажиб бир ҳолатда қотиб қолган кашмирий шойи кўйлакли роҳатбадан раққоса яланғочга ўхшарди. Раққосанинг шаффоф, товланиб турган ҳарир либоси унинг сирли гўзал жойларини беркитиб, ёки бўрттириб турарди. Мулойим оёқчалар ишқдан сўз очар, яшнаган, қирмизи лаблар эса қимтиниб сукут сақлар эди. Ёш гўзаллар ўзларини шундай тортинчоқ, уятчан, ифбатли қизларга ўхшатиб кўрсатишар эдики, гўё уларнинг мулойим сочларидан илоҳий поклик уфуриб тургандай, вужудлари эса бир оҳ урганда тумандай тарқалиб кетадиган нурли фаришталарга ўхшар эдилар. Нарироқда эса аслзода гўзаллар аслида ожиз, аслида ориқ, ингичка, нафис бўлсалар ҳам, такаббуруна бош эгиб, гўё нега шоҳона илтифотлар кўришмаётганига қошларини норози чимириб ўтиришарди. Оссиан тасвирлаган булутлардан чиқиб келгандай кўринадиган оқбадан ва ифбатли паричеҳра инглиз нозанини қайғу фариштасидай, жиноятдан ўзини олиб қочаётган виждон тимсолидай эди. Бу хавfli йиғинда асосан нозившалари билан гўзал, чиройли либослари ва ўткир зеҳни билан мағрур, ўзининг мулойимлиги билан қудратли, чаққон ва кучли, ўзи тошюрак, ҳиссиз булбулигиё бўлса-да, эҳтиросларнинг ҳамма бойлигини, майинликнинг ҳамма товланишларини сунъий ҳосил қила оладиган Париж гўзали ҳам; ташқи кўринишдан шўх ва бепарво, аммо ҳеч қачон эс-ҳушини йўқотмайдиган итальян қизи ҳам, кўкраклари ва оёқ-

лари дуркун норманд қизлари ҳам; кўзлари шаҳло, қорасоч жануб қизлари ҳам бор эди. Гўё Лебель тўплаган, барча соҳру жодуларини шай қилиб келган Версаль гўзаллари бу ерда худди савдогар қичқирғи билан уйғонган, тонг отиши биланоқ бир имо билан кўздан ғойиб бўладиган Шарқ чўриларига ўхшардилар. Қизлар гўё уяси олдида гувиллашаётган асаларилардай, тортинчоқлик билан стол атрофида қисилишиб ўтиришарди. Уларнинг иболи саросималигида ҳам тина, ҳам ноз-ишва бор эди — шуларнинг бари бир бўлиб, ё уялишга, ёхуд атайлаб мафтун қилиш истагига ўхшар эди. Эҳтимол, аёллар ҳаммадан пинҳон тутишадиган бир туйғу билан ўзгаларни янада мафтун қилиш ва ишратга қизиқтириш учун ўзларини одоб-ҳаё пардаси остига яширмақда эдилар. Шундай қилиб, Тайфернинг фитнаси зое кетадигандай туюларди. Тийиқсиз эркаклар бирданига ҳусндор аёлларнинг шоҳона қудрати олдида бош эгдилар; ҳайратни билдирувчи, ғоят нафис мусиқадай майин бир оҳ эшитилди. Бу кеча улар ҳали муҳаббатдан маст бўлишмаганди. Меҳмонлар қутилмаган зарбадан эсанкирагандай, эҳтирослари бўронига эрк бермай, улвийат лаззатидан баҳра олар эдилар. Ҳамиша шеърият, нафосат овозига қулоқ солувчи рассомлар бу аёлларнинг нафис гўзалликларини энг нозик нуқталаригача завқ билан ўргана бошладилар. Файласуф ичилган шампанларнинг зардоби таъсирида сесканиб, бир вақтлар сажда қилса арзигудек гўзалларни қандай фалокатлар бу ерга олиб келдийкин, деб ўйлай бошлади. Бу қизларнинг ҳар бири қонли фожиаларга учраган бўлиши мумкин эди. Уларнинг деярли ҳаммаси эркакларнинг бевафолиги, бузилган аҳду паймонлар, муҳтожлик туфайли ушалмаган орзу-армонлар ҳақидаги хотиралар билан яшарди. Меҳмонлар тавозе билан уларга яқинлашишди; ўзларининг хулқ-атворидай ранг-баранг, турли-туман суҳбат-мулоқотлар бошланди. Меҳмонлар давра-давра бўлиб олишди. Гўё бу ерни ҳалол бир хонадоннинг меҳмонхонаси-ю, у ерда ёш қизлар ва хонимлар мазаҳўрак меҳмонларга тушлик таомдан сўнг қаҳва, қанд ва ширин-шарбат улашяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо, кўп ўтмай, у ер-бу ерда қаҳқаҳа эшитила бошлади, суҳбатларнинг ғала-говури кучайди, овозлар баландлашди. Эндигина тинган кайф-сафо шовқин-сурони яна авжга чиқди. Сокинлик ва шовқин-суроннинг тўқнашуви алланимаси билан Бетховен симфониясини эслатарди.

Икки дўст юмшоқ диванга ўтиришлари билан уларнинг олдида баланд, қад-қомати келишган, силлиқ бўлмаса ҳам, лекин истараси иссиқ, юракни жизиллатувчи, эҳтиросга лиммо-лим, ғалатилиги билан одамнинг хаёлини олиб қочувчи бир қиз мағрур солланиб, яқинлашди. Аллақачон ишқий олишувларда бўлган қора, қалин, яшнаган сочлари енгил, роҳатбахш ҳалқа-ҳалқа бўлиб, чиройли яланғоч елкаларига ту-

шиб турар, қараган одам кўзини узолмасди. Мармардай оппоқ бўйнига тушган узун, қоп-қора зулфи нур тушганида ажиб товланиб, ажиб бир ҳуснига ўн ҳусн кўсарди. Қирмизи ёноқлари оппоқ юзини янада оқроқ қўсарди. Қуюқ киприкли чиройли кўзлари мағрур, шўх аланга сочар, муҳаббат учқунларини отар эди. Сўлим, хиёл қимтилган ғунча лаблари бўсага чорлайди. Қизнинг қомати тўладан келган, бироқ фақат ишқ учун яратилгандай нозик эшилиб турарди. Кўкси ва елкалари ҳам Каррачи тасвирлаган гўзаллардай дуркун эди. Шунга қарамай, унинг вужуди вазмин эмас, балки чаққон, нозик-нафис кўринарди; унинг сиртлондай бақувват ва чаққон дуркун вужуди жон ўртовчи лаззат қувончларини ваъда қиларди. Бу қиз аслида кулишни, ҳазил-мутойибани билса-да, нигоҳи ва жилмайишидан одам адоий тамом бўларди. У ичига шайтон кириб олган фариштага ўхшарди. Қиз кўрганни ҳайратга соларди. Чеҳрасида гоҳ у-гоҳ бу ифода яшин тезлигида ўзгариб турарди. Кўпни кўрган одамларни бу қиз мафтун этиши мумкин эди-ю, аммо ёш йигитчалар ундан ҳайқишарди. У юнон ибодатхонаси қасрининг пештоқидан қулаб тушган маҳобатли ҳайкалга ўхшар, узоқдан улуғвор, яқинроқдан эса қўлопроқ кўринарди. Шунга қарамай, бу қизнинг ажиб ҳусн-жамоли лағашанг йигитларнинг ҳам завқини келтирар, жонон пиёладай овози карларни ҳам мафтун қилар, ноз-ишвали нигоҳи билан шарти кетиб, парти қолган чолларнинг ҳам суягини илитар эди. Шунинг учун бўлса керак, Эмиль қизни Шекспир фожеасига, гаройиб нақшга ўхшатди. Бу нақшин фожеада шодлик фарёд чекар, севги эса ёввойи кўринар, нафосатга мафтунлик ва бахт ёлқини ғазабли қонхўрликка алмашинар эди. Эмиль яна қизни гоҳ тишлайдиган, гоҳ эркаланадиган, гоҳ иблисдай қаҳ-қаҳ уриб, гоҳ фариштадай фарёд қиладиган бир махлуққа ўхшатди. У қизни ғамгин оҳ чекишдан ва дилни мафтун қилувчи қизлик ҳаёсидан ташқари барча ноз-карашмаларни бир қучоғига сиғдира оладиган ва кўп ўтмай, қич-қириб, эҳтиросидан ўзини ерга отадиган, хушторидан кечадиган, ниҳоят, жазават ичида ўзини-ўзи хароб қиладиган махлуққа ўхшатди. Қизил баҳмал кўйлакли бу қиз ҳозиргина дугоналарининг сочидан тўкилган гулларни бепарволик билан босиб мағрур бир қиёфада икки дўстига патнис тутиб турарди. Ҳуснига бино қўйган, эҳтимол, гуноҳлари билан ҳам гурурланадиган бу қиз қирмизи баҳмал орасидан ажиб кўринган оппоқ билакларини кўз-кўз қиларди. У гўё айшишрат маликаси, инсон шод-хуррамлигининг тимсоли эди. Инсон беҳад шодланганида уч авлод тўплаган хазиналарни кўкка совуради: ўлганлар устидан кулади; ажодларини, ота-боболарини ҳақоратлайди; лаъл-гавҳарларни эритиб, тож-тахтларни ёндириб юборади: йигитларни чолларга айлантиради, ёки кўпинча чолларни йигитларга айлантиради.

Ҳокимиятдан чарчаган ёки фикрлашдан ҳориб-толган, урушга бир эрмак деб қарайдиган улуғ инсонларгина шундай қувона олади.

— Исминг нима, қизча?— сўради Рафаэль.

— Акилина...

— О! Сен «Кутқарилган Венеция» қаҳрамони экансан-да!— хитоб қилди Эмиль.

— Тўғри,— деди қиз.— Рим отаси барча эркаклардан устун келгани учун ўзига бошқа исм қўйгандай, мен ҳам барча қизлардан устун бўлганим учун ўзимга бошқа от қўйволганман.

— Сени ҳам танти ва ғазабкор бир шаҳзода ўшандай севадими, у ҳам сен учун ўлишга тайёрми?— қизиқиб сўради Эмиль қизнинг суҳбатга шоирона тус берганидан завқланиб.

— Худди шундай одам севган эди,— жавоб берди қиз.— Аммо, жаллод кундаси менга кундош бўлди. Шунинг учун, ортиқча хурсандчиликка берилмай, деб ҳамиша чўғдай кийим кийиб юраман.

— О, бу қизга *ларошеллик тўрт жасур йигит* ҳикоясини айтиб бер, десангиз, гапи ҳеч адо бўлмайди! Бўлди, Акилина! Ҳар бир қизнинг йиғласа арзигудек севгилиси бўлади, лекин ҳар ким ҳам сенга ўхшаб, севгилисини жаллод болтасига бериш бахтига муяссар бўлмаган. Ҳар ҳолда қиз бола севгилисининг кундош қучоғида ётганини билишидан кўра гўрда ётганини билиши яхшироқ-да.

Бу нафис ва қўнғироқдай овоз бошқа бир қизники эди. Гўзаллар, айтишларича, париларнинг сеҳрли таёғи ишораси билан тухумдан чиқар экан. Агар шу гап рост бўлса, бу қиз ана шу сеҳрли таёқдан яралган гўзалларнинг энг гўзали, энг жозибалиси эди. У, йигитлар ёнига товусдай солланиб юриб келди. Дўстлар қизнинг чиройли нафис юзига, хипча белига, мовий кўзларига, мафтун этувчи иболи нигоҳига, силлиқ ва тиниқ манглайига қараб қолишди. Жилгадан чиққан сув париси ҳам мана бу қизалоқдай уятчан, оппоқ ва содда бўлмаса керак. Кўринишдан ўн олти ёшлардаги бу қизалоқ ҳали севги нималигини, ёмонлик нималигини билмайдиганга, ҳаёт бўронларига учрамаганга ўхшарди. У ҳозиргина черковда ибодат қилиб, тангри-таоло тезроқ мени аршаълога чақириб олсин, деб фаришталарга илтижо қилиб қайтиб келганга ўхшарди. Нигоҳи мусаффо бундай паривашлар Париждагина учрайди. Булар гулисафсардай чиройли, назокатли ва мусаффо чеҳра ниқоби остида ашаддий бузуқликни, энг ифлос гуноҳларни яширадилар. У, Акилина келтирган сопли пиёлаларга кофе қуйиб йигитларга узатди. Қизалоқнинг сокин гўзаллигига алданиб қувонган Эмиль билан Рафаэль уни сўроққа тутта бошлашди. Гурунг шу билан туғадик, иккала шоир нигоҳи олдида инсон ҳаётини акс эттирувчи яна бир ёвуз мажоз пайдо бўлди. Мағрур дугонаси

гамгин ва эҳтиросли бўлса, аксинча, бу қиз совуқ, шафқатсиз шаҳвоний лаззат тимсоли бўлиб кўринарди. Агар қўйиб берса бу қиз жиноят қилишдан тап тортмас, қилар ишни қилиб қўйиб, ўзи хандон уриб кулишга ҳам кучи етарди. Иблисдай тошюрак бўлган бу қиз бой ва нозик қалбли кишилардан ўч оларди. Чунки улар иблисга ҳам насиб бўлмаган ишларни қилишарди-да. Евфрасия севги эрмакларини сотишга, ўз қурбони дафн этилаётганда кўз ёши тўкишга ва кечаси марҳумнинг васиятини ўқиб шодланишга ҳамиша тайёр эди. Шоир одам гўзал Акилинага боқиб кўнгли очиларди, мафтункор Евфрасиянинг бағритошлигини билганлар эса орқасига қарамай қочиншлари турган гап эди. Бу қизлардан бири гуноҳнинг жони бўлса, иккинчиси жони йўқ гуноҳнинг ўзи эди.

— Сен ҳеч келажагинг тўғрисида ўйлайсанми, шунини билгим келяпти,— сўради Эмиль мана шу паривашга қараб.

— Келажагинг тўғрисида, дейсизми?— такрорлади қиз кулимсираб.— Келажак деб нимани тушунасиз ўзи? Ҳали йўқ нарсани ташвишини чекиб нима қиламан? Мен келажакимниям, ўтмишимниям ўйламайман. Бугунги кунни ғамини ейиш ҳам катта гапмасми? Дарвоқе, келажакимизни яхши биламиз, келажакимиз — касалхона-да.

— Келажакнинг касалхона эканлигини била туриб, наҳот бунинг олдини олишни ўйламасанг!— хитоб қилди Рафаэль.

— Касалхонанинг нимаси ёмон?— сўради шаддод Акилина.— Биз ахир бировга она бўлмасак, хотин бўлмасак; қариганда топганимиз қора пайпоқ билан пешонамиздаги ажин бўлади. Аёллик жозибаси йўқолади, дўстларимизнинг нигоҳларидаги шодлик ҳам сўнади — бизга ҳеч нарса керак бўлмай қолади. Бу ҳусну жамолимиздан фақат икки оёқда судраладиган қаримсиқ бир ахлат қолади холос. Бу совуқ, ширинган ахлат узилиб тушган барглардай шитирлайди. Энг чиройли либосларимиз пол латтага айланади, ясан-тусан хонамизда анвойи бўй тарқатадиган мушк-анбардан эса ўлим атрининг ҳиди келади. Мабодо, мана шу ахлат орасида юрагимиз ҳам қолса, сизлар уни масҳара қиласизлар; ахир яхши кунларни хотирлашимизга ҳам қўймайсизлар. Уша вақтда балки бадавлат хонадонда кучук эркалатиб юрармиз, балки касалхонада латта-путта титкилаб ётармиз, бари бир эмасми? Уша вақтда балки сочимизнинг оқини кўк-қизил катак дурра ёки нафис кашта билан яширармиз, қайин супурги билан кўча супурармиз ёки шойи рўмолимизнинг учи билан, Тюльри қасри зиналарини супурармиз, зарҳал ўчоқ ёнида ёки кўр солинган сопол кўза олдида исинармиз, балки Гре майдонидаги можарони ёки театрда операни томоша қилармиз — фарқ унчалик катта эмас!

— Акилина, жоним, бу тушкун кайфиятнинг илгари ёқтирмасам ҳам, ҳозир жуда яхши тушуниб турибман,—

— Сен илтиб кетди Евфрасия.— Кашмир рўмолу, бели синмаган шалдироқ пуллар, атир-упа-ю, олтин-кумуш, ипакли кийим-кечаклар, дабабаю асьаса, ялтироқ нарсаларни ҳаммасини ёшликда ярашади. Жинниликларимиз ўтар-кетар, беш кунлик дунёда ўйнаб-кулганимиз қолади. Куляпсизлар-а? Ахир тўғри гапирялманми?— хитоб қилди қиз икки дўстга кинояли кулиб боқар экан.— Қасал бўлиб ўлгандан кўра кийф сафодан ўлган минг марта яхшимасми? Мен мангу қолишга ишқивоз эмасман, инсон зотигаям унчалик ҳурматим йўқ,— ахир одамни худо уриб қўйипти-ку! Миллион сўм берсангиз ҳозир тугатаман, келаси йилнинг ғамини еб ўтирмайман. Давринг келганда қандингни ур-да; кўнглим шунга чопади. Жамиятга шу ишим маъқул — ахир у ҳамма нарсани тилон-торож қилишимга шароит яратиб қўйибди. Ахир, худойимнинг ўзи кечаси нимани сарфласам ўша нарсдан даромад бериб турса. Нега ўзларингиз бизга шифохоналар қуриб берасизлар? Ахир худойим бизни яхшилик билан ёмонлик ўртасига қўйиб, истаганингни танлаб ол, деган экан, азоб-уқубатни ёки гурбатни танлармидик? Агар ўйин-кулгини танламасам аҳмоқ бўлардим.

— Бошқалар-чи?— сўради Эмиль.

— Бошқаларми? Ўзларининг ғамини ўзлари есин. Менимча, ўз қайғунгга йиғлагандан кўра бошқаларнинг қайғусини кўриб кулган яхши. Эркак киши менга заррача азоб беролмайди!

— Гапларингдан, бояқиш, кўп азоб чеккан экансан!— хитоб қилди Рафаэль.

— Меросни деб мени ташлаб кетишди, билдингизми!— деди Евфрасия қадди-қоматини кўз-кўз қилган бир алфозда.— Мен аҳмоқ бўлсам кечаю кундуз меҳнат қилиб ўшани боқиб юрибман! Энди мени хушомад билан ҳам, ваъдалар билан ҳам алдашиб бўпти, энди ҳар бир куним байрам бўлишини хоҳлайман.

— Ахир бахтли бўлиш ўзимиздан эмасми?— қичқирди Рафаэль.

— Йўқ,— гапга қўшилди Акилина,— одамлар бизга ҳайрат билан қарашади, хушомад қилишади; барча аёллардан, ҳатто энг покдомон, ор-номусли аёллардан ҳам гўзалроқ ва бадавлатроқ бўлиш ҳазилакам гапми? Бунинг устига, ҳалол, шарм-ҳаёли аёл ўн йилда кўрган нарсасини биз бир кунда кўраемиз. Билдингизми?

— Номусидан айрилган аёл даҳшатли эмасми?— деди Эмиль Рафаэлга қараб.

Евфрасия йигитларга такаббуруна назар ташлаб, аччиқ киноя билан жавоб берди:

— Ор-номус! Ор-номусни қийшиқ-майшиқ, букри аёлларга ҳадя қилдик. Бечораларнинг ор-номусдан бўлак ҳеч вақолари ҳам йўқ.

— Жим бўл!— қичқирди Эмиль.— Узинг билмаган нарсани гапирма!

— Нима! Мен билмас эканманми?— эътироз билдирди Евфрасия.— Умр бўйи ёмон кўрган одамингга танангни бағишлайсан, улғайганда ташлаб кетадиган оқибатсиз болаларни тарбият қиласан, ярангга туз сепишсаям, уларга раҳмат айтасан, сизлар аёллик ор-номусини деб шуни айтасизлар. Устига-устак, севганингиз фидойилик қилганига миннатдор бўлиш ўрнига муродингизга етгунча азоб берасиз; агар севганингиз иффатини сақласа, шарманда қиласиз. Шуям ҳаёт бўлдим? Яхшиси, эркин яшайлик, хоҳлаган кишиларимизни севайлик, ёш ўлиб кетсак ҳам майли.

— Вақти келиб жазосини тортишдан қўрқмайсанми?

— Майли,— жавоб берди қиз,— айшу ишратни кулфат билан аралаштириб юбормаслик учун ҳаётимни иккига бўлганман: бири — ёшлик: шубҳасиз, шод-хуррам ўтади; иккинчиси — қариллик; ўйлайманки, ғам-ғуссали бўлади, ана шунда тўйгунимча азоб чекаман...

— Бу қиз ҳеч кимни севмаган,— деди Акилина қўнғироқдай товуш билан.— У севгилисининг биргина нигоҳ ташлашидан боши осмонга етиб қувониб, сўнг рад жавоби олиш учун юз чақирим йўл босмаган; ҳеч қачон ҳаёти қил устида қолмаган: ҳеч қачон севгилиси — қалбининг ҳукмдори, жаноби, илоҳи учун бир неча одамни чопиб ташлашга ҳам тайёр бўлмаган... Унинг севгилиси — чиройли полковник.

— Ҳа, яна Ларошелдан тушди!— эътироз билдирди Евфрасия.— Муҳаббат шамолга ўхшайди: қаёқдан эсишини билмаймиз. Бунинг устига сени ҳайвон яхши кўргандан кейин ақлли одамлардан ҳам қўрқиб қолар экансан.

— Жиноят кодекси ҳайвонларни севишимизни рад этади,— ҳазил оҳангида сайради улуғвор Акилина.

— Сени ҳарбийларга раҳмдилроқсан деб ўйловдим,— қийқириб кулди Евфрасия.

— Наҳотки сизлар аҳмоқликни бахт деб ўйласангиз?

— Бахт дейсизми?— қайта сўради Акилина иккала йигитга саросимали боқар экан.— Эҳ, сизлар ўлимни ўйлаб туриб лаззатланиш нима эканлигини билмайсизлар...

Шу пайт меҳмонхонага қараган одам *Милтоннинг Пандемониумига* ўхшаш манзарани кўрар эди. Пуншнинг нимҳаворанг алангаси ҳали ичида давом этаётган одамларнинг ловиллаган юзларига жаҳаннамий бир тус берган эди. Одамлар ибтидий, ваҳшиёна кучи бўшалиб кетгандай, жазавали рақс тушишар, қаҳқаҳа ва қийқириқлар мушакдай сочиларди. *Будуар* ва кичик меҳмонхона ўликлар ҳамда ўлаётганлар уйилиб ётган жанг майдонига ўхшарди. Ҳаво шароб, айш-ишрат ва гап-сўздан қизиб кетганди. Мастлик, ишқ-муҳаббат, алжираш, сархушлик дилларда ҳам, чеҳраларда ҳам, гиламларнинг нақшларида ҳам, ялли бесаран-

жомликларда ҳам сезилиб турар; ҳаммининг кўзини енгил парда босган, шу парда ортидан ҳаво маст қилувчи буғларга тўлгандай кўринарди. Гира-шира зулмат ичида мураккаб шакл-шамойиллар ўйин қилар, ғаройиботлар бир-бирига тўқнашар эди. У ер-бу ерда қучоқлашган гавдалар тўдалашиб, хоналарни безаган мрамор ҳайкалчалар, ҳайкалтарошликнинг ажиб дурдоналари билан аралашиб кетган эдилар. Иккала дўстнинг ҳали унчалик хиралашмаган фикр ва туйгуларида алдамчи бир равшанлик, ҳаётнинг сўнгги титроғи, тирик-ўликлик бор эди. Аммо улар мана шу ғалати хаёлотда, толиққан кўзлари олдида пайдо бўлган ғайритабиий манзараларда қандайдир ҳақиқат борми-йўқлигини ажратишга ожиз эдилар. Орузу-армонларимизнинг бўғиқ осмони, тушимизда кўринган сиймоларни туман пардасига ўраган юракни ўртовчи бир майинлик ва кимдир жиловлаб турган ҳаракатчанлик — хуллас, тушдагидай энг ғаройиб манзаралар йигитларни шу қадар маҳлиё этган эдики, улар базми жамшид эрмакларини босириқ туш ғаройиботлари деб идрок этардилар: босириқ тушда ҳам худди шундай ҳаракатлар сассиз бўлиб, қичқириқлар қулоққа чалинмас эди. Шундай пайтда энг ишончли лакейларидан бири Тайферни зўр машаққатлар билан даҳлизга чақириб олди. У хўжайиннинг қулоғига энгашиб:

— Жаноб, ҳамма қўшнилар деразадан қараб, шовқин-сурондан шикоят қилишяпти,— деди.

— Агар қўшнилар шовқин-сурондан қўрқса, остоналарига похол ташлаб олишсин!— қичқирди Тайфер.

Шу орада Рафаэль тўсатдан хохолаб кўлиб юбордики, дўсти ажабланиб бу ёввойиларча қийқириқнинг сабабини сурштирди.

— Сабабини тушунишинг қийин,— жавоб берди у.— Аввал шунга иқрор бўлишим керакки, сизлар Вольтер соҳилида мени тўхтатганингизда, Сена дарёсига ўзимни ташламоқчи бўлиб турган эдим.— Сен, албатта, нега ўзингни ўлдирिशга қасд қилдинг, деб сўрашинг турган гап. Лекин яна бир нарсани айтсам тушунармикансан? Шундан сал аввалроқ худди сеҳрли эртақ ичида юргандим, руҳий оламнинг энг нозик-нафис манзаралари, инсон донишмандлигининг рамзий манзаралари бир-бир кўз олдимдан ўтган эди. Ҳозир эса мана бу дастурхон устида ноз-неъматларни талон-торож қилиб ўтирибмиз. Мана бу икки қизга, телбаликнинг мана бу жонли ва аломат суратларига қара. Биз одамларга ва буюмларга мутлақо бепарво қараганимиз учун борлиқнинг қарама-қарши икки қутбини, руҳий ва моддий тушунчаларнинг ёрқин тимсолларини кўриб турибмиз. Агар маст бўлмаганимда бу гапларим бутун бир фалсафий рисола эканлигини тан олган бўлардинг.

— Агар шу тобда икки оёғингни момақалдиरोқдай хур-

рак отаётган Акилина устига чиқариб олмаганинда мендан ҳушёрроқ эканлигинга ишонардим. Ҳозир маст бўлмаганинда қилган ишиндан уялиб қизариб кетган бўлардинг, — деди Эмиль. У ҳам ўзи нима қилаётганини сезмасдан, Евфрасиянинг сочларини ўриб-ечиб, ўйнаётган эди. Сенинг икки қутбингни бир жумлага сиғдирса бўлади. Оддий жисмоний турмушда меҳнат ақлимизни ўтмаслаштиради ва қандайдир самарасиз донишмандликка олиб боради. Ноаниқ тушунча бўшлиғида ёки маънавий олам тубсизликларида яшаганимизда эса биз донишманд жинни бўлиб қоламиз. Хуллас, туйғуларингни ўлдириб, қаригунча яша, ёки эҳтирослар азобида қолиб ёшлигингда ўлиб кет — қисматимиз шу. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, нухамизни ясаган уста, шафқатсиз ҳазилкаш бизга ғайрат-шижоат берган. Мана шу ғайрат-шижоатимиз туфайли бояги хулосани тан олмаймиз.

— Тентак, — дўстининг гапини бўлди Рафаэль. — Тагин шу йўл билан умрингни қисқартираверсанг — том-том асарлар ёзишинг мумкин. Агар мен шу икки гоини таърифламоқчи бўлсам, айтар эдимки, инсон ўз ақлини чархлайвериб, бузилиб кетади; билимсизлик туфайли покланади. Бу эса жамиятга қарши айбномадир! Аммо, биз донишмандлар даврасида яшасак ҳам, телбалар даврасида ўлиб кетсак ҳам, эртами-кечми бир жойга борамиз. Худди шунинг учун *иликни суғурувчи буюк мутафаккир* бир вақтлар мана шу икки қутбни икки сўз билан «Бевафо дунё!» деб ифода қилган.

— Сен худойимнинг қудратига шак келтиришга мажбур қиляпсан, чунки телбалинг илоҳийликдан ҳам ошиб тушяпти, — эътироз билдирди Эмиль. — Бизнинг аломат *Рабле* бу фалсафани «Бевафо дунё»дан ҳам қисқа қилиб, «Эҳтимол» деб ифодалаган. Бундан эса *Монтэнь*: «Мен билмасам!» — деган хулоса чиқарган. Маънавият илмининг мана шу сўнги янгилigi *Пиррон хитобига* бориб тақалади. Икки боғлам хашак ўртасида қолган *Буридан эшагидай* Пиррон ҳам яхшилик билан ёмонлик ўртасида, аросатда қолган. Абдий баҳсга чек қўяйлик. Бу баҳс ҳозиргача «ҳам ҳа, ҳам йўқ» деган сўзлар билан хулосаланади. Сенага ўзингни ташлаб қандай тажриба ўтказмоқчи эдинг? Ё Нотр-Дам кўприги олдидаги гидравлик машинага ҳавас қилдингми?

— Эҳ, ҳаётимни билганингда эди!

— Оббо! — хитоб қилди Эмиль. — Сени шундай бачкана деб ўйламагандим. Ахир бу жуда сийқа гап-ку. Билмайсанми, ҳар бир одам бошқалардан кўра кўпроқ азоб чекканман, деб ўйлайди.

— Оҳ! — хўрсинди Рафаэль.

— Сенинг «Оҳ»инг масхарабозликнинг ўзи! Қани айт-чи, ҳар куни эрталаб мушакларингни таранг тортишга мажбур қилган нарса нима — руҳий дардми ёки жисмоний касалликми? Бир вақтлар *Дамьень* чопаётган отларни жиловидан тор-

тиб тургандай мушакларингни таранг қиладиган ва кечаси сени тўрт бўлак қилиб юборадиган нарса нима? Ёки ҳужранингда ит гўштини тузсиз еб қўйдингми? Ёки бола-чақанг «Нон! Нон!» деб қичқиряптими? Эҳтимол, хушторингнинг сочини пуллаб, қиморхонага югургандирсан? Балки ёлғон бувинг кўрсатган ёлғон адрес бўйича сохта векселни тўлашга боргансану, кеч қолишдан қўққандирсан? Гапирсанг-чи! Агар бирор аёлни деб, куйган векселни деб, ёки зерикканингдан ўзингни сувга ташламоқчи бўлган бўлсанг сендай дўстандир кечаман. Тўғриси айт, ёлғон гапирма, сендан тарихий хотиралар талаб қиладиганим йўқ. Энг муҳими, гапни калта қил, мастлигинга яраша, албатта. Мен китобхондай талабчанлик қиляпман. Кечқурун ибодат вақтида аёлни уйқу босгандай, мени ҳам уйқу босяпти.

— Тентаквой! — деди Рафаэль. — Ахир ҳамиша ҳиссиётларимиз нозиклигидан азоб чекиб юрамиз-ку! Илм-фанимиз қалбларнинг табиий тарихини ёзишга, уларнинг гуруҳларини аниқлашга, уларни зотлари, турлари ва оилалари бўйича тавсиф қилишга, қисқичбақасимонларга, ер остида яшовчиларга, калтакесаксимонларга, энг оддийларга ва ҳоказоларга бўлишга кучи етадиган вақт келар. Ана шунда, азиз дўстим, гулдай нозик, майин юраклар борлиги исботланади. Баъзи минерал — тош юраклар сезмай ҳам қоладиган энгил шабада гулдай нозик юракларни ер билан битта қилиши мумкин...

— Худо ҳаққи, дўстим, мени дебочадан қутқаргин, — деди Эмиль ҳазил ва илтижо оҳангида Рафаэлни қўлидан тутиб.

II

ТОШЮРАК ҚИЗ

Рафаэль бир оз сукут сақлади, сўнг бепарво қўл силтаб ҳикоясини бошлади:

— Вино билан пунш таъсириданми, билмадим, аммо, шу топда бутун ҳаётимни худди яхлит бир манзарадай равшан тасаввур қиляпман. Бу манзаранинг одамлари ҳам, бўёқлари ҳам, соялари, нурлари ва *олачаллоқ* жойлари ҳам жуда аниқ кўриниб турибди. Илгари чеккан азоб-уқубатларимни ва шод-хуррам кунларимни ҳозир қандайдир нафрат билан эслайман. Агар шундай бўлмаганда бундай шоирона тасаввур жилоларидан ажабланмас эдим. Гўё ўз ҳаётимга узоқдан назар ташляпман; аллақандай руҳий мўъжиза туфайли менга бутун умрим қисқарган ҳолда кўриняпти. Ун йил ичидан узоқ ва секин-аста чеккан азоб-уқубатларимни ҳозир бир неча жумла билан ифодалай оламан.

Бу жумлаларда қайғу-ҳасрат фикр тарзида, лаззат эса — фалсафий ифода тарзида кўринади. Мен туйғуларимни эмас, фикр-мулоҳазаларимни айтаман...

— Намунча зерикарли гапирмасанг, бу ерда қонунга қўшимча киритаётганинг йўқ-ку!— эътироз қилди Эмиль.

— Эҳтимол,— мулоимгина рози бўлди Рафаэль.— Худди шу сабабдан сени зериктириб, чарчатиб қўймаслик учун умримнинг аввалги ўн етти йили тўғрисида гапириб ўтирмайман. Ўн саккиз ёшгача мен худди сенга ўхшаб, бошқа минглаб ёшларга ўхшаб мактаб ёки лицей ҳаётини кўрдим. У вақтлар бахтсизликларни ўзимиз ўйлаб топардик, шодликларимиз эса чинакам эди. Худди шу нарсалар хотираларимизни безаб туради. Бизга ҳар жума кунлари сабзавот беришарди. Биз энди таомларнинг сархилини ейдиган бўлсак ҳам ўша вақтдаги сабзавотларни ҳозиргача соғинамиз. Худди ўшандан бери ҳеч қанақа сабзавот тотиб кўрмаган одамдай. Ажойиб яшардик ўшанда. Ҳозир ўша вақтдаги қийинчиликларни кулимсираб эслаймиз. Аслида ана шу қийинчиликлар туфайли биз меҳнатга ўргандик...

— Ҳай, бу осуда ҳаёт манзаралари!.. Энди фожиангга ўта қолсанг-чи,— масхараомуз илтижо қилди Эмиль.

— Коллежни тугатганимдан сўнг,— давом эттирди ҳикоясини Рафаэль, гапимни бўлма, деб ишора қилар экан,— отам мени қаттиқ интизомга ўргатди. У мени ўзининг кабинети ёнидаги хонага жойлаштирди. Отамнинг талабига мувофиқ кечаси соат тўққизда ётиб азонда бешда уйғонардим. У ҳуқуқшуносликни яхшилаб ўрганишимни хоҳларди: шу соҳадаги лекцияларга ва адвокатлар ҳузурига бориб турардим. Сайрларим ва машгулотларим вақт ҳамда макон қонунларига шу қадар бўйсундирилган, отам эса тушлик овқат вақтида мендан шу қадар жиддий ҳисоб-китоб талаб қилар эдики..

— Булар билан менинг нима ишим бор?— тоқатсизланиб, гапни бўлди Эмиль.

— Э, жин ургур, гапни бўлмасанг-чи!— жаҳли чиқди Рафаэлниг.— Қундалик турмуш икир-чикирларини гапириб бермасам туйғуларимни тушунармидинг? Ана шу икир-чикирлар туфайли ўта одобли бўлиб ўсдим, узоқ вақтгача ўсмирлик соддадиллигидан қутулолмай юрдим. Шундай қилиб, йигирма бирга тўлғунимча, монастырь низомларидай қаттиқ тартиб қонда зулми остида яшадим. Ҳаётим нақадар машаққатли бўлганини сенга равшан тушунтириш учун отамнинг қандай одамлигини айтиб берай. Баланд бўйли, озгин, қотма, пичоқнинг қиррасидай узун юзи рангпар, қариқиздай вайсақи, амалдордай зикна одам эди. Отамни кўрганимда эркаликларим ва шўхликларим ўз-ўзидан йўқоларди. Отамга мулоим ва нафис туйғуларимни ошкор қилмоқчи бўлсам у ҳозир аҳмоқона гап айтадиган болага қарагандай қарарди;

қутувчиларимиздан қўрқиб турардик, аммо улардан кўра кўпроқ отамдан қўрқардик; унинг олдида ўзимни саккиз ишар боладай ҳис қилардик. У ҳозир ҳам кўз олдимдан кетмайди. Арғувоний сюртук кийган, алифдай тўғри отам қандайдир памфлет китобчанинг қизғиш муқовасига ўралган қоқбалиққа ўхшарди. Бари бир, уни яхши кўрардим, чунки у одил одам эди. Мураббийларча жиддий табиатли, покиза мулкили, бунинг устига доим яхшилик тиловчи одамнинг қаттиққўллиги бизда унчалик ғазаб уйғотмайди. Отам мени ҳеч қачон ўзидан узоқлаштирмасди. Йигирма ёшимгача у менга ўн франк ҳам, лаънати ўн франкни ҳам раво кўрмаган. Эҳ, мана шу арзимас ўн франк, у вақтларда мен учун беҳисоб хазина эди. Бениҳоя ўйнаб-кулишга имкон берадиган мана шу ўн франкни қанчалар орзу қилсам ҳам, сира етишолмасдим. Шунга қарамай, бари бир отам гоҳида кўнглимни ёзишга ҳам уринарди. Бир неча ойгача у ваъдалар билан қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб-тўлдириб юрди. Шундан сўнггина Италия театрига, концертга, балга олиб борди. Балда мен севгилимни учратишни орзу қилардик. Севгилим! Бу тушунча мен учун мустақиллик билан тенг эди. Бироқ, тортинчоқ ва одобли бўлганим, салон тилини — қандай гаплашиш кераклигини билмаганим учун ҳар сафар базмдан қиздай покча бўлиб қайтиб келардик, қалбимда ҳамон истаклар бўрони босилмасди.

Эртасига эса отам мени кавалерия тулпоридай жиловлаб, яна ҳуқуқшуносликни ўрганишга, адвокатга, судга юборарди. Отам чизган чизиқдан чиқсам ғазабига дучор бўлишим турган гап эди. У, «биринчи одобсизлигингни кўришим билан Антиль оролларига юнгаматрос ёрдамчиси қилиб юбораман», деб дўқ урарди. Гоҳида, бир-икки соатгина аллақайси кўнгилочар жойга сўроқсиз бориб қолсам ҳам оёғим куйгандай типирчилаб турардим! Ўзинг тасаввур қилиб кўра-а, гаройиб тасаввурларим, гаройиб муҳаббатга лиммо-лим қалбим, гулдай нозик кўнглим, гоят шоирона ақлим бўлса-ю, тошдай қаттиқ, дунёда энг қаттиққўл ва ҳиссиз одамнинг назоратидан бир нафас ҳам қутулмасам. Худди ёшгина қизни мурда билан никоҳлашгандай десам, аҳволимни тушунасан. Мана шу зайлдаги ҳаётимнинг энг қизиқарли лавҳаларини санаб ўтаман: уйдан қочиш, бош олиб кетиш режаларим отамни кўришим билан йўқоларди-қоларди; қайғу-ҳасратларимни ухлаганимда унутардим: истакларим юзага чиқмаганидан эзилардим, муסיқа эшитганимда ғам-андухларим тарқаларди. Кўпинча Бетховен билан Моцарт менга сирдош дўст бўлишарди. Ҳозир ана шу беғубор ва одобли пайтларимда виждонимни қийнаган хурофотларни эсласам куламан: ресторан остонасидан ҳатласам ўзимни исрофгар ҳисоблардим; қаҳвахоналарни бузуқлар уяси, исловатхона деб, одамлар ор-номусини йўқотадиган ва бор-йўқ мулкни қи-

морга тикадиган ўйинхона деб тасаввур қилардим: қонни қиздирувчи қимор ўйинларига эса пул керак эди. О, балки сени уйқу элитаётгандир, аммо, ҳаётимда энг расво, ваҳшийларча хурсанд бўлган кунлардан бирини сенга айтиб бермасам бўлмайди. Бундай ваҳшийларча шодлик юрагимизни шундай тилиб юборадики, гўё жиноятчининг баданига қиздирилган темир босгандай из қолдиради! Уша кун, отамнинг қариндоши бўлган герцог де-Наваррен уйдаги базмга борган эдим. Лекин, аҳволимни яхшироқ тушунишинг учун айтишим керакки, ўшанда эгнимда яғири чиққан фрак, оёғимда бачкана туфли, бўйнимда отбоқарларникидай галстук, қўлимда эскирган қўлқоп бор эди. Бурчакка тикилиб олиб, тўйиб музқаймоқ ердим ва чиройли аёлларни томоша қилардим. Отам кўриб қолди. Негадир у менга сақлаб тур, деб ҳамёнини ва калитини бериб қўйди — нега бундай ишонч билдирдийкин, ҳалигача тушунмайман. Мендан ўн қадамгина нарида меҳмонлар қарта ўйнашаётган эдилар. Олтин тангалар жарангини эшитиб турардим. Ёшим йигирмага тўлган эди, шу ёшга яраша ақалли бирор кун гуноҳ иш қилишни жуда-жуда хоҳлардим. Бу ақлий бузуқлик эди, бундай бузуқлик ҳатто куртизанкаларнинг¹ эркаликларида ҳам, қизларнинг тушларида ҳам бўлмайди. Бир йилчадан бери ўзимча орзу қилардим: башанг кийинганман, каретада гўзал аёл ёнида ўтирибман, нуфузли жаноб қилиб кўрсатяпман ўзимни. Вэри ресторанида тушлик қиламан: оқшом театрга бораман; фақат эртасига уйга қайтаман. Отамга Фигаронинг найранглиридан ҳам баттар бошни гангитувчи баҳоналарни тўқиб ташлайман. У менинг тушунтиришларимдан ҳеч нарсани англаёлмайди. Мўлжалимда мана шу бахтнинг ҳаммаси эллик экюга¹ тушарди. Эҳтимол, ўша вақтда ҳамон мактабдаги, дарс қолдирган вақтларимдаги шўхликларни соғиниб қолгандирман? Шундай қилиб, будуарга кирдим, ҳеч ким йўқ, кўзларим ёнарди, қўлларим қалтираб отамнинг пулларини ҳисоблай бошладим: юз экю экан! Бу пуллар таъсирида тасаввуримда барча тақиқланган айшишрат манзаралари *Макбет* жодугарлари дошқозон атрофида рақс тушгандай чирпирак бўлиб айлана бошлади. Фақат бу манзаралар чиройли, мафтункор, нафис, дилбар эди. Қулоғимнинг зинғиллашига, юрагим қинидан чиқиб кетгудай типирчилашига қарамай, ҳамёндан иккита йигирма франкли тангани чиқардим — ҳозир ҳам кўз олдимда турибди! Тангаларда Бонапарт тасвири қийшайиб турарди, йили сийқаланиб ўчиб кетган эди. Ҳамёни чўнтагимга солиб, қимор столига яқинлашдим. Терлаган қўлимдаги иккита олтин танга-

¹ Куртизанкалар — жазманлар.

¹ Эллик экю — икки юз эллик франк.

ни қисимлаганимча, товуқхона устида калхат айлангандай, ўйинчилар атрофида айлана бошладим. Ўлгудай якка-ёлғизлигимни ҳис қилар эканман, ҳамма одамларга тешиб юборгудай нигоҳ билан тез кўз югуртириб чиқдим. Танишларимдан ҳеч бири мени кўрмаётганлигини сезганимдан сўнг тангаларимни паст бўйли шўхтаб бақалоқ чолнинг тўпига қўшиб қўйдим, унинг тепасида туриб олиб, шунчалар кўп дуолар ўқидим ва онтлар ичдимки, булар уч марта денгизда бўронда қолган одам учун ҳам етар эди. Сўнг, ёшимга ярашамаган, жиноятчиларга хос ёки макиавеллизмга хос ички бир сезги билан эшик олдига келиб, анфилада — нақшин устулар ортидан залга паришон тикилиб турдим. Фикру зикрим машъум яшил мовут атрофида эди. Шу оқшом физиология — хулқ соҳасида биринчи марта тажриба қилиб кўрдим. Шу тажриба мендаги аллақандай узоқни кўра билиш хусусияти борлигини кўрсатди. Бу эса табиатимиздаги икки хиллик сирларини билишга ёрдам берди. Столга орқа ўгириб олдим, орқамда келгуси бахт-иқболим ҳал этилаётганди, эҳтимол жинойи иш бўлгани учун ҳам келажакдаги бутун бахтим шу ютуққа боғлиқ эди: рақобат қилаётган икки ўйинчини одамлар девори — тўрт-беш қатор томошабинлар тўсиб турарди: одамларнинг говур-ғувури ва музыка олтинлар жарангини эшиттирмасди. Мана шу тўсқинликларнинг ҳеч бирига қарамай мен вақт ва маконни ҳам писанд қилмайдиган эҳтирос туфайли иккала қиморбознинг сўзларини аниқ эшитиб турардим, ҳар бири неча ҳол тўплаганини билардим, қиролни очган ўйинчининг мўлжалини тушунардим, худди унинг қарталарини кўриб тургандай эдим; хуллас, қимор столдан ўн қадамча нарида турарканман, рангим гоҳ бўзарар, гоҳ қизарар эди. Шу пайт ёнимдан отам ўтиб қолса бўладими! Ўшанда Муқаддас оятдаги «Тангри-таоло руҳи унинг кўз олдидан ўтди» деган сўзларнинг маънисига етдим. Мен ютдим. Ўйинчиларни ўраб олган оломон орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб, тўрнинг тешилган жойидан сирғалиб чиққан илонбалиқдай чаққонлик билан столга яқинлашдим. Изтиробларим шодёнага айланди. Улимга олиб борилаётганида шафқат ҳақида буйруқни эшитган маҳбус аҳволига тушган эдим. Аммо, аксига олгандай, орден таққан қандайдир жаноб стишмаётган қирқ франкни талаб қилиб қолди. Ҳамманинг шубҳали нигоҳи менга қадалди — рангим оқариб, пешонамдан тер чиқа бошлади. Назаримда отамнинг пулини ўғирлаганим учун жазосини тортаётган эдим. Хайриятки, оққўнгил бақалоқ чол ҳақиқий фариштадай ёқимли овоз билан «Ҳамма қўйган» деди ва қирқ франк чиқариб қўйди. Мен бошимни кўтариб, ўйинчиларга ғолибона қарадим. Отамнинг ҳамёнига олган пулимни қайтариб солиб қўйдим ва ютуғимни ўша маданиятли ва ҳалол одам ихтиёрига қўйиб бердим, у эса яна ютаверди. Бир юз олтиш франкка етганида танга-

ларимни рўмолчамга ўраб (йўлда жарангласлиги учун) чўнтагимга солиб қўйдим ва ўйинни бас қилдим.

— Қимор столи олдида нима қилаётгандинг? — сўради отам фиакрга ўтирганимизда.

— Томоша қилдим, — жавоб бердим қалтираб.

— Умуман, орият учун анча-мунча пул тиксанг ҳам сира ажабланарли жойи йўқ эди, — деди отам суҳбатни давом эттириб. — Маданиятли одамлар кўзи билан қараганда сен энди йигит бўлиб қолдинг, салпал аҳмоқчилик қилишгаям ҳақинг бор. Ҳа, Рафаэль, ҳамёнимдан фойдаланаверганингда кечирар эдим.

Индамим. Уйда отамга калити ва пуллари қайтариб бердим. У ўз хонасига ўтиб, ҳамёндаги пулни камин устига тўқди, ҳисоблаб кўргач, анча хайрихоҳ оҳангда гап бошлади. Ҳар гапидан сўнг озми-кўпми сукут сақлаб, маъноли қараб қўярди:

— Ўғлим, яқинда йигирмага тўласан. Сендан кўнглим тўқ. Энди сенга машаққат керак, тежамни, турмуш икир-чикирларини ўрганасан. Сенга ойига юз франкдан бериб тураман. Ўз билганингча ишлат. Мана бу сенга дастлабки уч ой учун, — отам худди санаб кўрмоқчидай бир тўп олтин танганинг устидан кафти билан силаб қўйди.

Тан олишим керак, ўша пайт отамнинг оёғига йиқилиб, мен ўғри, қароқчиман, расвоман, ундан ҳам ёмони, алдамчман, деб қичқиргим келди! Аммо, уят мени ушлаб қолди. Отамни қучоқламоқчи бўлган эдим, у мулоимлик билан мени четга сурди.

— Энди сен йигитсан, бўтам, — деди отам. — Мен бу ишни шунчаки адолат юзасидан қилишман. Рафаэль, мабодо миннатдор бўлсанг, — давом этди у мулоимлик ва ғурур билан, — ёшлик йилларингда турли фалокатлардан асраб қолганим учун миннатдор бўлишинг мумкин. Парижда жуда кўп ёшлар йўлдан озиб ўзларини хароб қилишган. Бундан буёғига иккаламиз дўст бўламиз. Бир йилдан сўнг ҳуқуқшунослик доктори бўласан. Баъзи нарсалардан бенасиб ўсган бўлсанг ҳам, лекин етарли билим олдинг, меҳнатга ўргандинг. Ҳар қандай иш меҳнат билан битади. Қандай тушунтирсам экан, Рафаэль. Мен адвокат ҳам, нотариус ҳам эмас, давлат арбоби бўлишингни, бизнинг фақирона наслимиз фахрланганидан одам бўлишингни хоҳлайман... Эртагача хайр! — деди отам ғоят сирли бир ишора билан.

Шу кундан бошлаб, отам ўз режаларини мен билан ўртоқлаша бошлади. Отамнинг яккаю ёлғиз ўғли эдим. Онам ўн йил илгари ўлиб кетганди. Белида шпага-қилич бўла туриб, ер ҳайдашни ўзига эп кўрмаган, Овернида деярли унутиб юборилган насл-насабнинг каттаси бўлган отам қачонлардир, бахтини санаб кўрмоқчи бўлиб, Парижга келган. Франция жанубида туғилган одамларда ўткир ақл-фаросат

на ғайрат-шижоат қўшилган бўлади. Улардан кўпинча буюк кишилар чиқади. Шундай фазилатларга эга бўлган отам бошқаларнинг ёрдамига ҳам унчалик муҳтож бўлмасдан катта бир мансабни эгаллаган. Қўп ўтмай, инқилоб уни хонавайрон қилипти, аммо отам бой-бадавлат оиладан бўлган бир қизга уйланиб олипти. Шу аснода Империя даврида бизнинг уругимиз аввалги нуфузи ва суҳратини тиклаб олипти. Реставрациядан сўнг отамнинг мол-мулкларини қайтариб беришпти, лекин унинг ишлари яна орқага кетипти. Император ўз генералларига совға қилган чет эллардаги ерлардан бир қанчасини отам сотиб олган экан. Аммо, энди ана шу лаънати ерларга эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун отам ўн йилдан бери ликвидаторлар — эски ишларни тугатувчилар ва дипломатлар билан, Пруссия ва Бавария судлари билан тортишиб юрган экан. Суд 1814 йилдан то 1817 йилгача биз олган фойдаларни, шу вақт ичида кесилган ўрмонларнинг пулини биздан ундириб олиши мумкин экан. Агар шундай бўлса отамнинг мол-мулклари қарзларимизни узишга зўрға етар экан. Шундай қилиб, отам менга маълум маънода озодлик берган куни аслида мислсиз оғир бўйинтуруқ остига тушган эканман. Мен жанг майдонидагидай олишишим, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашим керак эди; давлат арбобларининг ҳузурига боришим, уларнинг томоқларини ёғлашим, ишимизга ёрдам беришса ўзларига ҳам моддий фойда келишини тушунтириб, қизиқтиришим керак эди. Уларга ёқиш, хотинларига ёқиш, хизматкорларига ва итларига ҳам ёқиш учун жонимни жабборга беришим керак эди. Мана шу кўнгилсиз ишларнинг ҳаммасини нозик, чиройли муомала билан, ширин-шакар ҳазил-мутуйибалар билан қилишим керак эди. Мана шу ғам-кулфатларни мен тортардим, отам боёқиш кундан-кун сўлиб, саргайиб борарди. Бир йил нари-берисида мен дабдабали ҳаёт кечиргандай бўлиб юрдим. Аммо, бахти чопган қариндошларим билан, ишимиз учун нафи тегадиган одамлар билан алоқа боғлашга уринишларим, бесаранжом турмуш кечириш тинкаи мадоримни қуритворди. Кўнгилхушлигим ўша судлашувлар, суҳбат-мулоқотларим эса — ҳисоботномалар бўлиб қолди. Шу пайтгача ёшлик шўхликлари, бебошликларидан бенасиб бўлганим учун одобли эдим: энди бирор тентаклик қилиб қўйиб, отамни хонавайрон қилмаслик учун ўзимни қийнардим. Бирор марта кўнгил очишни, жиндаккина исрофни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Ёшлигимизда одамлар ва шароит таъйиқига қарамай, туйғуларимизнинг нозик-ниҳол гулига, виждонимизга, фикрларимизга ҳали гард кўнмаган бўлади. Шу туфайли ёвузлик билан келишолмаймиз; бурчимизни очиқ-ойдин англаймиз; номус ўлимдан кучли бўлади; кўнглимиз очиқ, қувлик нималигини билмаймиз. Уша вақтларда мен худди шундай софдил эдим. Отамнинг ишончини

оқласам дердим. Илгари отамнинг ҳаменидан яширинча арзимас пулни ўғирлаганимда қанчалар ҳаяжонланган эдим. Энди-чи? Энди отам билан бирга унинг ишларини битказиш, авлодимизнинг шаънини сақлаш елкамга тоғдай юк бўлиб тушаётган бўлса ҳам, отамга яширинча бор бисотимни, орзу-умидларимни фидо этсам ўзимни етти қават осмонда деб билардим! Хуллас, жаноб де Виллель бизни хонавайрон қилиш учун атайлаб топгандай, аллақайси гўрдан «хуқуқдан айрилиш» тўғрисидаги император декретини ковлаб топди. Мен, ер мулкларимни сотиш ҳақидаги хатга қўл қўйдим. Фақат онамнинг қабри бўлган Луара оролидаги, биров ҳеч қанчага олмайдиган жойни ўзимизда қолдирдим холос.

Уша вақтларда сабаб-баҳоналар топишни, қувликни, фалсафий, филантрофиявий ва сиёсий сафсаталарни билмаганим учун, ишончли кишимиз, ўзингизни аҳмоқликдан тиёлмайсиз, дер эди. Ҳозир энди бу нарсаларни жуда яхши биламан, энди «аҳмоқлик»дан ўзимни тия оламан. Аммо такрор айтаманки, йигирма бир ёшда биз қайноқ қонли бўламиз, муҳаббатга лиммо-лим тўламиз. Отамнинг кўзларидаги ёш умрим бўйи мен кўрган энг катта мўъжиза эди. Кейинчалик, қашшоқлик ботқоғига ботганимда шу ҳақдаги хотиралар дилимга таскин берар эди. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилганимиздан кейин ўн ой ўтгач, отам дард-кулфатдан қазо қилди. У мени, жонидан ортиқ кўрган дилбандини хонавайрон қилганини билиб, адойи тамом бўлди. Отам шуни ўйлайвериб жигар-бағри куйиб кетди. Бир минг саккиз юз йигирма олтинчи йили кеч кузда, йигирма икки ёшимда ёлғиз ўзим биринчи дўстим — отамнинг тобутини қабристонга кузатдим. Парижда ҳамманинг нигоҳидан панада, тобут-араванинг орқасидан ёлғиз ўзим ўйларимга ғарқ бўлиб, бехонумон, келажак дарғумон бўлиб борардим. Бундай ёлғиз йигитлар кўп эмасдир. Худойихоналардаги етимлар ҳам мендан аъло эди. Чунки етимларни келажакда жанг майдони кутади. Уларнинг ҳукуматдай, ённки қироллик прокуроридай отаси бор, боқиндилар уйидай бошпаналари бор. Мен эсам ойдаёки якка-ёлғиз эдим! Уч ойдан сўнг даллол келиб, отамнинг талон-торож қилинган меросидан қолган бор-ўғи бир минг юз ўн икки франк пулни қўлимга тутқизди. Судхўрлар уйимиздаги барча жиҳозларни сотишга мажбур қилишди. Болалиқдан мени қуршаб турган зеб-зийнатларни кадрлар эдим, шунча қимматбаҳо нарсаларга арзимас маблағ беришганини кўриб, ҳайронлигимни яширолмадим.

— Жиҳозларнинг ҳаммаси, оти нимаёки, жудаям рококо экан! — деди нарх бичувчи даллол.

Мана шу даҳшатли сўзлардан болалигимда топган энг эзгу умид-армонларим, энг покиза, энг азиз хаёлларим чилпарчин бўлди. Энди менинг бор буд-шудим сотилган жиҳозлар рўйхати эди: келажаким бир минг бир юз ўн икки франк

пул солинган шойи ҳамёнга боғлиқ бўлиб қолганди; қаршимда жамиятнинг яккаю ягона вакили — даллол шляпасини бошидан олмай тиржайиб турарди. Хизматкоримиз Ионафанга қачонлардир онам тўрт юз франкдан бир умрли нафақа тайинлаб берган эди. Мени жондан ортиқ кўрувчи хизматкоримиз бу уйни ташлаб кетар экан, кўзларига ёш олиб:

— Иложи борича тежамли бўлинг, жаноб, — деди. Ахир шу дарвозадан болалигимда неча бор каретада шўх қийқиб чиққан эдим.

Чол йиғларди!

Қисматимни барбод қилган ҳодисалар, азизим Эмиль, мана шулардан иборат. Бу ҳодисалар дилимни вайрон қилиб, жамиятдаги мавқеимни ҳам расволаштирди. Бир неча бадавлат хонадонларга қариндошлик иплари билан боғланган эдим: аммо энди у ерларга боришга ғурурим йўл қўймасди. Эҳтимол, борганимда ҳам улар мендан ҳазар қилишлари ёки бепарқ қараб, дарвозаларини очмасликлари ҳам мумкин эди. Гарчи қариндошларимиз нуфузли одамлар бўлиб, ўзгаларга ҳомийлик қилишни яхши кўрсалар ҳам, мен қариндош-уруғсиз ва ҳимоятсиз қолдим. Дарду ҳасратларимни эшитадиган одам топилмаганидан ичимдан топ дейдиган, камгап бўлиб қолдим. Илгари очикқўнгил, самимий эдим, беихтиёр совуқ ва индамас бўлиб қолдим: отамнинг қаттиққўллигидан ўзимга ҳеч қандай ишончим қолмаганди; тортинчоқ ва журъатсиз эдим; назаримда менда ҳеч қандай жозиба йўқ эди; ўзимга-ўзим ёмон кўринардим, ўзимни хунук, бадбашара ҳисоблардим: бировларнинг кўзига қаролмасдим. Назаримда, истеъдодли одамларнинг курашларида журъатга, катта ишларга даъват этувчи ички бир овоз бўлади. Худди шундай ички бир овоз мени ҳам «Дадил бўл! Олға!» деб чақирарди; ёлғизликда гоҳида тўсатдан ўзимни қудратли ҳис этардим; айрим янги ёзувчиларнинг жамоатчилик олқиш билан кутиб олаётган асарларини ўз хаёлимда ёзажак асарларимга таққослаганимда умидларим қанотларди; шуларнинг ҳаммасига қарамай, ёш боладай қўрқоқ эдим. Аслида ортиқча иззатталаб, шухратталаб бўлганимдан азоб чекардим; ўзимча буюк ишлар қилиш учун туғилганман, деб ўйлардим, шундай одам бўла туриб ҳаёт майдачуйдаларига ботиб қолаётгандай эдим. Одамларга интилардим — аммо дўстларим йўқ эди. Жамиятда ўзимга йўл очишим керак эди — аммо кўрққанимданмас, тортинчоқлигимдан ёлғизликда яшардим. Отам мени олий жамият гирдобига отган йили мен бу оламга беғубор юрак билан, пок кўнгил билан киргандим. Ёши улғайган барча йигитчалар сингари ажойиб муҳаббатни орзу қилардим. Тенгқурларимнинг кўпчилиги олифта йигитчалар бўлиб, каттазанглик, қуруқлик билан бачкана, майда-чуйдалар тўғрисида гап сотишар: менга айниқса инжиқ, тегманозик бўлиб кўринган қизлар-

нинг ёнига ўтириб олишар, ҳассачаларининг сопини тишлаб туриб ҳаммага ҳақоратомуз қўпол гаплар айтишар, қий-шаанглаб, масхарабозлик қилишар, энг яхши қизларни орқасидан ғийбатлашар; ростданми, ёлгонданми, ҳар қандай гўзалнинг тўшаги биз учун тайёр, деб нах уришар; ўзларини гўё ҳар қандай лаззатлардан тўйгандай, энди ҳаммани рад этишаётгандай қилиб кўрсатишар; энг иболи, уятчан қиз-жувонларга ҳам осон ўлжа деб қарашар; гаҳ десам қўлимга қўнади, салгина имо қилсам бас, деб мақтанишар эдилар! Қўлимни кўксимга қўйиб, виждонан айтаманки, ўша вақтда мен учун олий табақадан бўлган, ақлли, чиройли ёш қизнинг кўнглини олишдан кўра ҳокимиятни қўлга олиш, йирик асар ёзиб шуҳрат қозониш осонроқ кўринарди. Хуллас, пинҳоний ташвишларим, ҳис-туйғуларим, орзу-армонларим киборлар жамияти қондаларига сира тўғри келмасди. Мен муомалада-мас, дилимда дадил эдим. Кейинчалик билдим, хотин-қизлар севгида яллишигини ёқтиришмас экан. Қизларнинг кўпларини олишдан яхши кўриб юрардим, яқинига боролмасдим, мен улар учун ҳар қандай синовга тайёр эдим, дилим ҳар қанча озор тортса ҳам майлийди, қурбон бўлишдан ҳам, изтироблардан ҳам қўрқмай, бор кучларимни уларга бағиш-лашга тайёр эдим. Аммо улар ўзларига хушторликка шунақа аҳмоқларни танлашардики, мен ўша аҳмоқларни қорувулликка ҳам олмасдим. Бал-базмларда орзуйимдаги соҳиб-жамол пайдо бўлиб қолганида неча бор гунг-соқов бўлиб, серрайганимча тикилиб қолганларим эсимда; ўша соҳибжамолни умр бўйи эркалашимни, барча умидларимни бир нигоҳ билан билдирардим, хаёлимда унга эҳтиросли муҳаббатимни таклиф қилардим, алдоқчи туйғуларга учардим. Шундай лаҳзалар бўлардики, бир кеча учун жонимни беришга ҳам тайёр эдим. Оқибатда-чи? Ҳасратларимни эшитувчи қулоқ йўқ эди, ўтли нигоҳларимга жавоб берувчи нигоҳ йўқ эди. Юрагим талпинишига ҳамоҳанг урувчи юрак йўқ эди. Ё журъатим етишмаслигидан, ё кези келмаганлигидан, ё ўзимнинг тажрибасизлигимдан ўз ёғимга ўзим қоврилардим. Дилимдагини бари бир тушунишмайди, ёинки бошқача тушунишади, деб қўрққанымдан умидсизликка тушардим. Ҳар гал гўзалларнинг менга мулоийм қиё боқишидан ҳам вужудимга ўт туташарди. Нозанинларнинг хайрихоҳ мулоийм боқиши ёки бирор сўз айтишига маҳтал бўлиб, шайланиб туришимга қарамай, бари бир гап очишга журъат этолмасдим: гоҳо гап бошласам вақтида тўхтатолмасдим. Туйғуларим лиммо-лимлигидан сўзларим тутуруқсиз чиқарди, ҳатто жим туришим ҳам аҳмоқона бўларди. Табиийки, бундай олифта давраларга мос эмасдим, бу ерда одамлар таши ялтироқ, ичи қалтироқ эди, улар фикрларини ҳам маълум қолипдаги иборалар ёки расмий сўзлар билан ифодалашарди. Бунинг устига мен маъносиз сўзга чечанликка ва маъноли сукут сақлашга уқу-

лим йўқ эди. Одатда қизлар эҳтиросли, олов-қалб, жазавага тўшадиган, куч-қувватли йигитларни яхши кўришади. Мен эҳтиросли, олов қалб бўлишимга, жазавага туша олишимга, куч-қувватга тўлиқлигимга қарамай, барча нозанинлар менга нисбатан хонларча шафқатсиз эдилар. Эҳтимол шунинг учун мен билан дўстона суҳбатлашган йигитлар қанча-қанча қизларни қўлга туширдик, деб жар солишганида соддадиллик билан маҳлиё бўлиб тинглардим, уларнинг ёлгон-яшиқ гапларига ишонардим. Мана шу давраларда самимий қизни учратаман деб беҳуда кутардим; энгилтак ва қуруқ, дабдабага ўч ва киборлар даврасининг икир-чикирларига маҳлиё бўлган қизнинг қалбида кучли ва теран шайдоликни топа-ман, деб беҳуда уринардим. Шундай қиз қалбида эҳтирослар уммонини кўраман, деб беҳуда излардим. Қалбимда ана шу чексиз-ҳудудсиз эҳтирослар уммони мавж уриб, тўфонга айланаётганидан улар хабарсиз эдилар. О, фақат севги учун туғилганингни, қиз болани бахтли қилишингни ҳис этиб туриб, бирор қизни, ҳатто жасур ва олижаноб Марселинадай аёлни, ҳатто аллақандай қари маркизани тополмасанг-а! Сафар хуржунингда шунча лаъл-жавоҳирларни олиб кета туриб, уларга қизиқувчи бирор ёш болани, уларни томоша қилувчи бирор қизалоқни учратмасанг-а! Тушкунликка тушиб, ўзимни ўзим ўлдириниши ўйлаган вақтларим ҳам кўп бўлди.

— Уф-ф, бу кеч нуқул фожеа,— тоқатсизланди Эмиль.

— Халақит берма, ҳаётим устидан ўзим ҳукм чиқарай!— хитоб қилди Рафаэль.— Дўст бўлиб, ҳасратларимни эшитишга қурбинг етмаса, мени деб ярим соат зериккишдан қўрқсанг, майли, ухлай қол! Лекин, шундан кейин нега ўзимни ўлдирмоқчи бўлганимни сўрама. Улим эса талпиниб, атрофимда чарх уриб, мени ўзига чорлайди, мен ҳам уни олқишлайман. Инсон ҳақида хулоса чиқариш учун камида унинг фикр-ўйлари, изтироблари, ҳаяжонлари сирхонасига кириб кўриш керак. Инсон ҳаётининг сиртидаги воқеаларга қизиқиш эса йилнома жадваллари тузишга, аҳмоқларнинг эҳтиёжига ва дидига мослаб тарих ёзишга ўхшайди.

Рафаэль сўзларидаги гам-андух оҳанги Эмилни ҳайратга солди ва у дўстини жон қулоғи билан тинглай бошлади.

— Лекин энди мана шу воқеаларнинг ҳаммасига бошқача кўз билан қараяпман,— ҳикоясини давом эттирди Рафаэль, эҳтимол ўша бахтсизликлар қобилиятларимни камол топтиргандир, кейинчалик мана шу қобилиятларим билан фахрланадиган бўлдим. Етти ёшимдан йигит ёшимгача ҳаётимни мазмун билан тўлдирган нарсалар файласуфларча қизиқувчанлик, фавқулодда меҳнатсеварлик, китобга муҳаббат каби хислатлар туфайли ҳозир сизлар айтгандай, гоёларимни яхши ифодалай оламан, инсонга зарур билимларнинг поёнсиз майдонида от чоптириб юра оламан. Елғизликка

маҳқум бўлиб, туйғуларимни тия олишга, хаёлларим оламида яшай олишга ўрганган эдим: ҳозир одамларни ва нарсаларни таққослай олишимга, мулоҳаза юрига олишимга балки шу сабабдир. Ҳиссиётга берилган одам киборлар оламининг елиб-югуришлари ичида кўмилиб, йўқолиб кетади, ҳиссиётга берилиш энг гўзал қалбли одамни ҳам хор қилади, уни латтага айлантиради. Мен дилимдагини шу қадар ичимда сақлашга ўргандимки, туйғуларимни жиловлайдиган, мукамал идора қиладиган бўлдим. Инсон продаси эҳтирослар ташналигидан ҳам юксакроқ. Эсимда, мени хуш кўрмаган нозанинларни севгиси рад этилган йигитдай синчковлик билан кузатардим. Энди тушундим, айёр бўлмаганим учун улар мени хуш кўришмас экан! Чамаси йигитларнинг сал-пал муғамбирлигини гўзаллар ёқтиришар экан. Бир соат ичида мен қирчиллама йигит ёки ёш бола бўлишим, бачкана одам ёки мутафаккир бўлишим, хурофотлардан озод киши ёки ўта хурофотчи бўлишим мумкин. Кўпинча, аёллардан ҳам мулоим бўлиб кетаман. Балки, шунинг учун улар содадиллигимни сурбетлик деб, мусаффо фикрларимни ифлослик деб тушунишгандир? Гўзаллар назарида менинг билимдонлигим зерикарли бўлиб, хуморлигим эса лапашанглик бўлиб кўрингандир? Бой тасаввур шоирларга бахт келтиради. Фоят жонли тасаввурим туфайли, аксинча, ҳиссиётда беқарор, заиф, лапашанг одам бўлиб кўрингандирман? Жим туришим ҳам ўхшовсиз чиқарди, гўзалларга ёқишга ҳаракат қилганимда эса уларни хуркитардим холос: шунинг учун улар мени севмас эдилар. Киборлар оламининг бундай ҳукмидан аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкардим. Лекин, худди шу синовлар менга катта фойда келтирди. Мен жамиятдан ўч олишга, ҳамма гўзалларнинг қалбини забт этишга аҳд қилдим: ҳаммининг ақлу ҳушини тортаман, лакей меҳмонхона эшиги олдида номимни эълон қилганида ҳамманинг нигоҳи менга қаратилади. Болалик чоғларимдаёқ улуғ одам бўлишга аҳд қилганман. Андре Шенье сингари, пешонамга бир уриб, «Мана бу ерда бир нима бор!» дер эдим. Гўё кўнглимда ифодалангани зарур бўлган фикр, асосланиши лозим бўлган система-таълимот, баён этилиши лозим бўлган билимлар пишиб етилаётгандай туюларди. Оҳ, азизим Эмиль, энди, ёшим йигирма олтидан ўтганида, ному нишонсиз, ўзим орзу қилган нозаниннинг севгилиси бўлаолмай, ўлиб кетишимга кўзим етиб қолганида қандай аҳмоқчиликлар қилганимни айтиб берай! Қай биримиз озми-кўпми, бор нарсани тилаган нарсамиз, деб ўйламаганмиз? Орзу-хаёлларида ўзига гултож ясамаган, ўз ҳайкалига тамал тоши тикламаган, тез гапга кўнувчи маъшуқалар даврасида лаззатланмаган йигитни мен дўст тутмаган бўлардим! Хаёлимда кўпинча генерал, император бўлардим: ё Байрондай донғим чиқсин, ё чангим чиқсин, дердим. Инсонлар шуҳрати билан ўйнашар

қанман, барча довлар, чўққилар олдинда эканлигини тушунардим. Ичимга сиғмаётган чексиз шуҳратпарастлигим, таҳо бўлишимга гўзал ишончим менга мадад берарди.

Албатта, одамнинг ўзи бўшанглик қилса, тиканаклар орасидан ўтаётганида жуни юлиниб ягири чиққан қўйга ўхшаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Мен шон-шуҳратга эришишга аҳд қилдим, келажакдаги севгилим учун хилватнишинликда меҳнатга кўмилишга аҳд қилдим. Барча нозанинлар бир гўзал қиёфасида кўринарди ва менга биринчи дуч келган қиз ана шу гўзал бўлади, деб ўйлардим. Ҳар бир маҳбубани малика деб тасаввур қилардим. Маликалар эса ўзлари севиб қолган ошиқларига ҳиммат, лутф-марҳамат кўрғазиб, ўзлари яқинлашадилар, мендай тортинчоқ, бечора камбағалга ўзлари лутф-карам қиладилар, деб ўйлардим. О, лутфу карам қилган гўзалга қалбимдаги лиммо-лим севгидан ташқари яна бир олам миннатдорлик туйғуларимни бағишлардим, у гўзални умр бўйи ардоқлардим! Кейинчалик, ҳаётни кўп кузатганимдан сўнг аччиқ ҳақиқатни билдим. Билсам, бутунлай ёлғиз қолиб кетиш хавфи туғилган экан. Қизларнинг алламбало ғалати ақли бўлади. Улар истеъдодли одамдан фақат камчилик қидиришади, аҳмоқ одамдан эса фазилат излашади. Қизлар ўзларининг камчиликларини сезмагани учун аҳмоқларни мақташади; ўзларидан баланд турувчи талантли йигитлар бахт келтиришса ҳам қизларнинг камчиликлари йўқолмайди. Истеъдодли, талантли одамлар ҳамиша ёниб яшайдилар: қизлар эса талантли одамнинг ғам-кулфатларига шерик бўлишни исташмайди — қизларнинг ҳаммаси ўз ошиқларининг фақат шуҳрат келтиришини ўйлашади. Аслида улар бизни севмайди, балки биз орқали ўзларини севишади! Ахир ижод қилишга, бунёдкорликка қодир бўлган камбағал, мағрур санъаткор улар учун худбин кўринади. Талантли одамнинг теварагида доимо қандайдир фикрлар гирдобли чарх уради, шу гирдобга ҳамма нарса фарқ бўлиб кетади, ҳатто маъшуқаси ҳам. Ҳамманинг таъзим-тавозеига ўрганиб қолган нозанин мана шунақа одамнинг севгисига ишона оладими? Бундай ошиқнинг диванда маҳбубасини эркалатиб, майнабозчилик қилиб, гап сотиб ўтиришга вақти бўлмайди. Аёллар худди шунақа майнабозчиликка ўч бўлишади. Сохта ва ҳиссиз, тўнка йигитлар эса худди шу жиҳатдан устомон бўлишади. Талантли одам ёзишга вақт тополмайди-ю, майнабозчиликка ва ўзига зеб беришга вақт тополармиди? Мен севгилимга ҳаётимни бутунлигича бағишлашга тайёр эдим, аммо умримни майда-майда қилиб бўлишга қурбим етмасди. Хуллас, қандайдир ҳумор кўз танноз хонимнинг топшириқларини бажариб югуриб-елувчи савдогарнинг лаганбардорлигидан ижодкор нафратланади. Камбағал ва улуғ одам учун яримтаки севги керак эмас — у яхлит фидоийликни истади. Бачкана хонимлар умрида кашмирий шойи

либосларни кийиб, ўзларини кўзгуга соладилар, янги расм бўлган либослар учун илгичга айланадилар: улардан фидоийликни кутиб бўлмайди, аксинча, улар бошқалардан фидоийлик кутишади. Севгида улар итотатгўйликни эмас, ҳимронликни яхши кўришади. Чинакам турмуш йўлдоши бўладиган аёл ўзининг бутун умрни, куч-қувватини, шон-шуҳратию бахт-иқболини эрида деб билади. Истеъдодли одамларга шарқона аёл керак. Шарқ аёлининг асосий мақсади — эрининг ҳар бир истагини бажо келтиришдан иборат. Барча истеъдодли одамларнинг бахтсизлиги шундаки, уларнинг истаклари билан имкониятлари ҳеч мос келмайди. Узимни даҳо деб билсам ҳам танноз хонимларни яхши кўрардим. Ҳамма ўйлаганидан бошқача ғояларни этилтириб: шотисиз осмонни ҳужум билан эгаллашга интилиб; бозори касод хазинага эга бўла туриб: ҳали тартибга тушмаган, ўзим чуқур англамаган, хотирамни оғирлаштириб юборган билимлар билан қуролланиб; қариндош-уруғларсиз, дўстларсиз, энг қўрқинчли саҳрода, ёлғиз ўзим қолдим. Бу саҳрода, обод, фикрловчи, жонли саҳрода, сизга ҳамма душман, бундан баттар, сизни ҳеч ким писанд қилмайдиган бу саҳрода доводирасам ҳам табиий бир қарорга келдим; бу қарорни амалга ошириш мумкин эмас эди: худди шу нарса мени руҳлангирарди. Гўё ўзим билан гаров ўйнадим: бу гаровда ўйновчи ҳам ўзим, тикилган нарса ҳам ўзим эдим. Режам бундай эди: бир минг бир юз франк пул уч йиллик тирикчилигимга етиши керак эди. Эл оғзига тушадиган, бойлик ва шон-шуҳрат келтирадиган асар ёзиб чиқариш учун ўзимга шунча муддат белгиладим. Фивада узлатга чекинган авлиё сингари фақат нон-сут билан кун кечираман. Шовқинсуронли Парижнинг қоқ ўртасида хилват гўшага беркиниб олиб, ёлғизликда китоблар ва ғоялар, меҳнат ва сукунат оламига ғарқ бўламан. Худди пилла қуртидай ўзимга ўзим мақбара ясайман: худди қуртдан капалак чиққандай, мен ҳам кейинчалик гўзаллик ва шон-шуҳрат оламида қайта туғиламан. Шу фикрнинг ўзидан қувониб кетдим. Яшашга имкон топиш учун ҳаётимни хавф остига қўяётган эдим. Тирикчилик учун фақат энг зарур нарсалар билан чекланиб, ўзимни тийиб яшасам йилига уч юз олтмиш беш франк етади, деган фикрга келдим. Монастирь — ибодатхона низоми билан яшагандай кун кечирганим учун мана шу озгина пул менга етиб турди.

— Бундай яшаб бўлмайди, — қичқариб юборди Эмиль.

— Уч йилга яқин шундай яшадим, — сал-пал ғурур билан жавоб берди Рафаэль. — Кел, ҳисоблаб кўрамиз! Нонга уч су, сутга икки су, колбасага — уч су; очдан ўлмайди одам, қайтанга дилинг равшанлашади. Ишонавер, ўзим худди шундай ажойиб ҳолатни бошдан кечирганман, парҳез одам-

нинг дилини чароғон қилади. Хонамни тошқўмир билан иситардим. Кўмирнинг нархини йилнинг кунларига бўлсак, кунига икки судан ошмайди. Қўйлак-иштон, оёқ кийимини ҳам уч йилга етказаман: фақат халқбоп лекцияларга ёки кутубхонага борганимда яхшироқ кийинаман, деб аҳд қилдим. Шуларнинг ҳаммасига ўрта ҳисобда ўн саккиз су кетарди; ҳар хил кутилмаган харажатларга икки су қоларди. Узоқ вақт шу зайлда яшаган чоғларимда бирор марта Санъатлар кўпригидан ўтганимни ёки бирор марта сув ташувчидан сув сотиб олганимни эслолмайман: сув келтириш учун эрталабларини де-Грэ кўчасининг муйилишига, Сен-Мишель майдонидаги фавворага борардим. О, мен камбағал яшашим билан фахрланардим! Ўзининг гўзал келажаги борлигини биладиган одам гадоларча ҳаёт кечиради, бундан сира уялмайди. Худди бегуноҳ ўлимга ҳукм этилган одам дор остига бораётганда уялмагандай. Акилинага ўхшаб, мен ҳам касалхона тўғрисида хотиржам ўйлардим. Бирор лаҳза соғлигим ёмонлашса нима бўлишини хаёлимга келтирганим йўқ. Дарвоқе, камбағал одам фақат ўлаётгандагина кўрпа-тўшак қилиб ётишга ҳақи бор. Сочимни калта қилиб қирқдим, бирор севги париси ёки яхшилик фариштаси келгунча... Лекин, кейинги воқеаларни ҳозирча аралаштирмай турайлик. Азиз дўстим, шунга эътибор қилгинки, севгилим бўлмаса ҳам, бир кун келиб бўлади, деган улуг фикр билан, ёлғон фикр билан яшадим. Ёшлигимизда ҳаммамиз озми-кўпми шу умид билан яшаймиз. Ҳозир ўзимнинг ана шу вақтдаги соддалигимдан, ўша вақтдаги «мен»имдан куламан. Эҳтимол, ўша содда йигитлик чоғларимда буюк, пок ва гўзал бўлгандирман. Энди мен ундай одам эмасман. Жамиятни, киборлар ҳаётини, хулқ ва одатларимизни обдан ўрганганимдан кейин шу фикрга келдимки, менинг бегубор орзу-ишончларим бошқалар учун хавfli экан, жонимни қийнаб қилган ишларим бари беҳуда экан. Шуҳратпараст одамга бу фазилатларнинг сира кераги йўқ экан. Бахтининг кетидан қувган одам бундай южлар билан ўзини оғирлаштириши керак эмас экан. Истеъдодли одамларнинг хатоси шундаки, улар бахтли қисматга муносиб бўламиз, деб ёшлик йилларини аямай, хароб қиладилар. Фақирона яшайдиган баркамол одамлар келажақдаги қудратимиз қўлимиздан чиқиб кетмасин, деб куч тўплайдилар, билим йиғадилар. Сўзга бой, фикрга қашшоқ лўттибозлар эса ҳамма ерда гап сотиб, ўзларининг қармоқларига аҳмоқларни илинтирадилар, лақмаларнинг ишончини қозонадилар; бировлар билим олади, бошқаларнинг иши юришади; бировлар камтарин бўлади, бошқалар журъат билан, дадил иш кўрадилар; заковатли одам ўзининг ғурурини яширади, бошқалар эса ғурурларини кўз-кўз қиладилар: шунинг учун бошқаларнинг ҳамиша ошиқлари олчи бўлади. Амалдорлар эса бақириқ-чақириқ билан ишлайдиганларни,

сурбет истеъдодларни кўп хизмат қиляпти, деб ўйлашади. Одамзод мендан миннатдор бўлади, деган олим хом хаёл қилади. Албатта, мен бу ерда барча тан олинмаган даҳоларнинг авж қўшиғи бўлган поклик, виждонлилик ҳақидаги умумий гапларни такрорлаб ўтирмайман. Мен фақат нега ўртача одамларнинг иши ўнгидан келишининг сабабларини мантиқий йўл билан тушунтириб бермоқчиман. Ҳайҳот, фан шу қадар оналарча меҳрибонки, кўпинча фарзандларига мусаффо ва осуда шодликлар бахш этади. Фандан бундан катта мукофотни талаб қилишнинг ўзи аҳмоқлик.

Очиқ дераза ёнида тўйиб нафас олганларим, кайфим чор бўлиб нон ва сут билан нонушта қилганларим ҳануз эсимда. У ердан қўнғирваш, кулранг ёки қизғиш, тоштахтали ва черепицали заъфарон ёки яшил йўсин ўсиб ётган томларнинг турқи таровати кўриниб турарди.

Даставвал бу манзара менга зерикарли туюлди, аммо кўп ўтмай унда антиқа бир тароват борлигини ҳис қила бошладим. Кечалари эса зич беркитилмаган дарпардалар орасидан тушиб турган нур оқимлари бу ўзига хос оламнинг зим-зиё қаърини соялар билан безаб жонлантирар эди. Гоҳида туман орасидан фонусларнинг бўзарган нурлари қуйидан ўзларининг сарғимтир ёғдуларини сочар ва кўча яқинида илонизи бўлиб ясов тортган томларни, ҳаракатсиз тўлқинлар уммонини хира ёритиб турарди. Онда-сонда мана шу зулмат биёбонида ноёб қиёфалар пайдо бўларди: аллақайси баҳаво боғчадаги гуллар аро лотин чечакларига сув қуйиб юрган, қадди дол кампирнинг қораси кўзга ташланарди: ёки болохона деразасининг ярим-ёрти чириган рафи ёнида турган навниҳол қиз ўз пардоз-андози ила машғул, унга қараётганларни пайқамас эди, мен ҳам фақат унинг кўхлик манглайи ва чиройли оппоқ қўллари билан кўтарилган сочларини кўрардим холос. Том бошидаги тарновлар ёнида яккам-дуккам ўсган ҳадемай жала оқизиб кетадиган шўрлик сабзаларга шавқу завқ билан қарардим. Мен йўсинлар гоҳо ёмғирдан сўнг тиниқлашиб кетганини, гоҳо қуёшда жизғанаги чиқиб, қоқ қўнғир барқутга айланиб ажиб товланиш касб этганини кузатардим. Қисқаси, кундузги ёруғликнинг шоирона ва лаҳзали самараси, туманлар қайғуси, фавқулодда тушиб қолган қуёш доғлари, туннинг сеҳрли сукунати, тонги шафақнинг яралиши, мўрилар устидаги тутун бурамлари, қўйинг-чи, — ғаройиб табиатнинг мана шу барча манзаралари менга ғалати кўринар ва кўнглимга хуш ёқарди.

Мен ўз қамоқхонамни яхши кўрардим — чунки бу ерга ўз ихтиёрим билан кирган эдим. Томларидан иборат бағрига сон-саноқсиз аҳолини сиғдирган, тап-тақир ялангликка ўхшаган бу паришча қуп-қуруқ сахро кўнглимга мунис ва ўйларимга ҳамоҳанг эди. Турли фанлар билан шуғулланиб биз кўтарилган самовий юксакликлардан бир зумда пастга қу-

лаб, турмуш икир-чикирларига юзма-юз келиш одамни тинкасини қуритади. Шунинг учун ҳам мен ўша вақтларда ибодатхоналар ҳаётининг барча машаққатларини мукамал бошдан кечирдим. Турмушнинг янги режасига қатъиян амал қилган ҳолда Парижнинг энг хилват маҳаллаларидан ўзимга ҳужра қидира бошладим. Бир куни кечқурун Эстрададан уйга қайтаётиб, Кордые кўчасидан ўтаётган эдим. Ключний кўчасининг муюлишида дугонаси билан волан ўйнаётган ўн тўрт ёшлар чамасидаги қизчани кўриб қолдим. У қўшни уйлардан чиқиб ўтирган одамларни шўхликлари билан кулдирад эди.

Ҳаво жуда ажойиб, оқшом жуда илиқ — сентябрнинг охирги кунлари эди. Эшиклар олдида чиқиб ўтирган хотинхалажлар бамайлихотир гурунг қилишарди. Одатда вилоят шаҳарчаларида байрам кунлари шундай манзарани кўриш мумкин. Аввалига фақат қизчага эътибор бердим.

Унинг маънодор чеҳраси, қадди-қомати мусаввир учун қуйиб қўйгандек эди.

Бу жуда мафтункор манзара эди. Парижда бундай камтарин, соддадил одамлар қаёқдан пайдо бўлганлигига ажабландим.

Бу кўчанинг боши берк бўлиб, ўткинчилар ҳам афтидан сийрак эди. Бу ерларда Жан-Жак Руссо яшаганлигини эслаб, «Сен-Кантен» мусофирхонасини топдим. Мусофирхонанинг қаровсиз ташландиқ бўлиб қолганлигини кўриб, арзонроқ хонани ижарага олсам бўларкан, деган умидда у ерга киришга жазм қилдим.

Пастак шифтли бино ичкарасига кириб токчада тартиб билан тизилган қадимий мис қандилларга ўрнатилган мойли шамларни кўрдим. Ҳар бир шам бир хонанинг калити устига қўйилган эди. Одатда бундай хоналар унчалик озода бўлмас эди. Бу ердаги саранжомликни кўриб ҳайрон қолдим. Ҳаммаёқ ёғ тушса ялағудай эди. Фақат манзарали суратлардагина шундай ҳолни кўриш мумкин. Зангори каравот, идиш-товоқ, уй жиҳозлари, тасвири санъат асаридек жозибали эди. Мусофирхона бекаси кўринишдан қирқ ёшлардаги аёл турмушининг аччиқ-чучукларини тотиб кўрганга ўхшарди. Кўп кўз ёш тўкканиданми, кўзлари хиралашиб қолганди. Аёл ўрнидан туриб менга пешвоз чиқди. Мен қисинибгина квартира учун қанча ҳақ тўлашим мумкин, деб сўрадим. Аёл сира ажабланмасдан калитлардан бирини танлади ва мени болохонага бошлаб чиқди. У кўрсатган хонанинг деразасидан қўшни уйларнинг томлари ва ҳовлилари, дорга ёйилган кирлари кўриниб турарди. Деворлари сап-сарик ва ис босган бу болохона бирам жирканч эдики, ҳужра ғариб ва ҳувиллаб турарди. Мендай камбағал олимга бу жой айни муддао эди.

Болохонанинг томи нишаб кетган бўлиб, черепицаларнинг тирқишидан осмон кўриниб турарди. Бу ерга каравот,

стол, бир неча стул сигиши мумкин, томнинг нишаб кетган бурчаги остида эса фортепьяном учун жой ажратса бўларди. Бояқиш аёл Венециядаги «қўргошин камера»ларидан қолишмайдиган бу каталакни яхшироқ жиҳозлашга қурби етмаганидан, уни кимга ижарага беришни билмай юрган экан. Утган куни сотиб юборилган мол-мулкимдан шахсан ўзимга тегишлиларининггина ажратиб олганим учун мусофирхона бекаси билан дарҳол келишдик. Эртасигаёқ кўчиб келдим.

Мана шу осмонўпар «лаҳадда» уч йил яшадим, кечаю кундуз тиним билмай шавқу завқ билан ишладим. Одамзоднинг энг гўзал мақсади, ҳаётининг асл маъноси шу ишларда деб ўйлардим. Олим учун зарур бўлган хотиржамлик ва осудаликда худди севгида бўлгани каби тароват ва ҳузур-ҳаловат бор. Тафаккур иши, гоъвий изланишлар, фан соҳасини осуда кузатиш сўз билан ифода қилиб бўлмас даражада лаззат беради: Ақл-идрок фаолияти билан боғлиқ бўлган нимаики бўлмасин, бари бизнинг ташқи сезгиларимиз учун хос эмас. Шунинг учун биз руҳий олам сирларини моддий олам қиёслари орқали тушунтиришга мажбурмиз. Илмдан хабарсиз одамлар ёлғиз сайрга чиқиб қоя тошлар орасидаги тип-тиниқ кўлда, ўрмонлар ва гулзорлар орасида гир-гир эсаётган майин шабадага юзларини тутиб лаззатланишади. Аммо бу лаззат нима бўлибди? Руҳим аллақандай нур шуълаларида чўмилар, илҳомнинг қалдироқли мубҳам овози эшитилар, аллақандай номаълум чашмадан хаёлотлар жилғаси жонсарақ миямга қуйилиб келар экан, ўзимни шу қадар бахтиёр ҳис этардимки, бояги сайёҳнинг роҳатланиши менинг шодлигим олдида дарёдан томчи ҳам бўлмасди. Тонгда қуёш нурлари ёйилаётгандай фикр-аъмол ҳам инсон тасаввурлари оламиндан буюшдай кўтарилди, ёки тўғриси, гўдакдай ўсиб-улғаяди, болоғатга етади — ана шундай пайтда бу дунёнинг барча шодликлари ҳеч бўлиб қолади; хуллас, илоҳий бир лаззатга шўнғийсиз. Илмий машғулотлар атрофингиздаги ҳамма нарсаларни оҳорли қилиб юборади. Яғири чиққан ёзув, столи, унинг жигаранг саҳтиён қопламаси, фортепьяно, каравот, кресло, эскирганидан ранги ўчиб унниқиб кетган деворнинг гул қоғозлари, жавон, стуллар — шуларнинг ҳаммаси менинг ювош жонли дўстларим, истиқболимни бунёдга келтиришга ҳисса қўшаётган унсиз дўстларим бўлиб қолишган эди. Неча бор уларга боқиб кўнглимдаги сирларни шулар билан баҳам кўрардим! Кўпинча жиҳозларнинг қайишиб-майишиб кетган нақшларига кўз ташлаб ўз назариямни қойиллатиб исботлайдиган қандайдир йўлларни топардим. Эки деярли ифодалаш мумкин бўлмаган фикрларимни изҳор қилиш учун аниқ сўзларни топиб олардим. Атрофимни ўраб турган нарсаларни кузатар эканман, ҳар бирининг ўз қиёфаси, феъли-атвори борлигини фарқлай бошладим. Кўпинча улар мен билан суҳбатлашар эдилар. То

даража ойналаридан ботаётган қуёшнинг ўткинчи нурлари тушар экан, буюмлар гоҳ рангларга бўянишар, гоҳ ранги қочар, гоҳ чарақлашар, гоҳ ғашланишар ёки шўх бўлиб кетишар, ғаройиб қилиқлари билан мени ҳайрон қолдиришарди. Одатда маҳбусларнинг ҳаётида шундай кичик воқеаларга эътибор берилади. Ўзини ўтга-чўққа урадиган одамлар ҳаётида эса бу нарсалар эътибордан четда қолади. Ахир мен ҳам гоънинг асири, назариямнинг маҳбуси эдим. Тўғри, мен тушкунликка тушмайдиган маҳбус эдим, чунки истиқболда мени шон-шуҳратга тўлиқ ҳаёт кутарди. Ҳар гал қандайдир машаққатни енгганимдан сўнг хаёлимда оҳу кўзли, атлас-шойига бурканган, асилзода бир соҳибжамолнинг мулоийм қўлларини ўпардим. Ажойиб кунларнинг бирида бу нозанин сочларимни силаб: «Мени деб кўп азоб чекдингиз, бегим!»— деб эркалатарди.

Мен иккита катта асар бошлагандим. Комедиямни қисқа муддатда ёзиб тугатишим керак эди. Бу асар менга шон-шуҳрат ва бойлик келтириши, асилзодалар давраларига йўл очиши зарур эди. Мен ўша давраларга энди кирганимда даҳо ёзувчи бўлиб, шохона иззат-ҳурмат кўришим лозим эди. Мана шу дурдона асарда яқинда коллежни битирган йигитчанинг илк хатога йўл қўйиши кўрсатилганди. Сизлар бу асаримни масхарабалаб кулдингиз. Кулгингиз умидбахш хаёлларимнинг қанотини қирқди. Шундан сўнг бундай хом хаёлларга чек қўйдим. Фақат сен, азизим Эмиль, бошқалар яралаган юрагимга малҳам қўйдинг! Фақат сен «Ирода назарияси» деган асаримдан ҳайратландинг. Бу йирик асарни ёзиш учун мен шарқ тилларини, анатомияни, физиологияни ўргандим. Бунинг учун умримнинг кўп вақтини сарфладим. Ўйлашимча, бу асар Масмер, Лафатер, Галл, Биш асарларини тўлдиради, инсон ҳақидаги фанда кашфиётларга йўл очади.

Шу билан ажойиб ҳаётим тугади, ҳар куни мақсадга етман, деб жонимни жабборга беришларим, бутун дунёга кўринмайдиган, боринги, мукофоти ўз ичида бўлган пилла қуртининг умрига ўхшаш ҳаётимга чек қўйилди. Эсимни таниганимдан бери «Назария»мни тугатган кунимга қадар фақат ҳаётни кузатдим, ўргандим, ёздим, тинимсиз ўқидим. Шу вақтгача жазо муддатини ўтаётган маҳбусдек яшадим. Шарқона, риндликни яхши кўрсам ҳам, ҳиссиётли, орзуларга шайдо одам бўлсам ҳам — ором нималигини билмай ишладим ва Париж айш-ишратларини тотиб кўрмадим: тансиқ таомларга ўч бўлсам ҳам ўзимни тийиб, борига шукур қилиб юрдим: пиёда сайр этишга ва денгизда қайиқда сузишга ишқибоз бўлсам ҳам, турли ўлкаларга боришни орзу қилсам ҳам, шу вақтгача ёш боладай сувга тош отиб юрган одам энди ёзув столи олдида бош кўтармай ишлашга ўзимни мажбур қилдим; сўзамол бўлсам ҳам индамай юриб кутубхонада

ва музейда лекция тинглардим; доимо соҳибжамол аёлни хаёл қилсам ҳам бенедиктчи роҳибга ўхшаб увадаси чиққан совуқ тўшақда ёлғиз ётардим. Дилимнинг тўрида асраб юрган соҳибжамол эса ҳадеганда менга қорасини кўрсатмасди! Хуллас, ҳаётим шафқатсиз зиддиятлардан, нуқул ҳам хаёллардан иборат эди. Одамнинг оласи ичида, деб шуни айтади-да! Узоқ тутаб ётган чўғ аланга олиб кетганидай, гоҳи-гоҳида ҳиссиётларим ловиллаб кетар эди. Аёлларга етишолмаган мендай одам, болохонада кун кечирувчи мендай ғариб худди иситмада алаҳсирагандай, атрофимда нуқул гўзал маҳбубаларни кўрардим! Париж кўчаларида, файтунларда парку ёстиқларга ястаниб ғизиллаб учардим! Гуноҳларга ботардим, айш-ишратга шўнғирдим, ҳамма нарсани хоҳлардим ва ҳаммасига эришардим, авлиё Антоний гуноҳга ботган кезларида маст бўлгандай, мен ҳам шароб ичмай маст бўлардим. Мени куйдириб кул қилувчи бундай хаёлотлар, бахтимга, туш бўлиб чиқар ва уйғониб кетардим; тонгда эса фан илоҳаси жилмайиб, мени ўз ёнига чақирар ва мен унга садоқатли эдим. Уйлашимча, одобли, шарм-хаёли ҳисобланган қизлар, аёллар ҳам кўпинча телбаларча истак ва эҳтирослар гирдобига тушиб турадилар. Бу ҳолат бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмайди. Мана шу орзу-хаёлларнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Қиш оқшомлари камин ўчоқ олдида ўзиниб, суҳбатлашган чоғларимизда хаёлан Хитойга саёҳат қилгандай бўламиз. Аммо, мана шунақа гаштли саёҳат чоғларида хаёлан ҳамма тўсиқларни писанд қилмас эканмиз, одоб, шарм-хаё пардасини ўйлаб ўтирармидик?

Узлатга ихтиёр қилганимнинг дастлабки ўн ойида мен мана шундай фақирона, яккаю ёлғиз кун кечирардим, тонг пайтлари ҳеч кимга билдирмай кўчага чиқиб, егулик ул-бул олиб келардим, хонамни ўзим супуриб-сидирардим; ўзимга ҳам хўжа, ҳам қарол эдим; бениҳоя ғурур билан Диогенга ўхшаб яшардим. Аммо, кейинроқ мусофирхона бекаси билан унинг қизи менинг хулқ-атворимни, одатларимни яхши билиб олишгач, камбағаллигимни тушунишгач, ўзлари ҳам мендай камбағал, бечора бўлганлари учун эл бўлиб кетдик. Соддадил, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Полина (қисман, шу қиз ҳам бу ерга кўчиб келишимга сабабчи эди) менга баъзан ёрдамлашар, ёрдамини рад этишга кўнглим бўлмас эди. Барча камбағалларнинг қисмати опа-сингиллардай бир-бирига ўхшаш бўлади. Уларнинг тили ҳам, ҳиммати ҳам ўхшаш. Улар камбағал бўлсаям қўли очик бўладилар: улар шунчалик танти бўладики, жонларини ҳам аямайдилар. Ўз ўзидан Полина хонамга бека бўлиб қолди, у менга дастёрлик қилишни хоҳлар, онаси ҳам бунга қаршилиқ қилмас эди. Онаси бир неча бор кўйлақларимни ямаб, чашиб ўтирганлигини кўрдим. Ҳамдard аёлни бу иш устида кўриб қолганимда у хижолатдан қизариб кетди. Улар ўзларича мени ўз хи-

моятларига олган эдилар, мен ҳам рози эдим. Ишга боши билан шўнғиган, ўй-хаёллардан ниҳоятда қийналган, кундалик турмуш икир-чикирларини писанд қилмайдиган, фақат орзулар билан яшайдиган одам меҳрибонликни яхши тушунади. Саккиз соатдан бери туз тотимаганимни билган Полина хонамга оёқ учида кириб, тушликка бирор егулик қўйиб чиқиб кетарди. У қизларга хос назокат ва болаларча соддалик билан «менга эътибор берманг», деб ишора қилиб кулиб кўярди. У, тилагимни билиб томдан хонамга учиб кирган Ариэлдай, сильфдай фаришта эди. Бир оқшом Полина жуда ўта соддадиллик билан бошидан ўтганларини гапириб берди. Отаси император гвардиясининг отлик гренадёрлар эскадронига қўмондон экан. Березина кечуви вақтида у казакларга асир тушиб қолипти; кейинчалик, Наполеон уни рус асирга алмаштиришни таклиф қилипти. Аммо, рус маъмурлари уни Сибирдан излаб топишолмапти. Бошқа асирларнинг гапига қараганда у Ҳиндистонга қочишга ҳаракат қилиб юрган экан. Шундан бери бекам, Годэн хоним эрининг дом-даррагини эшитмапти. Бир минг саккиз юз ўн тўртинчи — бир минг саккиз юз ўн бешинчи йилларда фалоқат бошланипти. Бекам, мол-мулксиз ва ҳимоятсиз ёлғиз қолгач, жиҳозланган хоналарини ижарага бериб, қизини тарбият қилмоқчи бўлипти. Годэн хоним ҳанузгача эридан умидини узмаган эди. Хоним ҳаммадан ҳам қизимни ўқитолмай қоламанми, ахир Полина княгина Боргезенинг тутинган фарзанди-ку, деб ич-ичидан эзилар экан. Полинани олий ҳимоятга олган хонойим унга ишонч билдириб, келажаги порлоқ бўлади, деб башорат қилипти. Полина хонойимнинг юксак ишончини оқлаши керак экан. Бир куни боёқиш она чеккан азоб-уқубатларини менга гапириб берар экан, кўнглини вайрон қиладиган оҳангда: «Полинам Сен-Денида таълим оладиган бўлса, Годэнни баронликка кўтариш тўғрисидаги бир парча қоғозни ҳам, Вичнаудан келадиган фойдаларимизни ҳам жон деб бериб юборардим!» — депти. Бу сўзларни эшитиб, вужудим жимирлаб кетди. Годэн хонимнинг менга қилган яхшиликлари эвазига Полинани тарбиятimgа оламан, деб ваъда бериб юбордим. Беғараз таклифимни улар чин кўнглидан қабул қилишди. Шундай қилиб, дам оладиган пайтларим ҳам пайдо бўлди. Қизнинг зеҳни ўткир эди, у ҳамма нарсани тез илғаб оларди. Тез орада фортепьянони менам ҳам яхши чаладиган бўлиб қолди. Менинг олдимда у ўй-фикрларини ифодалашга ўрганар экан, гул офтоб нурларида парвариш топгандай қизнинг ҳам кўнгли гул-гул очилиб борарди. У сўзларимни эътибор бериб, жон-дили билан эшитар экан, бахмалдай майин кўзлари мулойим жилмайгандай боқарди. У сабоқ сўзларини нафис, майин овози билан такрорлар экан, мамнун бўлганимда болалардай қувониб кетарди. Кичкиналигиданоқ чиройли қиз бўлиши билиниб турган Полина-

сени хавф-хатарлардан қандай асрайман, деб онаси яқин-яқинларгача хавотирланар эди. Энди, Полина кун бўйи машғулотлар билан бандлигини кўриб, Годэн хоним хотиржам бўлиб қолди. Мусиқа дарслари учун, фақат менинг фортепьяном борлиги учун, Полина уйда йўқ вақтларимда шуғулланар эди. Қайтганимда қиз хонамда ўтирган бўларди. У камтарин, сипо кийинган эди, аммо салгина ҳаракат қилганида оддий кийими ичидан хипча бели, чиройли қадди-қомати биллиниб турарди. Эшак тери ҳақидаги эртақ қаҳрамонига ўхшаб, қиз нозик оёқчаларига қўпол шиппак кийиб олган эди. Лекин, бу қизнинг бор дилдорлиги, ажойиб хазинаси, бойликлари мен учун гўё йўқдай эди. Полинага синглимдай қарашга ўзимни мажбур қилардим. Онасининг ишончини оқламаслик даҳшатли гуноҳ бўлур эди. Мен бу дилдор қизга суратга қарагандай, ўлиб кетган севгилимнинг суратига қарагандай завқ билан қарардим. Хуллас, у фарзандимдай, ўзим ишлаган ҳайкалчадай эди. Мен — Янги Пигмалион¹ аксинча, томирларида қайноқ қон жўшиб турган, ҳис этувчи ва сўзловчи жонли соҳибжамолни жонсиз мрамор ҳайкалга айлантирардим. Қизга қатиққўллик билан муомала қилардим, мураббийликда қанчалик шафқатсиз бўлсам, қиз шунчалик мулойим, итоаткор бўлиб борарди. Унга нисбатан кўнглимда кирим йўқлиги учун ўзимни вазмин, сипо тутардим. Баъзан ҳатто прокурордай совуққон гаплашардим. Кўнгли тоза бўлмаган одам пул ишларида ҳам ҳалол бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайман. Хотин-қизларни алдаш мен учун ҳаминша бировни хонавайрон қилиш билан тенг. Навниҳол қизни севини ёки севгисини тан олиш чинакам нигоҳдан ўтишдай гап. Агар шундай бўлса, бу никоҳнинг шартлари ҳам олдиндан маълум бўлиши керак. Биз, йигитлар, бузуқ аёлни ташлаб кетсак бўлади, лекин қиз болани ташлаб кетишга ҳақимиз йўқ, чунки ифбатли қиз бизга ўзини қурбон қилар экан, бу ишнинг бутун оқибатларини ўзи яхши тушунмайди. Албатта, мен Полинага уйланишим ҳам мумкин эди, аммо бу ақлсизлик бўларди. Ахир қизнинг нозик ва покиза кўнглини минг азобларга дучор қилишнинг нима кераги бор? Камбағаллигим туфайли мағрур эдим, бу гурур Полина иккаламизнинг ўртамызни Хитой деворидай тўсиб турарди. Бундан ташқари, уятли бўлса ҳам айтай, қашшоқликдаги севгини севги деб бўладими? Цивилизация — тараққиёт деб аталган инсоният касаллиги менга ҳам юққан, мени ҳам бузиб юборган: шунинг учун агар гўзал Еленадай, Қомернинг Галатеясидай дилдор бўлса ҳам, салгина эски кийган аёл менинг кўнглимни забт этолмайди. Яшасин атлас, шойи либослардаги, ҳашаматли қасрлардаги севги! Дабдаба, ҳашам

¹ Қадимий юнон афсонасига кўра ҳайкалтарош ўзи бунёд этган гўзал Галатеяни севиб қолади ва уни жонлантиради. — Таржимон.

севгини безайди, чунки севгининг ўзи ҳам дабдаба, ҳашамга киради. Эҳтиросга берилганимда оро берилган нафис, нозик ҳарир либосларни ғижимлаб ташлагим келади, гулларни эзгилаб, муаттар сочларнинг турмакларини бузиб ташлагим келади. Замбаракдан чиққан оташ тутунни ёриб ўтгандай, юзга тўсилган нафис парда ортида порлаган ёниқ кўзлар мени жинни қилиб қўяди. Менинг севгимга шойи нарвонлар керак. Қиш кечалари ошиқ ана шу шойи нарвонлардан овоз чиқармай машуқаси ёнига кўтарилади. Ҳаммаёғинг қорга беланиб, шамлар билан ғира-шира ёритилган хонага кирасан, ҳаммаёқ гулдор шойилар билан қопланган: нозанин севгилинг ҳам эгнидаги қорларини қоқиб туширади — лаззатбахш мушк-анбар сепилган қордай оппоқ либосларини ечиб ташлайди. Ҳарир либос ичидаги гўзал худди булут ичидаги фариштадай кўринади, севгилинг булутлар ичидан чиқиб келгандай бўлади. Мен гумон-ташвишли бахтни ҳам, дадилликни ҳам яхши кўраман. Ниҳоят, мана шу сирли аёлнинг олий давраларда порлаб юришини, одоб, ҳаёси билан ҳаммани мафтун этишини, ярқироқ жавоҳирлар қадалган ҳарир либосларга бурканишини, бутун шаҳар аҳлига ҳукм-фармо бўлишини истайман; ниҳоятда олий мавқега эга бўлганидан, уни гоёт ҳурмат қилишганидан ҳеч бир зот меҳр-муҳаббатини изҳор этишга журъат қилолмасин. Бу қиз канизаклари, аъёнлари даврасида гул-гул очилар экан, менга шундай бир қиё боқсинки, бу нигоҳдан барча расмиятчилик қондалари бир пул бўлсин, бу нигоҳ «сен учун жамиятни ҳам, одамларни ҳам қурбон қиламан», деган маънони англатсин! Тўғри, ўзим неча марталаб, блондалар, барқут, духобалар, нафис батисларни, машшоталарнинг санъатини, шаъмларни, фойтунларни, унвонларни, биллур идишларга, олтин, кумуш буюмларга ишланган насл-насаб муҳрларини яхши кўрганимга кулиб юрардим. Хуллас барча ясама нарсаларни, қизларнинг қизлигини камайтириб турган нарсаларни хуш кўрганимга кулардим. Лекин, бари бир яна шуларни яхши кўраверардим. Мени асилзода қиз, унинг нафис табасуми, ноз-ишвалари, виқорли хатти-ҳаракатлари мафтун этади. Бундай нозанин иззат-талаблигимни, шуҳратпарастлигимни кучайтиради. Шунинг ўзи ҳам ярим севги. Ҳамма-нинг ҳасадини келтирсам бениҳоят ҳузур қиламан. Бордию севгим бошқа қизларга нисбатан ўзгача тарзда яшаса, пиёда юрмаса, ҳеч кимда йўқ мўйна кийим кийса, ундан ноёб мушк-анбар атри анқиб турса менга яна ҳам ёқади. Агар севгилим бу дунёдаги одамларга ўхшамаса, самовий фариштасурат бўлса — шу қадар дилдор кўринади. Бахтимга, Францияда йигирма йилдан бери қиролича йўқ, бўлганида, албатта қироличани севардим! Шоҳ қизидай эрка яшаш учун бой-бадавлат бўлиш керак. Мана шундай романтик ҳаёт билан яшаётган вақтимда Полина мен учун ҳеч ким

эмасди. У менга бир умрга татийдиган, жонини нисор этишга арзийдиган кечаларни бағишлаёлмасди. Иффатини бизга бахш этадиган камбағал қизлар учун ўлимга бормаимиз. Кўнглимдаги мана шу туйғуларни, мана шундай шоирона орзу, хаёлларни сира йўқотолмасдим. Мен ноёб севги учун туғилганман, деб ўйлардим! Тақдир эса мени ўзим хоҳламаган одамга йўлиқтирди. Кўпинча, хаёлимда Полинанинг нозик оёқчаларини атласга ўрардим, сарвдай қоматига ҳарир либослар кийдираддим, елкасига ҳарир рўмол ташлардим, унинг шоҳона саройида чўғдай гиламлар устидан юриб, нақшинкор фойтунга чиқариб қўярдим. Мен бу қизга ўзида йўқ бўлган тамтамликни бериб, унинг барча фазилатларини, ширинлигини, туғма жозибасини, камтарин табассумини тортиб олиб, уни гуноҳларимизнинг Стиксига (дўзах дарёсига) гарқ этардим. Унинг тошбағир бўлишини, уни ўзимизнинг жинойтларимиз билан безанишини хоҳлардим. Уни зиёфатхоналарнинг арзандаси, тонгда уйқуга кетиб, кечқурун, шамларнинг сунъий ёруғида жонланадиган, енгил шабадага ҳам йиқиладиган нозик қўғирчоғи деб тасаввур қилардим. Полина ҳиссиётли, гул-гул яшнаб турган қиз эди, мен бўлсам уни қуруқ ва совуқ бир нозанин қиёфасида кўришни истардим. Телбалигимнинг охири кунларида Полина қиёфаси кўз ўнгимда пайдо бўлиб, болаликдаги бегубор манзараларни эслатди. Фусункор лаҳзаларни хотирлаб, кўнглим бузилиб кетди. Ювош, мулойим, камсуқум, зийрак бу ажойиб қиз столим ёнида кашта тикиб ўтирарди, ҳужрам деразасидан тушаётган ғира-шира ёруғлик унинг чиройли тимқора сочларига оҳишта қўнарди: унинг ўсмирларча мусаффо кулгисини эшитардим: ўзи осонгина тўқиёладиган ширин қўшиқларини қўнғироқдай тиниқ овози билан куйлаб берарди. Кўпинча, Полинагинам музика чалаётганида шундай руҳланиб кетар эдики, худди Карло Дольчи ифодаламақчи бўлган кўркем Италия парисига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Телбалардай кечаётган умрим давомида Полинанинг тиниқ, пок чеҳрасини изтироб билан эслар эканман, бу таъна-дашном вужудимни зирқиратиб оғритарди. Кейинчалик, қиз қанчалар бахтсиз бўлса ҳам, мен уни даҳшатли бўрондан қутқариб қолдим — уни ўзимнинг дўзахимга судрамадим.

Бултурги қишгача тинч, осуда меҳнат билан ҳаёт кечириб келдим. Дўстим Эмиль, сенга ўша вақтдаги ҳаётим ҳақида ғира-шира тасаввур беришга уриниб кўрдим.

Бир минг саккиз юз йигирма тўққизинчи йил декабрь ойининг дастлабки кунларида Раотиньякни учратиб қолдим. Қийим-бошим ғарибона бўлишига қарамай, у мени қўлтиқлаб олди ва чин акамдай меҳрибонлик билан ҳол-аҳволимни суриштирди. Бу ғамхўрликдан таъсирланиб, қандай яшаётганимни, нималарга умид боғлаганимни қисқача гапириб бердим: у хахолаб кулиб юборди, сўнг: «Ҳам даҳосан, ҳам аҳ-

моқсан!»— деди. Растиньякнинг гасконча шўхлиги, киборлар оламини яхши билиши, тажрибаси, бой-бадавлатлиги — ҳаммаси мени ҳайратга соларди. «Сени ҳеч ким тан олмайди, аҳмоқлигингча касалхонада ўлиб кетасан!»— деди. Дарров тобутимни кузатиб гадолар қабристонига олиб бориб кўмди. У ёқимтой бир ҳазилкашлик билан, барча даҳо одамлар шарлатонлар эканлигини исботлаб берди. «Агар бундан буён ҳам Кордые кўчасида ёлғиз яшасанг, ё кўр, ё кар бўласан ёки ўлиб кетасан», деди. «Асилзодалар оламига кир, одамлар номингни ҳурмат билан тилга олишсин: энди улуғ одамга ярашмайдиган камтарликни, хоксорликни ташла!» деди.

— Аҳмоқлар бундай хулқни фитначилик деб аташади, — деди у овозини кўтариб, — зоҳидлар эса бундай одамни такасалтанг деб қоралашади. Одамларнинг гапига қулоқ солмай, ўзимизча хулоса чиқариб кўрайлик. Оқибатда нимага эришамиз? Меҳнат қиламан, дейсанми? Меҳнат билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Масалан, менинг қўлимдан ҳамма нарса келади, лекин ҳеч иш қилмайман, ялқовларнинг ялқовиман; шунга қарамай, ҳамма нарсага эришаман! Ур-сур қилиб, олдинга интиламан — менга йўл бўшатишади, мақтансам — ҳамма ишонади, мен қарз олсам бошқалар тўлашади! Тараллабедод яшаш, азизим — бу, катта бир фалсафа. Узининг молу мулкени сарфлаб тугатаман, деган одам кўпинча савдогарга ўхшайди — ўзининг пулу молларини дўстларига, кайф-сафога, ҳомийларига, таниш-бидишларига вақтинча сақлашга беради. Улгуржи савдогар миллион сўмини таваккал қилиб ўртага тикади. У йигирма йил ухламай, емай-ичмай, роҳат кўрмай топган миллион сўмини Европанинг ҳамма мамлакатларига фойдага беради. У шунча йил яккамоҳов яшаб, шайтон васвасаларига учиб, охири хонавайрон бўлади. Шундай катта савдогарлар ёнида бир тангасиз, иззат-ҳурматсиз, дўст-ёрсиз қолганлигини неча марта кўрганман. Исрофгар одамнинг йўриғи бошқа; у роҳат-фароғатда яшайди, у пойгада тўсиқларга қанча кўп учраса, шунча лаззатланади. Исрофгар мабодо жамғармаларидан айрилса, бошқа иш топиб олиши мумкин — маош йиғувчиларнинг бошқарувчиси бўлиши, бадавлат аёлга уйланиши, министр ёки элчи ҳузурида бирор мансабни эгаллаши мумкин. Унинг дўстлари бор, иззат-ҳурмати бор, истаган вақтида пул топиши мумкин. У жамият машинасининг мурватларини яхши билади, ўзига керакли мурватни бурайверади. Қалай, фалсафамда мантиқ борми, ёки ақлдан озибманми? Жамият ҳар куни кўрсатадиган томоша комедиянинг мазмуни шу эмасми?.. Асарингни ёзиб тугатибсан, — бир оз жимликдан сўнг Растиньяк давом этди, — сенда жуда катта талант бор. Лекин, бари бир ҳамма нарсани мен айтган фалсафа бўйича бошидан бошлашинг керак. Тўғриси, ўзинг учун ўл етим қабилида иш тутишинг керак. Ҳар хил давраларга қўшилсан, лақмаларнинг кўнгли-

ни овлайсан. Шён-шуҳратингга шерик бўлишни истаганим учун, бошингга кийдириладиган тожнинг лаъя-жавоҳирларини сайқалловчи заргарлик вазифасини ўз зиммамга оламан... Ишни бошлаш учун эртага кечқурун шу ерга келасан. Сени бир хонадонга бошлаб бораман, бизнинг Парижимиз, Париж олий жамиятнинг шерлари, Париж миллионерлари, донгдор кишилари, ниҳоят, Париж машҳур нотиклари, чинакам шакаргуфторлари, хуллас, бутун Париж шу хонадонга тўпланади; агар шу издиҳомда жаноблар бирор китобни маъқуллашса, ўша китоб машҳур бўлиб кетади. Ўша китоб чиндан ҳам яхши бўлиши мумкин. Аммо, жаноблар ўзлари доҳиёна асар деб баҳолаган китобнинг қандайлигини аслида билишмайди. Агар эс-ҳушинг жойида бўлса, бўтам, сенинг «Назария»¹ нг фортунаси¹ ўз қўлингга бўлади, фақат сен фортуна назариясини яхши билсанг бўлгани. Эртага кечқурун ўша ерда соҳибжамол графинья Феодорани кўрасан. У ҳозир жамиятнинг гули саналади...

— Сира эшитмаганман...

— Ола-а, роса ёввойи экансан-ку! — хаҳолаб кулди Растињьяк. — Феодорани билмаган одам борми?! Ахир унга уйланса бўлади, саксон минг ливрга яқин даромади бор. У ҳеч кимни севмайди, униям ҳеч ким севмаса керак. Ғалати, сирли аёл, парижлик чала ўрис, россиялик чала француз аёл! Бу аёлнинг матбуотда босилиб чиқмайдиган барча романтик асарлари жамият орасида кенг тарқалади; Парижнинг энг гўзал малаги, ошиқларини ақлдан оздиради! Йўқ, сен ёввойи ҳам эмассан, сен — ёввойи билан ҳайвон ўртасидаги бир нарсасан... Эртагача хайр!..

Растињьяк шундай деб, гир айланиб, жавобимни ҳам эшитмай, кўздан ғойиб бўлди. Ақл-ҳуши бор одам балки Феодора билан танишишни хоҳламас, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади. Бу исмнинг сеҳри, жозибаси нимада? Феодора номи худди жиноят қилиш истагидай, кўнглимни тарк этмасди. Қандайдир ички бир овоз худди ишқ аҳдидай, «Феодора ҳузурига борасан!» деб ундарди. Мен бу садога қанчалик қаршилиқ қилсам ҳам: ёлғон айтасан, деб қичқирсам ҳам, барча далилларимни Феодора деган биргина исм чиппака чиқарарди.

Бу исм, бу нозанин барча хоҳишларим тимсоли, бутун умр орзу қилганим эмасми? Бу исм тасаввуримда олий жамиятнинг гўзаллигини жонлантирди, Париж асилзодаларининг байрам дабдабаларини шуълалантирди, ўйин-кулгиларни авжга чиқарди. Бу аёлни кўз олдимга келтирганимда барча эҳтиросларим яна жунбишга келиб, мени жинни қилиб қўйди. Йўқ, бу аёл эмас, бу исм эмас, ўзимдаги барча гуноҳлар, ҳаёсизликлар ғалаёнга келиб, кўнглимни яна тилка-пора

¹ Ф ор т у н а — толе, иқбол.

қила бошлади. Бадавлат, хуштори йўқ, Париж ҳойи ҳавасларига учмайдиган графинья Феодора — ахир барча орзу-умидларим, тушларимда етишган барча орзу-ҳавасларим шу номда мужассам эмасми? Хаёлимда пайдо бўлган мана шу нозанин мен учун гўзал армон бўлиб қолди. Кечаси билан ухламай чиқдим, унга шайдо бўлдим, бир неча соат ичида севгига лиммо-лим бир умрни бошдан кечиргандай эдим, вужудимни ўртовчи лаззатларни яна ва яна тотиб кўрардим. Эртасига оқшомни узоқ кутишга тоқатим чидамай, кутубхонага бордим, вақт ўтказиш учун қандайдир романи олиб, кўн бўйи ўқидим. Кўнглимда Феодора деган садо янграрди. Худди олисдан келаётгандай бу садо одамни ташвишга солмайди, аммо хаёлингизни тортади, тинглашга мажбур бўласиз. Бахтимга бисотимда хийла тузук қора фрак ва оқ жилетим сақланиб қолган экан. Яна, бор хонумонимдан қолган ўттиз франк пулим ҳам бор эди. Бу пулларни сарфлаб юбормаслик учун стол ғаладонларига, жавондаги кийим-кечаклар орасига яшириб ташлагандим. Сарфлагим келиб қолса юз сулик тангани қидириб топишим учун хона бўйлаб бутун дунё саёҳатига чиқишим: тиканли деворлардан ўтгандай қийналиб қидиришим керак эди. Қийинаётиб, бояги хазиналаримни топиш учун лак-лак қоғозларни остин-устун қилиб ташладим. Тангалар жуда кам қолган экан, қўлқоплар ва фойтунларга қанча кўп пул сарфлаб юборганимни шундан билсанг бўлади, шулар бир ойлик нон-тузимни еб юборишипти. Афсуски, биз эрмаклар учун ҳамиша пул топамиз, фойдали ва энг зарур нарсаларга эса хасислик қиламиз. Раққосалар бошидан тилла сочамиз, уйида бола-чақалари оч ўтирган ишчидан бир тийинимизни аяймиз. Қимматбаҳо, юз франклик фрак кийган, таёқчасининг сопига олмос қадаб олган қанчадан-қанча олифталар тушлик овқатга атиги йигирма беш су сарфлашади! Шуҳратпарастлигимизни, иззатпарастлигимизни қондириш учун, тўғриси, ҳеч нарсани аямаймиз...

Растињьяк кечаги гапида турганди. У менинг кийиниб, бошқача одам бўлиб қолганимни кўриб жилмайди; аммо, очиккўнгилик билан графинья ҳузурига суҳбат вақтида ўзимни қандай тутишим кераклигини йўл-йўлакай ўргатиб борди. Унинг айтишича, Феодора хасис, шуҳратпараст ва шубҳакор экан. Бу аёл хасис бўлгани билан дабдабага ўч, шуҳратпараст бўлгани билан баъзан содда, шубҳакор бўлгани билан баъзан меҳрибон экан.

— Феълимни, шароитимни яхши биласан, — деди у. — Бошқа бир аёлга кўнгилик қўйсам, кўп нарсдан айрилиб қолганим мумкин. Шунинг учун мен Феодорани холислик, совуққонлик билан кузатганман, унинг тўғрисидаги фикрларим адолатли бўлади. Уни сенга таништиришдан мақсадим шуки турмушинг ширин, соз бўлишини хоҳлайман. Шунинг учун

сен ҳар бир сўзингни чертиб гапиришинг керак, негаки, бу аёлнинг хотираси жуда ўткир, у шундай чаққонки, дипломатни ҳам қай сўзи рости қайсиниси ёлғонлигини пайқаб олиб, доғда қолдиради. Гап орамизда қолсину, менимча, император бу аёлнинг никоҳига рухсат бермаган — рус элчиси шу ҳақда гап очганимда кулиб юборди. У ўз ҳузурига Феодорани киритмайди, Булон ўрмонида кўриб қолганида ҳам хиёл бош ирғаб ўтиб кетади. Шунга қарамай, Феодора де Серизи хоним билан яқин, у де Нусинген хоним, де Ресто хонимнинг уйларида бўлиб туради. Францияда Феодоранинг ҳурмати баланд. Маршалнинг рафиқаси, бонапартчилар даврасидаги энг танноз аёл, герцог хоним де Карильяно, ҳар ёзда вақтини Феодора мулкида ўтказади. Кўпгина олифта йигитлар, ҳатто Франция пэрларидан бирининг ўғли ҳам Феодора хонимнинг мол-мулкига ўзларининг шон-шухратини қўшишни таклиф этишган. У аёл ҳаммасини мулоғимлик билан рад этган. Балки, бу хонимнинг ҳиссиётларини уйғотиш учун камида граф бўлиш керакдир? Сен ахир маркизсан-ку! Агар у нозанин сенга ёқса, ҳаракатингни қилавер! Бу гапларимни қулогингга қўйиб ол.

Растиньяк ҳазил-мутойибалари билан мени мазах қилиб, баттар гижгижлаётганга ўхшайди. Зинаси гуллар билан безалган, устунли айвонга етганимизда эҳтиросларим жазаватга айланган эди. Гилам тўшалган зинапоядан баландга кўтарилганимизда инглизча фаровонлик, нозик дидли жиҳозлар якқол кўзга ташланди, юрагим ўйнаб кетди. Мен олий насл-насабимни ҳам, барча туйғуларимни ҳам, ғуруримни ҳам унутиб, дабдабали зийнатларни кўрганамизда худди оддий фуқародай қизариб кетдим. Ахир, мен уч йил ҳужрада қашшоқларча ҳаёт кечиргандим; фан бизга берган ақлий бойликлар турмуш икир-чикирларидан юқори туришини ҳали яхши англамасдим. Фан бизга мустаҳкам руҳий қудрат бериб, аввалдан сиёсий курашларга тайёрлайди.

Ичкарига кирдик: креслода ўтирган йигирма икки ёшлардаги, ўрта бўйли, оппоқ кийинган, патли елпигич ушлаган жувоннинг атрофини эркаклар ўраб олишган эди. Растиньякни кўриб, жувон ўрнидан турди ва мулоғим жилмайиб, биз томонга яқинлашди. Қўнғироқдай товуш билан менга икки оғиз ширин гап айтди, шубҳасиз, буни аввалдан ўйлаб олган бўлиши керак. Растиньяк мени унга таништирар экан, истеъдод, қобилиятларимни мақтаб кетди. Дўстимнинг эпчиллиги, гасконча дадиллиги туфайли мени жуда яхши кутиб олишди. Ҳамманинг эътибори менга қаратилганидан уялиб кетдим. Яхшики, Растиньяк буларга камтарлигимни ҳам айтган эди. Бу базмгоҳда мен олимларни, ёзувчиларни, истеъфодаги министрларни, Франция пэрларини кўрдим. Биз келганимизда узилиб қолган суҳбат яна жонланди. Иззатимни бой бермаслик учун ўзимни қўлга олдим. Гапириш

никоҳи туғилганида эса кўпчиликнинг ортиқча диққатини тортмасдан, анчайин салмоқли, чуқур маъноли ва ўткир фикрларим билан баҳсга яқин ясашга ҳаракат қилдим. Ҳайтовур яхши таассурот қолдирдим. Растиньяк ҳаётида мингичи марта ўзининг пайғамбарлигини кўрсатди. Кўпчилик меҳмонлар тўпланиб, ҳамма ўзини эркинроқ ҳис эта бошлагач, Растиньяк мени қўлтиғимдан ушлаб, холироқ хоналарга бошлади.

— Графиняни кўриб қойил қолганингни билдирма, — деди у, — бўлмаса хоним нима мақсадда келганингни пайқаб қолади.

Меҳмонхоналар нозик дид билан жиҳозланган эди. Бу ерда ажойиб расмларни кўрдим. Энг бадавлат инглизларнинг уйларида бўлганидай, бу ердаги ҳар бир хона алоҳида услубда безатилган; деворларга осилган ипак газламалар, пардозлар, ёғоч жиҳозлар, энг майда-чуйдагача, ҳаммаси муайян мақсадга мос эди. Чунончи, гота услубидаги, эшигига гилам пардалар осилган, ётоқ — хобгоҳ — будуарда ҳамма нарса — ёғоч жиҳозлар, соат, гилам нақшлари — гота услубида эди. Гумбаз шаклида жойлаштирилган қорамтир нақшин тўсинлар нафислиги ва ғалатилиги билан лол қолдирадди. Деворнинг панеллари санъаткорона ишланган. Деразаларга қимматбаҳо рангли ойналардан кўз қўйилганди. Бу ердаги чиройли манзарани ҳеч нарса бузмасди. Замонавий услубда жиҳозланган чоғроқ бир меҳмонхона айниқса мени ҳайрон қолдирди. Бу ерни беаган рассом ҳозирги декоратив санъатга хос энгил, янги, ёқимли, жимжимасиз, метёрида ҳалланган безакларни ишлатган эди. Бу ерда ҳамма нарса — немис балладасидаги каби туманли ва севгига лиммо-лим эди. Махсус панжараларга қўйилган анвоий гуллар атр таратарди. Бу оромгоҳ бир минг саккиз юз йигирма еттинчи йил эҳтирослари учун чинакам бошпана бўла оларди. Шу меҳмонхонанинг нариги ёғидаги нақшин устунлар орасидан шоҳона олтин ранг каравотлар билан жиҳозланган будуар кўзга ташланарди. Бу ерда Людовик Ун тўртинчи замонасининг диди билан ҳозирги мусавирлик диди бирикиб, қўшилиб кетганди, аммо бу ноўхшашлик гаройиб ва ёқимли эди.

— Бўлғуси оромгоҳларинг чаккимас, — деди Растиньяк кулиб; унинг кулгисиди энгил истеъзо бор эди. — Бу, одамни шайдо қилмайдими? — деди у курсига ўтирар экан.

Сўнг у сакраб ўрнидан турди ва қўлимдан ушлаб, мени хобгоҳга олиб кириб, ғира-шира ёритилган, муар — ялтироқ қалин шойи устидан оқ ҳарир муслин тўшалган лаззатбахш нақшин каравотни кўрсатди. Даҳо билан қовушган ёшгина парининг чинакам ётоғи, деган фикр кўнглимдан ўтди.

— Бу беҳаёлик эмасми? — хитоб қилди Растиньяк, сўнг овозини пасайтирди, — ахир бизга бу севги тахтини кўрсатиш

Ута шаддодлик, ғирт ноз-карашма эмасми? Ҳеч кимга кўнгил бермайди, аини чоғда ҳар кимни бу ерга киритиб, визит лавҳасини қолдиришга рухсат беради! Агар бўйдоқ бўлганимда бу жувонни остонамда юм-юм йиғлашга мажбур этардим...

— Сен бу жувоннинг поклигига ишонасанми?

— Энг шилқим, энг эпчил йигитлар ҳам унга яқинлашолмаган, буни ўзларидан эшитганман. Улар ҳалигача бу жувонга ошиқу беқарор бўлиб юришади, ҳозир унинг яқин дўстлари бўлиб қолишган. Шунақаям сирли жувон бўлади-ми, нима дейсан?

Бу сўзлар менинг баттар бошимни айлантирди, энди Феодоранинг ўтмишига ҳам рашк қила бошладим. Шодлигимдан титраб-қақшаб, боя графиняни қолдирган меҳмонхонага чопиб кирдим. Мен уни гота' услубидаги оромгоҳда учратдим. Феодора майин жилмайиб, мени тўхтатди ва ёнига ўтқазиб олиб, нима ишлар қиляпсиз, деб суриштира бошлади. Назаримда, у бояги гапларимга жуда қизиқиб қолди. Айниқса, ўз назарийми, ортиқча жиддийлик ва илмийликни йиғиштириб, ҳазил-мўтойиба билан тушунтирганимда у эътибор билан эшитди. Инсон иродаси, худди бугдай моддий бир нарса эканлиги, чамамда, Феодорага ёқиб қолди. Агар одам мана шу кучни бир жойга тўплашни ўрганса, унинг турли хилларини эгаллаб, бу модда оқимини тинимсиз равишда одамларнинг дилларига юборса, руҳий оламда бу куч олдида ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди. Шундай қила оладиган одам инсоният олдидаги вазифалардан келиб чиқиб бутун оламни, ҳатто табиат қонунларини ҳам ўзгартира олиши мумкин. Феодора баъзан эътироз билдирар, бу эса унинг нозик зеҳнидан далолат эди. Унга ёқиш учун гапларига қўшилгандай бўлиб турардим, аммо кейин кундалик турмуш, туш кўриш ҳодисаларига диққатини қаратиб, эътирозларини бир оғиз гап билан чиппакка чиқарардим. Бу ҳодисалар оддий кўринса ҳам, олимлар учун ҳал этиб бўлмас проблема эканлигини айтиб, жувоннинг қизиқишини баттар кучайтирардим. Бизнинг ғояларимиз кўринмас оламда яшовчи, уюшган, яхлит мавжудотлар бўлиб, улар тақдирларимизга таъсир кўрсатишини айтганимда графиня бир лаҳза жим бўлиб қолди. Бунинг исботи учун мен ҳамон бизнинг асрда ҳам ақл-хушимизни асир этувчи Декарт Дидро, Наполеон фикрларини келтирдим. Мен графинянинг кўнглини очишга муваффақ бўлдим, хайрлашаётганимизда у «яна келиб туринг», деб таклиф қилди. Бошқача айтганда, мен унинг яқин мулозимлари қаторига қўшилдим. Шунчаки мулозамаат юзасидан айтиладиган гапларни самимий гаплар деб ўйлашга одатланганим учунми, ёки Феодора мени бўлғуси машҳур зот деб ўйлаб, ўзининг «хайвонот боғи»га яна бир олимни қўшиб қўйгани учунми, ўзимча унда яхши таассурот қолдирдим,

юган фикрга келдим. Физиологиядан олган барча билимларимни, илгари аёлларни кузатиб орттирган барча тажрибаларимни ишга солиб, ҳар кеча мана шу ғаройиб жувоннинг феъл-атворини, қилиқларини ўргана бошладим. Ҳар кеча дераза туйнуғи олдида беркиниб, Феодоранинг кўнглида нималар борлигини, ўзини ундай ёки бундай тутиши қандай маънони англатишини билишга ҳаракат қилардим. Феодора кенг уйнинг келинчаги бўлиб, хонама-хона айланиб чиқар ёки бир жойда ўтириб, гурунг бошлар, меҳмонлардан гоҳ унисини, гоҳ бунисини олдига чақириб, бирон нарсани сўрар, эшикнинг ёндорига суянганича суҳбатдошининг гапларини тингларди. У ёқдан-бу ёққа ўтар экан, жувоннинг қадди-қомати шундай нозик эгилар, шундай вақтда унинг нафис кўйлаги қилпираб ёнгандай бўлар, эркак кишининг шу қадар ҳирсини кўзгатар эдики, мен унинг поклигига қаттиқ шубҳа қила бошладим. Мабодо Феодора энди севгидан ҳазар қилар экан, эҳтимол бунинг сабаби, авваллари ниҳоятда ҳиссиётли бўлганидандир? Унинг суҳбатдоши олдида туришидан ҳам шаҳватпарастлиги сезилиб қоларди: у ноз билан девор қопламасининг четига суяниб турар экан, ҳозир йиқилиб кетадигандай, ёки йигит ортиқча қизиққонлик билан боқса ҳозир қочиб кетадигандай кўринарди: у мулоимлик билан қўлларини кўксига чалиштириб, суҳбатдошининг сўзларини ҳаво ўрнида ютаётгандай, хайрихоҳлик билан, эҳтиросли боқарди. Дуркун, яшнаган, қирмизи лаблари оппоқ юзида айниқса кўзга ташланарди. Долчинранг сочлари, ёниқ шаҳло кўзлари Флоренция мармаридай ялтирарди. Бу кўзлари унинг сўзларига янада нозик маъно бағишларди. Ниҳоят, унинг нафис-ниҳол қомати кўрганни мафтун этмай қолмасди. Рақибаси унинг қуюқ туташ қошларини, ёноқларидаги билинар-билинемас мўйларини чиройига путур етказди, деб баҳолаши мумкин эди. Бу жувоннинг итальянча киприклари, милослик маъбуда Венерани эслатувчи силлиқ елкалари, ёноқлари, сал дўрдоқ ва қорамтир пастки лаби — ҳаммаси севги учун яратилгандай эди. Йўқ, бу аёл аёл эмас, ишқ-муҳаббатнинг ўзи эди. Бу аёл жон олувчи гўзаллигига, қадди-қоматининг дуркунлигига қарамай ўзини вазмин ва камтарин тута оларди. Менга ўхшаган синчков одамгина бу жувон табиатидаги шаҳвонийликни, айш-ишратга ўчликни пайқашни мумкин. Фикримни янада равшанлаштириш учун айтишим керакки, Феодорада гўё икки вужуд, икки хил аёл яшарди: унинг бадани совуққон бўлгани ҳолда ақлу ҳуши севгига лиммо-лим эди. Эркаклардан бирортасига қарашдан олдин унинг кўзлари гўё ўзига оро бериб сирли бир ҳаракатга тайёрланишарди, ярқираган кўзларида бир лаҳзалик энтиқиш ялт этиб кетарди. Хуллас, менинг бу соҳада ё билимларим етишмайди, ёки одамнинг ички дунёсини билиш учун ҳали жуда кўп сирларни очишим керак. Ёки бўлмаса графинянинг гав-

ҳарий гўзал қалби бору, у туйғуларини изҳор қилаётганида одамни мафтун этувчи, сеҳрловчи, теран ва қудратли руҳий куч чехрасига балқиб чиқади. Феодоранинг уйдан қайтишдаёқ бу соҳибжамолга шайдо бўлгандим; унинг дабдабали зеб-зийнатларидан маст эдим, бу нозанин менинг кўнглимда нимаики гўзал, покиза, айни чоғда ифлос, густоҳ, эзгу, айни чоғда ёвуз интилишлар бўлса, ҳаммасини қўзғаб, алғов-далғов қилиб юборганди. Ҳаяжонланиб, қоним қайнаб, галаёнга келганимдан сўнг, рассомлар, дипломатлар, ҳукумат вакиллари, темир сандиқлари каби ўзлари ҳам пишиқ бўлиб кетган савдогарлар нима учун бу хонадонга гашриф буюришларининг сабабини тушуна бошладим. Улар ҳам худди менга ўхшаб, бу ерга келганларида ақлу ҳушини йўқотиб, бутун вужуди қалтираб-қақшаб етмиш икки томиригача қони гупириб, асабларининг энг нозик толаларигача таранглашиб, миялари биқирлаб қайнаб-тошар экан. У барча мухлисларининг кўнглини қолдирмаслик учун ҳеч кимга кўнгил бермас экан. Аёл зоти ўзи севиб қолмагунча ноз-ишва қилаверади.

— Эҳтимол, иглари бу гўзални кимгадир хотинликка беришгандир, ё бўлмаса, бирор чолга сотишгандир,— гумонимни айтдим Растиньякка.— Биринчи никоҳидан бахти қора бўлгани учун энди севгидан нафратланар?

Феодора яшайдиган Сент-Оноре даҳасидан пиёда уйга қайтдим. Кордье кўчасигача бориш учун деярли бутун Парижни босиб ўтиш керак эди. Ҳаво совуқ бўлса ҳам, негадир йўлим яқин кўринди. Қишда, қаҳратон қишда, чўнтагимда ақалли ўттиз франкча пулим бўлмасаям, ўртамиздаги масофа ниҳоятда олис бўлсаям, Феодоранинг кўнглини олишини ўйлашимга бало бормиди?.. Ишқибозлик қанчага тушишини, фойтунга, нафис қўлқопларга, энгил-бошга, чайшаб-пойшабга ва ҳоказоларга қанча харажат кетишини камбағал йигитгина билади. Агар севги узоқ вақт афлотунча давом этаверса, яъни кўрмоқ бору, ёмоқ йўқ бўлса, жуда қимматга тушиб кетади, одамни хонавайрон қилади. Ҳуқуқшунос талабалар орасида Лозенлар учраши мумкин, лекин улар болохонада яшовчи камбағалларнинг ишқивозлиги қандай бўлишини билишмайди. Мендай заиф, дармонсиз, юпун кийинган, камбағал, янги асарини тугаллаб, эндигина касалликдан тураётган рассомдай ҳориб-чарчаган одам башанг кийинган, сочлари жингалак, хушсурат, олифта йигитчалар билан рақобатлашишга йўл бўлсин. Бадавлат, сурбетлик зирҳи билан қопланган, тильбюрилларда сайр қилувчи бу йигитчаларнинг ҳатто галстугини кўрганда бутун Кроатия ҳасаддан юраги ёрилади.

— Йўқ, йўқ, Феодора ёки ўлим!— ҳайқирдим кўприк зиналаридан тушар эканман.— Феодора — менинг фортунам!

Гота услубидаги гўзал оромгоҳ, Людовик XIV замонасига мос меҳмонхона сира кўз ўнгимдан кетмасди. Кенг энгли

ошиқ кўйлак кийган графиня, унинг товусдай фусункор солганиб юриши, жозибали қадди-қомати хаёлимга келаверарди. Уйимга қайтганимда, табиатшуноснинг ясама сочидай совуқ болохонамда ўтирганимда ҳам дабдабали зеб-зийнат манзаралари оғушида эдим. Бундай зид манзаралар одамни яхшиликка олиб бормайди. Эҳтимол, жиноятлар шу тариқа бошланар? Мен шу кунни аламдан титраб-қақшаб, ҳалол, покиза фақирлигимга, шунчалар ажойиб фикрлар туғилган жойга — болохонадаги ғарибона кулбамга минг лаънат, дедим. Нега қисматим шундай, нега бахтиқораман, деб бунинг сабабини худодан, шайтондан, ижтимоий тузумдан, отамдан, бутун оламдан кўра бошладим. Шу кеча оч-наҳор ётдим, кечаси билан гудраниб, тақдиримни лаънатлаб чиқдим, аммо ҳар қанақасига Феодорага етишаман, деб аҳд қилдим. Бу нозанин қалби мен учун сўнги лотерея билети бўлиб, бутун умидларим шу билетга ютуқ чиқишига боғлиқ эди. Феодоранинг уйига аввалги борганларимда нима воқеалар бўлганлигини гапириб ўтирмайман. Гапни лўнда қилиб, қандай фожиага учраганимни айтиб бера қоламан. Мен Феодоранинг кўнглини олиш, унинг ақлу ҳушини ҳам забт этиш, иззат-нафсониятига тегиш умидида нималар қилмадим, сенга айтсам. Ўзимни ўтга-чўққа уриб, охири ўзимни ҳароб қилдим: аксинча, илтижоларим унинг кибру ҳавосини, ўзига бино қўйишини яна минг бора ошириб юборди. У менга парво қилсин, дея ҳадеб қитиқ-патига тегаверар эдим. Аёллар кучли ҳиссиётга берилганида ҳеч нарсани аяшмайди. Мен эсам унинг ҳиссиётини қўзғатиш учун минг хил баҳона топардим. Жаҳли чиқса ҳам майли, аммо бепарво бўлмаса бас, дердим. Аввал-бошда кучли иродамни ишга солиб, унинг меҳр-муҳаббатини қозонишга интилиб, маълум вақтгача ишим ўнгидан келди. Аммо, тез орада севгим аланга олиб, ҳисларимни жиловлаёлмаганим учун ўзимни расво қилдим. Поэзияда ва суҳбатларда кўп тилга олинадиган севги нималигини унчалик тушунмайман, лекин шуниси аниқки, тўсатдан мени сабру қароримдан айирган туйғулар тасвирини ҳеч қаерда учратмаганман. Жонни ўртовчи бундай туйғулар тасвирини илгари менинг кулбамда яшаган Жан-Жак Руссонинг сайқал топган оташин ибораларида ҳам, икки аср адабиётидаги совуққон тушунчаларда ҳам, Италия мусаввирларининг асарларида ҳам топмадим. Фақат Брисни кўли манзараси, Россини басталаган айрим оҳанглар, маршал Сульт мулки бўлган Мурильо хоним сурати, Лекомб хатлари, ҳикоятномаларда учрайдиган айрим иборалар, айниқса, экстатикларнинг — жазавада зикр тушувчи айрим руҳонийларнинг ҳамду наътлари, ўзимизнинг «фабльо латифаларимиздаги айрим ўринларгина руҳимни илоҳий муҳаббат оламининг турли ўлкаларига учира оларди. Инсон тилидаги ҳеч бир жумла бўёқларда, мрамар ҳайкалларда, сўз ва оҳанг-

ларда акс этган ҳеч бир тасвир мени ёндирган туйғулар шиддатининг, самимийлигини, лиммо-лимлигини, тўсатдан ёпирилганлигини ифодалаёлмас керак! Ҳа, санъатда ёлгон кўп! Севги аввал чексиз жилоларда товланади, шундан сўнггина умримизга абадий сингиб кетади ва ҳаётимизни ёндириб юборади. Мана шу сезилар-сезилмас сингиш сирини санъаткор нигоҳи кўпинча пайқамай қолади. Чинакам ошиқнинг эҳтиросли фарёдлари совуқ одамларнинг энсасини қотиради. Самимий севган одамгина «Кларисса Гарлоу»ни ўқиб Ловеласнинг фарёдларига ҳамдарад бўла олади. Севги чағир тошлар, майсалар ва гуллар орасидан жилдираб оқувчи мусаффо жилгага ўхшайди. Аммо мана шу жилга кейин дарёга айланади, ҳар бир янги ирмоқни ўзига қўшганида табиатини ва шакл-шамойилини ўзгартиради, сўнг, ҳадсиз-ҳудудсиз уммонга етиб боради. Ақли қосир одамларга бу уммон бир хил, зерикарли бўлиб кўринади, улуғ қалбли кишилар эса, бу уммонни томоша қилиб тўймадилар. Мана шу туйғу жилоларини, майда-чуйда, лекин азиз нарсаларни, оҳангида бир олам хазина яширинган сўзларни, шоҳ байтлардан ҳам маънолироқ нигоҳларни қандай тасвирлаш мумкин? Ўзимиз сезмаган ҳолда бир қизга мафтун бўлиб қолганимизда қандай балоларга йўлиқишимизни, ҳузур-ҳаловат, фароғатдан айрилиб, жарлик ёқасига келиб қолганлигимизни билмаймиз. Ҳатто ўзимиз кўриб турган гўзаллик сирларини тасвирлашга сўз тополмаймиз, дилимиздаги жўшқин ва сирли ҳаяжонларнинг шарҳини мураккаб сўзлар луғатларидан топамизми? Севги қандай сеҳр-жоду, ахир? Қанча-қанча вақтларимни Феодорани кўрганим учунгина лаззат-фароғат оғушида ўтказдим экан! Мен бахтли эдим. Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Бундай лаҳзаларда Феодоранинг юзига ёруғлик тушиб турар, чеҳраси қандайдир фитна бошлаб нурланарди. Куёш нурларига сингиб кетган олис уфқ этаклари бизни мафтун этганидай, бу жувоннинг юзи билинар-билинемас мўйлардан олтин рангида товланиб турарди. Назаримда кундуз ёруғлиги бу аёл билан қўшилганига қувониб, уни нозлантирар ва шу пайтларда Феодоранинг вужудидан кундуз ёруғлигидан кўра ёрқинроқ нур тарқалаётгандай бўларди. Сўнгра бу азиз чеҳрага тушган соя уни жиллантириб, тўрли рангларга бўярди. Кўпинча, жувоннинг мармардай силлиқ манглайида қандайдир аниқ маъно ифодаланар; кўзлари порлаб, киприклари пирпирар, ёноқларига майин табассум қалқир: ҳақиқ лаблари гоҳ қимтиниб, гоҳ ёйилар, сочларининг аллақандай аломат жилоси яшнаган оппоқ чаккаларига соя ташлар эди. Бу чеҳрадаги ҳар бир нуқта маъноли эди. Бу аёл гўзаллигининг ҳар бир жилоси кўзларим учун базми жамшид бўлиб, дилимга янги-янги роҳат-фароғат бағишларди. Бу чеҳрадаги ҳар бир ўзгариш менда умид уйғотарди. Овоздан акс-садо қайтганидай, сўз-

ни, кўз билан англадиган суҳбатларимиз дилдан дилга ўтар, бу қарашлар руҳимни арши аълога кўтарар, бу лаҳзалар кўнглимга чуқур ўрнашиб қолар эди. Аёлнинг сеҳрли овози мени жинни қилиб қўяр, ўзимни қўлга ололмай қолар эдим. Бир лотарингиялик князь (оти эсимда йўқ) кафтига чўг ушлаганда ҳам ҳеч нарса сезмас экан. Мен ҳам ўшанга ўхшаб, Феодора сочларимни бармоқлари билан силаб қитиғимни келтирганида дунёда ҳеч нарсани сезмай қолардим. Энди бу Феодоранинг ҳуснига мафтун бўлиш ёки ҳавас эмасди, бу — сеҳр-жоду, илоҳий қудрат эди. Кўпинча болохонадаги кулбамга қайтиб келганимда ҳам Феодоранинг кошонасидаги воқеаларни гира-шира кўриб турардим; унинг турмушига хаёлан аралашардим; тоби қочса мен ҳам касал бўлардим; эртасига у ерга борганимда: «Кеча тобингиз қочибди!»— дердим.

Севгидан ҳушимни йўқотган вақтларимда неча бор сокин тунлари Феодора хаёлимда ёнимга келарди. У гоҳ тўсатдан куёш нури тушгандай, ҳузуримда пайдо бўлиб, мени ҳусн-малоҳати билан, жозибали туриши билан ақлимни ўғирлаб, довоқ-қаламимни қўлдан туширар, илм-фанга қизиқишимни елга совуриб юборарди. Бир вақтлар унинг мана шундай жозибали туришини ўнгимда кўрган эдим. Гоҳо ўзим уни кўраман, деб хаёлот оламига кирардим, уни «умидимсиз» деб олқардим, «жонон чиннидай жарангли овозингизни бир эшитай», деб ёлворардим, сўнг йиғлаб-йиғлаб уйғониб кетардим. Бир куни мен билан театрга тушишга ваъда берганига қарамай, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, айниб қолди, «мени ёлғиз қўйинг», деб илтимос қилди. Бу инжиқликдан дилим вайрон бўлди, ахир шу кеча унинг ёнида ўтирмаман, деб кун бўйи қиладиган ишим қолиб кетди. Бунинг устига, яшириб нима қиламан, охирги экюмдан айрилдим. Шунга қарамай, у кўришни хоҳлаган пьесани мен ҳам кўришим керак, деб театрга бир ўзим бордим. Ўз жойимни топиб ўтиришим билан вужудим ток ургандай живирлаб кетди. Кўнглим Феодора ҳам шу ерда эканлигини сезиб турарди. Хилватдаги ложа томонга қайрилиб қарадим у ичкарироқда ўзини паналаб ўтирган севгилимни кўрдим. Нигоҳим ўша ерга қадалди, кўзларим уни бир зумда топиб олди, худди капалак гулга интилгандай, кўнглим илоҳий бир сезгирлик билан ҳаётимнинг манбаи томон талпинди. Унинг бу ердалигини қандай сездим экан? Одамнинг кўнглида яширин бир талпиниш бўлади, юзаки одамлар бунга ҳайрон қўлишади; аслида эса ички дунёимиз табиатидаги бу ҳодиса кўзимизга кўринадиган одатдаги фаройиботлардан фарқ қилмайди. Шунинг учун севгилимнинг бу ерга келганидан ажабланмадим, лекин жаҳлим чиқди. Инсоннинг жуда кам ўрганилган руҳий кучларини текширганларим фойда берди: ҳар ҳолда ишқий эҳтиросларим ўзим кашф этган системам — таълимотимнинг

тўғрилигидан далолат берарди. Ҳам олим, ҳам ошиқнинг, ҳақиқий санампарастлик билан севгини илмий таҳлил қилишнинг қўшилиб кетиши жуда ажабланишли эди. Кўнглимдаги олим ошиқнинг дили вайрон бўлганидан хурсанд эди. Кўнглимдаги ошиқ эса сал иши ўнгидан келишига ишона бошлаши билан илми бир чақага олмай қўярди. Феодора мени кўриб, қошларини чимирди, ҳозир мени малол олаётган эди. Биринчи антрактадеқ ложасига кирдим. У ёлғиз бўлгани учун ёнида қолдим. Биз шу вақтгача севги ҳақида оғиз очишмагандик, аммо энди бу гаплар учун фурсат келгандай туюларди. Мен унга ҳали сиримни очмагандим, аммо ўртамизда қандайдир келишувга ўхшаш нарса бор эди: у менга қаерда кўнгил очиш мумкинлигини айтиб турар, қандайдир дўстона бир ташвиш билан, эртага келиш-келмаслигимни сўрарди; бирор ўткир сўз айтган вақтида фақат менга ёқишга ҳаракат қилгандай қараб қўярди; агар аразласам, мулойимроқ муомала қиларди; агар у дарғазаб бўлса, сабабини сўрашга ҳақим бор эди: агар мендан бирор хато ўтса, тамоман кечириб юборгунча анча ялинтирарди. Бу хилдаги араз-гиналар бизга жуда ёқимли, севги билан лиммо-лим эди; бундай вақтларда у ниҳоятда ноз-ишвали ва ширин бўлар, мен эса бахтдан маст эдим! Бу сафар эса яқинлигимизга дарз кетди, бутун кеча давомида бир-биримизга бегоналигимизча қолдик. Графиня шу бугун ниҳоятда совуққон, инжиқ эди, кўнглим қандайдир фалокатни сезди.

— Мени кузатиб қўйинг, — деди у спектаклдан сўнг.

Ҳаво айний бошлаган эди. Театрдан чиққаннимизда қор аралаш ёмғир ёғаётган экан. Феодоранинг фойтуни театр биносигача яқин келолмасди. Яхши кийинган хоним ёмғирда хиёбондан ўтишга қийналаётганини кўриб, қандайдир ҳам-мол бошимиз узра соябонини тутиб юрди. Биз экипажга ўтириб олганимиздан сўнг бояги киши чойчақа сўради. Ёнимда бир чақа ҳам йўқ эди, шу лаҳзада икки су танга учун ўн йиллик умримни беришга тайёр эдим. Руҳий азобда не хаёлларга бормадим, йигитлик гурурим ниҳоятда оёқ ости бўлиб кетди. «Майда йўқ, азизим!» — дедим ошиқлигим бир пул бўлганидан ғазабланиб. Камбағаллик нималигини яхши билган, бир вақтлар етти минг франкидан ажралган одам ўзимдай камбағал оғамга шундай қўпол муомала қилаётган эдим! Феодоранинг хизматкори бояги ҳаммолни «бор, бор!» деб жеркиб берди, отлар йўлга тушди. Йўл-йўлакай Феодора хаёли паришон бўлиб, ўзини нимадан ташвишлангандай кўрсатиб ўтирарди, саволларимга ҳа ёки йўқ, деб истар-истамас жавоб берарди. Мен жимиб қолдим. Бу жуда даҳшатли дақиқалар эди. Феодоранинг саройига келиб, камин олдида бир дам ўтирдик. Хизматкор ўчоққа олов ёқиб, чиқиб кетди. Шундан сўнг графиня менга ғалати қараш қилди ва оғир-вазмин гап бошлади:

— Францияга келганимда жуда кўп йигитлар мол дунёга қизиқиш қилишди: менга шундай одамлар севги изҳор қилишдики, бундан бошим осмонга етиши мумкин эди: шундай одамларни ҳам учратдимки, уларнинг менга бўлган муносабати ниҳоятда самимий, садоқатли эди, улар ҳатто илгаригидай камбағал бўлганимда ҳам менга уйланишга тайёр эдилар. Лекин, жаноб де Валентен, сиз шунини билиб олингки, мен янги мол-мулклар ва янги унвонларни рад этмайман. Лекин, нодонлик қилиб, менга севги ҳақида гап очган одамлар билан учрашишни йиғиштириб қўяман. Агар сизга енгил муомалада бўлганимда эди, бундай огоҳлантириб ўтирмасдим. Мен бу гапларни мағрурланганимдан эмас, балки дўстлигимдан айтяпман.

Аёл киши бировлар севги изҳор қилишини ёқтиради. Аммо, у ўзининг фараз қилган хушторига аввалдан рад жавобини берса қанчалар маломатга қолишини билади. Арсиноя билан Араминта можароларини биламан, бинобарин шунақа вақтларда рад этилган одамлар ўч олишлари мумкинлигиниям тушунаман. Лекин ишончим комилки, сиз унақа одамлар тоифасидан эмассиз; бошқалардан аълороқсиз: хуллас, ростини айтганда, мендан ўпкаламайсиз деган умиддаман.

Одатда адвокат ёки нотариус ўз мижозларига суд даъвогарлигини ёнки қандайдир шартнома моддасини тушунтираётганида совуққонлик билан гапирарди. Феодораям худди шундай совуқ оҳангда гапирарди. Тиниқ, жозибали овозида заррача ҳаяжон сезилмасди. Чехрасида ва ўзини тутишида аввалги лутфу карами ва сиполиги йўқолиб, ўрнига дипломат-сиёсатчига хос совуққонлик ва қуруқ расмиятчилик ифодаси пайдо бўлганди. Аслида жувон бугунги нутқида анча аввалдан тайёрланган, бу можаронинг кун тартибини аввалдан режаллаган эди. О, азиз дўстим, аёллар бизнинг юракларимизни тилка-пора қилиб бундан роҳатланар экан, нақ кўксимизга ханжар уриб, қонимизга белаб, бураб-бураб олар экан, шу вақтдаям ўзлари гул-гул очилиб, севишни ва севилишни хоҳлаётган бўлади. Мана шу чеккан азобларимиз, оҳу нолаларимиз худога етиб, савоб ишларимиз ижобатга ўтиб, вақт келиб, бир куни истаганимизга эришамиз; аёллар ўзлари билиб туриб бизга шафқатсиз азоб берганлари учун кейинчалик минг чандон зиёда лаззат беришади: уларнинг қаҳру-ғазабида ҳам кучли эҳтирос бор-ку ахир? Аммо аёл кишининг бепарво қарашини ўлимдан ҳам ёмон. Уша лаҳзаларда Феодора ўзи билиб-билмай, ҳамма орзу-умидларимни оёқ ости қилди, ҳаётимни заҳарлади, худди бегуноҳ гўдак эрмак учун капалакнинг қанотларини юлиб ташлагандай у ҳам совуқ бир бепарволик билан менга шафқатсизлик қилди.

— Кейинчалик, сизга қанчалик азиз дўст бўлишни таклиф қилганлигимни тушуниб қоласиз. Дўстларим учун ҳамин

ша кўнглим очиқлигини, уларга ҳамиша садоқатли эканлигимни билиб оласиз. Мен дўстларимдан жонимниям аямайман, лекин мабодо ўзим яхши кўрмай туриб, бировнинг севгилиси бўлсам, аввало ўзингиз мендан нафратланган бўлар эдингиз. Бас, шу гаплар ҳам етарли бўлгандир, дўст бўлиб қолайлик, деган таклифни фақат сизга айтдим, холос.

Бу совуқ гаплардан нафасим бўғзимга тиқилиб, нима дейишга сўз тополмай қолдим. Ичимда қўзғалиб келаётган бўронни зўрга босиб қолдим. Лекин тезда ўзимни қўлга олиб, ҳаяжонимни ич-ичимга яширдим ва табассум билан жавоб бердим:

— Агар севаман десам, ҳайдаб юборасиз, агар сизга парво қилмасам жазолайсиз. Руҳонийлар, судьялар ва аёллар ҳеч қачон ичидagini ташқарига чиқаришмайди. Сукут эса ҳеч нарса ни англатмайди, шунинг учун, рухсат этинг, мен индамай қўя қолай. Модомики, шунчалик ўзингизга яқин олиб, мени огоҳлантирган экансиз, демак, мендан айрилиб қолишдан қўрқсангиз керак, шунинг ўзи мен учун катта гап. Лекин, ўзимиз тўғримиздаги гапларни бир чеккага қўйиб турайлик. Табиат қонунига зид бўлган бу қарорингизни фалсафий жиҳатдан муҳокама қилишга танҳо сизнинг ақлингиз етади. Аёллар зоти ичида сизни мўъжиза деса бўлади. Келинг, мана шу руҳий ғаройиботнинг илдизини холисанилло қидириб кўрайлик. Эҳтимол, кибру ҳавога берилган, ўзига, ҳусн камолига бино қўйган кўпчилик аёллар сингари, сизда ҳам сезилар-сезилмас худбинлик туйғуси ғимирлаб қолгандир. Шундай баркамол қиз қандайдир бир эркакники бўлиб қолса, ўз билганича иш тутолмай қолса, бошқа биров ундан устун келиб, оёқости қилгандай бўлса, қандай даҳшат, деб ўйласангиз керак. Мабодо, шундай ўйласангиз мен учун яна минг чандон гўзалроқ кўринасиз. Еки бўлмаса, биринчи севгингизда хўрлик кўргандирсиз? Эҳтимол, эрга тегиб, она бўлсам, ҳаммани мафтун қиладиган навниҳол қадди-қоматим бузилади, деб қўрқарсиз? Энг ўтли муҳаббатни рад этишга сизни мажбур қилган энг катта, энг пинҳоний сабаб шу бўлса керак? Ё бўлмаса одамлардан яширадиган шундай нуқсонларингиз бордирки, шулар очилиб қолишдан қўрқиб, ҳаё-ноболи бўлиб юришга мажбурдирсиз? Жаҳлингиз чиқмасин, мен фақат мулоҳаза қилиб кўряпман, сизни талқик этяпман, қўрқманг, сизга шайдоликдан минг чақирим узоқман. Табиат бировларни кўр ёки кар қилиб яратганидай балки баъзи аёллар муҳаббатни кўролмайдиган, эшитолмайдиган кўр ва кар бўлиб туғилар? Сиз табиат илми учун гоят ноёб объектсиз. Ҳатто бу жиҳатдан қанчалар қимматли эканлигингизни билмайсиз. Эркаклардан ҳазар қилишингиз эҳтимол табиий бир ҳолдир? Кўнглингиздагини билиб турибман, менга ҳам эркакларнинг ҳаммаси тасқара, разил бўлиб кўринади. Албатта, сиз ҳақсиз,— давом эттир-

дим юрагим қинидан чиқиб кетгудай ҳаяжонлансам ҳам ўзимни аранг босиб турар эканман,— биз эркаклардан ҳазар қилишингиз тўғри, чунки сизга муносиб эркак ҳали онасидан туғилган эмас!

Дўстим Эмиль, ўшанда қизга кулиб туриб айтган киноя ва истехзоларимни сенга қайтадан гапириб ўтирмайман. Нима бўлганини айтайми? Узиб-узиб оладиган заҳарханда сўзларимга заррача парво қилмади. У гапларимни хотиржам эшитди, лабларида ва кўзларида ҳамишагидай табассум аримас эди. Унинг бу табассуми ниқоб бўлса керак, чунки у дўстларига ҳам, таниш, билишларига ҳам, бегоналарга ҳам худди шундай табассум билан боқарди.

— Мени шунчалик майдалаб текширишингизга чидаб турганимдан кейин ҳам ёмон деб кўринг-чи!— деб луқма ташлади у бир лаҳза унга боқиб жим қолганимдан фойдаланиб.— Кўрдингизми, мен дўстлашган одамимга унчалик инжиқлик қилмайман. Ўрнимда бошқа аёл бўлганида бундай кўпол гапларингиз учун сизга «тўрт томонингиз қибла» дерди.

— Сиз ҳам тушунтириб ўтирмасдан мени ҳайдаб юборишга ҳаққингиз бор.

Шу гапларни айтар эдим, аммо кўнглимда бу аёл мени уйига келтирмай қўйса уни ўлдиришдан ҳам тўймаслигимни ўйлардим.

— Вой жиннивой-ей!— деди Феодора ўша табассум билан.

— Севги жуда кучли бўлишини, ошиқ қаҳри келганида маъшуқасини ўлдиришгача бориши мумкинлигини ўйлаб кўрганмисиз?— деб яна гап бошладим мен.

— Бахтсиз яшагандан кўра ўлган яхши,— совуқина жавоб қилди Феодора.— Сизга ўхшаган қизиққон одам албатта хотинининг бор-йўғини қиморга бой бериб, шип-шийдам қилиб ташлаб кетади.

Масаланинг бу томони мени гангитиб қўйди. Бу гўзал билан менинг ўртамда катта жарлик борлигини аниқ ҳис қилдим. Биз ҳеч қачон бир-биримизни тушунолмаслигимизни англадим.

— Хайр, яхши қолинг!— дедим совуқина.

— Яхши боринг!— деди Феодора табассум билан боширғар экан.— Эртагача хайр!

Мен кетиш олдидан бир лаҳза тўхтаб қолдим, энди бу аёлдан бутунлай воз кечганимга қарамай, унга севги тўла ишроҳ ташладим. Феодора эса ўрнидан жилмай, табассум қилиб турарди. Мана шу ўрганиш бўлиб қолган табассум, мрамор ҳайкалнинг мана шу лаънати табассуми севги маъноси ни ифодалар, аммо бу — совуқ севги эди.

Сенга айтсам, азизим, ўша куни дунёда боримдан ажралиб, ёмғир-қор аралаш ёғиб турган бир вақтда дарёнинг музлаган соҳили бўйлаб бир чақиримдан зиёд йўл босиб уй-

га қайтдим. Менинг фақиру ҳақирлигим гўзалимнинг етти ухлаб тушига кирмаган бўлса керак. У мени ўзидай бой-бадавлат деб, файтунларда юради, деб ўйласа керак! Ҳамма орзу-умидларим пучга чиқди, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди! Ахир гап пул, молда эмас-ку, кўнглимдаги хазиналарчи! Бўлиб ўтган галати суҳбатни ўз-ўзимча мулоҳаза қилиб, оёғим тортган томонга кетавердим, охири фикрларим чувалашиб, боши-учини тополмай гангиб қолдим, сўзлар ва тушунчаларнинг ҳам маъноси қолмади. Лекин, бари бир мен мана шу совуқ, тошбағир гўзални севардим. Бу гўзал ошиқларини қайта-қайта ялинтиришни яхши кўрарди, кечагина берган ваъдаларидан ҳамиша тонарди, ҳар куни феъли айниб турарди. Институт олдидан ўтаётганимда бирдан аъзойи баданим қалтираётганини сезиб қолдим. Кун бўйи туз тотмаганимни эсладим. Енимда бир чақа ҳам йўқ эди. Ҳаммаси бир бўлди-ю, шляпамнинг ёмғирда ивиб абжағи чиқиб кетгани бир бўлди. Энди шу шалоғи чиқиб кетган, ташлаб юборишдан бошқага ярамайдиган шляпа билан қандай қилиб зебо ва таннос хонимнинг ҳузурига бораман, қандай қилиб, унинг меҳмонхонасига қадам босаман? Аҳмоқона удумни деб бош кийимларимизни қўлимизда тутиб, кўз-кўзлаб туришимиз керак. Мана шу аҳмоқона одатни ҳар қанча лаънатласам ҳам шляпамга ниҳоятда катта эътибор бериб, уни шу вақтгача кийиб бировга кўринса бўладиган ҳолатда сақлаб келаётгандим. Шляпам унчалик янги эмас, унчалик эски эмас, унчалик титилмаган ҳам, унчалик яғири чиқмаган ҳам, ҳар ҳолда уни кийганда озода одамга ўхшаб кўриниш мумкин эди, аммо шу вақтгача шляпамни зўр бериб ораста сақлаб келишим ниҳоясига етди: энди у шалпайиб, бужмайиб кетди, яроқсиз ҳолга келди, худди эгасидай, ҳеч кимга кераксиз лаш-луш бўлиб қолди. Извошчига тўлаш учун ўттиз су тангам йўқлигидан шляпамни ораста сақлаш учун қилган барча ҳаракатларим зое кетди. Эҳ, мана шу уч ой ичида Феодорага ёқаман деб бор-йўғимдан айрилдим! У билан биргина лаҳза кўришиш учун сарфлаган пулимга бир ҳафталик егулик олишим мумкин эди. Ишларимнинг чала қолиб кетгани, оч-наҳор юришларим ҳам ҳолва экан! Ошиқ бўлган, хаёлпараст шоир ёмғирли кунда усти-бошига лой сачрамаслиги учун, ҳалиги нозанин атрофидаги олифталардай озода кўриниш учун Парижнинг у бошидан-бу бошигача эҳтиёт бўлиб боришнинг нақадар мушкуллигини тушунасанми? Менинг бутун бахт-иқболимни, муҳаббатимни бисотимдаги бор-йўғи биттагина оқ нимчамдаги кичкинагина бир доғ ҳал қилса-я?! Агар усти-бошимга лой сачраса, шалаббо бўлиб кетсам севгим билан учрашувдан кечиш қанчалар азоб беради, этигимдаги билинар-билинимас доғни кетказиш учун этик тозаловчига тўлаш учун ёнимда атиги беш су танга бўлмаса. Таъсирчан, тажанг одам учун оғирлик қиладиган мана шу-

нақа майда-чуйда азоблар менинг ишқимни борган сари аланга олдирадди. Дабдабали зеб-зийнатлар ичида, ясантусанлар билан яшайдиган, буюмлару одамларни олтин билан ўлчайдиган гўзалларга камбағал йигитнинг майда-чуйда сарф-харажатларини гапириб бўлармиди? Бу нозанинлар худбинлиги туфайли шод-хуррам, урф-одат туфайли шафқатсиз бўлишади. Улар ҳузур-ҳаловатни бузмаслик учун ҳеч нарсани ўйлашмайди, ўзлари айш-ишратда яшаганлари учун ўзгаларнинг бахтсизлигига парво ҳам қилишмайди. Миллион сўз улар учун бир чақа. Севган одам маҳбубасининг кўнглини олай деб бор-йўғидан айрилгани етмагандай, ана шу айрилган нарсалари тўғрисида лом-мим демаслиги керак, бу қийинчиликлар устига уятчанлик билан парда ташлаб, беркитиб туриши керак: бадавлат одамлар эса хонумонини, уйларини сарфлаб, ўзини қурбон қилгани билан, одамларнинг гийбатларидан ҳам наф кўришади, уларнинг ишқий саргузаштлари оламга машҳур бўлиб кетади, уларнинг сукут сақлаши ҳам маъноли, азият чекишларини беркитишлари ҳам чиройли кўринади. Биздай камбағал бечоралар эса аёвсиз азоб-уқубатларга учрасак, «Севаман!» ёки «Ўялпман!» дейишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Аслини олганда мен хонумонимни йўқотганим йўқ-ку. Шу гўзални деб дунёдаги ҳамма нарсадан қўл силтаганимнинг ўзи мен учун роҳат-фароғат эмасми? Мана шу графиняни деб, умримдаги энг аҳмоқона, майда-чуйда нарсалар ҳам ҳаётимга мазмун бағишлади, мислсиз ҳузур-ҳаловат берди-ку. Илгарилари усти-бошга эътибор бермас эдим, энди эса фракимни ўзимдан ҳам баттар иззат-ҳурмат қиладиган бўлиб қолдим. Фраким йиртилишидан кўра таним жароҳатлангани афзал кўринарди. Танла, деса заррача иккиланиб ўтирмасдим! Агар ўша вақтда ўрнимда бўлганимда сен ҳам мана шунақа телбаларча ўйларга ботар эдинг. Тентираб юрганим сари бунақа бир-бирдан оғир ўйларга борардим! Ғам-аламдан ўлар ҳолатга етганим учун ўзимни арши аълода ҳис қилардим. Мана шу сўнги ҳалоқатим қандайдир бахт-иқболдан дарак берарди; аммо ҳайҳот; фалокат хазиналари ҳад-ҳудудсиз эди.

Мусофирхонага келганимда эшик қия очик турган экан. Юрак шаклидаги ўйиклари бўлган дарпардалар орасидан кўчага ёруғлик тушиб турган эди. Менинг келишимни кутиб, Полина билан онаси чақчақлашиб ўтиришган экан. Гап орасида менинг отим тилга олинаётганини эшитиб, бир зум тўхтаб қолдим.

— Рафаэль еттинчи хонадаги талабадан кўра чиройлироқ! — дерди Полина. — Унинг оқ-сариқ сочлари бирам ўзига ярашадик! Онажон, сен ҳам сезасанми, у гапирганида овози баҳри-дилигни очади. Кейин-чи, у кўринишдан бир оз мағрур бўлсаям, ўзи шундай меҳрибонки, ўзини тутишим жуда ярашиб туради! У менга жудаям, жудаям ёқади! Ишончим

комилки, уни кўрганда ҳамма қизлар эс-ҳушини йўқотиб қўйишади.

— Гапларингдан шу чиқадики, сен уни севиб қолганга ўхшайсан!

— Йўқ, мен уни акамдай яхши кўраман!— кулиб, эътироз билдирди Полина.— Агар ундан миннатдор бўлмасам ашаддий кўрнамаклик бўлур эди. Ахир у менга мусиқа ўргатди, расм чизишни ўргатди, тил қоидаларини ўргатди, хуллас, ҳозир нималарни билсам шуларнинг ҳаммасини шу йигит ўргатди-ку! Онажон, сен қандай ютуқларга эришганимга эътибор бермаяпсан, мен шундай саводхон бўлиб кетяпманки, яқинда дарс бераверсам бўлади. Шундан кейин ўзимизга бирорта чўри ёлласак ҳам бўлади.

Мен сездирмасдан сал орқамга қайтдим: сўнг атайлаб, тапир-тупир қилиб, залга лампа чироғ олишга кирдим. Полина ўзим ёқиб бераман, деб чаққонлик қилди. Бечора қиза деб оғир дардларимга шифо бераётган, малҳам кўяётган эди.

Соддадиллик билан айтилган бояги мақтовлар руҳимни бир оз кўтарди. Кўнглимда ўзимга ишонч уйғониши керак эди. Ҳақиқатан қандай фазилатларим борлигини холис одамлар айтиши керак эди. Яна ярқ этиб ёнган умидим шуъласи атрофимдаги нарсаларни ёриштириб юбордим, ё залдаги ажойиб манзарага — икки аёл суҳбатига яхшироқ эътибор бермаган эканманми, шу тобда машҳур фламанд мусавирлари акс эттирган содда манзараларга ўхшаган мана шу саҳна кўзимга тўтиёдай кўриниб кетди. Чўғлари ўчай-ўчай деб турган ўчоқ ёнида пайпоқ тўқиб ўтирган онанинг лабларида майин табассум бор эди. Полина чоғроқ столга ёйиб қўйган елпуғичларни бўяш билан овора эди, унинг мўйқаламлари ва бўёқлари беихтиёр диққатни тортарди. У ўрнидан туриб, чироғни ёқаётганида эса бор ёруғлик оппоқ қома тига тушарди. Фақат даҳшатли бир ваҳима чангалига тушиб қолган одамгина бу қизнинг тиниқ, гулбадан қўлларини, ниҳоятда чиройли чеҳрасини, ҳамма-ҳамма ҳусну малоҳатини сезмаслиги мумкин эди! Тун сукунати сокин оила оғушида ишлаб ўтиришган одамлар манзарасига яна ўзгача бир фусункорлик бахш этарди. Доимо меҳнатдан бошлари чиқмайдиган, доимо қувноқ кўнгли очик бу одамларда мўмин бандаларга хос, энг олий, мусаффо туйғуларга лиммо-лим сабрқаноат бор эди. Бу ердаги буюмлар ҳам одамларга ярашиқли эди. Феодора хонадонидagi дабдабали зеб-зийнатлар эса ҳиссиз бўлиб, мени ёвуз хаёлларга чулғарди, мана буларнинг фақирона сабр-қаноатли турмуши, буларнинг соддалиги ва самимийлиги руҳимни покиза қиларди. Тўғриси, дабдабали зеб-зийнатлар орасида мен хўрлик кўрардим, мана бу хира ёритилган ўрта хонада, оддийгина яшаётган икки аёл яқинида кўнглим таскин топар, ўзимдан норози бўлмасдим: бу ерда кимгадир ҳомийлик қилишим мумкин эди; йи-

гитлар кўпинча ҳомий бўлишни яхши кўришади. Мен чироқни олиш учун Полинага яқинлашганимда у менга меҳр билан қараб қолди, сўнг қўллари қалтираб, чироқни тез столга қўйди-да, ҳаяжон билан гапирди:

— Е худойим, рангингизда ранг қолмабди! Ҳа-я, бутунлай шалаббо бўлиб кетибсиз-ку! Онам кийимингизни қури-тиб қўйсин... Сиз сутни яхши кўрасиз,— деди у сайраб,— бугун қаймоқ олдик, татиб кўрасизми?

Қиз мушукдай чаққонлик билан чинни косада қаймоқ келтирди ва шундай жонсараклик, назокат билан олдимга қўйдик, эътироз билдиришга иккиланиб қолдим.

— Наҳотки йўқ десангиз?— деди Полина овози қалтираб.

Биз, икки мағрур одам бир-биримизни яхши тушунардик. Қиз, бир томондан, менинг олдимда камбағаллигидан уялар, иккинчи томондан бунча димоғдор бўлмасангиз, деб гина қилаётганга ўхшарди. Балки, қиз бу қаймоқни ўзининг нонуш-тасидан олиб қолгандир? Шунга қарамай, мен қизнинг дили оғримасин деб, рози бўлдим. Бояқиш қиз хурсандлигини яширишга уринса ҳам, кўзлари шодликдан порларди.

— Ҳа, бугун анча очқаб қолдим,— дедим ўтирар эканман. (Қизнинг манглайига ташвиш соя солди.)— Боссюз асаридаги бир жойни ёсладингизми, Полина, худо жангдаги галабадан кўра бир қултум сув учун кўпроқ раҳматини ёғдиради, деган эди у.

— Эсимда,— деди қиз.

Бу сўзни айтаётганда қизнинг юраги бола қўлидаги каптардай дукурлаб, типирчилаб кетди.

— Гап бундай,— дедим бир оз иккиланиб,— биз яқинда бутунлай хайрлашамиз, сиз билан онангиз қилган ҳамма яхшилиқлар учун миннатдорчилик билдиришга рухсат этинг.

— Арзимаёйди,— деди қиз кулар экан.

У кўнглидаги дардини кулги билан яширишга ҳаракат қилар, бу эса мени изтиробга соларди.

Қизнинг гапларини эшитмагандай бўлиб, давом эттирдим:

— Менинг фортепианом уста Эраp ясаган энг яхши чолгу асбобларидан бири. У сизга бўлсин. Ҳеч қандай гап-сўзсиз олиб қолаверинг— мен узоқ сафарга жўнамоқчиман, фортепианони барибир ўзим билан олиб кетолмайман.

Бу сўзларни гамгин оҳангда айтганим иккала аёлни ўйлантириб қўйди. Назаримда дунёда фақат шу икки инсон кўнглимда нималар кечаётганини тушунар ва менга эътибор берар эдилар; уларнинг қарашларида ҳам ажабланиш, ҳам лаҳшат бор эди. Киборларнинг совуқ давраларида мен излаб топмаган меҳр-оқибат ҳозир қаршимда турган одамларда бор эди. Буларнинг меҳр-оқибати самимий, таъсирли, шунинг учун жуда ишончли эди.

— Жуда чакки қиялпсиз,— деди қизнинг онаси.— Шу ерда қолаверинг. Менинг эрим ярим йўлда келаётган бўлиши керак, гапини давом эттирди у.— Бугун оқшом Иоанн Инжиллини ўқидим, Полина эса бу вақтда Тавротга калит боғлаб осилтириб турган эди, калит айланиб кетди. Бу яхшиликдан нишона, демак жаноб Годен эсон-омон юрган экан. Полина яна сиз билан еттинчи хонадаги йигит учун фол очди, лекин калит сиз учун айланди. Мана кўрасиз, ҳаммамиз бойиб кетамиз. Жаноб Годэн миллионер бўлиб қайтиб келади. Тушимда у тушиб келаётган кема гиж-гиж илонларга тўла экан. Бахтимизга, сув лойқа эди, бу олтин ва ноёб жавоҳирларни англади.

Кўнгил учун айниланган бу дўстона сўзлар, касал гўдакни онаси аллалагандай, маълум даражада кўнглимга тасалли берди. Бу меҳрибон аёлнинг овози ва қарашлари шу қадар илик, самимий эдики, бу гаплар, қарашлар менинг ғам-ғуссамни бутунлай йўқотмаса-да, ҳайтовур камайтирди, алла-лаб таскин берди. Онасига нисбатан ақллироқ, олисни кўра-диганроқ Полина менга синовчан, ташвиш билан боқарди. Қизнинг ақлли кўзларида шундай маъно бор эдики, чамамда у менинг турмушим қандай кечишини, келажагимни ҳам билиб тургандай эди. Мен миннатдорчилик маъносида Годэн хонимга ва қизига таъзим қилдим, йиғлаб юбормай тагин деб қўриб, шошиб хонадан чиқдим. Ёлғиз қолганимдан кейин ўз ғамимга ўзим шўнғиб кетдим. Хаёлимга бир-биридан машъум, асоссиз, мантиқсиз фикру қарорлар келаверди. Илгари фаровон яшаган одам фақирликка тушиб қолса ярим-ёрти, қолган-қутган нарсаларига ишониб яшайди. Менда эса ишончли ҳеч нарса йўқ эди.

Эҳ, азизим, биз кўпинча ҳамма нарсага камбағаллик айбдор, деб юраемиз! Ижтимоий ҳаётнинг фаолликка чақирувчи энг кучли омилларидан бири бўлган камбағалликни кўп ҳам айблайвермайлик. Камбағаллик бор жойда уят нимаю жиноят нима, ор-номус нимаю ақл-хуш нима, бундай гаплар бўлмайди. Уша вақтда ўйлашга ҳам мажолим қолмаган эди. Худди йўлбарс олдида тиз чўкиб турган қиз аҳволида эдим. Ишқивозлиги бўлмаган, пули бўлмаган одамнинг эрки ўзида, аммо камбағал ошиқнинг ихтиёри ўзида эмас, у ҳатто ўзини ўлдиришга ҳам ҳаққи йўқ. Севги туфайли биз ўзимизни эъзозлаймиз, ўзимиздаги бошқа бир кишининг ҳаётини ардоқлаймиз: севги — бахтсизликларнинг энг даҳшатлиси; севгида умид бўлади; мана шу умид туфайли ҳар қанақа азоб-уқубатларга чидайди одам. Эртага Растиньякнинг олдига бориб, унга Феодоранинг ғалати қарорга келганлигини айтиб бераман, деган фикр билан уйқуга кетдим.

Эртасига соат тўққизда Растиньяк ҳузурига бордим.

— А-ҳа! А-ҳа! — қичқирди Растиньяк, — нимага келганингни билдим; чамамда Феодора сенга истезфо берганга

ўхшайди. Графиняга таъсиринг кучайиб кетаётганига ҳасад қилган «яхши» одамлар тўйдан олдин ногора чалишган. Худдо билсин, рақибларинг қанча-қанча сен қилмаган ишларни қилди, деб қўшиб чатишгандир, сени роса ёмонотли қилишгандир!

— Ундай бўлса, ҳаммаси равшан! — хитоб қилдим.

Шу заҳоти ўзимнинг баъзи шаддодликларимни эсладим, графиня янаям ўзини вазмин тутибди, деган фикрга келдим. Ўзимга ўзим аблаҳ бўлиб кўриндим, қилган номаъқулчиликларим учун янаям қаттиқ жазо тортишим керак эди. Феодора мени севгани учун янаям ҳаммасига сабр-бардош қилиб юрган экан-да.

— Хулоса чиқаришга шошмайлик, — деди ҳушёр гасконлик. — Феодора ашаддий худбин аёлларнинг ҳаммасидай жуда сезгир. У, биринчи учрашувдаёқ кимлигини билиб олган бўлса керак. Сен аввало унинг бойлигию зеб-зийнатларига ҳайрон қолган чоғингдаёқ ҳар қанча устомонлик қилсанг ҳам кўнглингда нима борлигини сезиб олган бўлса керак. Ўзи бировга сир бой бермайди, аммо бошқа одамларнинг заррача сир тутишиниям ёқтирмайди. Демак, сени ёмон бўлга бошлаган эканман, — қўшимча қилди дўстим. Ҳар қанча нозиктаъб ва хушфеъл бўлсаям, назаримда у ҳокимликни яхши кўради. Ақлий лаззатларнигина биладиган аёлларнинг ҳаммаси ҳукм-фармонликни ёқтиради. Бу аёл фаровон турмуш кечириш, олий давраларда кўнгил очиш дунёда энг катта лаззат, деб ҳисоблайди. Унинг ҳиссиёти табиий эмас, у артистдай, ўзини ҳиссиётли қилиб кўрсатади; бари бир у сени бахтиқора бир югурдакка айлантириб қўяр эди...

Растиньякнинг гаплари қулоғимга кирмасди. Мен унинг гапини бўлиб, ясама бир қувноқлик билан моддий аҳволим чақоқлашганлигини тушунтирдим.

— Бевафо фалак кеча кечқурун менга тегишли бўлган анча-мунча пуллардан жудо қилди, — деди дўстим. — Мана шу аҳмоқона фалокат бўлмаганида, албатта, ҳамёнимни сенга тутар эдим. Жажжи қаҳвахонага борайлик-чи, балки нонушта устида бирор иложини топармиз.

У кийиниб, отларни фойтунга қўшишни буюрди; сўнг иккаламиз хаёлидаги фойдалар билан яшайдиган миллионер чайқовчиларга ўхшаб, олифталик билан «Париж қаҳвахонаси»га кириб келдик. Қуриб кетмагур бу гасконликнинг ўзини жуда эркин тутиши, ҳеч нарсдан тап тортмаслиги мени ҳайрон қолдиради. Нозик дид билан пухта ўйлаб буюрилган нонушталик таомлардан кейин, қаҳва ичиб ўтирганимизда Растиньяк хушқад ва башанг кийинган, ҳамманинг эътиборини тортувчи жуда кўп йигитлар билан бош ирғаб саломлашиб чиқди. Сўнг, кетворган галстук таққан, қаерга ўтирсам экан, деб тараддудланган мана шундай дендилардан бирига қараб:

— Ҳа, ишларинг беш,— деб қўйди. Унга гап бор, дегандай ишора қилиб.

— Мана шу шаввоз нима ёзганини ўзиям тушунмайдиган асарларини нашр этгани учун орден олган,— тушунтирди шивирлаб Растиньяк.— У кимёгар, тарихчи, романчи, публицист ёзувчи. Биров ёзиб берган жуда кўп пьесалари учун қалам ҳақининг тўртдан бирини, учдан бирини, ҳатто ярмини олади, шуларнинг устига-устак, у ғирт саводсиз. Бу одамнинг фақат номи бор, у ўқувчилар учун гўё бир этикетка қоғоз бўлиб қолган. Шунинг учун у эшигига: «Бу ерда ёзувчи ўзи ёзиши керак», деган шиор осиб қўйилган идораларни четлаб, айланиб ўтишга ҳаракат қилади. У шунчалик айёрки, бутун бир конгресс — мажлисни аҳмоқ қила олиши мумкин. Хуллас, бу одам маънавий дурагай: у айтарли ҳалол одам эмас, амма айтарли разил ҳам эмас. Лекин секинроқ гапирайлик, у жанжал кўтариб, дулда олишишган. Жамоатга энг муҳими шу бўлгани учун ҳамма уни «Ҳурматли инсон...» дейди.

Бояги нотаниш одам яқинроқдаги столча ёнига келиб ўтиргач, Растиньяк сўз қотди:

— Ҳўш, азизим, ҳурматли дўстим, ўзларининг саломатликларини сўрасак руҳсат этадиларми, мутафаккир жаноб олийлари?

— Бир нави юрибмиз, яхшияммас, ёмонаммас. Ишга кўмилиб қолганман. Ниҳоятда қизиқарли тарихий мемуарлар ёзиш учун қўлимда ҳамма материаллар бор, аммо уларга қандай ранг-тус беришга... Мана шунга жуда қийналяпман. Вақт жуда зиқ, шошилмасам, ким билади, мемуарлар модадан чиқиши мумкин.

— Замонавий мемуарлар ёзбсизми ёки қадимийми? Сарой аъёнлари ҳаётиданми ёки бошқалар ҳақидами?

— Марварид шодаси ҳақида.

— Ана, холос, бу мўъжиза-ку!— кулди Растиньяк чайқовчи ёзувчига мени таништирар экан,— Жаноб де Валентен — менинг дўстим, сизга бўлажак машҳур ёзувчини тавсия қиламан. Бир вақтлар, унинг аммаси, маркиза, саройда катта нуфузга эга бўлган; ўзи эса икки йилдан бери роялистлик¹ руҳида инқилоб тарихи устида ишлаяпти.— Сўнг дўстим ўзига хос бу негоциант²нинг қулоғига шивирлаб қўшимча қилди:— Талантли йигит, лекин жуда гўл; у сизга мемуарларни аммасининг номидан ёзиб бериши мумкин, ҳар томига юз экю³ берасиз.

— Бўпти,— деди бояги киши, галстугини тўғрилар экан.— Ҳой киши, қани менинг устрицаларим?!

¹ Роялистлик — қирол ҳокимиятининг тарафдори бўлиш.

² Негициант — улгуржи савдогар.

³ Экю — беш франкли тилла танга.

— Майли, лекин бу иш учун йигирма беш луидор¹ ширинкома; унга бир томнинг пулини олдиндан берасиз,— давом этди Растиньяк.

— Йўқ, йўқ. Эллик экюдан зиёд аванс бермайман — шунда қўлёзма учун кўнглим хотиржам бўлади.

Растиньяк бу савдонинг мазмунини менга шивирлаб тушунтирди. Сўнг, у жавобимни ҳам кутиб ўтирмай, бояги кишига қаради:

— Майли, биз рози. Қачон кўришамиз энди ишни бир ёқли қилиш учун?

— Майли, эртага оқшом соат еттида шу ерга тушликка келинглар.

Турдик. Растиньяк лакейга чойчақа берди, ҳисоб қоғозини эса чўнтагига солиб қўйди. Менинг аммам, маркиза де Монборонни бир зумда ўйламай-нетмай бемалол сотиб юборганидан ажабландим.

— Мен насл-насабимга доғ туширмайман,— эътироз билдирдим.— Бундан кўра Бразилияга кетиб, ҳиндуларга ўзим заррача тушунмайдиган алгебрадан дарс беришим минг марта афзалроқ!

Растиньяк ҳаҳолаб кулди.

— Ғирт аҳмоқ экансан! Аввал эллик экюни жиринглашиб санаб ол, мемуарларингни ёз. Тугатганингдан кейин эса, асарни аммам номидан босиб чиқаришга розимасман, дейсан каллаварам! Эшафотда қатл этилган де Монборон хоним, унинг этаги қаппайган гардишли кўйлаги, ҳурмат-эътибори, гўзаллиги, мушк-анбарлари, кавушлари, албатта, олти юз франкдан ошиқ туради. Агар ноширга аммангни чинакам баҳосига сотолмасанг, майли, ношёр асарни бирорта қари ва олғир шевалье номидан ёки ориқроқ, хунуқроқ графойим номидан чоп қилиб чиқараверади.

— Оҳ, нега фақирона ҳалол кулбамни ташлаб кетдим экан!— қичқирдим.— Жамият астарини очсанг шундай ифлос, шундай разилки!

— Э, бу поэзиянгни қўй,— эътироз билдирди Растиньяк.— биз иш тўғрисида гаплашяпмиз. Ҳалиям гўдаксан. Қулоқ сол; мемуарларинг қандайлигига халқ баҳо беради; манави адабий қўшмачи эса китоб чиқараман, деб саккиз йил умрини сарфлаган. Ахир у нашриётларда таниш орттираман деб озмунча азоб чекканми? Тўғри, китоб ёзиш учун иккалангиз тенг меҳнат қилмайсиз, лекин қалам ҳақининг кўпини сен оласан-ку, тўғрими? Унинг минг франкидан кўра сенинг йигирма беш луидоринг зарурроқ. Нега энди тарихий хотиралар ёзишдан бош тортяпсан, ҳар ҳолда, бу санъат асарини, ахир Дидро юз экю учун олтига ваъзнама ёзган!

— Нафсиламарини айтганда,— дедим шошиб ҳаяжон би-

¹ Луидор — йигирма франкли тилла танга.

лан,— мен учун бошқа илож йўқ. Шундай қилиб, дўстим, сенга миннатдорчилик билдиришимга рухсат этгайсан. Эллик экю билан мен ахир бойиб кетишим мумкин.

— Уйлаганингдан кўра бойроқ бўласан,— гапимни бўлди Растиньяк ҳаҳолаб кулар экан.— Фино менга ширинкома тўлайди, сезмадингни, буням сен оласан! Булон ўрмонига кетдик,— деди сўнг дўстим.— У ерда сенинг граф оиймтиллангни кўрамиз. Ҳа, дарвоқе, сенга яхшигина бир бева жувонни кўрсатаман, мен унга уйланмоқчиман; ниҳоятда ёқимтой, эльзаслик, тўғри, сал семизроқ. Кант, Шиллер, Жан Поль ва яна гидравликадан бир тўда китобларни ўқиб туширган. У доимо менинг фикримни сўраш касалига йўлиққан. Ўзимни гўё немис сантументларини¹ тушунадигандай кўрсатишга мажбурман, шу вақтгача бир уюм немис балладаларини чайнамасдан ютвордим, ахир врачлар менга бундай уйқу дориларини маън этишган. Мен ҳалиям уни адабий ҳаяжонлардан қутқазолмаяпман; Гётени ўқиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди, мен ҳам кўнгли учун қўшилишиб йиғлаб қўяман; нега десанг ахир эллик минг ливр даромад, дунёда энг чиройли оёқчалар, энг чиройли қўлчалар... Ҳазил гапмас... Эҳ, қани энди у «худойим» ўрнига «қудайим» демасайди, энг мукаммал гўзал бўларди!

Дабдабали фойтунида етиб келган дабдабали, гул-гул очилган граф хонимни кўрдик. Нозли гўзал ишва билан биз томонга қаради ва менга мулойим табассум ҳада этди. Уша вақтда бу табассум менга самовий ва севгига лиммо-лим бўлиб кўринган эди. Эҳ, мен бахтли эдим, назаримда севилгандим; энди менда катта пул ҳам, ишқ хазиналари ҳам бор эди, ўзимни энди ғариб-бечора ҳис қилмасдим. Шу куни жуда кўнглим чоғ, шод-хуррам, ҳамма нарсдан кўнглим тўқ бўлганим учун дўстимнинг севгилиси ҳам жозибали кўринди. Дарахтлар, ҳаво, осмон, бутун борлиқ — табиат назаримда Феодорадай менга жилмайиб қарарди. Қайтишимизда Растиньякнинг шляпадўз устасига, тикувчи устасига учрадик. Бир шода марварид воқеаси туфайли мен ғариб, бечора одамдан даҳшатли ҳарбий одамга айландим. Бундан буён энди Феодора атрофида уймалашган йигитлардан нозик дид билан чиройли ва башанг кийинишда бемалол кимўзар ўйнашим мумкин эди. Уйга келиб, эшикни беркитиб олдим; кўринишдан хотиржам эдим, аммо дилимда бир умрга томлар манзараси билан хайрлашардим. Бутун вужудим билан келажакда эдим, келажакдаги ҳаётимни саҳнадагидай равшан тасаввур қилардим, ҳозирдан севгининг шодликларидан лаззатланардим. Чордоқдаги тўрт девор орасида одам қандай жўшқин бўлиб кетади! Одамнинг кўнгли парига ўхшайди, у похолни олмосга айлантира олади; қуёшнинг илиқ

¹ Ҳиссиётлар.

нафасидан гуллар униб-ўсгандай, кўнгилдаги парининг сеҳрли таёқчаси ёрдамида афсонавий қасрлар бунёдга келади.

Эртасига тушга яқин Полина аста эшикни тақиллатди ва менга нима олиб кирганини билсанг эди. У, Феодоранинг хатини олиб кириб берди. Граф хоним мени Люксембург боғига учрашувга таклиф қилибди, музейга ва ҳайвонот боғига бирга борамиз, депти.

— Чопар жавоб кутаётган экан,— деди Полина бир зум жимликдан сўнг.

Апил-тапил миннатдорлик сўзларини ёзиб бердим, жавобимни Полина олиб чиқиб кетди. Қийина бошладим. Кўнглим тўлгунча ясан-тусанни тугатиб, энди йўлга чиқай деб турганимда, бирдан мени қалтироқ босди, аъзойи баданим музлаб кетди. «Феодора боққа фойтунда келармикин ёки пиёда? Ёмғир ёғадими ёки қуёш чиқадими? Бари бир,— ўйлай бошладим,— нима бўлсаям қиз боланинг нозу адоларига ишониб бўладими? Феодора ёнида пул билан келмаслиги мумкин, бирдан у ҳаммол боланинг жулдур уст-боши қизиқ экан, унга ҳайр-эҳсон қилинг, деб қолса нима бўлади?»

Менда эса, ҳозир ҳемириям йўқ. Пулни кечқурун олишим керак. О, шундай вақтларда йигит хаёлга бой бўлгани учун аёвсиз изтиробларга учрайди, оғир меҳнат билан қаттиқ-қуруқ яшашга мажбур бўлган йигит шундай вақтларда роса жазосини тартади! Бир лаҳзада минглаб арнлар тўдасидай шиддатли ўйлар найзаси аъзойи баданимни тилка-пора қила бошлади. Чордоғим деразасидан осмонга қарадим: ҳавога ишониб бўлмасди. Тўғри, мен кун бўйига карета олишим мумкин эди, аммо бахтдан лаззатланиб юрганимда оқшом Фино билан учрашолмай қолсам нима бўлади, деган ташвишдан ҳар лаҳза азоб чекишим керак эди. Шодлик соатларида мана шундай қўрқувларни енгиш учун менда мажол йўқ эди. Излашдан фойда йўқлигини билсам ҳам, бари бир уйни тит-питини чиқариб юбордим. Бирор экю чиқиб қолармикин, деб тўшаклар орасини титдим, ҳамма нарсани, ҳатто эски этикларниям силкитиб қоқиб кўрдим. Ағдарилган каравотга безгак тутгандай қалтираб, гарангсиб қараб турардим. Ёзув столимнинг ғаладонини алам ичида, умидсизлик билан еттинчи марта очиб кўрганимда, ёнлама деворчага юз су танга қисилиб қолганлигини кўриб, қувончдан ҳушимни йўқотдим, десам ишонасанми? Мана шу топ-тоза танга кўзимга ялтираб, гўзал, вақтида балқиган юлдуздай порлаб кўринди. Бу танга жимлик сақлаб, беркиниб олиб мени қийнаганига ҳам хафа бўлмадим: мен уни бахтсизликда ташлаб кетмаган содиқ дўстимдай меҳр билан олдим ва қувонганимдан қийқириб юбордим. Қандайдир акс-садо эшитилди. Ялт этиб орқамга қарасам, Полина турибди. Ранги оппоқ оқариб кетганди.

— Йиқилиб, бирон жойингиз майиб бўлдими, деб қўрқиб

кетдим!— деб ҳаяжондан ҳарсиллаб гапирарди у.— Югурдак бола... (Қиз ҳаво етишмагандай, у ёғини гапиролмади). Лекин онам унга чойчақа бериворди,— қўшиб қўйди қиз.

Сўнг Полина болаларча шўхлик ва араз билан қочиб кетди. Ажойиб қизча! Мен ўз бахтимни топганимдай, у ҳам бахтини топсин, деб ич-ичимдан тилардим. Ушанда жоним ичимга сиғмас, жаҳондаги барча шодликлар кўнглимга сиғиб кетгандай эди, гўё ҳамма бечораларнинг шодликлариниям мен ўғирлаб олгандай, уларнинг улушини қайтариб бергим келарди.

Ҳамиша кўнглим бирор фалокатни олдиндан сезиб туради: граф хоним файтунига жавоб бериб юборди. Чиройли қизлар, аёллар ўзларигаям маълум бўлмаган қандайдир сабабларга кўра, инжиқлик қилишади. Графиня ҳам шундай инжиқлик қилиб ҳайвонот боғига хиёбонлар оралаб пиёда борамиз, деб қолди.

— Ёмғир ёғади,— дедим.

Феодора айтганимнинг тескарисини қилишни яхши кўрарди. Люксембург боғида айланиб юрган вақтимизда қуёш чарақлаб турганди. Боғдан чиқишимиз билан осмонда боядан бери мени безовта қилиб турган булут бир-икки томчи ташлади; киракаш файтунни чақирдик. Хиёбонларга етганимизда ёмғир тинди, ҳаво яна очилиб кетди. Музейга етганимизда каретага жавоб бериб юбормоқчи бўлувдим, Феодора унамади. Роса азобга қолдим! У билан қақчақлашиб кетаётганимдан ўзимда йўқ қувонганимни яширсам ҳам, лабларимга ёйилган аҳмоқона кулги буни фош қилиб турарди. Мана шу таннос билан боғда сайр қилиш, соя-салқин хиёбонларда унинг қўлидан тутиб юриш — қандайдир ақл бовар қилмас хаёлот эди; бу манзара ўнгимдаги тушга ўхшарди. Аммо Феодора юрганидаям, тўхтаганидаям, нозли кўринганига қарамай, бари бир, хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай майинлик, ҳеч қандай меҳр-муҳаббат йўқ эди. Мен ҳам унинг хатти-ҳаракатларига яраша муомила қилай десам кўнглимда ўзимни зўрлашим керак эди ёки ҳансираб, асабийлашар эдим. Тошбағир аёлларнинг муомиласида майинлик бўлмайди. Худди шунинг учун бизнинг юракларимиз ҳамоҳанг тепмас, юрганимизда ҳамқадам бўлолмасдик. Икки вужуднинг бундай жисмоний номувофиқлигини ифодалайдиган сўзлар ҳали топилмаган. Чунки биз ҳали хатти-ҳаракатларнинг маъносини яхши англамаймиз. Табиатимиздаги бу ҳодисани фақат юрак билан ҳис қиламиз, аммо ифодалай олмаймиз.

— Ишқивозликнинг шафқатсиз қалтироқлари пайтида ҳис-туйғуларимни анатомия қилиб — бўлакларга бўлиб ўрганмадим, ҳузур-ҳаловатимни таҳлил этмадим, хасис олтинларини тортиб, чамалагандай, юрагимнинг неча марта уришини ҳисобламадим,— деди Рафаэль бир оз сукут сақлаганидан кейин.— Йўқ, ундай қилмадим. Фақат, мана энди

аччиқ тажриба туфайли, бўлиб ўтган воқеаларнинг қайғули томонлари мен учун ёришяпти. Фалокатга учраган кема синиқларини тўлқинлар қуёш чарақлаб кетганида соҳилга улоқтиргандай, тилка-пора бўлган кўнглимнинг синиқлигини энди кўриб турибман.

— Сизда муҳим бир ишим бор,— гап бошлади графиня менга уялиб қарар экан.— Ниҳоят, сизга севгини ёмон кўришимни тушунтирганимдан сўнг, энди дўстлигимиз ҳаққи, сиздан баъзи нарсаларни илтимос қилсам бўлаверади. Энди менга яхшилик қилсангиз,— кулиб, гапида давом этди хоним,— аввалгидан ҳам кўпроқ хизмат қилган бўласиз, тўғрими?

Мен қизга ғамгин боқдим. Мен ёнида бўлганимда унда ҳеч қандай ҳиссиёт уйғонмас, у севиш ўрнига қувлик қилар эди,— чамаси у тажрибали актрисадай роль ўйнарди; тўсатдан қизнинг нигоҳида, товушининг товланишида, баъзи сўзларда меҳр сезиларди, бу эса менда яна умид уйғотарди; аммо шундай лаҳзаларда менинг кўзларимда ёнган севги олови унинг кўзларидаги музни эритолмасди; унинг кўзларида хотиржам тиниқлик бор эди; бу тиниқлик йўлбарснинг кўзларидаги совуқ ялтироқ пардани эслатарди. Шундай лаҳзаларда мен Феодордан нафратланардим.

— Агар герцог де Наваррен Россиядаги ниҳоятда қудратли бир аёлга менинг тўғримда икки оғиз ширин гап айтиб қўйса, мен учун гоят катта иш бўлур эди,— мулоимлик билан гапини давом эттирди қиз. Уша аёлнинг ўртага тушиши менинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларимни тиклашга ёрдам беради. Бор бисотим ва жамиятда тутган мавқеим шу ишнинг ҳал бўлишига боғлиқ. Шундай қилишим керакки, император менинг турмушга чиқишимни тан олсин. Ахир герцог сизнинг қариндошингиз-ку, тўғри эмасми? У икки энли хат ёзиб берса кифоя.

— Бош устига, хизматингизга тайёрман,— дедим мен.— Буюрнинг бекам.

— Миннатдорман,— деб қўлимни сиқиб қўйди Феодора.— Юринг, бизникида тушлик қиламиз, йўл-йўлакай ҳаммасини оқизмай-томизмай тушунтириб бераман.

Шундай қилиб, ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳаммадан ўзини олиб қочадиган мана шу аёл мен билан маслаҳатлашмоқчи бўляпти.

— Оҳ, жим юргин деб буюрганингиз қандай саз бўлган экан!— ҳайрат билан қичқирдим.— Лекин, мен бундан ҳам оғирроқ синовларингизга тайёрман.

Шу лаҳзада Феодора кўзларимда чарақлаган шодона лаззатга бефарқ қарамади, ҳайратимга совуқ қарамади, демак, у мени севади! Биз Феодоранинг уйига келдик. Бахтимга, ҳамёнимдаги пул извошчига тўлашга етди. Гўзалимнинг уйида ёлғиз иккимиз вақтимизни гоят чиройли ўтказдик;

биринчи марта у билан шундай холи гаплашишимиз эди. Шу кунгача, жамоат, унинг одоб, ҳаё қоидалари, совуқ расмиятчиликлари, ҳатто дабдабали базмлар ҳам доим бизни бир-биримиздан ажратиб турарди. Бу сафар эса ўзимни у билан бир том остида яшагандай ҳис қилдим, у гўё менга насиб этгандай эди. Ёниқ тасаввурим барча кишанларни парчаларди, ўз ихтиёрим билан воқеаларни хоҳлаган изга бурардим; тасаввуримда бахтиёр севгининг лаззатларига фарқ бўлардим. Шу тобда мен ўзимни унинг эридай тасаввур қилардим; уни турли майда-чуйдалар қизиқтирганини кўриб бошим осмонга етарди, шол рўмолини ва шляпасини олганини кўришнинг ўзи мен учун бахт эди. У мени бир дақиқа ёлғиз қолдирди, сўнг сочларини тузатиб, қайтиб чиқди, у гул-гул очилиб кетган эди. У мен учун шундай гўзал бўлишни хоҳларди! Тушлик вақтида ҳам аёл менга кўп меҳрибончилик қилди, ҳар бир майда-чуйда нарсада ҳам унинг битмас-туганмас жозибаси сезилиб турарди; бу майда-чуйдалар гўё ҳеч қандай қиммати йўқдай туюлади, аммо мен буларнинг ҳар бири учун ярим умримни беришга рози эдим. Шарқ ижод этган энг яхши ҳашамату зеб-зийнатлардан бири — ўчоқ олдида, чарс-чурс ёнаётган олов олдида шойи, атлас, тўшалган креслоларда чақчақлашиб ўтирар эдик; донги кетган гўзаллиги билан не-не эркакларни ўйнатган қизнинг ёнгинасида ўтириш, ҳеч кимга қиё боқмайдиган бу нозани билан суҳбатлашиш, унинг ноз-ишваларидан баҳра олиш — мен учун жаннатга тушиш билан тенг ва азобли эди. Лекин, бахтга қарши кетишим кераклигини эсладим, муҳим ишим борлигини, кеча бир одам билан учрашишга ваъда берганимни айтдим.

— Йўғ-е! Наҳотки! — деди қиз шляпага қўл узатганимни кўриб.

У мени севади! Ҳар доим аёлнинг мана шу икки сўзни майин, меҳр билан айтганидан шундай хулосага келдим. Ҳайратимни яна давом эттириш учун қизнинг менга ажратадиган ҳар бир соатига икки йилдан умримни беришга рози эдим. Пулдан қуруқ қолишимни ўйласам, янада роҳатланардим. Феодора фақат ярим кечада жавоб берди. Эрта-лаб эса, кечаги қаҳрамонлигимдан роса пушаймон едим; ахир мемуарлар ёзиш буюртмасидан айрилиб қолишдан кўрқардим; ҳаллослаганимча Растиньякнинг уйига югурдим. Йккаламиз Финнинг уйига борганимизда менинг келгусидаги асарларимга имзосини қўядиган бу одам ҳали уйқудан ўйғонмаган экан. Фино менга қисқагина шартномани ўқиб берди, у ерда менинг аммам тўғрисида ҳеч гап йўқ эди. Фино эллик экю пулни жаранглатиб санаб берди. Учаламиз бирга нонушта қилдик. Мен янги шляпа сотиб олдим; ўттиз судан олтмишта тушликка обуна бўлиб олдим; қарзларимдан қутулдим; охири ёнимда фақат ўттиз франк қолди. Ле-

кин бир неча кунга ҳаёт машаққатларидан қутулдим. Растиньякнинг айтишича, агар инглизча қоида билан яшасам хазина орттирар эканман. У ҳар қандай йўл билан менга кредит очишга уринарди, ишонтиришича, қарзга ботиш иззатни оширар экан. Растиньякнинг сўзларига қараганда, капиталлар — бисотларнинг энг йириги, энг каттаси — келажимиз экан. У келгуси муваффақиятларим ҳисобига, тикувчи ҳузурига олиб бориб, башанг кийим-кечақлар буюрттирди. Тикувчи ҳам келажим борлигини тушуниб, тўй кунимгача мени безовта қилмайдиган бўлди. Уч йилдан бери олимларга хос фақирона яшашимга шу бугундан бошлаб чек қўйдим. Феодора уйдаги базмларнинг доимий меҳмонига айландим. Унинг баъзи сурбет ошиқларини ва давралар арзаңдаларини ҳам бир чўқишда қочира бошладим. Энди қашшоқлик балосидан қутулдим деган фикрда олий давраларда ўзимни жуда эркин тута бошладим. Рақибларимни доғда қолдириб, жозибали, енгилмас ишратбоз, деб ном чиқардим. Ҳатто тажрибали игвогарлар ҳам менинг тўғримда: «Бу йигитнинг ишқивозлиги юрагида эмас, бошида!» — дейишарди, мени ҳиссиётимдан кўра ақлим устунлигини айтиб, мақгашарди. «У севмайди, шунинг учун бахтли! — деб ҳайратланишарди! — Агар у севганида шундай кайфи чоғ, шундай шўх бўлармиди». Аслида эса мен ҳақиқий ошиқ бўлганим учун Феодора ёнида турганимда ўлгудай аҳмоқ кўринардим. У билан ёлғиз қолганимда нимани гапиришни билмасдим, гапирганимда ҳам севги тўғрисида гийбат бошлардим; шундай пайтларда шўхлигим ҳам аянчли туюларди. Худди қаттиқ ранжиганини яширишни хоҳлаган сарой аъёнига ўхшардим. Хуллас, мен Феодоранинг ҳаёти, бахти, шуҳратпарастлиги учун керакли одам бўлишга ҳаракат қилардим; сира ёнидан жилмасдим, унинг қулига, истаган вақтида овунадиган ўйинчоғига айланиб қолдим. Шу зайлда кунни ўтказиб, кечқурун уйга қайтардим, туни бўйи ўқиб, ёзиб, фақат азонга яқин икки-уч соат ухлардим, холос. Лекин, Растиньякнинг инглизча қоидаси билан яшаш тажрибаси менда бўлмагани учун, кўп ўтмай, яна бир чақасиз қолдим. Ана шундан кейин, азизим, мендай ови юришмаган ишқпараст учун, икки пулсиз олифта учун, шайдолигини яширишга мажбур бўлган ошиқ учун тасодифларга тўла машаққатли ҳаёт бошланди. Ўзимнинг ниҳоятда оғир муҳтожлигимни таши ялтироқ дабдаба билан беркитишга уринардим. Яна худди аввалгидай изтиробларга қолдим; тўғри, энди муҳтожликдан аввалгидай қаттиқ азобланмасдим: эҳтимол, энди муҳтожликнинг шафқатсиз ҳужумларига анча кўникиб қолгандирман? Егулигим фақат меҳмондорчиликларда хасслик билан бериладиган ширин соҳсалару чой бўлар эди. Гоҳо граф қизиникида бериладиган тўкин-сочин зиёфатлардан сўнг икки кун тўқ юрардим. Бугун вақтимни, бор қунту зеҳнимни, бор кузатувчанлигимни

Феодоранинг ақл бовар қилмас феъл-атвориши ўрганишга бағишлардим. Шу вақтгача умид ёки тушқунлик хулосаларимни ўзгартириб турарди: Феодорани гоҳо эҳтирос билан севгувчи аёл деб ўйлардим, гоҳо эса у менга аёллар ичида энг ҳисси, туйғусиз, тошбағир, бўлиб кўринарди. Аммо, мана шу хилдаги шодликлар ва азобларнинг ҳадеб алмашинавериши жонимдан тўйдирди. Мен бу даҳшатли курашнинг тезроқ бир ёқли бўлишини жуда-жуда истардим, севгимни хароб қилишни истардим. Гоҳо кўнглим зимистон бўлиб, кўзимга ўтиб бўлмас жарлик кўринарди. Граф қизи барча шубҳаларимнинг тўғрилигини тасдиқлаб турарди: унинг кўзларида бирор марта бирор томчи ёш кўрмадим; театрда, энг оғир саҳналарда ҳам у совуқлигича қолар, лабидан кулги аримасди. Нозик ақл-фаросатнинг ҳаммасини ўзи учун сақларди, бировнинг шодлигиям, кулфатиям уни ҳеч қачон заррача ҳаяжонга солмасди. Хуллас, у мени калака қиларди. Шу қиз хурсанд бўлсин, унга қурбон бўлай, майли деб, қадримни ерга уриб бўлса ҳам, герцог де Наварреннинг уйига боришга рози бўлдим. Бу худбин одам менинг камбағалчилигимдан ҳазар қилар, олдимда гуноҳкор бўлгани учун менадан нафратланарди. У мени совуқ бир ҳурмат билан кутиб олди; унинг сўзларида ва муомаласида ҳақорат сезилиб турарди. Унинг мени кўрганда бесаранжом бўлишидан раҳим келиб кетди: унинг катта одам бўлатуриб, шунчалик майда эканлиги, ҳашамати, зеб-зийнатлари ичида шунчалик бачкана эканлигидан хижолат бўлиб кетдим. У дарров уч процентли заёмдан кўрган зарари, чиқимларини гапира бошлади. Мен келишимдан мақсадимни айтганимдан кейин герцогнинг муомаласи ўзгарди. Аввал муз бўлиб турган одам бир зумда ўзгарди-қолди, муомаласи мулоимлашди; бу одамнинг шунчалик тез ўзгариши нафратланарли эди. Кейин, нима бўлганини айтмай, азиз дўстим? Кейин герцог графинянинг уйига бориб, мени ёмонлаб, ер билан яксон қилибди. Феодора менга номаълум бўлган йўллар билан унинг кўнглини олибди: у менсиз ҳам герцог билан тил топишиб, ишини битказиб олибди. Бу қандай ишлигини шу вақтгача билганим ҳам йўқ. Бу ишда мен фақат восита бўлдим холос!.. Қариндошим Феодоранинг уйига келганида аёл менга эътибор бермас, кўриб, кўрмаганга оларди. У мени биринчи марта таништирганларида ҳам шундай парвосиз қараган эди: ҳозирги бепарволиги эса аввалгидан ҳам ошиб тушарди. Бир кунни кечқурун у герцог олдида мени шу қадар ерга урдик, бундай ҳақоратни ҳеч қандай сўз билан ифода-лаш мумкин эмас. Мен шу кунни унинг уйдан йиғлаб чиқиб кетдим; шундан сўнг қиздан ўч олиш режаларини туза бошладим; ёвузликнинг энг шафқатсиз турларини ўйлай бошладим... Кўпинча граф қизи билан Италиян театрига борар эдик. Театрда ўтирганимизда вужудим севгидан селдай оқиб,

мусиқа жозибасидан роҳатланиб, унинг ҳусн-жамолини томоша қилар эдим. Мусиқа гўё юрагим торларидан чиқаётгандай, севги ва мусиқа сеҳридан бениҳоя завқ-шавқ олардим. Гўё бу ерда ҳаво, бутун атроф, саҳна ҳам менинг муҳаббатим билан тўла эди. Ҳаммаёқда менинг муҳаббатим, фақат севгилимнинг қалбида севги йўқ эди. Мен Феодоранинг кўлидан ушлаб, унинг чеҳрасига, кўзларига боқиб, одамларнинг қалбини жаранглатиб юборадиган мусиқа таъсирида бир-биримизнинг ҳис-туйғуларимиз уйғунлашиб, ҳаммаёқда бўлиб кетармикин, деб умид қилардим. Бутун вужудимдан ёғилиб турган юрагим алангаси ҳаддан ташқари порлаб кетганида қиз менга ясама бир табассум ҳадя қилиб қўярди. Одатда ҳамма салонлардаги, меҳмонхоналардаги портретларда шундай табассум бўлади. Қиз музикани тингламасди. Россияни, Чимароза, Цингареллиларнинг илоҳий саҳифалари қизда ҳеч қандай гўзал хотиралар уйғотмасди: унинг кўнгли тап-тақир, уруғ тушса унмасди. Феодоранинг ўзи томошанинг ичидаги томоша эди. Унинг лорнети — дурбини доимо ложадан-ложга сайр қиларди. Кўринишидан хотиржам, лекин безовталаниб ўтирарди. У мода — янги расм-русм қурбони эди: бутун ҳаёти ложалар, шляпалар, фойтунлар ҳамда ўзини кўз-кўзлашдан иборат эди. Кўпинча ташқи кўриниши колосса — улкан ҳайкалга ўхшаган одамлар бўлади, бундай одамларнинг тошдай танасида меҳрибон ва нозик юраги уриб туради. Граф қизининг эса нозик-нафис танаси унинг тош юрагини яшириб турарди. Мен даҳшатли илмий кузатишларим билан қизни яшириб турган жуда кўп нарсаларни очиб ташладим. Агар яхши хулқ ўзгаларни деб ўзини унуттишдан, суҳбатдошига манзур бўлиш учун мулоим гапиртишдан ва мулоим хатти-ҳаракатлардан, суҳбатдошининг ўзига ишончини оширишдан иборат бўлса, Феодора ҳар қандай айёр бўлишига қарамай, ўзининг паст табақадан чиққанини билдириб қўяди. Унинг суҳбатдошига маҳлиё бўлиши ясама эди: ўзини туттиши ҳам, муомаласи ҳам туғма эмас, балки узоқ тайёргарлик билан ҳосил қилинган эди; ниҳоят, унинг хушфёъллигида ҳам аллақандай қулларга хос нарса бор эди. Ҳайҳот! Арзандалар унинг ширин сўзларини меҳрибонлик аломати деб; таманноли оҳанжамаларини эса софдиллик жўшқинлиги деб тушунсалар-да, фақат менгина унинг ниқобларини ўргандим, мағзидан пўчоғини тозаладим. Олий жамият эса шу пўчоқни кўришдан хурсанд эди. Энди у оҳанжамалари билан мени алдаёлмасди: чулки мен унинг шуҳратга ўч қалбининг барча сирларини билар эдим. Қандайдир аҳмоқ қизга хушомад қилиб, уни кўкка кўтариб мақтаганларида унинг учун мен уялиб кетардим. Шуларнинг ҳаммасига қарамай, мен уни севардим! Шоирнинг муҳаббати унинг юрагидаги музни эритиб юборар, деб умид қилардим. Агар бирор марта унинг юрагида қизлик назокатини

уйғота олганимда эди, агар муҳаббатнинг олий қудрати бировга қурбон бўлиш эканлигини тушунтира олганимда эди, у мен учун энг баркамол сиймо, фаришта бўлур эди. Мен бу аёлни севардим, уни йигитдай, ошиқдай, санъаткордай севардим,— ҳолбуки бу аёлга етишиш учун уни севмаслик керак эди: кун-қуруқ олифта, совуққон ва мулоҳазакор йигит эҳтимол унинг юрагини забт этган бўларди. Ҳзи шуҳратпараст, феъли тор бўлгани учун у эҳтимол шуҳратпараст одамнинг гапига қулоқ солиши, ифвогар одамнинг тузоғига тушиши мумкин эди; эҳтимол, бу аёл совуққон ва қуп-қуруқ одамга бўйин эгиши мумкин. У гўллик билан ўзининг худбинлигини, манманлигини кўз-кўзлаганида даҳшатли оғриқ юрагимни ғижимлаб қолар эди. Олдиндан билардим: бир кун келиб бу қиз ҳаётда ўзининг ғам-кулфатлари билан ёлғиз қолади, ёрдам сўраб кимга қўл чўзишни билмайди, ўзича тасалли берадиган бирор дўстона нигоҳни тополмайди. Бир кун кечқурун Феодоранинг уйида унга умрининг охири ёлғизликда, ғарибликда ва ғам-қайғуда ўтишини ранг-баранг бўёқларда тасвирлаб беришга журъат этдим. Табиатнинг ўзи унинг қонунларига хиёнат қилган одамни қаттиқ жазолашини тушунтирдим. Бундай қасос манзарасига қиз тошбағирлик билан жавоб берди.

— Мен ҳамisha бадавлат бўламан,— деди у.— Олтинлар ёрдамида ҳамisha яхши яшаш учун зарур бўлган меҳрибон одамларни топиш мумкин.

Бу дабадаба, ҳашаматга хос, бу аёлга, бу жамиятга хос мантиқдан бошим тошга урилгандай бўлиб, аҳмоқона саждағўйлигим учун ўзимни лаънатлаб, чиқиб кетдим. Полинани камбағаллиги учун яхши кўрмасдим, бадавлат Феодора ҳам Рафаэлни камбағаллиги учун яхши кўрмаслиги мумкин-ку? Энг покиза ҳакам ўзимизнинг виждонимиз. Агар виждонимизни ютмаган бўлсак, албатта.

Кўнглимдаги файласуф-софист «Феодора ҳеч кимни севмайди ҳам, ҳеч кимни рад этмайди ҳам!»— деб ҳайқирарди,— у эркин қуш, аммо бир вақтлар олтин учун сотилган, рус графига, эрими, ўйнашими, ўшанга ўзини топширган. Ҳали турмушида яна шунақа йўлдан озишлар бўлади! Тўхтаб тур, ҳали бир кун қўлимга тушасан! Покиза ҳаммас, фоҳиша ҳаммас, инсонликдан олисда, ё дўзахда, ё жаннатда яшайди. У атлас, шойи, чиройли гулдор нафис либосларга бурканган аёлнинг сири менга тинчлик бермасди, мағрурлик, иззат, нафсоният, муҳаббат, қизиқиш юрагимни ўртарди... Мода бўлгани учунми, ёки ўзларини кўрсатиш учунми, ёки бошқа сабабданми, ўша вақтларда хиёбондаги кичкина бир театрни мақташни яхши кўришарди. Графиня башарасига ун чаплаган, баъзи ақлли, ҳушли одамларга ҳам ёқадиган бир актёрни кўриш истагини билдирди; мен хонимни аллақандай аҳмоқона бир фарс — енгил ҳажвий асарнинг бирин-

чи томошасига кузатиб боришга мушарраф бўлдим. Ложа фақат беш франк турарди, лекин менда бирор чақа, мана шу лаънати бирор чақаям йўқ эди. Ҳали мемуарларнинг ярим томини ёзиб тугалламаганман, шунинг учун Финодан қалам ҳақи сўрашга юрагим бетламайди, ҳимоятпаноҳим Растиньяк эса, сафарда эди. Пулсизлик, муҳтожлик доимо ҳаётимни оғулаб турарди. Бир марта ёмғир шаррос қуйиб турганда Италия театридан чиқдик. Феодора файтун топишни буюрди. Ёмғирда юришни яхши кўришимни, қиморхонага шошаётганимни айтиб, ҳар қанча баҳона қилсам ҳам, у ясама ғамхўрлигини қўймай, қайсарлик қилиб туриб олди. У менинг саросимага тушганимни, ўзимни қийнаб, ҳазиллашишга уринишимни кўриб турса ҳам, ёнида пули йўқдир, деб ўйламасди. Аламимдан кўзларимга қон тўлди, лекин бу қиз менинг кўзимдаги бирорта маънони уқармиди? Ешларнинг турмушида ғалати тасодифлар учраб туради. Файтунда борар эканман, ёилдиракларнинг ҳар айланиши менда янги-янги фикр уйғотар, юрагимга азоб берар эди; бир кўнглим, каретанинг орқасидаги тахта деворни тешиб тош йўлга сирпаниб тушиб қочишни ҳам ўйладим, лекин бунинг иложини қилолмадим. Асабим кўзғалиб жиннига ўхшаб хаҳолаб кула бошладим, сўнг шармандалиқ устинига боғлаб қўйилган жиноятчидай ҳушсиз бир хотиржамликка берилдим. Уйимга етишим билан, Полина югуриб чиқди, гапиришга энди оғиз жуфтлаганимда у гапимни бўлди:

— Агар майда пулингиз бўлмаса, мана бунинг...

Оҳ, бу сўзлар жозибаси олдида Россия музикаси ҳеч гап бўлмай қолади! Лекин, ҳали Фюнамбюль театри ҳақида гап бошлаган эдим. Граф қизини кузатиб боришга муяссар бўлиш учун онамнинг сурати солинган олтин ҳошияни гаровга қўйишга қарор қилдим. Қарз кассаси кўзимга худди каторгага олиб борувчи дарвоза бўлиб кўринарди. Аммо, ҳар ҳолда, тиланчилик қилгандан кўра бор нарсангизни қарз кассасига ўзингиз элиб берганингиз яхши-да. Бировдан пул сўраганингизда у сизга шундай қарайдики, бу қарашдан дилингиз вайрон бўлади! Кимдай қарз сўраш масаласи — ор-номус масаласи. Дўст одамнинг илтимосингизни рад этиши ҳам охиригидан умидларингизни чил-чил қилади. Шу вақт Полина ишларди, онаси уйқуга ётганди. Пашшахонанинг бир учи хиёл кўтарилган кароватга кўз қирини ташладим — Годен хоним қаттиқ ухлаётган бўлса керак: ястиқдаги сарғиш бошига соя тушиб турарди.

— Қайфиятингиз йўқроқми?— сўради Полина мўйқаламни бўяётган елпигичи устига ташлаб.

— Бўтам, сизнинг жуда катта ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

Қизнинг юзи бахтиёрликдан ял-ял ёнарди, ҳатто бундан чўчиб кетдим.

«Наҳотки» у мени севиб қолган бўлса?» деган фикр ҳаёлимга келди.

— Полина!..— гап бошладим яна.

Мен қизни яхшироқ кузатиш учун унга яқинроқ бориб ўтирдим. Овозимдаги синов оҳангини у дарров тушунди; кўзларини ерга тикди; мен унинг кўнглида нима борлигини уқиш мақсадида яхшироқ қарадим,— содда ва бегубор эди унинг кўзлари.

— Сиз мени севасизми?— деб сўрадим.

— Севади-севмайди...— ҳазиллашиб кулди қиз.

Йўқ, у мени севмаса керак. Унинг ҳазил оҳангида ва мафтункор хатти-ҳаракатларида ёш ва шўх қизларга хос хурсандлик бор эди. Мен унга пулсиз қийналаётганлигимни, қийин аҳволга тушиб қолганлигимни айтиб, қарз кассасидан пул олишга ёрдам беришни сўрадим.

— Бу қанақаси?— деди у.— Қарз кассасига ўзингиз борингиз келмайди-ку, мени юборасизми?!

Болаларча содда мантиқ олдида уялиб қизариб кетдим. У беихтиёр оғзидан чиқиб кетган таъна сўзларини юмшатиш мақсадида қўлларимни ушлаб олди.

— Майли, у ёққа бориб кел, десангиз борар эдим, лекин бунинг ҳожати йўқ,— деди у.— Бугун эрталаб хонангиздан беш франкдан иккита танга топиб олдим, тангалар фортепиано тагига думалаб кетган экан, сезмай қолибсиз. Столингизнинг устига қўйиб қўйдим.

— Сиз яқинда бойиб кетасиз, Рафаэль,— гапга қўшилди пашшахонадан бошини чиқариб, мурувватли Годен хоним.— Унгача мен бир неча экю қарз бериб турақолай.

— Полина!— ҳайқирдим мен қизнинг қўлларини қаттиқ қисиб,— тезроқ бойиб кетсам эди!

— Нима учун?— сўради шўхлик билан қиз.

Қизнинг қўллари менинг қўлларимда титрар, юрагимнинг уришига ҳамоҳанг гупиллаб турарди; у тезгина қўлларини тортиб олди ва менинг кафтларимга қаради:

— Бадавлат аёлга уйланасиз, лекин у сизни хароб қилади... Вой, худойим,— ҳа, у сизни ҳалок қилади! Кўнглим сезиб турибди.

Қизнинг овозида онасининг ақл бовар қилмайдиган фолбинлигига ишонч бор эди.

— Ҳамма нарсага ишонаверасизми, Полина!

— Албатта, ишонаман, сиз севиб қолган аёл сизни ҳалок қилади,— деди у менга даҳшат билан қарар экан.

Қаттиқ ҳаяжонланган қиз яна мўйқаламини — чўткасини қўлига олди, бўёққа ботирди ва ортиқ юзимга қарамади. Шу лаҳзаларда даҳшатли аломатларга жуда ишонгим келиб кетди. Одам агар хурофотчи бўлса, бутунлай бахтсиз бўлмайди. Хурофот кўпинча орзу-умиддан келиб чиқади. Хонамга кирганимда, ростдан ҳам Полина айтган иккита чиройли

экюга кўзим тушди, булар қаёқдан келганига ақлим бовар қилмасди. Кўзим уйқуга илиниб кетаётган бўлса ҳам, нимага қанча харажат қилганимни ҳисоблаб, бу пул қандай ошиб қолганлигини билмоқчи бўлдим. Фойдасиз ҳисоб-китобларнинг бош-учини тополмай, чарчаб ухлаб қолибман. Эртасига ложага билет олиш учун энди кўчага чиқмоқчи бўлиб турганимда Полина кириб келди.

— Сизга балки ўн франк камлик қилар,— юзига қизиллик югуриб, деди меҳрибон, азиза қиз,— ойим мана бу пулларни бериб қўй, деб айтди... Олинг, олаверинг!

Полина столга уч экю қўйиб қочиб кетмоқчи эди, уни тўхтатиб қолдим. Ҳайратланганимдан, кўзимга келган ёш ҳам қуриб қолди.

— Полина,— дедим унга,— сиз фариштасиз! Мени бу пуллар эмас, уларни соф кўнглида таклиф қилаётганингиз қойил қолдирапти. Мен бадавлат, юксак маданиятли, мансаб-мартабали қизга уйланишни орзу қилган эдим. Ҳайҳот, энди ўзим миллионлар эгаси бўлганимда сиздай ёш қизни, фақир бўлсаям, руҳан бой қизни учратсам бошим кўкка етарди; мен машъум ишқибозлигимдан воз кечардим, ахир бу ишқибозлик мени хароб қиляпти. Сиз билиб айтган экансиз.

— Бўлди!— деди у ва қочиб кетди.

Зинапояда унинг булбулдай товуши эшитилди.

«Ҳали севмаган бўлса бахтли экан!» дея, севги азоб-кулфатларини эсладим. Мана, уч ойдан буён ўзим ана шу кулфатлардан бошим чиқмай қолди.

Полинанинг ўн беш франки ниҳоятда асқотиб қолди. Феодора залда, оддий халойиқнинг ҳиди келиб турган жойда бир неча соат ўтириш қийин бўлади, деб гулдаста хоҳлаб қолди. Ташқарига чиқиб, гулдаста топиб келдим, унга қўшиб, бутун ҳаётимни, бор-бисотимни ҳам топширдим. Гулдастанинг нархи шундай қиммат эдики, олий жамиятдаги шартли расм-русмлар камбағал одамни хонавайрон қилишини ўйлаб қолдим. Кўп ўтмай, Феодора мексика ясмин гулининг ўткир ҳидигаюм, томоша залигаюм, қаттиқ ботадиган ўриндиқларгаюм тоқат қилолмай, «Нега бу ерга обкелдингиз?»— деб таъна қила бошлади. Енида мен ўтирган бўлсам-да, бари бир кетишни хоҳлаб қолди; кетди ҳам. У билан шундай ёнма-ён ўтиришни икки ой орзу қилиб, кечалари ухламай чиққан эдим, бари бир кўнгли тўлмади! Ҳеч қачон бу иблис менга шу қадар гўзал, шу қадар ҳиссиз кўринмаган эди. Йўлда тор фойтунда ёнмаён ўтирар эканмиз, унинг нафасини сезардим, хушбўй қўлқопи қўлимга тегиб турарди; ёнгинамда бир дунё ҳусн, мушк-анбар ҳиди — энг гўзал аёл бораётган эди; шунга қарамай, бу одам сира-сира аёлга ўхшамасди. Тўсатдан, бир лаҳзада бу сирли аёл ҳаёти мен учун туб-тубигача ёришиб кетди. Бир шоирнинг яқинда

чиққан китобини эсладим. Унда чинакам шоирона фикр Поликлет санъати билан қўшилиб кетганди. Назаримда, китобда тасвирланган махлуқ офицер қиёфасига кириб, қутурган отни жиловларди, ёшгина қиз қиёфасига кириб, ясан-тусан қиларди: гоҳо қиз қиёфасида ошиқ йигитларни қийнаб, азобларди; гоҳо ошиқ йигит қиёфасида мулойим ва камтарин қизга азоб берарди. Феодоранинг сирини бошқача йўл билан очишимга кўзим етмагани учун, унга мана шу фантастик воқеани гапириб бердим. Аммо, Феодора бу воқеанинг ўз ҳаётига алоқадор эканлигини заррача пайқамади. Фақат ёш бола «Минг бир кеча» эртақларини эшитиб ҳаяжонланганидай, у ҳам даҳшатли воқеани бир эрмак, деб қабул қилди.

«Эҳтимол, Феодоранинг ҳаммадан яширадиган қандайдир сири бордир, шунинг учун у ҳар қандай ёш, жўшқин юракли йигитларнинг эҳтиросига, гўзал дардига чалинмаса керак,— деб ўйлаб қолдим йўлда, уйга қайтар эканман.— Эҳтимол, леди Делакур сингари унга ҳам рақ касали азоб берар? Ҳар ҳолда, бу жувоннинг турмушида қандайдир сунъийлик бор».

Бу фикрдан аъзойи баданим титраб, қалтираб, қақшаб кетди. Шу вақт хаёлимга энг ғалати, аҳмоқона, айни вақтда, ошиқ учун оқилона бир ният келиб қолди. Бу аёлнинг руҳий оламини чуқур ўргандим, энди унинг жисмини, вужудини ҳам яхши ўрганиш учун ўзига билдирмасдан ётоқхонасида бир кеча тунаб қолиш керак. Қорсика роҳибининг юрагини қасос ўти кемирганидай, менинг ҳам қалбимни мана шу ният оташи ўртар эди. Охири ниятимни мана бундай амалга оширдим. Феодоранинг меҳмон кутадиган кунлари уникига шу қадар кўп халойиқ тўпланадики, швейцар — дарвозабон ҳам ким қолди-ю, ким кетди, билмаслиги мумкин эди. Феодоранинг уйда сездирмасдан қолиб кетишга ишониб, қачон яна бу ерда базм бўлишини сабрсизлик билан кута бошладим. Қийинаётиб, бошқа қуролим бўлмагани учун инглизча қаламтарошимни жилетимнинг чўнтагига солиб қўйдим. Шоирнинг чўнтагида қаламтарош топилса, ҳеч ким шубҳаланмайди. Бу романтик ниятим оқибати нима билан туғашини билмаганим учун, ҳар эҳтимолга қуролланиб олишни маъқул кўрдим.

Хоналар меҳмонхонага тўла бошлаганида ётоқхонага ўтиб ҳаммаёқни кўздан кечирдим; деразаларнинг панжаралари ёпиқ экан,— ишининг бошланиши чакки эмас; хизматкор қиз дераза пардаларини тушуриш учун кириб қолмасин, деб боғичларни ўзим ечиб қўйдим: хизматкордан олдин унинг уй ишини қилиб қўйиш хавfli эди, лекин, қиладиган ишим бундан ҳам хавfli бўлгани учун ўзимни хотиржам тутдим. Ярим кечага яқин деразанинг тоқчасига беркиниб олдим. Оёқларим кўришиб қолмаслиги учун деворга қапишиб, дера-

занинг қулфидан ушлаб олганимча нақшин деворнинг раҳига чиқиб олдим. Бундай аҳволда мувозанат сақлаб туриш учун дераза пардаси билан менинг орамдаги масофани чамалаб, таянч нуқтасини топиб олдим. Вазиятнинг қийинчиликларига анча ўрганиб қолганимдан кейин бу ерда ҳеч кимга билдирмай, истаганимча туришим мумкин эди. Фақат йўталмасам, акс урмасам бўлди. Беҳудага чарчаб қолмаслик учун зарур вақт келгунича полга тушиб турдим. Ҳали вақти келганида тўрдаги ўргумчакдай осилиб туришим мумкин. Оқ ялтироқ қалин муҳайяр ва ипак — муслин пардалар органун найларидай қатланиб турарди. Қаламтарошим билан тешик очиб олдим — тешикдан ҳамма нарсани кўриб туришим мумкин. Нариги хоналардан меҳмонларнинг гурунги, кулгиси, қийқириқлари эшитиларди. Шовқин-сурон ва гивир-гивирлар аста-секин тина бошлади. Бир неча эрмак меҳмон граф қизининг комоди — кийим-кечак жовонидан шляпаларини олиш учун киришди. Комод ёнгинамда эди. Баъзилари пардаларга тегиб-тегиб кетишарди. Баъзи одамларнинг хаёл билан беихтиёр ҳаракат қилиб у ёқ-бу ёқни сийпаб кўришини эслаганимда вужудимни қалтироқ босди. Охири бундай кўнгилсизликлардан ҳам қутулдим, ниятим муваффақиятли амалга ошишига кўзим ета бошлади. Охири шляпани Феодорага ошиқ бўлган бир чол олиб кетди. У ўзини хонада ёлғиз деб ўйлаб, каравотга кўз қирини ташлади ва оғир хўрсиниб, уф тортиб қўйди, унинг охиға қандайдир қизғин бир хитоби ҳам қўшилди. Графиня ётоғи ёнидаги пардозхонасида яна беш-олтита дўстига чой таклиф қилди. Шу ерда ғийбат, кесатиқлар пиёла ва қошиқчаларнинг жаранглашига қўшилиб кетди (ҳозирги жамиятимизнинг бирдан-бир ишонадиган нарсаси — ғийбат бўлиб қолган). Растиньяк менинг рақибларимни аямай, ўткир пичинглар билан масхаралар, бунга меҳмонлар ичаклари узилгудай хахолаб кулишарди.

— Жаноб Растиньяк шундай одамки, у билан айтишиб бўлмайди,— деди кулиб графиня.

— Тўғри,— деди Растиньяк соддадиллик билан.— Мен доим нафратланганимда ҳақ бўлганман. Дўстлашганимда ҳам,— қўшиб қўйди у. Душманларим тўғриси, менга дўстларимдан кўра кўпроқ фойда етказишади. Мен ҳозирги одамларнинг тилини, бир-бирига ташланишиганида қандай қувликлар қилишини махсус ўрганиб чиққанман. Министрларнинг гапдонлиги — жамиятимизнинг ютуғи. Агар ўртоғингизда ақл камроқ бўлса, сиз унинг ҳалоллигини, оқкўнгиллигини мақтанг, янглишмайсиз. Бошқа бир ошнангиз ўқиш қийин бўлган каттакон китоб чиқарса,— сиз унинг меҳнаткашлигига таҳсин ўқинг: агар китоб яхши ёзилмаган бўлса, ғоялари яхши деб мақтанг. Учинчи ўртоғингиз ҳеч нарсага ишонмайди, ҳар лаҳзада фикрини ўзгартириб туради, унга

суяниб бўлмайди — лекин сиз унинг ширин, жозибали одамлигини, ҳаммани мафтун қилишини айтинг. Агар душманларнинг ҳақида гап борса, ҳеч аямай ҳамма гуноҳларни уларга юкланг, уларни ўлик деб ҳисоблайверинг. Бу борада гапирганда бошқача йўл тутасиз: дўстларингизнинг фазилатларини қанчалик ошириб кўрсатсангиз, душманларингизнинг иллатларини ҳам шунчалик ошириб кўрсатинг. Одоб-ахлоқ масалаларини текшираётганингизда каттайтирувчи ёки кичрайтирувчи ойналардан қанчалик моҳирона фойдаланиш — олий жамиятда суҳбатлашиш сирини ва сарой амалдорлари санъатини билиш демакдир. Бундай қуролларни ишлатмаслик худди рицарлардай совут — яроғли одамларга қарши қуролсиз жанг қилиш билан тенг. Мен бўлсам бундай қуроллардан фойдаланаман! Ҳатто баъзан улардан керагидан ошиқча фойдаланвораман. Шунинг учун ҳам мени ва дўстларимни ҳурмат қилишади, чунки бу ёғиниям айтиб, қўя қолай, қиличим ҳам тилимдай кескир, жаноблар.

Феодоранинг энг оташин муҳлисларидан бири, сурбетлиги билан машҳур (худди шу хислати туфайли жамиятда эътибор топган) йигит Растиньяк нафрат билан ерга ташлаган қўлқопини кўтариб олди! — у билан курашга кирди. У менинг тўғримда гап бошлаб, истеъдод, қобилиятларимни ва ўзимни ошириб мақтай бошлади. Ғийбатнинг бу турига Растиньяк парво қилмади. Графиня эса кесатиқ, мақтовларни тушунмасдан, мени аямай ерга ура бошлади; суҳбатдошларини кулдириш учун у менинг сирларимниям, даъволаримниям, орзу-умидларимниям аямай фош қила бошлади.

— Бу йигитнинг келажаги бор, — деб, эътироз билдирди Растиньяк. — Вақти келиб, у мана шу гапларингизнинг ҳаммаси учун ўч олиши мумкин; унинг қобилиятларига яраша жасурлиги ҳам бор; шунинг учун унга тил тегизадиган одам ботир бўлиши керак, негаки унинг хотираси ҳали ўтмаслашмаган...

— Шунинг учун «хотиралар» ёзади — гапни илиб кетди графиня, Растиньякнинг сўзларидан кейин ҳамма жим бўлиб қолганлигидан ғаш келиб.

— ...Сохта графинянинг хотираларини ёзади, хоним, — жавоб берди Растиньяк. — Бундай хотираларни ёзиш учун алоҳида жасурлик керак.

— Унда жасорат кўплигига шубҳа қилмайман, — деди графиня. — У менга содиқ одам.

Шу пайт мени масхаралаётган одамлар ўртасида «Макбет»даги Банкониинг арвоҳига ўхшаб тўсатдан пайдо бўлиб қолсаммикин, деган фикр хаёлимга келди. Шундай қилсам, севгимдан айрилардим, ахир унинг ўрнига дўстим бор-ку! Аммо, севгим туфайли мен қўрқоқ ва айёр бўлиб қолгандим, бу зиддиятли ҳоллар ғам-кулфатимизни ҳам ўзимизга унчалик сездирмайди.

«Эҳтимол, Феодора мени севганини яшириш учун аёвсиз ҳазиллар билан ҳаммани чалғитаётгандир? — деган ўйга бордим. — Ахир неча марта кўрганман, юракдан бошқа гап, сиздан бошқа гап чиқади-ку!»

Охири графиня билан бир ўзи қолган шаддод рақибим ҳам кетишга чоғланди.

— Наҳотки! Дарров-а? — нозли эркалаб гапирди графиня, бундан бутун вужудим қақшаб кетди. — Яна бир лаҳза вақтингизни мендан аяйсизми? Демак, менга айтадиган ҳеч қандай гапингиз қолмапти-да? Мени деб, бирорта эрмагингиздан воз кечолмайсизми?

Меҳмон кетди.

— Уф-ф! — ҳайқирди қиз эснаб. — Ҳаммаси ўлгудай зикр одамлар!

Графиня жаҳл билан сонетканинг боғичидан тортиди, хонада қўнғироқ жиринглади. Графиня „Pris che spunti“¹ — дея куйлаганича ётоғига кирди. Унинг куйлашини ҳеч ким ҳеч қачон эшитмаган; бу «гунглик»дан ҳамма ҳар хил хаёлга борар эди. Айтишларича, бу қизнинг биринчи севгилиси жуда рашкчи экан, у графинянинг куйлаш талантига мафтун бўлиб, «Мен ўлганимдан кейин ҳам ҳеч кимга куйлаб бермайсан», — деб шарт қўйган, қиз эса: «Айтганинг бўлсин, сенга бахш этилган лаззатлар бошқа ҳеч кимга ҳасиб этмайди», — деб ваъда берган эмиш. Бу оҳангларни симириш учун бутун вужудимни қулоққа айлантирдим. Феодора яна баланд, янада баланд авж ола бошлади; ўзининг овозидан ўзи ҳузурланар, товуши тобора ранг-баранг оҳанглар билан бойир, куй қандайдир илоҳий қудрат касб этар эди. Графиня оҳангни яхши ҳис қиларди, товуши жарангли ва тиниқ эди, овозининг аллақандай ғаройиб лаззатбахш товланишлари юракни орзиқтириб юборарди. Мусиқачи аёллар деярли ҳаммиша ошиқ бўлишади. Шундай ажойиб куйлаган аёл сева билиши ҳам керак эди. Товушининг гўзаллиги усиз ҳам сирли бўлган бу аёлнинг яна бир сири борлигини кўрсатарди. Ҳозир сени қандай кўриб турган бўлсам, унияш шундай кўриб турардим; чамамда, у ўзининг овозидан ўзи лаззатланарди; севгидан маст одамдай куйларди. Феодора мана шу рондонинг асосий мавзуини тугаллаб бўлиб, камии-ўчоқ олдига келди. Лекин, жим бўлиб қолиши билан унда хунук бир ўзгариш юз берди, чеҳраси сўлғинлашди, бутун вужуди ҳорғин тус олди. Актрисалик ниқобини ечгандай бўлди — ролини ўйнаб бўлди. Аммо унинг мана шу сўлғин гўзаллиги ҳам одамни мафтун қиларди. Бу сўлғинлик балки актрисаликнинг қийинлигидан ёки бутун базм кечаси асабларини таранг тутиб, чарчаганидан бўлса керак.

¹ «Тонг отгунча» [италь.] Чимарозанинг «Махфий никоҳ» операсидан.

«Хозир у ҳақиқий ўзи бўлиб қолди!»— ўйладим мен.

Феодора исинишни хоҳлагандай, бир оёғини бронза ўчоқ панжарасига қўйди, қўлқопларини ечди, билагузукларини олди, қимматбаҳо тошлар билан безатилган атр шишачаси осилган олтин занжирчани бошидан ошириб чиқарди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати чиройли, одамни мафтун қиларди. Худди мушуклар офтобда ювинаётганда шундай ширин кўринишади. Феодора кўзгуга қаради ва ўзи-ўзига ёқмади:

— Бугун унчалик чиройлимасман,— деди овозини чиқариб.— Юзимда ранг қолмаяпти, даҳшатли даражада тез қариябман... Бундан буён вақтлроқ ётиш керак, одамни толиқтирадиган базмларни бас қилиш керак... Аммо, нимага Жюстина кирмаяпти, нима, мени калака қилмоқчими?

Феодора яна бир марта қўнғироқни жиринглатди; хизматкор қиз югуриб кирди. Унинг хонаси қаерда экан, билмадим,— тепадан, яширин зинадан тушиб келди. Мен хизматкор қизга қизиқиб қарадим. Бу қиз одатда меҳмонларга кўринмас, аммо мен шоирона хаёлим билан баланд бўйли, хушқад, қорамағиздан келганлигини сезардим.

— Чақирдингизми, бекам?

— Икки марта чақирдим!— жаҳл қилди Феодора.— Нима, қулоғингни том босганми?

— Сўзга бодомли сут тайёрлаётгандим.

Жюстина тиз чўкиб, ўчоқ олдидаги креслога ястаниб, қўли билан сочини тутамлаганича эснаб ўтирган бекасининг оёқларидан котурнга ўхшаш баланд пошнала бошмоқчасининг ипини еча бошлади. Феодоранинг ҳамма ҳаракатлари табиий эди, мен тахмин қилган яширин изтиробларнинг ва эҳтиросларнинг ҳеч қандай асари кўринмасди.

— Жорж севиб қолипти,— деди Феодора,— унинг ҳисобини бервориш керак. У бугун яна дераза пардаларини тортиб қўйди. Бу билан нима демоқчийкин?

Дераза пардалари ҳақидаги гапдан юрагим шувиллаб кетди, лекин графиня бу ҳақда бошқа гапирмади.

— Ҳаёт бирам зерикарлики!— давом этди у.— Уҳ, яна кечагидай тирнаб олмагин, тагин, мана, қара, ҳалиям тирноқларингни изи турипти.

Графиня яланг оёқларини оққуш патидан ясалган барқут туфлига қўйди ва кўйлагини еча бошлади, Жюстина эса бекасининг сочларини тузатиш учун қўлига тароқ олди.

— Бекам, сиз эрга чиқсангиз, фарзанд кўрсангиз, яхши бўларди...

— Нима, нима? Фарзанд кўрсангиз? Оғримаган бошимга шу етмай турувди,— чинқирди Феодора.— Эр дейсан. Мени оладиган эркак ҳали онасидан туғилмаган... Қалай, бугунги соч турмаклашим чиройлимиди?

— Унчалик эмас.

— Аҳмоқ!

— Соч пахмайтириш сизга ярашмайди,— давом этди Жюстина,— сизга йирик гажак кўпроқ ярашади.

— Наҳотки?

— Тўғри-да, бекам, соч пахмайтириш оқ-сарик аёлларга ярашади, холос.

— Эрга чиқиш? Йўқ, йўқ. Мен никоҳ учун туғилмаганман.

Ошиқ йигит учун бундай манзарани кўришдан ҳам ортиқ азоб борми? Қариндош-уруғлариям, ёр-дўстлариям йўқ сўққабош аёл; муҳаббатга ишонмаса, ҳеч қандай туйғуга ишонмаса. Ҳар қандай вужуднинг эҳтиёжи бўлган ҳасратлашишга лаёқатсиз аёл, у фақат хизматкори билан сал-пал лақиллашдан бошқа, кўнглини ҳеч кимга ёзолмаса, умумий гаплардан ёки майда-чуйдалардан нарига ўтмаса!.. Шу тобда Феодорага раҳим келиб кетди. Жюстина бекаси эғнидаги либосларнинг боғичларини еча бошлади. Хонимнинг устидан охирги либослари тушгунча унга қизиқиб қараб туравердим. Унинг қизларга хос дуркун кўкраги кўзимни қамаштириб юборди; шаъм ёруғида оқ-пушти ҳарир ич кўйлаги ичидан кўриниб турган бадани худди ҳарир чойшаб ичидаги кумуш ҳайкалдай, тоза эди. Баданида севгилиснинг шаддоларча пазаридан уяладиган ҳеч қандай нуқсонини йўқ эди. Ҳайхот, гўзал бадан ҳамиша одамларнинг энг тажовузкор ниятларидан ҳам ғолиб чиқади. Бека олов ёниб турган ўчоқ олдидаги ўтирди, у жим, ўйчан эди; хизматкор эса бу вақтда бекасининг каравоти маҳфилига осилган ганч қандилдаги шаъминини ёқаётган эди. Сўнг Жюстина илитгич-грелка олиб келди. Бекасининг ўрин-тўшагини солиб, ётқизиб қўйди. У яна бир дунё майда-чуйда хизматларни бажарди, буларнинг ҳаммаси Феодоранинг ўзига ниҳоятда бино қўйишидан далолат берарди. Графиня у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилди; негадир у ҳаяжонланар, хўрсинар эди; лабларидан аниқ тушуниш қийин бўлган, лекин аёлнинг бетоқатлигини англатувчи товуш сизилиб чиқди; столчага қўл узатиб, шишадагини олди-да, сутга қандайдир қорамтир суюқликдан бир неча томчи қўшиб ичди; ниҳоят неча бор хўрсинганидан кейин:

— Ё худойим!— деб хитоб қилди.

Бу сўзлар, муҳими, бу сўзларнинг жуда ғалати маънода айтилиши ич-ичимни ўртаворди. Аста-секин у қимирламай қолди. Бирдан қўрқиб кетдим; лекин кўп ўтмай ухлаётган одамнинг равон ва чуқур нафас олиши эшитила бошлади; дарпардаларни шириллатиб, аста бир четини очдим, пистирма жойимдан чиқдим, карвотга яқинлашдим ва сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада завқ билан графиняга тикилдим. Шу лаҳзада у ниҳоятда чиройли, ширин бўлиб кетган эди; у ёш боладай қўлларини бошига қўйганича чалқанча ётарди, нақшин ҳарир пардаларнинг тешик гуллари орасидаги чеҳраси шундай офатижон эдики, уни кўриб бутун вужудим ловуллаб ёниб кетди. Мен ўзимни тутолмай қоли-

шимни назарга олмаган эканман, бу ерда қандай азобланишимни билмаган эканман: ҳозир бу гўзалга шунчалар яқин ва шунчалар узоқ эдим! Ўзимга-ўзим қилиб, ҳамма азоблар ичида қовурила бошладим! «Ё худойим!» Менга номаълум бирор фикрнинг парчаси бўлган, мени минг хил ҳаёллар кўчасига олиб борган бў сўз Феодора ҳақидаги тасаввурларимни бирдан ўзгартириб юборди. Бу хитоб ҳеч қандай маъносиз ёки, жуда чуқур маъноли бўлишям, тасодифий ёки жуда асосли бўлишям мумкин эди; бу сўз бахтиёрликни ёки қайғу-кулфатни, жисмоний оғриқни ёки ташвишни англатиши мумкин эди. Эҳтимол, бу қарғиш ёки илтижодир, эҳтимол ўтмиш ёки келажак ҳақидаги ўйдир, мотамзадалик ёки хавфсирашдир? Бу сўзларда бутун умр мазмуни, қашшоқликда ёки фароғатда ўтган умр мазмуни бор эди; бу сўзларда ҳатто жиноят яширинган бўлиши мумкин! Яна бу гўзал қиёфасидаги топишмоққа учрадим: Феодоранинг қандай одамлигини шунчалик кўп йўллар билан тушунтириш мумкин эдики, оқибатда уни тушунтириш мумкин бўлмай қоларди. Уйқудаги гўзал нафасининг гоҳ заиф, гоҳ аниқ эшитилиши, гоҳ енгиллашиб, гоҳ оғирлашиши назаримда худди маъно ва туйғу англатадиган гапга ўхшарди. Унинг уйқусини, кўраётган тушларини билишга интилардим, шу йўл билан унинг сирларини билишни умид қилардим; жуда кўп қарорлар, хулосалар орасида иккиланиб, ҳеч бир қарорга, ҳеч бир хулосага келолмай қийналардим. Мана шу гўзал, сокин ва тиниқ чеҳрага термулар эканман, бу аёлнинг юраги йўқлигига ишонгим келмасди. Яна бир уриниб кўрсаммикин? Унга ўз ҳаётимни, севгимни, чеккан азобларимни айтиб берсаммикин? Балки шундай қилсам, раҳми келиб йиғлармикин? Ҳеч қачон йиғламаган одам балки йиғлаб юборар? Мана шу сўнги тажрибага бор умидларимни тикиб турган вақтимда бирданига кўчада бошланган ҳаракат шовқини ҳаёлимни бўлди. Бир зумгина Феодорани кучоғимда уйғонаётгандай тасаввур қилдим. Мен секингина унинг қўйнига кириб олишим ва бағримга босишим мумкин эди. Бу фикр юрагимни ўртаб ёндирворди. Мана шу ниятимдан қутулиш учун, эҳтиёткорликниям унутиб, меҳмонхонага югуриб чиқдим. Бахтимга, тор зина йўлакка олиб чиқувчи яширин эшикка дуч келдим. Уйлаганимдай, калит қулфнинг ўзида экан. Шартта эшикни очдим, дадил ҳовлига чиқдим ва уч сакрашда кўчага чиқиб қолдим.

Икки кундан кейин бир автор графинянинг уйида янги комедиясини ўқиб берадиган бўлиб қолди. Ҳаммадан кейин қолиб, Феодорадан эртага кечқурун эшигинингизни ҳамма учун ёпиб, бутун вақтингизни менга бағишласангиз деб илтимос қилиш ниятида у ерга бордим. Лекин ҳамма кетганидан кейин графиняга гапиришга журъатим етишмади. Соат кафгирининг ҳар бир чиқиллаши мени кўрқитарди. Чоракам ўн икки бўлди.

«Агар графиня билан ҳозир гаплашмасам, бошимни мана шу каминга уриб ёриш қолади», ўйладим ичимда.

Ўзимга уч минут муддат бердим; аммо уч минут ўтиб кетди, бошимни каминга уриб ёрмадим ҳам, юрагим сувга чўккан қозонювғичдай оғирлашиб қолди.

— Сиз бугун жуда сермулозаматсиз,— деди у.

— Эҳ, агар кўнглимда нималар борлигини тушунсангиз эди!— ҳайқирдим мен.

— Сизга нима бўлди?— сўради у.— Рангингиз оқариб кетяпти.

— Мен сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиману лекин кўрқябман.

У айтаверинг, дегандай имо қилди. Мен алоҳида учрашишимиз кераклигини айтдим.

— Майли,— деди графиня.— Лекин кўнглингиздагини ҳозир айтаверсангиз бўлмайдимиз?

— Хаёлингизга бошқа гап келмаслиги учун айтиб қўйишим керак, сиз менга жуда катта яхшилик қилябсиз; шу кечани фақат сизнинг ёнингизда, ака-сингилдай ўтказишни хоҳлайман. Кўрқманг, мени яхши кўрмаслигингизни билман; феълимни яхши биласиз, сизга заррача зарарим тегмайди. Бунинг устига, шаддод одамлар бу хилда муомала қилишмайди. Менга дўстлигингизни исбот этдингиз, оқкўнги, мурувватлисиз. Шунинг учун билиб қўйинг, эртага мен сиз билан бутунлай хайрлашаман... Яна гапингиздан қайтиб ўтирманг!— ҳайқирдим, графинянинг гапга оғиз жуфлаганини кўриб ва шошиб чиқиб кетдим.

Шу йилнинг май ойида, оқшом соат саккизларда Феодора иккимиз унинг гота услубидаги будуарида — хилватхонасида ўтирардик. Энди ҳеч нарсадан кўрқмасдим, бахтим очилишига ишонардим. Мен севгимга эришаман ёки ўзимни ўлимнинг кучоғида кўраман. Лаънат бўлсин, журъатсиз севгимга! Одам ўзининг заифлигини англаганида, ўзини бақувват ҳис қилади. Ҳаворанг кашмирий қўйлакда графиня диванга ёнбошлаб олганди; оёқларини пастдаги ястиқчаларга ташлаб олганди. Шарқона ипак лачак унга тагин ҳам ғайрича кўрк бахш этганди. Рассомлар одатда қадимги ибрийларни шундай лачакда тасвирлашади. Чеҳраси ҳар лаҳзада жонибали жилваланиб турарди, бу жилвалар шуни кўрсатадики, биз одамлар ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасида янги-янги, бетакрор қиёфаларга кирамиз. Бу қиёфалар бизнинг илгариги «мен»имизга, келгусидаги «мен»имизга ҳам ўхшамайди. Феодора ҳеч қачон бугунгидай мафтункор бўлмаганди.

— Биласизми,— деди у кулиб,— сиз мени жуда қизиқтириб қўйдингиз.

— Қизиқиб янглишмагансиз!— дедим совуққонлик билан. Графинянинг ёнига ўтириб, унинг қўлларини ушладим, у қаршилиқ қилмади.— Сиз ажойиб кўйлар экансиз!

— Лекин сиз ҳеч қачон куйлаганимни эшитмагансизку!— ажабланиб хитоб қилди у.

— Зарур бўлиб қолса, эшитганимни исботлаб бераман. Шундай қилиб, чиройли куйлашингизниям ҳаммадан сир тутишни хоҳлайсизми?! Ташвиш чекманг, бу сиригизга қизиқаётганим йўқ.

Бирор соатларга яқин графиня билан бемалол лақиллашиб ўтирдик. Гўё Феодора нима десам йўқ демайдигандай, ўзимни эркин тута бошладим. Айни вақтда, севгилимга ҳурматни ҳам ўрнига қўярдим. Шу зайлда ҳазил-ҳазил билан графинянинг қўлини ўпишдай лутфу-марҳаматига ҳам муяссар бўлдим; у ишва билан нозик қўлқопини ечиб, қўлини узатди, шу заҳоти лаззатга фарқ бўлдим, гўё орзумга эришгандай эдим; бу бўсадан кўнглим тоғдай ўсиб, яшнаб кетди. Феодора ақл бовар қилмайдиган мулойимлик билан эркалашларимга йўл қўйиб берди. Лекин, мени аҳмоқона қўрқоқликда айблаганин, чунки сал ҳаддимдан ошсам мушук тирноқлари баданимга ботиши турган гап эди. Ун минутларга яқин орага жимлик чўкди. Мен унинг ҳусну жамолига боқиб тўймасдим; аслида унда йўқ гўзалликларни ҳам ўзим ўйлаб чиқарган эканман. Шу лаҳзаларда у меники, ёлғиз ўзимники эди... Уни хаёлимнинг кучи етганича ўзимники қилиб олгандим; эҳтиросда ёниб, хаёлимда уни бағримга босиб, қучардим, хаёлимда у билан қўшилардим. Ушанда мен графиняни магнетик — жозиба сеҳри билан забт этгандим. Кейинчалик нега ўшанда уни бутунлай ўзимники қилиб олмадим, деб доим афсусланиб юрдим; лекин ўшанда унинг баданини эгаллашни эмас, кўнглини эгаллашни, идеал ва мукамал ҳаётни, гўзал орзуларни хаёл қилгандим. Бундай орзулар жуда ноёб бўлади. Ниҳоят, лаззатли дамлар охирига етганини сезганимдан сўнг гап бошладим:

— Энди эшитинг. Сизни севаман, буни яхши биласиз, буни минг марталаб айтганман, бундан ташқари, севишимни ўзингиз ҳам сезган бўлишингиз керак. Мен сизни олифта йигитлардай, хушомадгўйлардай, ёки аҳмоқ шилқимлардай эмас, чинакам севдим, аммо севгингиз насиб бўлмади. Сизни деб не-не азоб-уқубатларни тортмадим. Лекин булар учун сиз айбдор эмассиз! Хуллас, сиз бир лаҳзадан сўнг ҳукмингизни ўқийсиз. Биласизми, икки хил камбағалчилик бўлади. Бир хил камбағаллар жулдур кийимларда кўча-кўйда ҳеч кимдан қўрқмай юраверади, ўзиям билмаган ҳолда Диогенга ўхшаб, борига қаноат қилиб яшайди. Мана шу камбағаллар бойлардан кўра бахтиёрроқ бўлса керак, чунки улар ҳеч нарсадан ташвиш чекишмайди, қудратли одамларнинг ҳам қўлидан ҳеч иш келмайдиган жойда бундай камбағаллар бутун бир оламни қўлга киритадилар. Иккинчиси, дабаба-ю, зебу зийнатлар билан ниқобланган камбағаллар; испан руҳидаги камбағаллар. Булар ўзларининг қашшоқлигини унвон-

лар билан яширишади. Булар кеккайиб, мўйналар, оппоқ либослар, сап-сариқ қўлқоплар кийиб юришади, ҳақиқий бирор ҳомийси бўлмагани учун бутун хонумонини сарфлашади. Биринчиси — оддий одамларнинг камбағаллиги, иккинчиси — муттаҳамлар, қироллар ва қобилиятли одамларнинг камбағаллиги. Мен оддий одам эмасман, қирол ҳам эмасман, муттаҳам ҳам эмасман: балки қобилиятим ҳам йўқдир. Мен буларнинг барига ўхшамайман. Менинг насл-насабим, номимга камбағаллик ярашмайди, менга гадоликдан ўлим яхши... Қўрқманг, ҳозир энди бадавлатман,— дедим Феодоранинг яхши оиладан чиққан тиланчиларга қарагандай совуқ қарашини кўриб:— Эсингиздами, бир куни Жимназга бир ўзингиз бордингиз, мени келмайди, деб ўйлагандингиз? Тўғрими?

Феодора тўғри дегандай бош чайқади.

— Ушанда фақат сизни кўриш учунгина охириги экю пулимдан ажралганман... Ҳайвонот боғида сайр қилганингиз эсингиздами? Ушанда бор пулимни сизга файтун олишга сарфладим.

Мен Феодорани деб чеккан барча заҳматларимни, бутун ҳаётимни гапириб бердим. Ҳозир сенга гапириб бергандай маст-аластлик билан эмас, чин қалбимдан, тўлиб-тошиб гапирдим. Эҳтиросларимни юракдан чиққан ёниқ сўзлар билан тўкиб солдим. Бундай алангали сўзларни санъатда акс эттириш ҳам, хотирада сақлаб қолиш ҳам мушкул; улар ҳозир унутилиб кетган. Айтганларим рад этилган севги ҳақидаги қизғин қисса эди: қудратли ва гўзал севгим туфайли ёниқ сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келар, лаззатли ишқ мастлиги билан айтилган бу сўзларда бутун умрининг мазмуни, куйган кўнгли фарёди бор эди. Жанг майдонида ўлаётган одамнинг сўнги илтижолари шундай бўлади. Графиня йиғлаб юборди. Мен жимиб қолдим. Ё раббий! Унинг кўз ёшлари сохта ҳаяжон меваси эди. Беш франкка билет олиб кирилган театрда одамларни худди шундай ҳаяжонлантириш мумкин; артистликни ҳам яхшигина уддалаган эдим.

— Агар билганимда,— деди графиня.

— Йўқ, гапирмай қўя қолинг!— ҳайқирдим мен.— Ҳозирам шунчалик қаттиқ севаманки, ҳатто сизни ўлдиришга қурбим етади...

Графиня қўрқиб, кўнғироқ боғичига қўл узатди. Мен кўлиб юбордим.

— Чақириб ўтирманг,— дедим яна.— Умрингиз охиригача тинчингизни бузишни хоҳламайман. Сизни ўлдиришдан нафратланаман! Зўрлик қилади деб қўрқманг: кечаси билан ёнингизда бўлганман, лекин...

— Нима?— чинқирди графиня қизариб.

Бундай гапни эшитганда ҳар қандай аёл, ҳатто энг уятсиз аёл ҳам уялиб кетиши турган гап эди; лекин графиня дарров ўзини қўлга олди ва менга бошдан-оёқ жирканиш би-

лан қараб, деди:— ҳар ҳолда, жуда совуқотган бўлсангиз керак!

— Билиб қўйингки, чиройингиз мен учун унчалик қадрли эмас,— дедим унинг нимадан ташвишланганини сезар эканман.— Мен учун чеҳрангиз — кўнглингизнинг кўзгуси эди. Кўнглингиз чеҳрангиздан ҳам гўзал, деб ўйлардим. Ахир аёлни фақат аёл деб биладиган эркаклар ҳар кеча ҳарамга муносиб гўзалларни сотиб олишлари мумкин, арзонгина пулга айш-ишрат қилишлари мумкин... Лекин мен иззатталаб эдим, сизга кўнгил қўйиб, кўнглингизни олиб яшашни хоҳлардим. Афсуски, сизда кўнглининг ўзи йўқ бўлиб чиқди! Энди буни билиб олганман. Сизга эришган эркакни ўлдиришим мумкин эди. Йўқ, ўлдирмасдим, чунки сиз ўша одамни севардингиз, унинг ўлиmidан изтироб чекардингиз... Оҳ, менга кўп азоб бердингиз!— ҳайқирдим охири.

— Агар мана бундай ваъда кўнглингизга тасалли берса,— деди графиня шўхлик билан,— сизни ишонтириб айтаманки, мен ҳеч кимга кўнгил бермайман...

— Сиз худонинг ўзига қарши чиқябсиз, бунинг учун албатта жазоингизни тортасиз!— графинянинг гапини бўлдим. Шундай кун келадики, сизга шовқин ҳам, ёруғлик ҳам ёқмай қолади: худди гўрда ётгандай, диванда ёлғиз ётганингизда чидаб бўлмайдиган азоблар ичида қоласиз. Секинлик билан узоқ чўзилган бу азоб-уқубатларга қандай тушиб қолдим, деб сабабларини излайсиз; ўшанда ўз йўлингизда қандай қилиб ўнгу-сўлга ғам-кулфат сочиб ўтганингизни эсланг! Ҳамма жойда ғам-кулфат уруғларини сепгансиз, эвазига нафрат ҳосилини йиғиб оласиз. Биз одамлар ўзимиз-ўзимизга ҳакаммиз, биз адолат қўлида хизмат қилувчи жаллодлармиз. Ер юзида охири ана шу адолат ҳукмронлик қилади, адолат ҳукми — одамларнинг ҳукmidан баландроқ, худонинг ҳукmidан эса пастроқ.

— Оҳ, сизни севмаганим учун қандай ёвуз бўлиб кетибман!— масхаралаб кулди графиня.— Лекин севмаганим учун айбдор эмасман-ку. Ахир эркак зотини севолмайман, шунинг ўзи кифоя. Ёлғизликда ўзимни бахтли сезаман. Ўз эркимни, сиз айтган худбинларча эркимни нега чўриликка алмашар эканман? Никоҳ — бу шундай сирли маросимки, бу сирдан огоҳ бўлиш — ғам-кулфатни билишдай гап. Ахир феъл-атворим шундай, деб сизга тўғриси айтганман-ку! Нега дўстлигим билан қаноатланмадингиз? Сизнинг эюларингизни ҳисоблаб кўрмай берган озорларим учун яраларингизга малҳам қўйгим келади. Лекин фидойилиқларингиз, ҳурмат-эҳтиромингизга севишдан бошқа йўл билан миннатдорлик билдириб бўлмайди-ку. Мен бўлсам, сизни шунчалик кам севаманки, бу можаро гашимни келтиради, холос.

— Кечирасиз, қандай кулгили аҳволга тушиб қолганим.

ни яхши сезиб турибман,— дедим астагина кўз ёшларимни аранг тийиб турар эканман.— Ахир сизни шунчалар севаманки, шафқатсиз сўзларингизни ҳам ҳузур қилиб эшитаман. О, сизга бўлган муҳаббатимни қонимни тўкиб бўлсаям иботлашга тайёрман!

— Бу машҳур сўзларни ҳамма эркаклар озми-кўпми маҳорат билан айтишади,— аввалгидай кулиб эътироз билдирди графиня.— Лекин пойимизда ўлиш осон иш бўлмаса керак, негаки, ҳамма ёқда ўламан, деган шундай одамларнинг ўйнаб-кулиб юрганини кўраман... Кеч бўлиб қолди, ухлаш керак, марҳамат қилиб, холи қолдирсангиз.

— Икки соатдан кейин эса «Е худойим!» деб ҳайқирасиз?

— Уч кундан бери шундай. Тўғри,— деди Феодора.— Ўшанда маклеримни ўйлагандим; унга беш процентли ренталарни уч процентлисига алиштариб қўйинг, дейишни эсимдан чиқарибман, ахир кундузи уч процентли ренталарнинг нархи тушган эди-да.

Бу сўзларни эшитиб, ғазабдан кўзларим ёниб кетди. О, шу вақтда қилинган жиноят дostonдай гўзал бўлишини тушундим! Эҳтиросли севги изҳор қилишларга бу жувон кўникиб кетган экан. Тўғриси, у ҳалиги гапларимни ва кўз ёшларимни бир зумда эсидан чиқарган эди.

— Франция пэри бўлса тегармидингиз?— вазмин сўрадим ундан.

— Агар герцог бўлса тегишим мумкин.

Шляпамни олиб, таъзим қилдим.

— Эшиккача кузатиб қўйишга рухсат этинг,— деди Феодора одамни ўлдирадиган киноя билан бошини хиёл қийшайтириб.

— Хоним...

— Лаббай, жаноб?...

— Сизни бошқа кўрмайман.

— Кошкийди,— деди графиня такаббурлик билан боширғаб.

Феодоранинг мана шу такаббуруна ишораси вужудимни ўртаб, негадир телбаларча илҳомим келиб кетди:

— Герцог хотини бўлишни истайсизми? Унвоилару иззат-ҳурматлар бошингизни айлантирадимми? Бўпти! Фақат сизни севишимга йўл қўйсангиз бўлгани, қаламим танҳо сиз учун, овозим танҳо сиз учун, ҳеч киши билмас жону жаҳоним бўлинг, ҳаётим осмонида ёруғ юлдузим бўлинг! Фақат министр бўлганимда, Франция пэри, герцоги бўлганимда менга тегишга ваъда беринг... Сиз ким бўлишимни хоҳласангиз ўша одам бўламан.

— Яхши адвокат қўлида ўқиганингиз бекор кетмапти,— кулимсираб деди Феодора,— сўзларингизда ҳарорат бор.

— Сенда бугунги кун бор, менда эса келажак!— ҳайқирдим кетиш олдидан,— Мен фақат аёлдан ажраламан, сен эса

оту зотингдан, оилангдан ажраласан. Вақт мен учун ўч олади: у сенга хунуклик ва ёлғиз ўлим, менга эса шон-шухрат келтиради.

— Чиройли хулосангиз учун ташаккур,— деди графиня, эснаб юборишдан ўзини аранг тийиб, бутун вужуди билан мендан тезроқ қутулишни ўйлар экан.

Бу сўзлардан сўнг жимиб қолдим. Кўзларимда графиняга нафратимни билдирганимча чопқиллаб чиқиб кетдим. Энди мен Феодорани унутишим, ақлу ҳушимни йиғиб олишим, ёлғиз гўшадаги меҳнатимга қайтишим ёки ўлишим керак эди. Шундай қилиб ўз олдимга жуда катта вазифа қўйдим: мен асарларимни ёзиб тугатишим керак. Икки ҳафта сурункасига болохонадан тушмасдан ишга шўнгидим. Алам ва изтиробдан илҳомланиб, шунча ўзимни мардона тутсам ҳам ишим юришмади, бўлиниб-бўлиниб қолаверди. Илҳом париси мени тарк этди. Феодоранинг гўзал қиёфаси, мени масхаралаб туриши сира кўз ўнгимдан кетмасди. Нимани ўйласам, бошқа бир дардли, азобли фикр, дардли истак виждон таънасидай мени таъқиб қилиб турарди. Мен Фиваида дарвешларига тақлид қилардим. Тўғри, мен улардай ибодат қилмасдим, лекин улар каби саҳрода яшардим; мен ғорларни кавлаш ўрнига қалбимни ўйиб, титкилардим. Ҳатто руҳий азобларимни камайтириш учун белимга тиканли белбоғ ҳам боғлашга тайёр эдим.

Бир куни оқшом пайти хонамга Полина кириб келди.

— Бунақада ўзингизни хароб қиласиз-ку,— ялинчоқ оҳангда деди у.— Сиз ҳавога чиқиб, ўртоқларингиз билан кўришингиз керак.

— Оҳ, Полина, айтганингиз келяпти! Феодора мени адойи тамом қилди, ўлгим келяпти. Ҳаётдан тўйиб кетдим.

— Нима, дунёда ундан бошқа аёл зоти йўқми,— кулим-сираб сўради Полина.— Нега ҳадеб ўзингизни қийнайсиз? Ахир умр бусиз ҳам қисқа-ку.

Полинага паришон қараб қолдим. У мени ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Унинг қандай чиқиб кетганини сезмадим, товуши эшитиларди-ю, сўзларининг маъносига тушунмасдим. Шундан сўнг сал вақт ўтгач, қўлёмани адабий пудратчига элтиб беришга чоғландим. Ишқ билан маст бўлиб, пулсиз қандай яшашим мумкинлигини ўйламаган эканман. Фақат шуни билардимки, менга тегадиган тўрт юз эллик франк қарзларимни узишга етади. Шундай қилиб гонорар — қалам ҳақимни олишга бораётиб, йўлда Растиньякни учратиб қолдим. Айтишича, жуда ўзгариб, озиб-тўзиб кетибман.

— Қайси касалхонадан чиқдинг?— деб сўради у.

— Бу аёл мени тамом қияпти,— жавоб бердим,— ундан нафратланиш ҳам, уни унутиш ҳам қўлимдан келмаяпти.

— Яхшиси, уни ўлдириб қўя қол, шунда орзулашни бас қиласан!— қийқириб кулди дўстим.

— Буниям ўйлаганман,— иқроп бўлдим.— Баъзан кўнглимда жиноят, зўрлик ёки қотиллик қилишни, ёки унисиниям, бунисиниям қилишни ўйлаб ўзимни овутаман. Лекин бу ишни ишлолмас эканман. Графиня шундай мафтункор махлуқки, у шафқат тилаб, илтижо қилганида кўнглим бўшашиб кетади. Ахир ҳаммамиз ҳам Отелло эмасмиз-ку.

— Уям бизни назарга илмайдиган ҳамма аёлларга ўхшаган бир аёл-да,— гапимни бўлди Растиньяк.

— Ақлимдан озябман!— деб ҳайқирдим.— Баъзи вақтларда миямда жиннилик шовқин-тўполон қилаётганини сезаман. Ўйларим худди арвоҳларга ўхшаб ўйин тушишади, уларни тутолмай қоламан. Бундай яшагандан кўра ўлган яхши. Шунинг учун мен чин кўнгиладан бу савдодан қутулишнинг энг яхши йўлини қидирипман. Гап Феодорадамас, Сент-Оноре даҳасидаги Феодорадамас, мана бу ердаги Феодорада!— деб пешонамга ура бошладим.— Дарвоқе, афюн ҳақида фикринг қалай?

— Нима деябсан! Даҳшатли азоб-ку,— жавоб берди Растиньяк.

— Исдан заҳарланиш-чи?

— Ифлослик!

— Сена дарёси-чи?

— Тўрларам, ўликхоналарам жуда ифлос.

— Тўппонча билан ўзимни отсам-чи?

— Тегизолмасанг умр бўйи мажруҳ, бадбашара бўлиб қоласан,— деди Растиньяк.— Ҳамма йигитлар сингари менам бир вақтлар ўзимни ўлдиришни ўйлаганман. Орамизда ўттиз ёшгача икки-уч марта ўзини ўлдирмаган одам борми? Лекин мен лаззатларда ўзимни қийнашдан бошқа ҳеч қанақа иложини тополмадим. Айш-ишратга ғарқ бўлиб кетсанг, ишқингни унутасан... ёки ўзингни унутасан. Ўзингни лаззатдан тиймасанг — ўлимларнинг энг катта подшоси шу. Ахир тутқаноқ дарди худди шундан эмасми? Тутқаноқ,— пистолетдан аниқ нишонга уриш билан тенг. Ишрат базмлари жисмоний лаззат беради: шунинг ўзиям афюн эмасми; фақат афюннинг майдалангани, холос! Базмлар бизни меъёрсиз ичишга мажбур қилиб ҳаёт-мамот жангига чақиради. Ахир герцог Кларенс ишлаган мальвазия шаробининг бир бочкаси Сена остидаги балчиқдан кўра ёқимлироқ эмасми? Ҳар сафар ўлгудай маст бўлиб, стол тагига ағанаганимизда ис тегиб ҳушимиздан кетгандай бўламиз-ку! Агар бизни соқчилар топиб олса кордегардия — ҳушёрхонадаги совуқ нарларда чўзилиб ётишимиз худди ўликхонада ётишга ўхшамайдими, қорнимиз совуқдан шишиб, ноғора бўлиб, кўкариб, гезариб кетади, устига-устак бу аҳволимизга эзиламиз.— Эҳ, бундай аста-секин ўлиш — касби синган баққолнинг ўлимидан минг чандон оғирроқ эмасми? Баққоллар дарёнинг ҳам ҳурматини бир пул қилишди, улар судхўрларининг раҳ-

мини келтириш учун ўзларини сувга ташлашади. Сенинг ўрнингда бўлсам, мен чиройлироқ ўлишни афзал кўрардим. Агар ўлимнинг янгича хилини топмоқчи бўлсанг, боя айтганимдай ҳаётни яккама-якка жангга чақир; мен сенга секундант — ҳакам бўламан. Зерикканимдан ёрилиб кетай деябман, роса афсусланабман. Менга қайлиқ деб топишган эльзаслик қизнинг чап оёғида олтита бармоғи бор экан. Мен олти бармоқли қиз билан қандай яшайман?! Одамлар билиб қолса, калака қилишади. Унинг даромади атиги ўн саккиз минг франк бўлиб қопти. Унинг мол-мулки камайиб боряпти, бармоқлари ортиб боряпти. Осдим ҳаммасини!.. Телбаларча яшайверайлик-чи, бир куни бахтимиз очилиб қолар!

Растиньяк мени қизиқтириб қўйди. Унинг режалари ниҳоятда маҳлиё қиларди одамни, катта умидлар уйғотарди. Хуллас, у тасвирлаган манзара жуда рангин, чиройли эди, шоирни мафтун этмай қўймасди.

— Пул-чи?— деб сўрадим.

— Ахир тўрт юз эллик франк пулинг бор-ку?

— Бор, лекин тикувчига, уй бекасига тўлашим керак...

— Тикувчига пул тўласанг сендан одам чиқмайди, ҳатто министр ҳам чиқмайди.

— Йигирма луидор билан қаёққаям бораман?

— Қиморхонага!

Сесканиб кетдим.

— Эҳ, сени қара-ю!— деди Растиньяк қўрқиб кетганимни кўриб.— Мен кашф этган кўнгил ёзиш системасини шакшубҳасиз қабул қиласану яшил мовутдан кўрқасанми?

— Қулоқ сол,— гап бошладим,— мен отамга ваъда берганман, қиморхонага қадам босмайман, деб. Бу ваъда мен учун муқаддас; устига-устак, ўшандай жойларнинг ёнидан ўтсам ҳам кўнглим озиб қолади. Мендан юз экю пул олгинда қиморхонага ўзинг боравер. Сен бор бисотимизни қиморга тикиб турсанг, мен бу ёқдаги ишларимни бир ёқли қилиб, уйингга бораман.

Шундай қилиб десанг, азиз дўстим, ўзимни-ўзим ўтга ташладим. Йигит киши бир аёлни севиб севилмасаям, ёки севай туриб, севилсаям тамом бўлар экан. Бахт қувватимизни олиб қўяди, бахтсизлик номусимиздан айиради. «Сен-Кантен» мусофирхонасига қайтиб келгач, шунча йиллик мусаффо, олимона ҳаёт кечирган мансардам — болохонамга узоқ қараб қолдим. Ўшандай яшайверганимда иззат-ҳурматларга эришардим, узоқ умр кўрардим. Мени балолар гирдобига улоқтирган ишқибозликни деб мана шу ажойиб ҳаётни тарк этдим-а. Қайғули ўйларга чўмиб ўтирганимда Полина кириб келди.

— Сизга нима бўлди?— сўради қиз.

Мен совуққонлик билан ўрнимдан туриб, онасидан қарз

олган пулларимни санаб қўлига тутқаздим. Ярим йиллик уй ҳақиниям қўшиб бердим.

— Мен сизларни ташлаб кетябман, Полина.

— Шундай деб ўйловдим-а!— ҳайқирди қиз.

— Қулоқ солинг, бўтам, бу ерга қайтиб келиш фикримдан воз кечганим йўқ. Ярим йилгача ҳужрани мен учун банд қилиб туринг. Агар ўн бешинчи ноябргача қайтиб келмасам, сиз менинг меросхўрим бўласиз. Мана бу сўргучланган конвертда,— дедим қоғоз тўла пакетни кўрсатиб.— «Ирода назарияси» деган катта асаримнинг қўлёзмаси бор; сиз буни Қироллик кутубхонасига топширасиз. Қолган нарсаларни нима қилсангиз ўзингиз биласиз.

Поллинанинг нигоҳи одамнинг юрагини эзиб юборарди. Ўй у эмас, виждоним қараб тургандай эди.

— Энди бошқа сабоқ олмайманми?— сўради у фортепьянони кўрсатиб.

Мен индамадим.

— Хат ёзиб турасизми?

— Хайр, Полина.

Мен қизни бағримга тортиб ҳали ерга тушмаган қордай мусаффо пешонасидан акаларча, оталарча ўпиб қўйдим. У қочиб кетди. Годэн хонимни кўрмай қўя қолай дедим. Қалитни одатдаги жойга илиб, ташқарига чиқдим. Ключи кўчасининг муйилишига етганимда қиз боланинг енгил қадам товушлари эшитилди.

— Мен сизга ҳамёнча тикиб қўйгандим, илтимос, йўқ деманг,— илтижо қилди Полина.

Фонус ёруғида Полинанинг кўзларида ёш йилтирагандай туюлди, хўрсиниб қўйдим. Иккаламиз ҳам кўнгилимизда бир хил нарсани сезгандай, худди вабодан қочгандай, орқамизга қарамай қочдик. Мен қадам қўйган кўнгил очадиган ҳаёт гаройиботлари Растиньяк хоналарининг жиҳозларида ифодасини топганди. Мен бу ерда мардона бир парвозсизлик билан дўстимни кута бошладим. Камин-ўчоқнинг тоқчасида тошбақа устида ўтирган Венера ҳайкали бор соат чиқиллаб турар, Венеранинг кучоғида эса чала чекилган сигра бор эди. Қимматбаҳо оғоч жиҳозлар — севгилисининг совғалари у ер, бу ерда тартибсиз қалашиб турарди. Оромижон диван устида эски пайпоқ ётарди. Мен ўтирган қулай юмшоқ кресло-суянчиқли курси қари саллотдай чандиқ-ёриқларга тўлиб кетганди. Курсининг оёқлари худди жароҳатланган қўлларга ўхшар, суянчиқларида аёллар лабининг бўёқлари изи ва антиқа мойларнинг доғлари — Растиньяк дўстлари қолдирган излар яққол кўриниб турарди. Қаравотда, деворларда — ҳамма жойда бойлик билан қашшоқликнинг аралаш излари бор эди. Бу ерни лўлилар жойлашган неаполча сарой деган таассурот қоларди. Бу жой зеб-зийнатни ўзича тушунадиган, ҳиссиётлар билан яшаёт-

ган, нарсаларнинг бир-бирига мос келиш-келмаслигига заррача парво қилмайдиган қиморбоз, ўткинчи одамнинг хонаси эди. Ҳайтовур бу манзара нафосатдан холи эмасди. Бирерда ҳаёт ўзининг ялтироқликларини жулдурвоқилиги билан тасодифотларини камини-кўстлари билан, аслида қандай бўлса, шундай кўринарди. Айни вақтда, бу ер олғир одамни мани қўлга туширса ҳаммасини олиб келиб қўядиган бируақдай жонли, ғаройиб эди. Учоғида бир гўла ўтини бўлмасаям, минг сўмлаб пулларни қиморга тикадиган, эгини да пишиқроқ бирор кўйлаги бўлмасаям файтунларда юрадиган бу йигит камини ўчоғининг деворини Байрон асарларига ишланган турли-туман расмлар билан тўлдириб ташлаганди. Эртага қайси бир графиня, актриса ёки қиморхона унга шоҳона кўйлак ҳадя этиши мумкин. Мана, чақмоқтоши олиб ташланган яшил тунука идишга қўйилган шаъм, ана, нақшли олтин ҳошияси олиб ташланган қиз сурати. Ҳўш, тинч вақтдаям худди урушдагидай зиддиятлар билан тўлиб-тошган бундай гўзал, ажойиб ҳаётдан ҳаяжонларга ўч бўлган қайси одам юз ўғирарди? Энди мудрай бошлаганимда тўсатдан Растиньяк эшикни тепиб очди ва йўлакдан қичқирди:

— Ютдик! Энди кўнглимиз тусаганча ўлишимиз мумкин!..

У олтин танга тўла шляпасини столга қўйди. Биз иккаламиз икки ёввойи сингари ўлжамизнинг атрофида ўйин туша бошладик; биз ер тепиб, сакраб, бир-биримизни дўппослардик. Бундай дўппослашга каркидон ҳам қулаши мумкин эди. Биз учун ҳозир дунёнинг ҳамма лаззатлари мана шу шляпа ичида эди.

— Йигирма етти минг франк!— такрорларди Растиньяк олтин тангалар уюмига бир неча банк чекини ҳам қўшиб.— Бошқаларга бунча пул бир умрга етади. Бизга эса ўлишимизгаям етмаслиги мумкин? Ҳа-ҳа-ҳа! Биз олтин ҳовузда жон берамиз!.. Ура!

Биз яна сакрай бошладик. Худди меросхўрлардай тангаларни ҳар биримизга битталаб-битталаб бўлдик. Қўш наполеондорлардан тортиб, йирик тангалардан майда тангаларгача, ҳар томчи шодлигимизни ҳам «менга, сенга» деб барабар бўлишдик.

— Бугун ухлаш йўқ!— ҳайқирди Растиньяк.— Жозеф, пуншдан олиб кел!

У содиқ хизматкорига олтин тангани олди.

— Мана бу сенинг улушинг,— деди у,— арвоҳимизга дуо қиласан.

Эртасига Тэбу кўчасидан янги квартира олдим, Лесаждан оғоч жиҳозлар олиб келдим, энг яхши пардозчини чақирдим. Отлар олдирдим, майда-чуйда, лекин чинакам роҳат-фароғат гирдобига шўнғидим. Қиморга ўргандим, катта

катта пулларни гоҳ ютар, гоҳ ютқизар эдим; тўғри, қиморхонага қадам қўймасдим, фақат ёру дўстларнинг зиёфат, базм кечаларида ўйнардим. Ҳамон қиморхона деганда муқаддас, ибтидоий бир қўрқувни ҳис қилардим. Дўстларим пайдо бўлганлигини ўзим ҳам сезмай қолдим. Ҳар хил жанжаллар, енгилтаклик билан бир-биримизга сир айтишлар, таврадагилар хурсанд бўлсин, деб ўзимизни ерга уришлар оқибатида дўстларимиз кўпаяди. Хуллас, камчиликларимиз бизни чамбарчас боғлайди. Бадиий ижодда ўзимни синашга журъат қилдим, асарларимни қизгин кутиб олишди. Замоनावий адабиётнинг улуғ вакиллари мени хавфли рақиб деб билишмасди. Улар асарларимни фазилати учун эмас, бошқаларга алам бўлсин, деб мақташарди. Зиёфатларимизда расм бўлган тил билан айтганда, мен жонидан тўйганлардан бири бўлиб қолдим. Ор-номусимни энг шўх-шаддод ҳамшишаларимдан ичишда, йигитчиликда ўзиб кетишга, яъни ўзимни хароб қилишга бағишладим. Мен ҳамиша тетик, ҳамиша башанг кийиниб юрардим. Мени тили ўткир дейишарди. Ҳолбуки ҳаётим даҳшатли эканлигини, ич-этимни об, қийналаётганимни, қалбим илма-тешик бўлиб, ғалвирга, нижимланиб ташланган узумга, қирчанғи отга айланиб қолганлигимни ҳеч ким билмасди. Кўп ўтмай, айш-ишрат, тараллабедодликнинг бутун даҳшатли улуғворлигини кўриб, унинг энг чуқур ботқоғига ботиб кетдим! Турган гапки, меросхўрларига мўлжалланган шиша идишларга ёрлиқ-этикетка ёпиштириб ўтирувчи эсли-хушли, оғир-вазмин одамлар шовқин-суронли, дабдабали ҳаётнинг назариясиниям, табий оқиминиям билишмайди. Бунақа ҳаёт нафосатини провинциаллар — пойтахтдан олисдаги қишлоқлар қаердан билсин; ахир улар ҳозиргачаям афюн билан чойни дори ўрнида ишлатишади. Ҳатто Парижда, тафаккур пойтахтида ҳам ана шунақа чала сибаритларни учратамиз. Ҳаддан ташқари лаззат-ишратларга ярамайдиган бу одамлар биринчи базмдаёқ қолдан тойишади. Улар Россиянинг янги операсини тинглаганларида умуман мусиқани лаънатлайдиган оққўн-тил буржуаларга-савдогарларга ўхшайдилар. Таомдан ўзини тиядиган, одамлар бир марта фоз жигаридан қийма гўшти еганидан кейиниқ ундан воз кечишади, чунки улар бундай овқатни ҳазм қилишолмайди. Оққўнгил савдогарлар ҳам шунга ўхшаш дабдабали ҳаётдан юз ўгиришади. Айш-ишрат ҳам асли поэзияга ўхшаш бир санъат, бунинг учун ҳам қалб-би бой одам бўлиш керак. Айш-ишрат сирларини англаш, гўзалликларидан баҳра олиш учун уни ипидан-игнасиғача ўрганиб чиқиш керак. Барча фанлар сингари у ҳам дастлаб одамни ўзидан айнитади, тиканаклари билан жароҳатлайди. Одамнинг теран лаззатларга борадиган йўлида жуда катта тўсиқлар бор. Ҳа, майда-чуйда ҳузур-ҳаловат, балки айш-ишрат русумлари одамнинг ҳаётини драматизмга-фожеалар-

га тўлдириб, куч-қувватини ҳаддан ташқари, шиддат билан сарфлашга ундаб, ноёб ҳиссиётларини бир жойга тўплаб, уларни гуллатиб, мевага киритади. Уруш, санъат ҳукмронлиги — булар ҳам инсоннинг оддий кучлари етмайдиган, айш-ишрат каби одамни жалб этадиган ишқивозлик, буларнинг ҳаммасига ақл бовар қилмайди.

Модомики, одам мана шу улуғ сирлар қўрғонини эгаллаган экан, у ўзга бир оламда ғолибона юриш қилаётган бўлади-ку. Лашкарбошилар, министрлар, рассомларнинг ҳаёти одатдаги тирикчиликдан фарқланади. Улар ўз ҳаётларида жуда ўткир кўнгил очишлар истагида бузуқлик йўлига киришади. Уруш ҳам охир-оқибатда — қонли айш-ишрат, сиёсат эса турли манфаатдаги одамлар бир-бири билан тўқнашадиган бузуқчилик. Ҳамма исрофгарчиликлар бир-бирига яқин қариндош бўлади. Жарликлар одамни жалб этгандай, мана шу ижтимоий хунукликлар ҳам одамларни мафтун этади. Худди Наполеонни авлиё Елена ороли ўзига жалб этганидай, бузуқликлар бизни ўзига чорлаб туради. Улар бошни айлантиради, сеҳрлаб қўяди, нима учунлигини ўзимиз ҳам билмасдан ўзимизни тубсиз жарлик қаърига ташлаймиз. Балки, мана шу тубсизликдаги чексизлик бизни мафтун этар? Балки бу тубсизликда инсон ғурурини қондирувчи алланима бордир? Балки шунда бизнинг тақдиримизга ҳамма эътибор берар? Тинка-мадори қуриган ижодкор фароғатли машғулот соатлари, ижод завқ-шавқига қарама-қарши ўлароқ, балки тангридай ҳордиқ кунини талаб қилар, балки шайтондай жаҳаннамий лаззатларни талаб қилар? У шундай қилганида ўткир ақлий фаолиятига яраша ҳиссий фаолият кўрсатгиси келар? Оддий рантьени мафтун этадиган бостон ўйини вақтида валақлаш лорд Байрон учун фароғат эмас, албатта. Шоҳ Маҳмуд бутун-бутун давлатларни ўртага тикиб қимор ўйнаганидай, *Байронга ҳам Греция керак эди*. Ахир одам урушда ўзини азроилдай, жаллоддай тутати, фақат минглаб одамларнинг жонини оладиган жаллоддай. Эҳтиросларимиз гулшанини чақиртиканаклар қуршаб олганидай, нозик-нафис вужудимиз шафқатсиз изтиробларга бардош беради. Одам бунчалик бардошли бўлиши учун алоҳида фусункор гўзаллик керак. Ҳаддан ошиқ тамаки чекадиган шинаванда оёқ-қўллари чангак бўлиб, жони талвасага тушганга ўхшайди. Аммо у кайф қилиб, не-не ўлкаларни кўради, не-не улуғ байрамларда қатнашади. Тиззасидан қонга беланган Европа ҳали оёқларини артиб улгурмай қайта-қайта уруш домига тортилмадимми?

Табиатнинг ўзида севги талвасалари бўлганидай, эҳтимол, одамларда ҳам шунга ўхшаш мастлик бўлар? Алоҳида бир одам учун, тинч вақтда иши юришмаган ва бўронларни орзу қиладиган қайсидир Мирабо учун кайф-сафо — бутун бир дунё. Кайф-сафо — бу тинимсиз олишув; тўғрироғи,

умр бўйи номаълум, қудратли махлуқ билан яккама-якка жанг қилиш. Аввалига, махлуқ қўрқинчли туюлади; лекин унинг шохини қайириб олиш керак; бу жуда оғир. Фараз қилайлик, табиат ошқозонингизни кичик қилиб, ўзингизни қилтомоқ қилиб яратган. Аммо сиз мана шу кичик ошқозонингизни ирода кучи билан кенгайтирасиз, шаробларни ҳазм қилишга, мастликка ўргатасиз; кечалари ухламайсиз ва ниҳоят, ўзингизни гусар полковнигидай басават қилиб қайта яратасиз; бу билан тангри-таолога қарши иш қиласиз! Эски жангчи кўнглини замбараклар гумбур-гумбурига, оёқларини узоқ юришга ўргатгандай, одам ўзини-ўзи ўзгартиради. Мана шу ўзгартириш пайтида янги кириб келган одам ҳали махлуққа асир эканлигини билмайди; ҳали одам билан махлуқ ўртасида ким ҳокимлиги аниқланган эмас. Тўсатдан улар бир-бирига ташланишади, ким-кимни енгади? Бу ўзгартиришлар шундай жойда юз берадики, у ерда ҳамма нарса — мўъжизот, у ерда дил изтироблари ҳали мудраб ётади ва фақат ғояларгина арвоқлардай шарпа қилиб юради. Мана шу шафқатсиз кураш бора-бора заруриятга, эҳтиёжга айланади. Афсоналарда айтилишича, ёвузликда қудратли бўлиш учун жонини, имонини Иблисга сотган сон-саноқсиз қаҳрамонлар бор. Исрофгар ҳам ўз кўнглида ана шу қаҳрамонлар қиёфасига киради. Исрофгар ҳаётдан олган қувончнинг ҳақини тўлаш учун жонини беради, аммо у олам-олам қувонади ахир! Дўкон ёки Идора деган дарёларнинг қирғоқларида жилдираб оқиш ўрнига исрофгар селдай тўлиб-тошиб оқади. Ва ниҳоят, инсон руҳи учун самовий лаззатлар қанчалик зарур бўлса, бадан учун ҳам жисмоний лаззатлар шунчалик зарур. Мастлик бизни ҳаёллар оламига фарқ этади. Руҳий жазава пайтида кўзга кўринадиган ғаройиботлар мастлик пайтида ҳам кўринади. Мастлигимизда вақт жуда завқли ўтади; ёш қизнинг ширин ноз-ишвалари, дўстлар билан дилкаш суҳбатлар, бир умрга татийдиган сўзлар, беғубор ва самимий шодликлар, одамни чарчатмайдиган сайр-саёҳатлар, бир неча жумлада акс этган дostonлар — ҳаммасига мастлик вақтида эришамиз. Шу билан ўзимиздаги махлуқни ову-тамиз, кўнглини ёзамиз. Бу махлуқнинг жони қаердалигини билиш учун фан узоқ йиллар овора бўлади. Ана ўша овуноқлардан сўнг сеҳрли бир ҳушсизлик оғушига чўмамиз. Ақлдан безор бўлган одамлар шундай ҳушсизликни кўмсаб хўрсинади. Шундан сўнг одам узоқ ором олишни хоҳлаб қолади. Даҳо одамлар кайф-сафо билан ёвузликка солиқ тўлашади. Ҳамма буюкларга эътибор бергин-а: улар ё ишратпараст бўлади ё майиб-мажруҳ бўлади. Қандайдир масхарабоз ёки ҳасадгўй куч буюкларнинг руҳини ёки вужудини бузиб қўяди, даҳоларнинг қобилиятларининг таъсирини тийиб туради. Мастлик чоғларингда одамлар ва буюмлар хаёлот ичида кўринади. Жамики мавжудотларнинг тожи

бўлган одам, сен оламни ўз билганингча ўзгартирасан. Мана шу тинимсиз алаҳсираш, безгак ичида ўз ихтиёринг билан томирларингга эриган қўргошин қуюлади. Ажойиб кунлардан бирида сен махлуқ домига тушиб қоласан. Ана шунда мен сингари ҳушингга келиб қарасанг, ҳолсизликни, ҳорғинликни кўрасан. Қарабсанки, чиниққан жангчи — силга чалинибсан; илгари дипломат, сабр-бардошли бўлган одам — юрагинг санчадиган, гижимлайдиган бўлиб қолибсан; ҳаётинг қил устида турибди. Бир вақтлар кўкрак оғриги Урбинодан чиққан Рафаэлга «Умринг битди!» деган эди. Рафаэлни ортиқча севги ҳалок қилганди. Бир кун келиб кўкрак оғриги менгаям «Бас, етар!» деганини билмай қоламан. Мана шу зайлда яшадим, оғайни. Мен дунёга бевақт келибман ё бўлмаса жуда кечикиб келгандирман. Аслида куч-қувватимнинг тигини шу зайлда ўтмаслаштирмасам, бу ердагиларга хавф туғилиши мумкин эди. Ахир базм охирлаб қолганида Хераклининг шароб косаси бутун оламни Александрдан қутқарди. Охир-оқибат ҳаётда бахти очилмаган одам ё жаннатга киради, ё дўзахга, ё кайф-сафога ботади, ё ибодатхонадан паноҳ топади. Ҳозир мана бу икки вужудга одоб ўргатишга журъатим етишмади,— деди Рафаэль уйқудаги Евфрасия билан Акилинани кўрсатиб.— Ахир булар тақдиримнинг кўзгуси бўлиб туришипти. Мен уларни айблаёлмадим, чунки уларнинг ўзлари мени айблаб туришипти.

Мана шу жонли дostonнинг ўртасида, одамни ухлатувчи мана шу дард оғушида ҳар ҳолда икки марта юрагимни куйдириб юборган воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта Сарданапалга ўхшаб ўзимни ўтга ташлаган вақтимда дард мени чангаллаб қолди. Италия театрининг вестибюлида Феодорани учратдим. Биз фойтунларни кутиб тургандик. «О, сиз ҳалиям тирикмисиз?»— Феодоранинг мен томонга қараб кўлимсираб, ўзининг чичисбейи — ҳамроҳига аллақандай мак-корона сўзларни айтишидан шу маънони уқиш мумкин эди. Албатта, у шеригига менинг тарихимни гапириб берар, севгимни бачкана севги деб баҳолар эди. У ўзининг гўё узоқни кўра билишидан қувонарди. О, бу қизни деб ўлиб бўлсам; уни яна севсам; мастлик вақтимда, куртизанкалар — маҳбублар даврасида кайф-сафо қилиб ўтирганимда ҳам унинг калака қилишларига нишон бўлсам, бу қандай бедодлик. Юрагимни ёришга, кўксимдан севгимни суғуриб, унинг оёқлари остига ташлашга журъат қилолмасам!

Кўп ўтмай, бор бисотимни сарфлаб тугатдим. Лекин уч йил тўғри, ҳалол турмуш кечирганим учун соғлигим жуда яхши бўлиб қолганди. Бор пулларимдан айрилган куним жуда бардам, тетик эдим. Ўзимни-ўзим аста-секин ўлдиришни давом эттириш учун бир нечта қарз вексели бергандим; тўлов кун келиб қолди. Шафқатсиз ташвиш-ҳаяжонлар одамни адойи тамом қилади. Лекин ташвишлар ёш йигитлар-

ни тетиклаштиради. Мен эса тез қариш учун туғилган эмасман. Кўнглим жуда ёш, қайноқ, тетик эди. Биринчи берган векселимдан кейин аввалги вақтлардаги ор-номусим қайтиб келгандай бўлди. Бу ишимдан ранжиган ор-номусим аста келиб, қаршимга туриб олгандай бўлди. Худди пул, сўраганимда хафа бўлган, охири гудраниб-гудраниб, пул чиқариб берган амма-холамдай ор-номусимни бир амаллаб гапга кўндирдим. Ҳақиқий ҳаётдан кўра хаёл, тасаввурим шафқатсизроқ эди. Қарзимни тўлолмай, ор-номусимдан айрилганим учун номимни Европа бўйлаб, шаҳарма-шаҳар сазойи қилишади. Номимиз— ўзимиз!— деган эди *Евсей Сальверт*. Мен бир немиснинг соясидай сарсон-саргардонликдан кейин яна ўз ҳужрамга келган эдим. Гўё бу ердан ҳеч қачон чиқиб кетмагандайман, узоқ уйқудан уйғониб кетгандайман. Бир вақтлар Париж кўчаларида изғиб юрган, ўз хўжасининг герби туширилган кулранг кийим кийган, коммерция, олди-сотдининг кўзгуси бўлган, кумуш тугма таққан банк югурдакларига бепарво қарардим. Энди эса учратмасимдан улардан нафратланардим. Ахир шулардан бирортаси эрталаб уйимга келиб мен берган ўн битта векселнинг жавобини талаб қилиб қолса нима қиламан? Имзомнинг қиммати уч минг франк, ҳатто ўзимнинг қимматим шунча эмас! Кўз олдимга суд миришлар келаверди. Ҳар қандай қайғу, кулфатдан, ҳатто ўлимдан ҳам таъсирланмайдиган бу миришлар маҳкум олдига келиб «Соат уч ярим бўлди! Вақтинг битди!»— дейдиган жаллодларга ўхшайди назаримда. Буларнинг котиблари мени тутиб, номимни ўзларининг ифлос қоғозларига ёзиб, истаганча булғаб, масхара қилишлари мумкин. Мен қарздорман! Ахир қарздорнинг эрки ўзида бўлармиди? Ахир энди бегона одамлар мендан қандай яшадинг деб ҳисоб-китоб сўрашлари мумкин. Эҳ, нега мен а-ля чиполати деган пудинг — майизли қуймоқ едим экан-а? Нега шампань виноларини ичдим-а? Нега ухладим, юрдим, ўйладим, кўнгил очдим? Ахир шулар учун пул тўлаш керак-ку! Шеър ўқиб ҳузур қилаётганимда ёки қандайдир ўйга чўмганимда, ё бўлмаса нонушта пайтида дўстларим даврасида ҳазил-мутойиба, хурсандчилик қилиб ўтирганимда тўсатдан қаршимда жигарранг фрак кийган, эскирган шляпасини қўлига олган жаноб пайдо бўлиб қолади. Разм солсам бу жаноб — Векселим, Қарзим экан. Мана шу арвоҳни кўрганимда хурсандчилигим йўқолиб, еган-ичганим заҳар бўлади. Қарзим мени дастурхон олдида туриб, ўзи билан гаплашишга мажбур қилади. Шод-хуррамлигимни, севгимни, ҳатто ўрин-тўшагимни тортиб олади. Ҳа, виждон азоблари Қарздан кўра мурувватлироқ экан, бу азоблар одамни кўчага ҳайдаб чиқармайди, Сент — Пелажи турмасига ташламайди, гуноҳларнинг ажойибхонасига киритиб юбормайди. Азоблар одамни дор остидан бошқа ҳеч қарга

олиб бормайди, дор остида эса жаллод бизни гуноҳлардан фориг қилади: қатл чоғи ҳамма бизнинг гуноҳсиз эканлигимизга ишонади. Ҳолбуки, хонумонидан айрилган тараллабедодчининг заррача поклигига жамият ишонмайди. Устига-устак сукно кийган, мовий кўзойнак таққан, охори тўкилган соябон тутган бу икки оёқли қарзлар чорраҳада дуч келиб, юзингизга энди табассум ёйилган бир пайтда даҳшатли сўзлар билан жонингизни олишга ҳаққи бор. Улар истаган вақтида: «Жаноб де Валентен мендан қарздор, лекин қарзини тўламаяпти. У қўлимга тушди. Қани энди у мен билан кўришганда хафа бўлганини билдириб кўрсин-чи!» — дейишади. Қарз берувчиларга албатта таъзим қилиш, мулоийм таъзим қилиш керак. «Қарзни қачон тўлайсиз?» — деб сўрашади улар. Сен эса ёлғон гапиришинг, бошқа бир одамдан пул сўраб ялинишинг, қаппайган сандигининг устига кеккайиб ўтирволган ҳар қандай аҳмоққа таъзим қилишинг, унинг шапалоқ билан ургандан баттар совуқ қарашига, Баремча ақл ўргатишига, нодонларча қўполлигига бардош беришинг керак. Қарз одамнинг тасаввурини бойита олишини қарз берувчиларнинг ўзлариям билишмайди. Руҳий интилишлар қарз олган одамни қизитади ва кўпинча азоблайди. Ҳолбуки, улуғ нарсалардан ҳеч бири одамни азобламайди. Пул учун, фақат пул учун яшайдиган одамлар юксаклик, мардлик нималигини билишмайди. Мен пулдан ҳаммиша кўрқардим. Ниҳоят, қарз — вексель деганда жуда кўп фазилатлар эгаси бўлган, жўжабирдай фарзандларини боқолмайдиган чолни тасаввур қилардим. Қарздор бўлганимда Грезнинг суратидаги атрофини болалари ўраб олган, шол бўлиб ётган чолни ёки аскарнинг бевасини кўз олдимга келтирардим. Шуларнинг ҳаммаси менга илтижо билан қўл чўзишарди. Айниқса, сен билан қўшилиб йиғлашадиган қарз берувчилар жуда даҳшатли. Уларга ёрдам беришимиз керак. Эртага қарзларимни узиш муддати етади, деган куним худди қатл ёки дуэль арафасида алданган умидлар алласида ухлаган одамдай сохта ором олиб ухладим. Лекин, уйғониб, ҳушимга келганимда гўё жоним банкирнинг ҳамёнига тушиб қолгандай, рўйхатларига жойлангандай, қизил сиёҳларда ёзиб ташлангандай туюларди. Гоҳо эса қарзларим ҳамма ёриқ-тешиклардан чигирткадай сакраб чиқа бошлайдилар: соатларда ҳам, креслоларда ҳам ўшалар; севимли оғоч-жиҳозларим ҳам қарзларим билан нақшланган, безанган эди. Рўзғор буюмларим судьяларнинг гарпиялари — темир қушларига ўлжа бўлади, менинг азиз, жонсиз хизматкорларимни миршаблар судраб олиб кетишар ва шаҳар майдонида остин-устун қилиб уюб ташлашар эдилар. Оҳ, рўзғор буюмларим, фақат вужудимнинг бир қисми-ку! Квартирамнинг қўнғироғи юрагимда жиринглар, бошимга зарб билан урилар эди (қиролларнинг ҳам бошига зарба берилади). Бундай

азоб-уқубатлар бору лекин жаннатдан дарак йўқ эди. Ҳа, мард одам учун қарз дўзах билан тенг, фақат у тушган дўзахда суд миршаблари, суд вакиллари бор. Тўланмаган қарз тубанлик, қаллобликнинг ҳаммаси, йўқ, ундан ҳам ёмон, у — алдамчилик. Тўланмаган қарз — жиноятга бир қадам яқинлашиш, у — дор учун тахта йиға бошлаш. Вақти келиб, қарзларимни қистаб қолишди. Уч кундан сўнг векселларимни тўлаб қутулдим. Қарздан қандай қутулганимни айтмайми? Бир олибсотар уйимга келиб, онамнинг қабри жойлашган Луарадаги оролни сотинг, деб қолди. Мен рози бўлдим. Қоронғи конторада харидорнинг нотариуси олдида имзо чекар эканман, ўзимни чоғга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Отамни қабрга қўяётганимизда совуқдан қандай жунжикиб, қўнишганим эсимга тушиб, сесканиб кетдим. Бу ёмон аломат эди. Хаёлимда онамнинг арвоғи овоз қилгандай бўлди. Билмадим, қандайдир мўъжиза билан бутхона қўнғироғининг жаранги орасида онамнинг мени отимни айтиб чақиргани эшитилди! Оролни сотишдан тушган пулдан қарзларни узганимдан сўнг икки минг франки ёнимда қолди. Аслида энди шунча тажрибалардан кейин, ҳаётни обдон ўрганганимдан кейин, озми-кўпми шуҳрат топганимдан кейин яна фақирона ҳужрамга қайтиб, тинчгина илмий ишларимни давом эттирсам бўларди. Лекин Феодора мени ҳамон чангалидан қўйиб юбормаган эди. Кўпинча у билан тўқнашиб қолардим. Унинг мухлисларини ҳар лаҳза мени мақтаб жар солишга мажбур қилдим. Ҳаммаси менинг ўткир ақлимни, отларимни, муваффақиятларимни, файтуларимни мақташарди. Феодора эса шуларнинг ҳаммасига совуққонлик билан бепарво қарарди. Ҳатто Растиньякнинг «Сизни деб йигит ўзини хароб қиляпти» деган сўзлари ҳам графиняга заррача таъсир қилмади. Учимни олинглар, деб бутун дунёни ишга солдим, лекин бахтимни топмадим. Ҳаётнинг ҳамма ахлатхонасини титкилаб чиқиб, азоб чексам-да, севгида ором топмадим. Тасодифлар, қайфу, сафо, айш-ишрат базмлари орасида бахтимни излардим, аммо у соядай тутқич бермасди. Афсуски, энг покиза туйғуларим алданди; яхшиликларим учун ёмонлик кўрдим, нопок ишларим учун эса минг бора ҳузур-ҳаловат топдим. Жуда разил фалсафа, аммо тараллабедодчи одам учун тўғри фалсафа! Устига-устак Феодора менга моховларча манманлик, шуҳратпарастлик касалини юқтирган эди. Кўнглимга синчиклаб разм солсам, у тузалмас бод касалига учраб, йиринг боғлаб кетибди. Иблис пешонамга жўжаҳўроздай кеккайиш муҳрини босибди. Бундан буён титраб-қақшаб ҳар лаҳзада ҳаётимни хавф остида қолдириб, мол-давлат инжиқликларига берилиб яшашга ўрганиб қолибман. Агар миллионер бўлганимда тинмай қимор ўйнардим, зиёфатдан чиқмасдим, майда-чуйдаларга жонимни ҳалак қилардим. Ғамларимни аритиш учун куртизанкаларга, сохта дўстларга,

тансиқ таомларга, виоларга ўрганиб қолгандим. Энди ҳеч қачон ёлғизликни хоҳламасдим. Одамни оила билан боғлайдиган қариндошлик ришталари бутунлай узилиб бўлган эди. Гўё фақат лаззатланишга маҳкум қилингандим. Чекимга тушган машъум қуръа — ўзимни ўлдириш қисматим неларни буюрса, ҳаммасини сўзсиз бажарардим. Бойлигимнинг қолган-қутганларини сарфлаб, мислсиз кайф-сафога берилардим, аммо ўлимим менга эрталаб яна жонимни қайтариб берарди. Аллақайси умрбод рентанинг эгасидай, мен ҳам ёнаётган уйга бемалол кира олардим. Охир-оқибат ёнимда фақат йигирма франк пулим қолипти. Ана шунда Расиньякнинг аввалги омадлари эсимга тушди...

— Эҳе!— ҳайқирди Рафаэль тилсим эсига тушиб ва чўнтагидан сағри терини чиқарди.

Бугунги куннинг узоқлигидан чарчагани учунми, вино ва пунш тўлқинларида ақл кемасининг рулини бошқаролмай қолгани учунми, хотиралардан жонланиб кетгани учунми, ўз сўзларидан ўзи сезмай маст бўлиб қолгани учунми, Рафаэль қизишиб, ҳаяжонга тушди ва гўё телбаланиб қолди.

— Йўқолсин ўлим!— қичқирди у, сағри терини баланд кўтариб силкитар экан.— Энди яшагим келади! Мен бойман — демак менда ҳамма фазилатлар бор! Менга ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Ҳамма нарса қўлидан келадиган одамни биров пок эмас, деб кўрсин-чи! Ҳа-ҳа! Мен икки юз минг фойда кўришни хоҳлайман, шундай бўлади. Менга таъзим қилинлар, чўчқалар, гўнгда ағанагандай гиламда ётган ҳайвонлар! Энди сизлар меникисиз, бойликнинг қудратини билиб қўйинг! Мен бойман, ҳаммангизни сотиб олишга қурбим етади. Ҳатто анави карнайдек хуррак отаётган депутатиям сотиб оламан. Қани, менга оқ фотиҳа тиланлар, киборлар жамиятининг аблаҳлари! Мен Рим отасиман!

Аввалига меҳмонларнинг хурраги орасида эшитилмай турган Рафаэлнинг ҳайқириқлари охири уларни уйғотиб юборди. Кўпчилик, нега уйқумизга халақит берасан, деб оёқда зўрға турган, кайф устида шовқин солаётган Рафаэлга норозилик билдириб, бақириб-чақира бошладилар. Улар Рафаэлга сўкинишлар концерти билан жавоб беришди.

— Жим!— бақирди Рафаэль,— ўрниларингдан қўзғалманглар, итваччалар! Эмиль, мен жуда катта бойман, мен сенга Гавана сигараларини олиб бераман!

— Қулоғим сенда,— жавоб берди шоир.— Шундай қилиб, Феодора ёки ўлим! Қани, ҳикоянгни давом эттир. Бу шайтон Феодора сени бошлаб қўлга туширибди. Аёлларнинг ҳаммаси — Момо Ҳаво авлодлари. Сенинг воқеангда ҳеч қанақа фожеа йўқ.

— А, ухлаётган экансан-да, алдоқчи?

— Йўқ, уйғоқман. Феодора ёки ўлим! У ёғини айтавер...

— Уйғонсанг-чи!— қичқирди Рафаэль сағри тери билан

Эмилни урар экан, у гўё мана шундай қилиб, дўстидан электр токини чиқармоқчига ўхшарди.

— Шайтон чалгур!— деди Эмиль сакраб туриб, Рафаэлнинг қўлларини ушлар экан.— Дўстим, эсингдан чиқмасин, биз ҳозир енгилтақ аёллар орасидамыз.

— Мен миллионерман!

— Миллионермисан, йўқми, билмадим, лекин мастлигинг аниқ.

— Куч-қудратимдан мастман, ўлдирворайми?.. Жим! Мен Неронман! Мен Бухтаносирман!

— Рафаэль, ахир биз ёмон одамлар орасидамыз. Лоақал ўз ҳурматингни билиб, жим бўлсанг яхшийди.

— Мен ҳаётда узоқ вақт жим бўлиб келдим. Энди бутун дунёдан ўчимни оламан! Унгу сўлимга манфур метални сочиб юришга энди розимасман. Энди бир ўзим давримизни кичик нусхада такрорлайман, одамларнинг ҳаётини, ақлу ҳушини, қалбларини еб тугатаман. Зеб-зийнат, дабдаба деб мана буни айтадилар. Аллақандай гадойларча дабдаба эмас бу. Улат чоғидаги кайф-сафо бу. Сарик безгакданам, зангорисиданам, яшилиданам кўрқмайман, армиялариданам, эшафотлариданам кўрқмайман! Феодорани хоҳлайман... Йўқ, Феодорани хоҳламайман, Феодора мени хароб қилади! Феодорани унутишни хоҳлайман!

— Агар шундай қичқираверсанг ошхонага обориб кўяман.

— Манави терини кўрдингми? Сулаймон пайгамбарнинг васияти бу. Сулаймон, тақводор подшо энди меники! Арабистонам меники, Петреяниям қўшиб оламан. Бутунолам — меники! Агар хоҳласам — сенам меники бўласан. Ҳа, агар хоҳласам, эҳтиёт бўл! Сени бутун дўкон-дастагинг билан сотволамиз, журналист, менга малай бўласан. Мен учун байтлар тўқийсан, қоғоз чизиб берасан. Малай! Яъни, малай учун дунёни сув босса тўпиғидан келмайди, малай ҳеч нарсани ўйламайди.

Шу гапларни айтаётганида Эмиль дўстини ошхонага судраб кирди.

— Хўп, оғайни, мен малайман,— деди Эмиль.— Сен эса газетанинг бош муҳарририсиан. Жим бўл! Иззатингни билиб, ўзингни қўлга ол! Мени яхши кўрасанми?

— Яхши кўришим гапми, сенга Гавана сигараларини олиб бераман. Ҳаммасига тери айбдор, билдингми, қудратли тери айбдор. Ажойиб дори, ҳатто қадоқниям чиқара олади. Сенда қадоқ борми? Чиқариб бераман...

— Бунақа аҳмоқ бўлишингни ҳеч қачон кўрмагандим!

— Аҳмоқ дейсанми? Ҳеч қанақа аҳмоқмасман! Мана бу тери бирор нарсани хоҳласам кичрайиб қолади... Жуда аниқ савол-жавоб бу. Бараҳман... Бу ишга бараҳман аралашган. Мана шу бараҳман — ҳазилкаш одам; негаки, кўрдингми, истаклар чўзади...

— Хўп, майли.
 — Айтмоқчиманки...
 — Тўғри, мутлақо, тўғри, менам шуни айтмоқчиман-да. Истақлар чўзади...
 — Айтмоқчиманки, терини!..
 — Тўғри, тўғри.
 — Гапимга ишонмайсанми? Биламан сени: сен ёлгончисан, худди янги қиролга ўхшайсан.
 — Ўзинг ўйлаб кўр, мастларча алжирашингга ишониб бўладими?
 — Онт ичаманки, исбот қиламан. Ўлчаб оламиз...
 — Оббо, у энди ухлаб бўпти!— ҳайқирди Эмиль дўстининг ошхонани титкилай бошлаганини кўриб.

Одатда мастларнинг миясида тушларидаги бода хаёлоти билан ақлий равшанлик шуълалари ўрин алмашлаб туради. Рафаэль ҳам ана шундай ақли равшанлашган пайтида маймундай чаққонлик билан сиёҳдон ва қоғоз рўмолчани қидириб топди; айна вақтда у ҳадеб:

— Ўлчаб оламиз! Ўлчаб оламиз!— дея такрорларди.

— Бўпти,— деди Эмиль,— ўлчаб оламиз.

Икки дўст қоғоз рўмолчани текис жойга ёйиб, устига сағри терини қўйишди. Рафаэлдан кўра ҳушёрроқ кўринган Эмиль сиёҳ билан тилсим атрофини айлантириб чизиб чиқар экан, дўсти ҳадеб жаврарди:

— Мен икки юз минг франк фойда тиладим-а, тўғрими? Мана, кўрасан, ҳозир ўша фойда қўлимга киради, аммо сағри кичрайиб қолади.

— Албатта кичрайиб қолади. Бўлди энди, ухла. Истасанг, мана бу диванчага ўрин солиб бераман. Мана бундай, яхшими?

— Яхши, матбуот фарзанди. Сен мени овутасан, пашша кўрийсан. Одамнинг бахтсиз пайтларида дўст бўлган одам қудратли пайтларидаям дўст бўлиши керак. Бўпти, сенга гава-на си-га-ра-ла...

— Яхши, олтинларингни тушингда кўр, миллионер.

— Мақолаларингни тушингда кўр, хайрли тун. Менга, Бухтаносиргаям хайрли туш тилагин!.. Севамиз! Ичамиз! Франция... Шухрат ва мол-давлат....

Кўп ўтмай икки дўст меҳмонхонадан эшитилаётган уйқу музикасига ўз хуррақларини жўр қилишди. Ваҳшийлар концерти эди бу! Бирин-кетин шамлар ўчди, биллур қандиллар қисирлаб сўна бошлади. Узоқ кайф-сафо устидан тун пардаси ёпилди. Бу кайф-сафо ичида Рафаэлнинг ҳикояси ўзи бир олам бўлиб, бу алжирашда сўзлар маъносиз, маънолар эса сўзсиз эди.

Эртасига, соат ўн иккиларга яқин Акилина уйқуга тўймай уйғонди; яноғида курсининг барқут қопламаси томирларга ўхшаш мрамор нақш қолдирганди, бошини курсига

қўйганича ухлаганди. Дугонасининг ҳаракатидан уйғониб кетган Евфросия чийиллаб сакраб туриб кетди. Унинг кеча сутга чайгандай оппоқ, дуркун бўлган гўзал чехраси энди хазондай сўлган, касалхонага кетаётган қизнинг юзидай рангсиз эди. Меҳмонлар бирин-кетин оҳ-воҳлар билан уйғониб, қимирлай бошлашди; уларнинг қўл-оёқлари увушиб қолганди, ҳар бири уйғониб, бутун вужудида мадори қолмаганини сездди. Лакей меҳмонхона деразаларидаги панжараларни ва ойналарни очиб юборди. Ҳали ухлаб ётганларнинг юзларида қуёшнинг илиқ нурлари ўйнай бошлади. Аёллар ухлаб ётганларида ағдарилиб, сочларининг чиройли турмақларини бузиб, либосларини гижимлаб ташлашган эди. Энди кундузги ёруғда уларнинг сочлари пахмайиб, қадди-қомати бузилиб, кечаги порлаб турган кўзлари ҳорғинликдан сўниб, даҳшатли манзара ҳосил қилганди. Кечаги шаъмлар ёруғида ялтираган қорамағиз юзлар хунуклашиб, силлиқ, оппоқ ва нафис юзлар ҳорғинликдан сўлиб, кўкариб кетганди; кечаги фусункор, қирмизи лаблар энди қуруқшаб, мастликнинг шармандали изларини сақлаб қолишганди. Эркақлар тунги маҳбубларининг ибодатгўйлар топтаб, босиб кетган гуллардай сўлиб қолганларини кўриб, улардан юз ўгиришди. Лекин бу такаббурларнинг ўзлари аёллардан баттар хунуклашиб кетишганди. Мана шу одамларнинг кўзлари мастликдан шишадай хиралашиб, ичига чўккан, атрофи қорайиб, тетиклаштириш ўрнига чарчатадиган безовта уйқудан маъносизлашган, ҳеч нарсани кўрмас бўлиб қолган эди. Мана шу бужмайган юзларида жисмоний шаҳват ўзининг хунук муҳрини босган, совуқ — ҳайвоний бир қиёфага киритган эди. Руҳ одамнинг юзини гўзаллаштиради; мана бу юзларда эса руҳ — нафосат йўқ эди. Буларнинг башарасига қараган одам беихтиёр сесканиб кетарди. Гуноҳларнинг бу қадар пардасиз, жилосиз, қоқсуякдай — ғажилган устихондай, совуқ, қуруқ, ақл ўйинларисиз ва зеб-зийнат зеболигисиз кўриниши ҳар қандай кайф-сафо билан курашдан қўрқмайдиган мана шу пахлавонларни даҳшатга солди. Ижодкорлар ва куртизанкалар — маҳбубалар ҳамма ёғи бўшаб қолган ва эҳтирослар оловида куйиб битган залдаги тартибсизликларга кўз қирларини ташлаб, жим қолишди. Бирдан иблисона қаҳқаҳа янгради. Тайфер ўз меҳмонларининг хириллаган товушларини эшитиб, уларни хурсанд қилиб қаршиламоқчи бўлди. Унинг тер кўпчиган, қон томай деб турган қип-қизил башарасига қараганлар мана шу жаҳаннамий манзара узра виждон азобларини билмайдиган жиноят оразини кўргандай бўлдилар. («Қизил меҳмонхона»га қаранг). Манзара мукамаллашди. Бу зеб-зийнат ичидаги ифлослик манзараси, дабдаба ва инсон ғариблигининг ғоят хунук, қўрқинчли аралашмаси эди. Кайф-сафо ўзининг олчоқ қўллари билан ҳаётнинг барча меваларини гижимлаб, шарбатини ичиб, ифлос пўчоқларини —

Ўзиям ишонмайдиган алдовларни атрофга сочиб ташлагандай эди. Улатга учраган оила ичида гўё ўлим тиржайиб турарди: бу ерда на хушбўйлик, на кўзни қамаштирувчи ёруғлик, на шод-хуррамлик, на тилак, истак қолган, бу ерда фақат кўнгилни айнитувчи, ҳидларни анқитувчи ва ҳалок қилувчи фалсафаси бўлган ирганиш бор эди. Лекин ҳақиқатга ўхшаш нур сочувчи қуёш, кўнгил поклигидай тоза ҳаво кайф-сафо маразларига тўлган бўғиқликдан кескин фарқланиб турарди. Мана шу ёшгина қизлар гуноҳ ишларга ўрганиб қолишганига қарамай, кўпчилиги ўзларининг беғуноҳ, покиза, ифбатли қизлик пайтларини, бир вақтлар уйқудан туриб, қишлоқдаги уйчасининг учқат ва атиргуллар чирмашиб кетган деразасидан қараб, тонги табиат тароватидан завқланган тўғайнинг шўх сайрашига, туманни ёриштирган тонгги шафақ нурларига, чиройли ясанган олмосдай шурингларга мафтун бўлган чоғларини эслашарди. Бошқалар оила даврасидаги нонушта пайтини, стол атрофини ўраб олган ота ва болаларнинг беғубор қийқириб кулишларини, ҳамма нарсадан мислсиз тароват уфуриб турганлигини, таомлар ҳам кўнгилларидагидай содда бўлганлигини эслашарди. Рассом ўзининг сокин устахонасини, ифбатли, иболи қиз ҳайкалини, ширингина натурачи қизни ўйларди. Бир оиланинг тақдирини ҳал қиладиган суд мажлисини эслаган ёш адвокат ўзи қатнашиши лозим бўлган учрашув маслаҳатини ўйларди. Олим мардона меҳнат кутиб турган ижодхонасини соғинарди. Деярли ҳамма ҳозир ўзидан рози эмасди. Худди шу пайт меҳмонхонага дуркун, тетик, юзи қизариб кетган, машҳур бўлган магазиннинг энг чиройли гумаштасидай Эмиль пайдо бўлди.

— Ҳамманглар суд миршаблариданам хунук бўлиб кетибсизлар!— ҳайқирди у.— Бугун сизлар ҳеч ишга ярамайсизлар, кунни бой бердинглар, нонушта қилишни маслаҳат берман.

Шу сўзлар айтилиши билан Тайфер дастурхон тузашга фармон бериш учун чиқиб кетди. Аёллар ўзларига оро бериш учун оҳиста қадамлар билан кўзгуларга яқинлашишди. Ҳамма ҳушига келди. Энг гуноҳкор қизлар энг эсли қизларга панд-насиҳат қиларди. Маҳбублар одамнинг тинка-мадорини қуритадиган базмни яна давом эттиришга кучи етмаётган қизларни масхаралаб кулишарди. Бир лаҳзада гўё арвоқларга жон кириб, тўда-тўда бўлиб йиғилиб, бир-бирларига сўроқ бериб, ҳазил-мутойиба қила бошлашди. Эпчил, ҳаракатчан лакейлар зудлик билан ҳамма ёқни саранжом-сарихшта қилиб қўйишганди. Дабдабали нонушта тортилди. Меҳмонлар емакхонага ёпирилишди. Бу ердаги ҳамма нарсанда кечаги кайф-сафонинг излари қолганди, аммо ҳар ҳолда ўлаётган одамнинг сўнгги талвасасидай, ҳаёт ва тафаккур нишоналари кўриниб турарди. Худди карнавалдагидай, кайф-

сафо қилаётган рўзачилар ўзларини ниқоб билан яширгандай, роса ўйин тушиб, маст-аласт бўлиб чарчаганларига қарамай, ожизликларини билдирмаслик учун ҳар қанақасига кайф-сафони яна давом эттиришга жазм қилгандай эдилар. Довюррак меҳмонлар дастурхон атрофини эгаллагандилар. Кеча тушлик зиёфатдан кейин, кайф-сафони уйда хотини билан давом эттириш учун ғойиб бўлган Кардо яна пайдо бўлиб қолди. У кимгадир хушомад қилгандай очилиб, кулисираб турарди. Чамаси, у аллақандай мероснинг исини билиб қолган-у, энди уни турли-туман рўйхатларга тиркаб, маза қилмоқчи эди. Зеро, мерос ҳаммаша нотариуснинг ҳар хил ишларига, гонорарларга — қалам ҳақларига бой бўлади. Хуллас, мерос ҳозир амфитрион пичоқ тиқаётган қийма гўштдай мазали бўлади.

— Демак, биз нотариаль тартибда нонушта қиламиз! — қичқирди де-Кюрси.

— Дарвоқе, сиз мана бу ҳаракатдаги мулкларнинг ҳисобини олиш учун ҳам келгансиз,— деди банкир Кардога дастурхондаги ноз-неъматларни кўрсатиб.

— Васиятнома тузишга ҳожат йўқ,— ҳазил қилди бир йил аввал илк марта уйланиб, бахтиёр бўлган олим.

— Оҳо!

— Эҳе!

— Ҳозир,— деди силлиқ ҳазилларнинг хоридан қулоғи битган Кардо,— мен жуда муҳим иш билан келдим. Орангизда бир кишига олти миллион келтирганман.— (Жимжитлик.)— Жаноби олийлари,— деди у шу тобда салфетканинг учи билан бамайлихотир кўзини артаётган Рафаэлга қараб,— онангизнинг қизлик исми О'Флаэрти эмасми?

— Шундай,— деди беихтиёр Рафаэль — Варвара Мария.

— Ўзингиз ва онангиз қачон туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалар борми?— давом этди Кардо.

— Албатта.

— Ундай бўлса, жаноби олийлари сиз бир минг саккиз юз йигирма саккизинчи йилнинг август ойида Калькуттада қазо қилган майор О'флаэртининг яккаю-ягона ва тўла ҳуқуқли меросхўрисиз.

— Калькутта меросини ола кет-да,— қичқирди билимдон.

— Майор ўз васиятида баъзи идораларга тўланиши лозим бўлган анча-мунча маблағларни тўламапти. Шунинг учун Франция ҳукумати Шарқий Ҳиндистон компаниясидан мерос талаб қилди,— давом этди нотариус.— Ҳозирги вақтда ана шу мерос ундириб олинган ва у солиқлардан озод. Мен икки ҳафта овора бўлиб, Варвара Мария О'Флаэрти хонимнинг меросига алоқадор одамларни қидириб юргандим. Кеча кечқурун бирданига дастурхон устида...

Шу пайт тўсатдан Рафаэль сакраб туриб, жароҳатлангандай юрагини чангаллаб қолди. Утирганлар гўё кўнгилла-

рида қичқириб юборишди. Ҳамманинг кўзи ёниб, Рафаэлга қараб қолишди. Сўнг театрнинг партери — олдинги қаторларидан жанжал чиққандай шовқин кўтарилди. Шовқин-сурон тобора авж олди. Ҳар ким бошига давлат қуши қўнган одамни нотариус келтирган хушхабар билан табриклашга интиларди. Тақдирнинг тасодифий Ҳимматидан дарров ҳушёр тортган Рафаэль боя чизиб, ўлчаб олинган салфеткани — сочиқни столга ёйиб, сағри терини унинг устига қўйди. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, терини чизикча ўлчаб кўраркан, Рафаэль терининг чети билан салфеткадаги чизик орасида озроқ жой қолганлигини кўриб, оҳ деб юборди.

— Нима бўлди унга, — бақириб сўради Тайфер. — Давлат жуда осонлик билан келганга гангиб қолди шекилли?

— Ёрдамга, Шатильон! — деди Бисиу Эмилга қараб. — Ҳозир у хурсандчиликдан ёрилиб ўлади.

Меросхўрнинг рангида ранг қолмади, юзи хунуклашиб, жағлари оқариб, яноқлари қорайиб, кўрғошин тусига кириб, нигоҳи қотиб қолди. Унинг кўзига *ўлим* кўринди. Атрофини сўлгин маҳбубалар — куртизанкалар, кайф-сафодан тўйган ҳамшишалар ўраб олган қудратли банкир — мана шу хурсандчилик талвасаси Рафаэль ҳаётининг тимсоли эди. Рафаэль «салфетка — сочиқдаги қайсар чизиклар ичига бемалол жойлашган тилсимга уч марта қаради; у мана шу ҳолатнинг ростлигига шубҳа қилишга уринар, аммо аллақандай равшан сезги унинг шубҳаларини чилпарчин қиларди. Дунё энди уники эди — лекин у ҳеч нарсани хоҳламасди. У, саҳрода озгина суви қолган йўловчига ўхшар, умрининг қанча қолгани, неча ҳўпам суви қолганлигига боғлиқ эди. У, ҳар бир истаги қанчага тушишини кўриб турарди. У сағри терига ишониб, ўзининг нафас олишига қулоқ сола бошлади, энди ўзини касал ҳис қилар ва: «Сил бўлиб қолдиммикин? Онам кўкрак касалидан ўлганди-ку?» — деб ўйларди.

— Оҳ, Рафаэль, энди роса хурсандчилик қиладиган бўлдингиз. Менга нима олиб берасиз? — сўради Акилина.

— Рафаэлни амакиси, майор О, Флаэртининг қазоси учун ичамиз! Мана бу одамни зўр деса бўлади!

— Э, июль воқеаларидан кейин Франция пэри ким бўпти! — сўз қистирди билимдон.

— Италия театрида ложанг бўладими?

— Албатта ҳаммамизни меҳмон қилсангиз керак? — сўраб кўрди Бисиу.

— Бу одам энди дабада билан яшайди, — деди Эмиль.

Масхарабозларча йигиннинг табриклари Валентеннинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқар, лекин бирорта сўзни уқмасди; хаёлида бретонлик кўп болали деҳқоннинг ташвишсиз ҳаёти жонланди. Уша деҳқон ер ҳайдайди, ёрма бўтқа ейди, бир кувшиндан эртаю кеч сидр суви ичади, биби Марямга ва қиролга ихлос қўяди, ҳайит кунлари ибодатга бора-

ди, якшанба кунлари ўтлоқда ҳамқишлоқлари билан ўйнаб-кулади ва ўзларининг домлалари айтган ваъзни тушунмайди. Кейин эса кўз олдида пайдо бўлган зарҳал деворлар, маҳбубалар, тансик таомлар, зеб-зийнатларни кўриб нафаси қайтиб, томоғи бўғилиб қолди.

— Қийма гўшт хоҳлайсизми? — қичқирди унга қараб банкир.

— Мен ҳеч нарсани хоҳламайман! — деди момақалди роқдай гумбурлаган овоз билан.

— Қойил! — қичқирди Тайфер. — Давлатманд одамнинг диди бор экан сизда — энди ҳар қандай тантилик қилишга ҳаққингиз бор. Энди сиз бизники бўлдингиз! Жаноблар, олтиннинг қудрати учун ичамиз. Жаноб де-Валентен олти баравар миллионер бўлди. Энди у ҳокимиятга эришади. У қирол, у ҳамма нарсани қила олади, у ҳаммадан баланд, барча бойлар каби. *Барча французлар қонун олдида тенгдирлар*, деган сўзларнинг, хартия дебочасининг энди унинг учун аҳамияти йўқ. У қонунларга бўйсунмайди, қонунлар унга бўйсуннади. Миллионерлар учун дор ҳам, жаллод ҳам йўқ!

— Тўғри, — деди Рафаэль, — ўзи-ўзига жаллод бўлади!

— Мана яна битта хурофот! — қичқирди банкир.

— Ичамиз! — деди Рафаэль чўнтагига сағри терини жойлар экан.

— Нимани беркитяпсан? — ҳайқирди Эмиль дўстининг қўлини ушлаб. — Жаноблар, — давом этди у Рафаэлниң ғалати қилиқларидан ажабланиб турган жамоатга юзланиб. — Сизларга маълум бўлсинки, дўстимиз де-Валантен... Э, нима деяпман? — жаноб маркиз де-Валентен бойишнинг сирини билади. У бирор истагини ўйлаши билан ўша заҳоти амалга ошади. Лакейга ўхшаб ёки тошюрак одамга ўхшаб қолмай, деса у ҳозир бизниям бойитиши керак.

— Оҳ, Рафаэль, жоним, менга марварид шодасини олиб бергин! — қичқирди Евфрасия.

— Агар у мард бўлса менга иккита фйтуни билан зотли, учқур отлардан олиб беради, — деди Акилина.

— Менга ўн минг ливр йиллик фойда тилаб берасиз!

— Қашмир шойисидан рўмол!

— Қарзларимни узасиз!

— Амакимга тутқаноқ дардини тиланг, қуриб кетсин, хасис!

— Рафаэль, ўн минг ливр фойда етарли, сен билан орамиз очик!

— Эҳ-эҳ, бу ерда роса кўп совға ҳужжатлари тузиш керак! — қичқирди нотариус.

— Нима қилиб бўлсаям у менинг бодимни даволаттириши керак!

— Рента арзонлашсин, шуни тилаб беринг! — қичқирди банкир.

Мушак осмонга отилганда сачраган олов фавворасидай тилаклар ёғилди. Қизиғи шуки, мана шу қизғин тилакларнинг ҳаммаси ҳазилдан кўра чинига айтилаётган эди.

— Азиз дўстим,— жиддий тусда гапирди Эмиль.— Менга икки минг ливр фойда кифоя қилади, марҳамат қилиб, ҳиммат кўрсатсанг.

— Эмиль,— деди Рафаэль,— биласан-ку, ахир бунга эришиш жуда қимматга тушади!

— Ўзини оқлашини қаранг,— ҳайқирди Эмиль.— Ахир дўстларинг учун заҳар ют деган гап бор-ку?

— Ҳаммангизга ўлим тилашга розиман!— жавоб берди Рафаэль меҳмонларга тунд ва узоқ нигоҳ ташлаб.

— Улаётганлар ваҳшийларча шафқатсиз бўлади,— кулиб деди Эмиль.— Мана энди бой бўлиб кетдинг,— қўшиб қўйди у жиддий оҳангда. Ҳали икки ой ўтмасдан ифлос бир худбинга айланасан. Аллақачон аҳмоқ бўлиб қолибсан, ҳазилниям тушунмайсан. Сағри терингга ишониб юрибсан. Шуниси етмай турган эди...

Рафаэль ҳаммага масхара бўлмаслик учун бу ёмон даврада жим ўтиришни афзал кўрди, бир лаҳза бўлсаям ўзининг куч-қудратини унутиш учун керагидан ортиқ маст бўлгунча ичаверди.

III

ТАЛВАСА

Декабрнинг дастлабки кунларидан бирида жала қуйиб турган вақтда Варен кўчасида етмиш ёшлардаги чол ҳар бир иморат олдида тўхтаб, бошини кўтариб, болаларча соддалик ҳамда файласуфларча хаёлчанлик билан маркиз Рафаэль де-Валантен яшаётган уйни қидирарди. Чолнинг кучли, иродали характери, бошига тушган ғам-кулфатларга бардош берганлиги оқариб кетган узун сочидан, оловда бужмайган пергаментга ўхшаш юзидан шундоққина билиниб турарди. Бошдан-оёқ қора кийган, озғин қоқ суяк бўлиб қолган бу чолни агар рассом кўриб қолса, устахонасига келиши билан альбомига чизиб қўяр ва тагига «Қофия қидираётган классик шоир», деб ёзиб қўяр эди. Тирилиб келган бу Ролен ўзига керакли рақамни топди шекилли, данғиллама иморатнинг дарвозасини тақиллата бошлади.

— Жаноби Рафаэль уйдадилар?— сўради чол ливрея кийган швейцардан.

— Маркиз меҳмон кутмаяпти,— жавоб берди швейцар нон бўлагини пиёладаги қаҳвага ботириб, оғзига солар экан.

— Қаретаси шу ерда экан,— кўнмади чол, дарвоза олдида, чодирсимон нақшин ёғоч айвон остида турган чиройли

жипажни кўрсатиб.— У ҳозир чиқиб қолса керак, кутиб туравераман.

— Қўйсангиз-чи бува, бунақада тонггача кутиб қоласиз, маркиз учун карета ҳамиша тайёр туради,— деди швейцар.— Марҳамат қилиб, бу ердан кетмасангиз, мен балога қоламан, агар бегона одамни киритсам умр бўйи оладиган олти юз франк пенсиядан ажраламан.

Шу вақт новча бир чол даҳлиздан чиқиб, илтимос қилувчига бошдан-оёқ синчков назар ташлади. У кийимига қараганда худди министр чопарига ўхшарди.

— Дарвоқе, мана жаноб Ионафан чиқиб қолди, шу киши билан гаплашиб кўринг,— деди швейцар.

Иккала чол бир-бирига ҳурмат юзасиданми ёки қизиқиш туфайлими ҳовли ўртасидаги доира майдонда учрашиб қолишди. Бу ерда тўрт бурчак тошлар орасидан майсалар ўсиб чиққан эди. Уйда одам кўрқадиган сукунат ҳукм сурарди. Ионафаннинг юзи сирли кўринар, қараган одам унинг сирини билишга қизиқиб қолар эди. Умуман, бу ердаги энг майда-чуйда нарсаларгача сирли кўринарди. Рафаэль тоғасининг жуда катта меросини олиши билан аввало садоқатли, қари хизматкорини қидириб топди; унга ҳамма жиҳатдан ишонса бўларди. Ионафан Рафаэлни кўриши билан хурсанчиликдан йиғлаб юборди; ахир у ёш хўжайини билан умрбод хайрлашдим, деб ўйлаганди-да. Рафаэль унга бошқарувчилик вазифасини юклаганида боши осмонга етди! Ионафанга Рафаэль билан бутун олам ўртасида воситачилик қилиш ҳуқуқи берилди. Хўжайиннинг барча мулклари устидан олий фармонбардор, хўжасининг барча тилакларини сўзсиз ижро этувчи Ионафан гўё Рафаэлнинг олтинчи сезгисига айланиб қолганди. Турмушнинг барча ташвиш-ҳаяжонлари шу чол орқали Рафаэлга етиб борарди.

— Жаноб Рафаэлга зарур гапим бор,— деди чол ёмғирдан ўзини айвон зинасининг панасига олиб.

— Гапим бор, дейсизми!— кичқирди бошқарувчи.— У ҳатто мен билан, тутинган отаси билан ҳам деярли гаплашмайди-ку.

— Лекин, ахир мен ҳам Рафаэлнинг тутинган отасиман!— ҳайқирди чол.— Агар сизнинг хотинингиз уни бир вақтлар эмизган бўлса, мен унга музаларнинг сутини эмизганман. Уни мен тарбия қилганман, у менинг фарзандим, *caus alumnus*¹ мен унга ақл-ҳуш берганман, фикрлашга ўргатганман, унинг қобилиятларини ўстирганман. Бу мен учун фахрли ва шарафли, билсангиз! Ахир замонамизнинг энг ажойиб одамларидан бири-ку. У менинг раҳбарлигимда учинчи синфдан олтинчи синфгача ўқиган. Мен унинг ўқитувчисиман.

¹ Азиз шогирдим. (Лат.).

— Э, жаноб Поррике — сизмисиз?

— Ушанинг ўзи. Лекин...

— Tcl Tcl— деди Ионафан икки ошпаз болага қараб. Уларнинг овози бу ердаги ибодатхона сукунاتини бузаётган эди.

— Лекин, айтсангиз-чи, жаноб маркиз касал-пасал эмасми? — сўради ўқитувчи.

— Э, ҳурматли жаноб Поррике,— маркизга нима бўлганини фақат худо билади,— жавоб берди Ионафан.— Тўғриси, Парижда бизниқига ўхшаган иморатдан иккита топилмас керак. Тушуняпсизми? Иккита. Улай агар топилмайди. Маркиз сотиб олган мана шу уй илгари герцогнинг, пэрнинг уйи бўлган экан. Жихозларининг ўзига уч юз минг франк сарфлади. Ахир уч юз минг франк — катта пул! Аммо-лекин уйимизда қаёққа қарасангиз мўъжизани кўрасиз. «Яхши,— деб ўйладим бу дабдабани кўрганамда,— раҳматли бувасининг уйи ҳам шунақа эди. Еш маркиз бутун шаҳарни ва сарой аъёнларини меҳмонга чақирса керак!» Йўқ, ундай эмас экан. У ҳеч кимни кўришни хоҳламапти. Жуда аломат яшайди у, тушуняпсизмий жаноб Поррике? Жуда нозик тартиб ўрнатган. Ҳар куни бир вақтда уйғонади. Қаранг-а, мендан бошқа ҳеч кимни кўришни хоҳламайди. Соат еттида эшикни очаман. Қишдаям, ёздаям, бари бир. Шунақа ғалати одат бор бизда. Ичкари кираман-да: «Жаноб маркиз, туриш, кийиниш керак», дейман. Маркиз туради, кийинади. Халатини узатаман. Халати доим бир хил матодан, бир хил бичимда тикилади. Эгнидаги эскириб кетганида ўзим янги халат тиктириб қўяман. Маркиз янги халат сўрашини кутиб ўтирмайман. Уйлаб топганини қаранг! Нимаям қилардим, жоним болам, кунига минг франк пулниям бемалол сарфлашга кучи етади, шунинг учун хоҳлаганини қилади-да. Уни шунчалик яхши кўраманки, агар бу юзимга урса, у юзимни тутиб бераман. Дунёдаги энг қийин ишни топширсаям бажараман, билдингизми? Шунақа, зиммамга шунчалик кўп ташвиш юкланганки, бош қашишга қўл тегмайди. Газеталарни ўқийди, албатта. У газеталарни доим бир вақтда, бир столга қўйишни буюрган. Ҳар доим бир вақтда соч-соқолиниям ўзим олиб қўяман, қўлим қалтирамайдиам. Нонушта ропп-роса соат ўнда, тушлик овқат ропп-роса соат бешда тайёр бўлиши керак. Агар ошпаз мана шу нозик тартибни бузса, умрбод оладиган минг экю пенсиясидан айрилади. Кундалик меню бир йил олдин тузилади. Маркиз бирор нарсани кўнгли хоҳлаб қолишига ҳеч қандай ҳожат йўқ. Қулупнай пишдими — қулупнай келтирилади. Парижга биринчи макрель балиқ келтирилиши билан дастурхонда макрель пайдо бўлади. Карточкага олдиндан ёзиб қўйилган, у тушликка нима ейишини аввалдан билади. Ҳар доим бир хил вақтда кийинади, устки кийим, ички кийимлар ҳам бир хил бўлади. Би-

ласизми, устки кийим билан ички кийимларни ҳар доим бир жойга, ўша битта креслога қўйиб қўяман. Кийимнинг матосиям бир хил бўлиши керак. Мабодо, сюртуги эскириб қолса, маркизга бу ҳақда оғиз очмай, янгисига алмаштириб қўйишим керак. Агар ҳаво очиқ бўлса ундан «Айланиб келмайсизми?» — деб сўрашим керак. У киши «Ҳа» ёки «Йўқ» — деб жавоб беради. Агар фойтунда сайр қилгиси келиб қолса, отларнинг қўшилишини кутиб ўтирмайди. Отлар ҳамиша шай бўлиб туради. Кучер ҳар доим қўлида қамчи ушлаб ўтириши керак. Унга шундай ўтир деб нозик қилиб тайинлаб қўйилган. Ана, ўзингиз қаранг. Бугун тушлик овқатдан кейин маркиз Операга боради, эртага Италья... Йўқ, Итальян театрига ҳали боргани йўқ. У ерга ложага билетни фақат кеча олдим. Сўнг ропп-роса соат ўн бирда уйга қайтиб, ўрнига ётади. Агар ҳеч қаёққа бормаса, китоб ўқийверади, ўқийверади. Хаёлига нима келганини биласизми? Ҳар доим «Китоб савдоси янгилеклари»ни ҳаммадан аввал ўқиб, янги китобларни савдога чиқиши билан сотиб олишим керак. Маркиз ўша кунийёк янги китобни камин токчасидан топади. Маркизнинг фармонига кўра ҳар соатда ундан хабар олиб туришим, ўчоққа қарашим, ҳамма нарсага кўз-қулоқ бўлиб туришим керак. Битта дафтарчага ҳамма қилинадиган ишлар ёзиб қўйилган, мен ўша дафтарчадаги ёзувларни ёдлаб олганман. Хуллас, аломат ишлар. Ёзда тоғ-тоғ муз топишим керак. Хоналарда ҳамиша бир хил ҳарорат — салқин бўлиши керак. Хоналаримизда йил бўйи гуллар яшнаб туриши керак. Маркиз жуда бадавлат! У бир кунда минг франк сарфлаши, тилаган тилагига етиши мумкин. Шўрлик илгари роса қийналган! Ҳеч кишига озор бермайди. Шамдай юмшоқ. Оғзидан бир оғиз ёмон гап чиқмайди. Аммо-лекин ўзиям боғда ҳам уйда тўла жимжитлик бўлишини талаб қилади. Мана шунақа, хўжайин бирор нарсани тилашига ҳеч бир ҳожат йўқ, ҳамма нарса бир зумда муҳайё бўлади. Хўжайиннинг билгани билган. Тўғри-да. Хизматкорларни қаттиқ тутиш керак. Бўлмаса, ҳамма иш чок-чокидан сўкилиб кетади. Мен жанобга ундай қилинг, бундай қилинг деб тураман, у айтганимни қилади. Ишонсангиз, жаноб, шунақа аломат ишлар қилганки... Унинг оромгоҳи ан... ан... нимаиди? Ҳа, анфилада бўлиб кетган! Масалан, маркиз ётоқдан ёки ишхонасидан чиқмоқчи бўлса, шарқ этиб ҳамма эшиклар ўз-ўзидан очилиб кетади: механцизм шунақа. Демак, маркиз уйнинг бир бошидан, иккинчи бошигача бемалол бораверади — ҳамма эшиклар очилиб тураверади. Ҳам қулай, ҳам ёқимли, ҳам тинчмиз. Аммо бу ишларни энлаштиргунча эсимиз кетган!.. Хуллас, иш шунга бордики, жаноб Поррике, маркиз менга бундай деди: «Ионафан, сен мени чақалоқни боққандай парварии қилишинг керак». Чақалоқни боққандай, дейди-я. Билдингизми, жаноб, чақалоқни боққандай, деди. «Менга нима

керак бўлса ўзинг биласан...» — деди. Бундан чиқди, мен хўжайину у хизматкор экан-да? Тушуняписизми? Гўё у хизматкор. Нега шундай экан? Буни худо билмаса, бандаси билмайди. Жуда нозик гап-а!

— У дoston ёзаётган бўлса керак! — ҳайқирди қари муаллим.

— Достон ёзпти деб ўйлайсизми? Афтидан, дoston ёзиш оғир меҳнат бўлса керак! Аммо-лекин унақага ўхшамайди. Ўзи кўп айтади, оддий яшагим келади, дейди. Худди куни кеча, жаноб Поррике, у кийинаётиб, лолалардан қараб қолди. «Шу гулларга ўхшайман», деди. «Содда яшайпман, шўрлик Ионафангинам!» деди. Бировларнинг ўйлашича, унинг жунун касали бор. Жуда нозик ишлар, сира тушуниб бўлмайди!

— Сезишимча, Ионафан, хўжайинингиз катта асар устида ишлаётган бўлиши керак, — деди ўқитувчи устозларча жиддий оҳангда. Поррике сўзларидаги бу оҳангдан хизматкорнинг устозга нисбатан ҳурмати янада ошди. — Устозингиз теран фикрлар устида ишлаётгани учун бировлар халақит бермасин, деб беркиниб олгандир. Даҳо одам ақлий меҳнат билан банд бўлганида ҳамма нарсани унутворади. Бир куни машҳур Ньютон...

— Ньютон дейсизми? Қим ўзи у? — сўради Ионафан.

— Ньютон улуг муҳандис, — давом этди Поррике. — Столга тирсаги билан суяниб, йигирма тўрт соат ўйлаб ўтирган экан. Эртасига ўйларидан холис бўлганида атиги бир неча лаҳза ўтганга ўхшапти. Бўтамнинг олдига кирай, балки унга ёрдамим керакдир...

— Тўхтанг! — қиқирди Ионафан — Франция қироли (аввалгиси, албатта) бўлганингиздаям фақат эшикни синдириб, ўлигимни босиб ўтасиз. Яхшиси, сабр қилинг, жаноб Поррике, мен зумда хўжайинга учраб, сизни кирсинми, деб сўраб чиқай. У «Ҳа» ёки «Йўқ» — деб жавоб қилади. Мен хўжайиндан ҳеч қачон «Буюринг», «Хоҳлайсизми?», «Кўнглингиз тилайдими?» — деб сўрамайман. Бу сўзларни бутунлай тилга олмайсиз. Бир куни шундай сўз билмасдан оғзимдан чиқиб кетган экан, роса жаҳли чиқди. «Менинг ўлимимни хоҳлайсанми?» — деб қойиб берди.

Ионафан кекса ўқитувчини даҳлизда қолдирди, орқамдан юрманг, деб ишора қилди. Тез қайтиб чиқиб, рухсат текканини айтди ва мўътабар қарияни ҳашаматли оромгоҳ томонга бошлаб кетди. Ҳамма эшиклар очиқ эди. Ўқитувчи узоқдан камин олдида ўтирган шогирдини кўрди. Йирик гулдор халат кийган Рафаэль юмшоқ креслога чўкиб, ястаниб ўқиб ўтирганди. Унинг қадди эгик, ранги бўздай оқариб кетган, манглайи, бутун вужуди гулдай сўла бошлаган эди. У қизлардай нозик бўлиб кетган, бойвачча кексалардай инжиқ эди. Қўллари чиройли жувонникига ўхшаб олпоқ, юм-

шоқ, мулойим бўлиб қолганди. Сийрак, оқ — сариқ сочлари кизларникидай чаккасида гажак бўлиб қолган эди. Юнонча юшқа кашмирий шойи дўпписи панжаларининг оғирлигидан қийшайиб қолган эди. Сопига тилла билан яшма тош қадалган, қоғоз кесадиган пичоқчиси полга тушиб кетганди. Тиззасида асл ҳинд оғочидан ишланган қаҳрабо чилим, унинг ялтироқ бурама дастаси полда илондай буралиб ётарди. Рафаэль энди чилимнинг одамни тетиклаштирувчи муаттар тутунини тортмай ҳам қўйган эди. Еш вужудининг сўлғинлигига қарамай, кўзлари тийрак боқарди. Унинг тириклиги фақат мовий кўзларидан билиниб турар, бу кўзлардаги ярқираб турган ажиб туйғу биринчи қарашдаёқ одамга таъсир қиларди. Бировлар йигитнинг кўзларида там-ғусса кўрса, бошқалар кўнглидаги курашни сезарди. Бу кураш виждон азобидай оғир эди. Бундай теран қараш ўз истаklarини кўнглининг туб-тубида пинҳон тутадиган заиф одамда ёки ҳамма лаззатлардан хаёлан баҳра оладиган одамда бўлиши мумкин. Бундай одам бой бўлсаям, аммо давлатим камайиб қолади, деб қўрққанидан ҳамма ҳузур-ҳаловатлардан кечиб юради. Бундай теран қараш занжирбанд Прометейда ёки ағдарилган Наполеонда бўлиши мумкин. 1815 йилда Елисей қасрида Наполеон душман қўшинларининг стратегиявий хатосини билиб қолиб, атиги йигирма тўрт соатга қўмондонликни ўзига беришларини сўраганида рад жавоби эшитган пайтида кўзларида худди шундай аламли маъно бор эди. Истилочи ва мағлуб нигоҳи шундай бўлади! Тўғриси, Рафаэль бундан бир неча ой илгари охириги олтин тангасини қиморга бой берганида, Сена дарёсига худди шундай қараб турарди. Хўжайинлари қўлида эллик йил хизмат қилсаям ўзига маданият касаллигини юқтирмаган деҳқон чолнинг қўпол мантиқига кўра Рафаэль продасининг, ақл-ҳушининг жиловини бировга бериб қўйди. Негадир ўз ўзидан бахт топишига қувониб, яхши ҳаёт кечираман, деб ўз ҳаётидан воз кечди. Ўз кўнглидан тилак-истак гулларини юлиб ташлади. Шафқатсиз кучга қарши яхшироқ курашай деб Рафаэль ювош, мулойим бўлиб қолди. Оригенга ўхшаб у ўзининг тасаввурларини ахлатга кўмди.

Тўсатдан бой мерос олган ва сағри терининг қисқарганини сезган кунининг эртасига Рафаэль нотариуснинг уйига борди. У ерда чой ичиб ўтиришганда анчайин машҳур бир врач швейцариялик бир одамнинг қандай қилиб сил касаллигидан қутулганини ҳикоя қилиб берди. Унинг жиддий гапларига қараганда, ўн йил ичида бир оғиз гапирмапти, оғилхонанинг чанг ҳавосидан минутига фақат олти марта нафас олишга ўзини ўргатипти. «Мен ҳам ўшандай бўламан!» деган қарорга келди Рафаэль ўшанда, ҳар қанақасига тирик қолиш учун. У зеб-зийнатларга бурканиб, одамликдан чиқди. Қария Поррике бу тирик мурдани кўриб қўрқиб кетди:

мана шу заиф, чалажон одамнинг ҳамма нарсаси сунъий кўринди унга. Маркизнинг назари суқ, пешонаси ўйлардан тиришиб кетган эди. Уқитувчи ўз ўқувчисини таний олмади. Ахир болалигида у тийрак, лўппи, сергайрат эди-да. Мабодо бу соддадил классик, нозиктаъб танқидчи, диди баланд ўқитувчи лорд Байрон асарларини ўқиган бўлса, *Чайльд — Гарольдни* учратаман, деган жойда *Манфредни* — арвоҳни кўрдим деб ўйлаши мумкин эди.

— Яхшимисиз, ҳурматли Поррике,— деди Рафаэль ўзининг қайноқ, терлаган қўли билан чолнинг совқотган қўлини қисар экан.— Яхши юрибсизми, азизим?

— Мен-ку яхши юрибман-а,— жавоб берди чол. У Рафаэлниг иситмадан ёнаётган қўлидан кўрқиб кетган эди.— Ўзингиз қалайсиз?

— Назаримда соғлигим жойида.

— Чамамда қандайдир гўзал асар устида ишлаётган бўлсангиз керак?

— Йўқ,— деди Рафаэль. *Exegi monumentum*¹ Азизим Поррике, мен ўз саҳифамни ёзиб тугатганман, илм-фан билан хайр-маъзур қилганман. Қўлэзма қайси гўрда қолганиниям билмайман.

— Сиз услубни сайқаллаш учун узоқ ишлагандирсиз? — сўради ўқитувчи.— Ўйлайманки, ҳозирги шоирларнинг ёввойиларча ижодий мактаби кўнглингизга ўтиришмагандир? Мана шу ижодий мактаб шоирлари ўз сафидан Ронсарни етиштириб, мўъжиза кўрсатдик, деб ўйлашаётган бўлса керак?

— Менинг асарим ғирт физиология соҳасидан.

— Э, бундай денг! Яхши, яхши!— гапни илиб кетди ўқитувчи.— Илмий асарларда тил қондалари тадқиқот талабларига мос бўлиши керак. Ҳар ҳолда бўтам, равон, баркамол услуб, Массильон, Бюффон услуби, буюк Расин услуби — хуллас, классик услуб ҳеч кимга зарар қилмайди... Дарвоқе, азизим, нимага келганимни эсимдан чиқарай дебман,— мулоҳазалар оламидан чиқди ўқитувчи.— Сизга бир иш билан келгандим.

Узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, силлиқ ва баландпарвоз гапиришга ўрганиб қолган мураббийни Рафаэль негаям қабул қилдим, деб афсуслана бошлади, унинг тезроқ кетишини тилашига сал қолди, аммо рўпарасида осиглик сағри терига кўз қирини ташлагач, дарров пинҳоний истагидан воз кечди. Оқ матога ёпиштириб қўйилган сағри терининг атрофи қизил чизик билан яхшилаб белгилаб қўйилганди. Машъум базмдан кейин Рафаэль кўнглидаги энг арзимас тилакларидан ҳам ўзини тиядиган бўлиб қолди; даҳшатли сағри терининг ҳатто енгилгина қимирлашигаям йўл қўймаслик

¹ Ҳайкал кўрдим ўзимга. [Лат.]

учун жуда эҳтиёткор бўлиб олди. Сағри тери унинг учун гўё бир шер эди, у мана шу йиртқич билан яшашга мажбур эди, яна ғазабланиб, мени еб қўймасин деган ўйда доимий кўрқувда кун кечирарди. Шунинг учун Рафаэль қари ўқитувчининг узундан-узоқ сафсаталарини сабр-бардош билан эшитишга мажбур бўлди. Поррике ота Июль инқилобидан кейин қандай таъқибларга учраганиниги бир соатча гапириб берди. Чол тушмагур Поррике кучли ҳукумат тарафдори бўлгани учун матбуотда ватанпарварлик руҳидаги мақола билан чиқди. У мақоласида баққоллар пештахталарининг олдида, давлат арбоблари ўз вазифаларида, адвокатлар — судда, Франция пэрлари Люксембург саройида туриб, ҳар ким ўзининг ишини бажарсин, деб талаб қилди. Аммо гражданин — қиролнинг машҳур министрларидан бири уни карлчиликда айлаб, кафедрадан ҳайдади. Шундай қилиб, чол ишсиз, нафақасиз, бир бурда нонсиз қолди. Поррике бечора бир жиянини ўзига ўғил қилиб олганди. Авлиё Сульпиций семинариясида ўқиётган шу жияни учун пул тўлаб турарди. Ҳозир ҳам Поррике ўзи учун эмас, мана шу тутинган ўғли учун келганди. «Мени аввалги ишимга тиклашга ёрдамлашинг демайман,— илтимос қилди у собиқ ўқувчисидан,— йўқ, сиз янги министрдан лоақал бирорта олис вилоят коллежидаги инспекторлик ўрнини сўраб берсангиз бўлди. Бир меъёردа минғирлаётган чол гапидан тўхтаганида Рафаэлни мудроқ босган эди. У ўқитувчининг хира, деярли нурсиз кўзларига қараб, жимжимадор гапиришига қулоқ солишга ўзини мажбур қилганидан аллақандай ғалати куч таъсирида уйқуга кета бошлаган эди.

— Хуллас, азизим Поррике,— деди Рафаэль нимага жавоб бераётганини ўзиям билмасдан,— бу масалада менинг қўлимдан ҳеч иш келмайди, маъзур тутасиз. Умуман, ишингиз юришиб кетишига *чин юракдан тилакдошман...*

Худбинларча бепарволик билан айтилган бу сўзлар саргайган пешонасини ажин босган чолга қандай таъсир қилганини билмаган Рафаэль бирдан кўрқиб кетган кийикдай сакраб тушди. У қора тери билан қизил чизик орасида ингичка оқ жойни кўриб, шундай бақириб юбордики, шўрлик ўқитувчининг ўтакаси ёрилаёзди.

— Йўқол кўзимдан, қари эшшак!— бақирди Рафаэль.— Сизни инспектор қилиб тайинлашади! Мени ажалимни тезлаштирадиган шу тилак ўрнига ўзингизга минг экулик умрбод пенсия сўрасангиз ўлармидингиз? Шунда келганингиз менга зарар қилмасди. Францияда юз мингта мансаб бор, мени ҳаётим бўлса битта! Одамнинг ҳаёти дунёдаги ҳамма мансаблардан аълороқ... Ионафан!

Ионафан пайдо бўлди.

— Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ! Нимага бу одамни кўринг, деб илтимос қилдинг? — деди у тош бўлиб қотиб қол-

ған чолни кўрсатиб.— Сенга жонимни топширганимда тилкалаб ташла деганманми? Сен ҳозир ўн йиллик умримга завол бўлдин! Яна бир марта шунақа хато қилсанг борми, мен отамни кузатган жойга ўзимниям кузатиб қўясан. Мана шу қари лаш-лушга ёрдамлашгандан кўра гўзал Феодорага эришиш яхшимасмиди? Бу одамга пул берсам бўлди эди... Умуман, бунақа Поррикелардан мингтаси очдан ўлгани билан мени неча пуллик ишим бор?

Ҳазабдан Рафаэлнинг ранги оқариб, оғзи кўпиклашиб, юзи хунуклашиб кетди. Илон кўрганида қўрққан болалардай, иккала чол дағ-дағ титрашарди. Йигит креслога ўзини ташлади. Унинг кўнглида алланима юз бериб, ёниб турган кўзлари ёшланди.

— Оҳ, умрим! Олтиндан қиммат умрим!..— такрорлади у.— Кўнглимда бирорта на яхши фикр, на меҳр қолди! Ҳечқиси йўқ! — Рафаэль ўқитувчисига қаради.— Бўганича бўлди, энди афсус-надоматдан фойда йўқ, кекса, қадрдон дўстим,— мулойим давом эттирди у.— Сиз чеккан азобларингизнинг энди роҳатини кўрасиз, бахтсизлигим ҳеч бўлмаса сиздай азиз, мўтабар одамга наф келтиради-ку.

У мана шу ғалати сўзларни шундай самимий айтдики, иккала чол йиғлаб юборишди. Бегона тилда ажойиб қўшиқ эшитган одамлар шундай йиғлайди.

— У мажнун бўлиб қолибди,— деди шивирлаб Поррике.

— Авваллариям шунақа оқкўнгил эдингиз, азиз дўстим,— боягидай мулойим давом этди Рафаэль.— Сиз айбимни касалликка йўйиб, мени оқламоқчисиз. Қасаллик тасодикий нарса, тошмеҳрлик эса — иллат. Энди мени ёлғиз қолдиринг,— қўшиб қўйди у.— Эрта-индин, ҳатто шу бугуннинг ўзида янги мансабга тайинланасиз, чунки *қаршилик ҳаракатдан устун келди...*

Валантендан, унинг саломатлигидан қаттиқ ҳавотирланган ва қўрқиб кетган чол чиқиб кетди. Поррике бу ғайритабий манзарадан ҳамон ажабланаётган эди. У ўз кўзига ишонмай, қайта-қайта ўйлаб кўрар, ҳудди ёмон туш кўриб, уйғониб кетган одамга ўхшарди.

— Қулоқ сол, Ионафан,— деди Рафаэль қари хизматкорига.— Ахир сенга қандай вазифа юкланганини ҳалиям тушунмайсанми?

— Қулоғим сизда, жаноб маркиз.

— Мен гўё яшаётганлар орасида йўқман.

— Қулоғим сизда, жаноб маркиз.

Назаримда ўлим тўшагида етибману, ҳаётнинг ҳамма ҳузур-ҳаловатлари чиройли қизлардай атрофимда гир айланган ўйин тушиляпти. Агар уларни чақирғудай бўлсам ҳаётимдан айриламан. Қаёққа қарасам, ўлим кўринади! Мен билан бутун олам ўртасида сен тўсиқ бўлиб туришинг керак.

— Қулоғим сизда, жаноб маркиз,— деди қари хизматкор

пешонасидаги реза-реза терларни артиб.— Лекин чиройли қизларни кўришни хоҳламасангиз бугун кечқурун Италия театрига қандай қилиб борасиз? Бир инглиз хонадони Лондонга қайтиб кетаётган экан, шуларнинг обуна билетини сўраволдим. Энди сизнинг аъло, ҳашаматли, хилват дожангиз бўлади.

Рафаэль чуқур ўйга чўмган хизматкорининг гаплари қулоғига кирмаётган эди.

Мана бу ҳашаматли каретага қаранг. Ташқариси сипо, қора рангда, лекин эшикчасида қадимий, мўтабар насабнинг зарҳал муҳри ялтираб турарди. Карета шаҳар кўчаларидан ўтаётганида қизлар сариқ атлас қопламаларига, момикдай гиламларига, зар уқаларига, юмшоқ ёстиқларига ва кўзгудай силлиқ ойналарига ҳавас билан қараб қолишади. Каретанинг орқасидаги зинада зар ҳошияли ливрея кийган икки лакей тик туриб боради, каретанинг ичида эса, безгакдай юзлари қизариб, қовоқлари салқинган, маъюс ва ўйчан Рафаэль ўтиради. Мол-давлатнинг латли қиёфаси бу! Йигит Париж кўчаларида ракетадай учади, Фавар театрига яқинлашади. Карета зинаси туширилади, икки лакей эшикни очиб, Рафаэль тушаётганида кўмаклашишади. Шунда одамлар ҳавас ва ҳасад билан қарашади.

— Нимасига бундай бой бўп кетган экан? — сўрайди камбағал ҳуқуқшунос талаба. У чўнтагида бир экюси бўлмагани учун Россини яратган сеҳрли мусиқани тинглашдан маҳрум.

Рафаэль томоша залига шошмасдан кириб борди: энди уни аввалгидай ҳузур-ҳаловатлар қизиқтирмасди. «Семирамида» операсининг иккинчи кўриниши бошланишини кутиб фойэ коридорларида сайр қилиб юрарди, у ўзининг ложасини ҳам унутган, у ерга қараб ҳам кўрмаганди. Энди Рафаэлнинг қалбида эгалик туйғуси ҳам қолмаганди. Ҳамма касаллар сингари у ҳам фақат ўз дардини ўйларди. Камин тоқчасига суяниб турган Рафаэль олдидан ёш ва қари олифталар, собиқ ва ҳозирги министрлар, тан олинмаган пэрлар ёки Июль революцияси вақтида кўзга кўринган сохта пэрлар, кўпгина ишбилармонлар ва журналистлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди. Рафаэль ўздан бир неча қадам нарида, оломон ичида ғалати, ғайритабий, арвоҳга ўхшаш бир гавдани кўриб қолди. У ғалати одамнинг кимлигига қизиқиб, яқинроқ борди ва такаллуфсиз тикилиб қаради. «Ана бўёғу мана бўёқ», ўйлади Рафаэль. Нотаниш одамнинг Мазаринини эслатувчи соқоли учи вергулга ўхшаб диққайиб турарди. У соқоли билан фахрланса керак, қора бўёққа бўяб олганди. Аммо бу бўёқ оқ мўйлари кўлигидан соқолига нафармон тус берган, ёруғликка қараб, ҳар хил товланиб турарди. Узунчоқ, япасқи юзининг ажинлари оқ-қизилга қалин бўялгани учун қув ва ташвишли кўринарди. Бўёқ тегма-

ган жойларидан тупроқ рангидаги буришган териси кўриниб, ажралиб турарди. Дўнг пешона, чўққи даҳан бу қиёфа немис чўпонлари ёғочдан йўниб ишлайдиган жуда кўп кулгили кўғирчоқларга ўхшарди. Агар синчковроқ одам аввал мана шу Адонисга, сўнг Рафаэлга қараса, маркизнинг вужуди қаригану, кўзларида ёшлик ўти борлигини, нотаниш одамнинг эса ёшлик ниқобида-ю, кўзлари хираллашиб қолганлигини сезарди. Рафаэль бу қурумсоқ миттигина чолни қаерда кўрганлигини эслашга уриниб кўрди. Чол ажойиб галстук таққан, шпорлари жаранглайдиган, баланд кўнжли этик кийган, гўё ёшлик куч-ғайрати тўлиб-тошгандай, қўлларини чалкаштириб турарди. Унинг юришлари табиий, тетик эди. Ҳамма тугмалари яхшилаб қадалган фракни унинг қомати дуркун, илиғи бақувватлигидан, қари сатангнинг ҳалигача янги-модага риоя қилишидан далолат берарди. Рафаэль бу тирик кўғирчоққа, арвоҳни кўргандай, сеҳрланиб қараб қолди. У чолга Рембрандтнинг яқинда таъмирланган, бўёғи қорайиб кетган, лок билан бўялиб, янги ҳошияланган сура-тига қарагандай тикилиб қолди. Бу ўхшатиш Рафаэлга калаванинг учини топиб берди. У элас-элас хотираларини излаб, нодир буюмлар билан савдо қилувчи чолни топди. Ахир уни бахтсиз қилган шу одам-ку. Шу заҳоти мана шу ғалати афсонавий одамнинг ясама тишларини беркитиб турган лабларида сассиз истеҳзо кўринди. Рафаэлнинг тийрак хаёлида Гёте тасвирлаган Мефистофель жонланди. Аслида кўп нарсаларга ишонмайдиган Рафаэль шу топда кўпгина хурофий фикрларга, шойрлар тасвирлаган Ўрта аср афсоналаридаги турли-туман сеҳру жодуларга ишона бошлади. Шу топда у қўрқув ичида, Фаустнинг йўлидан қайтиб, худода, биби Марямга ишонар, самога илтижо қилар эди. У Микеланжелонинг нурли сиймосини, Санчо Урбино булутларини, қанотли фаришталарни, оппоқ соқолли чолни, нур тара-тиб турган гўзал санамни аниқ кўрди. Энди мана шу мўъжизавий мавжудотлар, афсонавий ва айни вақтда, кўнгилга яқин мавжудотларни кўргач, у юз берган воқеаларнинг маъносини тушуниб, нимагадир умид қила бошлади. Лекин унинг нигоҳи яна Италия опера театрининг фойёсига тушганида биби Марям ўрнида мафтункор ва лаънати қизни, юпқа шойи кўйлагига шарқона жавоҳирлар қадалган суяги йўқ раққоса, жирканч Евфрасияни кўрди. Уятсиз, мағрур, кўзлари чақнаган қиз шошмасдан, солланиб, қолининг ёнига келди. У ҳасадгўй ва қизиқувчан жамиятга бадавлат савдогар хушторини, ўзига ҳисобсиз хазиналарни совураётганини кўз-кўз қиларди. Рафаэль чолдан даҳшатли совғани олатуриб, ҳазиломуз тилак тилаганини эслади. Яқиндагина олий донишмандлик тимсоли бўлган, дунёнинг ҳамма ташвишларидан ғолиб чиққан бу одамнинг ҳозир ўлгудай хор бўлганлигини кўриб, қасос лаззатидан ҳузур қила бошлади. Кўҳ-

на чолнинг қуруқшаган лабларида табассум пайдо бўлди. Бу эса бунга жавобан қандайдир ширин сўз айтди; чол қизга қоқ суяк қўлларини узатди; иккаласи қўлтиқлашиб, бир-бирига бор фойёни айланиб чиқишди. Чол терисига сигмай қу-шонарди: маҳбубасига одамларнинг эҳтирос ва ҳавас билан қарашлари, мақтов сўзлари чолга мойдай ёқарди. Аммо у оломоннинг истеҳзоли табассумларини ва чимчилаб оладиган фармаклашларини сезмас эди.

— Арвоҳ қиз бу жасадни қайси гўрдан топган экан? — кийқирди башанг кийинган романтик йигит.

Евфрасия мийғида кулиб қўйди. Қочиріқ қилган одам оқ-саріқ сочли, ҳушқомат, мовийкўз, калта фрак кийиб, шляпанасини қийшиқ кўндириб олган йигит романтик тил луғатидаги ўткир сўзларни қаторлаштириб ташлаётганди.

«Эҳ, кўпгина чоллар ҳалол, машаққатли меҳнат билан топган ҳурмат-обрўларини охири мана шундай бир пул қилишади,— ўйлади Рафаэль.— Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда-ю, тағин қизларнинг этагига ёпишишади...»

— Ҳой, бу ёққа қаранг!— қичқирди у савдогарни тўхта-тиб, Евфрасияга ҳазил, дея кўз қисиб қўяркан.— Ҳаёт фалсафангиз жуда жиддий эди-ку, ҳаммаси эсингиздан чиқиб кетдимми?

— Эҳ, энди бахтимни топдим, ҳозир йигитдайман,— гудирлади чол.— Илгари тушунмаган эканман. Умр бўйи чеккан ташвиларинг бир соатли муҳаббатга арзимас экан.

Шу орада кўнғироқ чалиниб, томошабинлар жой-жойларини эгаллаш учун кириб кетишди. Чол билан Рафаэль айрилишди. Маркиз ўз ложасига келиб ўтирар экан, залнинг нариги ёғида ўзига қарама-қарши томонда ўтирган Феодорага кўзи тушди. Чамаси, у ҳозиргина етиб келган, шойи шарфини ташлаб, кўкрагини очар экан, ноз-карашмали аёлларга хос жуда кўп хатти-ҳаракатлар билан у ёқ-бу ёғини тузатиб, ўзини кўз-кўз қила бошлади. Ёнида Франциянинг ёшгина пэри ўтирарди; қиз боя ушлаб туринг, деб берган лорнети — дурбинни йигитдан сўраб олди. Феодоранинг хатти-ҳаракатларидан, муомаласидан Рафаэль ўз издошининг нақадар қуллиққа тушиб қолганлигини сизди. Феодорани чамаси, Рафаэль бир вақтлар севганидан ҳам қаттиқ севган, худди Рафаэлдай алданган бу йигитнинг ҳам кучли ва муссаффо туйғулари қизнинг совуқ мулоҳазакорлиги қоясига урилиб, чил-чил синаётганлиги сезилиб турарди. Йигит ҳозир чекаётган азоб-уқубатлардан Валантен энди озод эди. Феодора лорнети билан ҳамма ложаларга, ясан-тусанларга тез кўз югуртириб чиқиб, Парижнинг энг чиройли, энг башанг кийинган нозанинларидан ҳам ўзи гўзалроқ эканлигига ишонч ҳосил қилгач, чеҳраси гул-гул очилиб кетди: у ўзининг оппоқ тишларини кўрсатиш учун куларди; гул тақилган сочларини

кўз-кўз қилиш учун у ёқ-бу ёққа ўгирилиб қарарди, ложаларга бир-бир қараб, бир рус князи қизининг пешонасидаги берети ярашмай турганини, банкирнинг қизи кийган шляпа чиройини бузиб турганлигини масхара қиларди. Тўсатдан графинянинг кўзлари Рафаэлнинг кўзлари билан тўқнаш келиб қолди. Илгари рад этилган хуштори ҳозир унга нафрат билан жирканиб тикилганлигини кўриб, чидаёлмаганидан ранги оқариб кетди. Феодоранинг рад этилган ҳамма мухлислари тобе бўлиб қолишса-да, дунёда фақат битта йигит Валентен унинг сеҳри-жодуси ҳукмидан қутулиб кетганлигидан ўзини қаёққа қўйишни билмай қолди. Одатда ҳукмини ўтказолмай, кулгига қолган ҳукумат узоққа бормайди. Бу ҳақиқатга қиролларнинг ақли етмасдан олдин у аёлларнинг юрагига муҳрланиб қолади. Феодора шунинг учун Рафаэлнинг нигоҳидан ўз ҳусну-малоҳатига дарз кетганлигини сезди. Йигитнинг кеча Опера театрида айтган масхараловчи қочириғи аллақачон Париж салонларига тарқалиб бўлди. Бу даҳшатли мазах тиғи графинянинг кўксини қаттиқ жароҳатлади. Францияда биз бадан яраларини куйдириб даволаёламиз, аммо биттагина сўз тиғидан етган жароҳат оғриғини камайтиришга кучимиз етмайди. Театрдаги ҳамма аёллар гоҳ маркизга, гоҳ графиняга қараб қолишган шу кезде Феодора йигитни аллақайси янги Бастилиянинг тош қопларига тиқиб ташлашни жуда-жуда хоҳлар эди. Феодоранинг заррача сир бой бермаслик лаёқатига қарамай, рақиблари унинг азобланаётганлигини сезиб қолишди. Мана, графиня қўйнидан охирги тасалли кабутари ҳам учиб кетди. Жароҳатланган манманликнинг барча ғам-ташвишларини камайтириб турадиган: «Мен ҳаммадан гўзалман!»— деган сўзлар энди ёлгон бўлиб қолганди. Иккинчи кўриниш бошланиши олдидан Рафаэлнинг ёнидаги бўш ложага нотаниш бир хоним кириб келди. Залдагилар уни ҳайрат билан қаршилашди. Сувда тўлқин бошлангандай, ҳамманинг диққат-эътибори унга қаратилди. Ешу қари — ҳамма шундай шовқин бошлашдики, парда очилганида оркестрдаги мусиқачилар оломонни тинчитиш учун орқага қайрилиб қарашди. Лекин бояги гўзалга назарлари тушгач, ўзлариям ҳайратланиб, шовқинни баттар кучайтиришди. Ҳамма ложаларда ғала-говур авж олди. Хонимлар лорнетларини қўлларига олишди, чоллар дарров ёшаргандай, шойи қўлқоплари билан бинокль — дурбинларининг ойнакларини арта бошлашди. Лекин шовқин аста-секин тинди, сахнада қўшиқ бошланди, тартиб тикланди. Табиий туйғуларига маҳлиё бўлганидан уялган олий жамият одамларининг юзлари яна аслзодаларга хос такаббуруна тус олди. Бойлар ҳеч нарсага ажабланмасликка ҳаракат қилишади; улар гўзал асардан ҳам дарров камчилик топишлари керак: шундай қилиб улар киборлар учун уягли бўлган ҳайрат туйғуларидан қутулишади. Дарвоқе, баъзи эркаклар ҳамон ҳушлари-

ни келмаган, музиканиям тингламай туриб, соддадиллик билан ҳайратланиб, Рафаэлнинг қўшнисидан кўз узишолмасди. Рафаэль бенуарда, хилват гўшада гўзал Акилина билан ўтирган Тайфернинг қип-қизил манфур башарасини кўрди. У Рафаэлга қараб, «Бўш келма!» дегандек кўз қисди. Оркестр ёнбошида тик турган Эмиль: «Ёнингда ўтирган паривашга қарасанг-чи», деяётгандай эди. Де-Нусинген хоним ва унинг қизи билан ўтирган Растиньяк эса безовталаниб, гўё: «Эҳ, мана бу хонимлар олдида миҳланиб қолмаганимда нотаниш дилбар ёнига борардим», дегандай қўлқопларини сабрсизлик билан бир-бирига уриб ўтирарди. Рафаэлнинг ҳаёти қил устида турарди; У бирорта аёлга эътибор бермай-ма, деб ўзига-ўзи сўз берганди. Энди унинг ҳаёти мана шу баъдасининг устидан чиқишига боғлиқ эди. У атайлаб, бирорта қизни ёқтириб қолмаслик учун ўзига махсус кичрайтирувчи ойналар қўйилган лорнет ясаттириб олган, бу дурбиндан қараганда энг кўркем, мафтункор аёллар ҳам тасқара бўлиб кўришарди. Рафаэль эрталабки қўрқувдан ҳалиям ўзига келмаган эди. Оддий одоб юзасидан айтилган тилакдан ҳам тилсим шундай тез қисқаргани унинг юрагини такапука қилиб юборганди. Шунинг учун ҳозир ҳам у қиз томонга қарамайман, деб қатъий қарор қилди. Рафаэль бегона қизга тескари ўгирилиб, ҳатто гавдасининг ярми билан гўзалдан сахнани тўсиб, гўё ёнидаги гўзални билишнинг истамайман, дегандай ялпайиб ўтириб олди. Қўшни қиз ҳам Рафаэлнинг қилганини қилди: у ложа чеккасига тирсаги билан суянганича, сахнага ярим ўгирилиб, худди рассомга сурат олдираётгандай, ашулачиларга қараб ўтирарди. Иккаласи худди аразлашган, бир-бирларига тескари ўгирилиб олган, салгина ширин гап билан бир-бирининг қучоғига отиладиган ошиқларга ўхшарди. Гоҳида нотаниш қизнинг сочларига қистирилган марабу патлари ёки соч толалари Рафаэлнинг бошига тегиб кетиб, хушёқар, аммо йигит бу сезгига мардларча қаршилик кўрсатарди. Кўп ўтмай у қизнинг майин гулдор тўр ёқасининг тегаётганлигини ҳис қилди, қизларга хос бошни айланттирувчи, ажойиб атри уфуриб турган кўйлагининг енгил титраб шитирлаганини эшитди; бу гўзалнинг нафас олаётганида кўкраги, елкаси, кўйлаги, бутун мафтункор вужудининг билинар-билинемас қимирлагани электр учқунидай Рафаэлга ҳам ўтди. Қизнинг оппоқ, яланғоч елкасини хиёл ёпиб турган тўр ва гулдор ёқасидан ҳарорати ўтаётгандай бўлди. Жамиятнинг шартли қонун-қоидалари туйфайли бир-бирдан айрилган, ажал жарликларининг икки қирғоғида қолган бу икки вужуд табиат қудрати билан бир вақтнинг ўзида хўрсиниб қўйишди ва эҳтимол бир-бирини ўйлаб қолишди. Билинар-билинемас алоэ — сабур ҳиди Рафаэлни сархуш қилиб қўйди. Йигит ўзини тийгани учун ёнидаги қизнинг қиёфасини тағин ҳам ёниқроқ тасаввур қила

бошлади. Охири бўлмади. Рафаэль шартта ўгирилиб қаради. Эҳтимол, нотаниш эркакка бадани тегиб кетганидан ўзини ноқулай ҳис қилган қиз ҳам бирдан ўгирилди. Улар бир-бирига кўзлари тушиши билан қувониб кетишди.

— Полина!

— Жаноб Рафаэль!

Иккаласи бир лаҳза тошдай қотиб қолишди. Полина сипо ва чиройли кўйлак кийган, ҳаё билан беркилган ҳарир шойи ичидаги оппоқ, гулгун сийнаси шундай фусункор эдики, ҳатто аёллар ҳам қойил қолишарди. Қизнинг ўша-ўша камтаринлиги, мусаффолиги, ўша-ўша ширин муомаласи одамни мафтун қиларди. Бутун вужудини енгил титроқ, қалбини эса Рафаэль меҳри эгаллаган эди.

— О, эртага бизникига келинг, — деди у, — «Сен-Кантен» мусофирхонасига келинг, қўлэмаларингизни олиб кетасиз. Чошгоҳда бўламан у ерда. Кечикманг тагин.

Қиз шу заҳоти туриб, чиқиб кетди. Рафаэль орқасидан бормоқчи бўлди-ю, аммо ҳамманинг олдида қизни уялтиришдан қўрқди. У Феодорага қарар экан, графинянинг хунуклигини сезди. Мусиқанинг бирор пардаси қулоғига кирмагани, бу ернинг ҳавосидан бўғилиб кетаётганлигини сезиб, юраги ҳовриқиб уйига кетди.

— Ионафан, — деди у ўрнига ётаётганида қари хизматкорига. — Менга бир томчи кўкнор билан бир чақмоқ қанд бергин, эртага йнгиর্মата кам ўн иккида уйғотасан.

Эрталаб уйғонганида Рафаэль тилсимга ғам-ғусса билан қарар экан:

— Полина мени севишини хоҳлайман! — деб ҳайқирди.

Аммо сағри тери қимир этмади, афтидан, у қисқариш ҳоссасини йўқотган эди. Албатта, тери амалга ошиб бўлган хоҳишни қайтадан амалга оширолмасди.

— Ҳа, — қичқирди Рафаэль устидан тоғ ағдарилгандек енгиллашиб; тилсимни ҳада қилиб олган кундан бери у ўзини гўё устига катта тош бостирилгандай ҳис қиларди. — Сен мени алдадинг, сен менга бўйсунмаяпсан, демак шартномамиз бузилди. Энди — озодман, энди яшайвераман. Демак, бу воқеаларнинг ҳаммаси қалтис ҳазил экан-да?

Бу сўзларни айтгани билан Рафаэль тахмини тўғрилигига ўзи ишонмасди. У илгариги вақтлардай бемалол кийинди, аввал турган ҳужрасига пиёда йўл олди. У хаёдан аввалги бахтиёр чоғларига қайтди, ҳали ҳаёт лаззатларини тотмаган, ҳамма нарсаларни жуда-жуда кўнгли тусаган вақтларига қайтгандай ҳис қилди ўзини. Йўлда борар экан, «Сен-Кантен» мусофирхонасидаги Полинани эмас, кечаги маҳубани, ёш, ақлли, гўзал, нозиктаъб шоирни, шеърятни тушунадиган, яъни зеб-зийнат ичида яшайдиган Полинани кўз олдига келтирарди. Бошқача айтганда, у қалби гўзал бўлиб қолган Феодорани ёки графиня Феодорадай бадавлат бўлиб қол-

ган Полинани кўз олдига келтирарди. Рафаэль неча бор ғам-ғуссага ботган ҳужраси жойлашган эски уйнинг сийқалашган, плитаси дарз кетган остонаси олдига келганида ичкаридан бир кампир чиқди.

— Жаноб Рафаэль де Валантен сиз бўласизми? — сўради у.

— Мен бўламан, онахон, — жавоб берди йигит.

— Узингиз турган ҳужра эсингиздами? — сўради кампир. — Уша ерда сизни кутиб туришибди.

— Мусофирхона ҳалиям Годэн хоним ихтиёридами? — сўради Рафаэль.

— Йўқ, тақсир! — деди кампир. — Годэн хоним энди баронесса. У Сенанинг нариги ёғидаги ҳашаматли уйида яшайди. Бекамнинг эри қайтиб келди. У киши бирам кўп пул олиб келганки!.. Айтишларича, бекам хоҳласа, бутун бошли Сен-Жак маҳалласини сотволиши мумкин экан. У мусофирхонадаги ҳамма нарсани менга совға қилди. Жуда ҳамиятли аёл у. Аввал қандай содда бўлса, ҳозирам шунақа.

Рафаэль шошиб ҳужрасига чиқди. Зинанинг охириги поғоналарига етганида фортепиано товушини эшитди. Полина кутиб ўтирган экан; у оддий батис кўйлақда эди. Аммо кўйлагининг бичими, каравот устига эътиборсиз ташлаб қўйилган қўлқоплари, шойи рўмоли, қизнинг бой бўлиб кетганини билдирарди.

— Оҳ! Келдингизми! — қувониб ҳайқирди қиз, Рафаэль ҳурмати учун ўрнидан турар экан.

Рафаэль қизариб, тортинчоқлик билан Полинанинг ёнига ўтирди. Бахтдан энтикиб, индамай қизга қараб қолди.

— Нега ўшанда бизни ташлаб кетдингиз? — сўради Полина ва қизариб, кўзларини ерга тикди. — Кейин ҳолингиз не кечди?

— Оҳ, Полина, бебахт одам эканман, ҳозирам аҳволим ёмон.

— Афсус! — маъюс хитоб қилди қиз. — Кеча кўрганимдаёқ буни билган эдим... Яхши кийингансиз, бадавлат кўришасиз, аслида эса, тўғриси айти қолинг, жаноб Рафаэль, аҳволингиз аввалгидай яхшимас, тўғрими?

Валантеннинг кўзлари беихтиёр ёшланди, аранг тилга кирди:

— Полина, мен...

Рафаэль у ёғини айти олмади, кўзлари муҳаббат билан товланди, нигоҳи меҳрга лиммо-лим эди.

— О, сен мени яхши кўрасан, яхши кўрасан! — қичқирди Полина.

Рафаэль бошини қуйи солди, у гапиролмасди.

Шунда қиз унинг қўлларини ушлаб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, бўзларди.

— Энди боймиз, бадавлатмиз, бахтлигимиз, бадавлатмиз...

Мен-чи... Мен ҳозир камбағал бўлишим керак эди. Неча бор ўзимга-ўзим: «У мени севади», деб айта олсам бор бисотимни нисор қилардим, деб юрганман! О, Рафаэль, жоним! Ҳозир миллионларим бор. Сен дабдабали ҳаётни яхши кўрасан, энди кўнглинг тўлади, лекин қалбим сенга энг бебаҳо совғам бўлади, қалбимда танҳо сенсан! Биласанми, отам қайтиб келди. Мен катта мерос олдим. Ота-онам ўзинг истагандай яша дейишган. Мен озодман, тушунасанми, озодман!

Рафаэль Полинанинг қўлларини ушлаб, ёниқ эҳтирос билан ўпиб ташладик, бу ўпишлар жон талвасасига ўшарди. Полина қўлларини тортиб олиб, йигитнинг елкасига қўйди ва бағрига тортди. Улар қучоқлашиб, бир-бирини бағрига босиб, ўпишиб кетдилар. Бу покиза ва ширин бўсалар ҳар қандай ғараздан холи эди. Одатда гашна қалблар бир-бирини топганда фақат биринчи бўса худди шундай оловли бўлади.

— Оҳ!— хитоб қилди Полина, стулга ўзини ташлар экан.— Сенсиз яшолмайман... Қаёқдан бундай дадил бўп қолдим-а!— деди қизариб у.

— Дадиллик дейсанми, Полина? Йўқ, кўркмай кўяқол, бу дадиллик эмас, йўқ, бу чин муҳаббат, менинг севгимдай абадий муҳаббат, тўғрими?

— О, гапир, гапир, гапир!— деди қиз.— Ахир мен учун неча йиллар соқов бўлиб юрдим...

— Демак, мени яхши кўрар экансан-да?

— Ё раббий! Яхши кўришам гапми? Қулоқ сол, хонангни супириб-сидираётганимда, нега иккаламиз камбағалмиз, деб неча бор йиғлаганман. Ғамингни аритиш учун имонимни ҳам шайтонга сотгудай бўлардим. Энди, Рафаэль, жоним, сен меникисан: мана шу чиройли, сахий қалбинг меники! Ҳа, ҳа, айниқса қалбинг, энг бебаҳо бойлигинг!.. Нима деяётган эдим? Ҳа, ҳа, энди уч-тўрт миллион пулимиз бор, балки беш миллиондир! Агар камбағал бўлганимда сенинг номингга ўтишни, сенга умр йўлдоши бўлишни бахт деб билардим. Энди эса бутун дунёни сенга бериб, ақалли чўринг бўлиб юрсам ҳам бахтли бўламан. Мана сенга ҳозир қалбимни, ўзимни, хонумонимни ҳадя қиляпман. Лекин ўшанда мана бу ерга,— деди қиз стол ғаладонини кўрсатиб,— юз су танга қўйганим сен учун ҳамма нарсадан аъло эди. Оҳ сен ўшанда бошинг осмонга етган, мен эсам шу аҳволга тушганимдан қон ютган эдим!

— Нимагаям бой бўп кетдинг? — ҳайқирди Рафаэль.— Нимагаям ҳеч нарсага зор эмассан? Энди нима қилиб кўнглингни олсам экан-а?

Рафаэль бахтдан энтикар, севгидан боши айланарди.

— Биладан сени, фариштам; энди сен маркиза де Валантен бўласан, лекин на баланд мартаба, на мол-давлат...

— Бир тола сочингга арзимади!— гапнинг давомини кўриб кетди қиз.

— Менинг ҳам миллионларим бор, лекин энди биз учун бойликнинг қиммати йўқ! Сенга фақат ҳаётимни тақдим қилишим мумкин.

— Рафаэль, жоним, муҳаббатинг менга икки жаҳондан аршал! Энди ўй-хаёлларинг ҳам меники экан-да? Унда мен дунёда энг бахтиёр одамман!

— Биров эшитиб қолади,— деди Рафаэль.

— Йўқ, ҳеч ким эшитмайди!— деди қиз кокилларини шўх оқилитар экан.

— Кел, жоним!— қичқирди Валантен қўлларини чўшиб.

Қиз югуриб келиб, йигитнинг тиззасига ўтириб, бўйнидан қучоқлаб олди.

— Берган озорларингиз учун энди кўнглимни олинг. Илгир мени роса хафа қилардингиз. Сиз қувонганингизда менинг юрак-бағрим эзиларди. Сизни хурсанд қиламан, деб тунлари билан елпиғич бўяб чиқардим...

— Елпиғич бўяб?

— Энди биз бадавлатмиз, энди ҳамма гапни айтсам бўлади. Эҳ, содаганим, гўдагим! Ақлли одамларни алдаш осон бўларкан! Кийим ювадиган аёлга ойига уч франк тўлаганингда ҳафтада икки марта оқ нимча билан тоза кўйлак кийиб бўлармиди? Сутниям пулингга келганидан икки барабар кўп ичардинг. Уйингни иситгандаям, ёғ олиб бергандаям, ҳатто пул олгандаям сени алдардим. Рафаэль, жоним, менга уйланма, мен жуда айёрман...

— Оббо, ҳали шунақа дегин...

— Ярим кечагача ухламай елпиғич бўяб чиқардим, топганимнинг ярмини оймага, ярмини сенга атардим.

Йигит билан қиз бир лаҳза бир-бирларига бахтиёр тикилиб қолишди.

— О, бир кунмас, бир кун бу бахтиёрлигимиз бурнимиздан булоқ бўлиб чиқмасайди!— деди Рафаэль.

— Уйланганмисан?— сўради Полина.— Бари бир сени ҳеч кимга бермайман.

— Ҳалиям бўйдоқман, жоним.

— Демак, озодсан!— ҳадеб такрорларди қиз.— Озодсан, меникасан!

Бирдан Полина Рафаэль олдида тиз чўкиб, ибодат қилаётгандай қўлларини қовуштириб, унга илтижо билан тикилди.

— Жинни бўп қолмасам эди, нақадар ажойибсан, азизим!— сайрарди Полина севгилисининг оқ-сарик сочларини сийпалар экан.— Анови графиня Феодоранг ниҳоятда тентак экан! Кеча театрда ҳайрат билан кутиб олишганидан бошим осмонга етди. Графиняни ҳеч қачон шундай кутиб олишма-

гандир! Қулоқ сол, кеча бир-биримизга орқамизни ўгириб ўтирганимизда: «У шу ерда!» — деган фикр кўнглимга келди. Ўгирилиб қарасам — сен ўтирган экансан. Кўпчиликнинг олдида бўйинингга осилиб олмай тагин, деб қочиб кетдим!

— Гапиришга қурбинг етяпти, нақадар бахтлисан! — деди Рафаэль. — Менинг юрагим қинидан чиқиб кетяпти. Йиғлай десам йиғлолмайман. Илтимос, қўлингни тортиб олма. Қани энди, умр бўйи шундай ўтирсам, мендан бахтли одам бўлмасди дунёда.

— Шу гапларингни яна бир марта айтгин, севгилим, жоним!

— Севгимиз олдида сўзлар нима бўпти! — жавоб берди Рафаэль. Унинг қайноқ кўз ёшлари Полинанинг қўлларига тўкилди. — Вақти келиб, сенга севгим тўғрисида гапириб бераман; ҳозир эса севгимни фақат ҳис қиляпман...

— О, қалбинг шундай аломатки, сен улур даҳосан, юрагинг тозалигини жуда яхши биламан! — хитоб қилди қиз, — шуларнинг бари меники азизим, мен эса сенинг ёрингман, тўғрими?

— Қиёматли ёримсан, жоним, — ҳаяжон билан шошилиб гапирди Рафаэль. — Сен энди умр йўлдошим бўласан, қиблағоҳим, олампаҳоим бўласан. Сен ҳамиша ғам-ғуссаларимни аритардинг, кўнглимни кўтарардинг. Фариштадай қулиб боқошинг кўнглимни баҳор ёмғиридай ювиб юборди. Дунёга қайтадан келгандай бўлдим. Азоб-уқубатли ўтмишим, жинниликларим — ҳаммаси босириқ тушга ўхшайди. Ёнимда сен бўлсанг, дилим равшан бўлади. Бахт нафасини сезаман. О, қани энди ҳамиша бирга бўлсак! — деди йигит қизни талпиниб турган бағрига босаркан.

— Ажалдан ҳам қўрқмайман, истаган вақтида келаверсин! — завқ-шавқ билан деди Полина. — Ахир, яшадим десам бўлади, чунки яшаш севишда-ку!

Бу икки ёшнинг қувончини тушунган одам жаннати бўлади, чунки бошидан ўтган одамгина буни ҳис қила олади!

Улар узоқ вақт жим қолишди.

— Рафаэль, жоним! — деди ниҳоят Полина. — Мана шу азиз ҳужрамизга ҳеч ким ҳеч қачон кирмаса дейман.

— Эшикка ғишт қалаб, ёпиб ташлаш керак, деразага панжара қоқиб, мана шу уйни сотиб олишимиз керак, — деган қарорга келди маркиз.

— Тўғри айтасан, — деди қиз ва бир лаҳза ўйга толғач, бир нарса эсига тушди: — Қўлёмаларингни изламоқчи эдик-ку!

Иккаласи ёш болалардай беғубор қулиб юборишди.

— Илмнинг юзига қарагим келмай қолди! — хитоб қилди Рафаэль.

— Шон-шуҳрат нима бўлади, ҳазрати олийлари?

— Шон-шуҳратим — ўзингсан!

— Манави ажи-бужиларни ёзаётганимда роса азоб чекгани эдинг, — деди қиз қоғозларни варақлар экан.

— Полинагинам...

— Лаббай, жоним, нима дейсан?

— Қаерда яшайбсан?

— Сен-Лазар кўчасида. Сен-чи?

— Варен кўчасида.

— Ахир орамиз узоқ-ку, қачонгача...

Қиз қувлик билан гапининг охирини айтмай, севгилисининг кўзларига қаради.

— Лекин биз кўпи билан икки ҳафта ҳижронда бўламиз, — эътироз билдирди Рафаэль.

— Ҳақ гап! Икки ҳафтадан кейин тўй қиламиз, — ёш боладай қувониб ирғишлади Полина. — О, мен бағритош эканман. Отамниям, онамниям ўйламаяпман. Сендан бошқа ҳеч кимни ўйлагим келмаяпти. Биласанми, дўстим, отамнинг касали зўрайган. У Ҳиндистондан бутунлай тоби қочиб келганди. Гаврга кутиб олгани борганимизда у аранг тирик қолди. Ё раббий! — ҳайқирди у соатга қараб. Аллақачон уч бўлиб қолибди-ку! Уйга боришим керак. Отам соат тўртда уйғонади. Уйда бека бўлиб қолганман, онам айтганимни қилади, отам жонидан азиз кўради. Мен уларнинг яхшилигига кўрнамаклик қилсам бўлмайди. Кеча Италия театрига ям отам бояқиш юборган эди... Эртага унинг олдига борсанг яхши бўларди.

— Маркиза де Валантен мени бундай шарафга муяссар қилар экан-да!

— Хоҳанинг калитини ўзим олиб кетаман, — деди тантана билан қиз. — Ахир бу ер бизнинг қасримиз, хазинамиз-ку!

— Полина, кел, яна бир ўпай!

— Минг марта бўсаям майли! Ё раббий, — деди қиз Рафаэлга қараб, — ҳамиша шундай бўладими-а? Гўё туш кўраётгандайман.

Улар зиналардан оҳиста тушишди. Ёнма-ён боришар экан, бахтдан энгикиб, ҳамон ўзларига келишолмасди. Иккаласи қўш каптардай ғуғулашиб Сорбонна майдонига етиб келишди. Бу ерда Полинанинг каретаси кутиб турган эди.

— Ҳозир сеникига боргим келяпти, — хитоб қилди қиз. — Оромгоҳингни, ижодхонангни кўрмоқчиман. Иш столингни кўриб қўяй. Аввалгидай яна бир дилкашлашамиз, — қизариб қўшиб қўйди у. — Жозеф, — лакейга мурожаат қилди қиз, — Варен кўчасига бориб келамиз. Ҳозир чоракам тўрт. Соат тўртда уйда бўлишим керак. Жоржга айт, отларни тезроқ ҳайдасин.

Бир неча дақиқадан сўнг севишганлар Валантеннинг данғиллама иморатига етиб келишди.

— О, энди кўнглим тинчиди, — хитоб қилди Полина каравотга ёпилган ипак чойшабни сийпалар экан. — Ухлаётим

хаёлан ўзимни шу ерда кўраман. Ёстиққа азиз бошингни қўйиб ётганингни тасаввур қиламан. Рафаэль, айтгин-чи, уйингни жиҳозлашда ким билан маслаҳатлашгансан?

— Ҳеч ким билан.

— Ростдан-а? Бу ишда бирорта аёл...

— Полина, қўйсанг-чи!

— О, мен ўлгудай рашкчиман! Дидинг жуда нозик экан. Эртагаёқ мен ҳам шунақа каравот сотволаман.

Рафаэль бахтдан боши айланиб, Полинани қучоқлаб олди.

— Ие, отам-чи? Отам?— деди қиз.

— Кузатиб қўяман. Жудолигимиз камроқ бўлсин, дейман!— хитоб қилди Рафаэль.

— Жуда эслисан-а! Ўзим айтишга ийманиб турган эдим...

— Ахир сен жону жаҳонимсан-ку!

Севишганларнинг ҳамма лақиллашларини бу ерда келтириб ўтириш китобхонни зериктириб қўйган бўлур эди. Бу дилкаш суҳбатда фақат сўзларнинг оҳанги, нигоҳлар, имо-ишоралар олам-олам маънони англалади.

Валантен Полинани уйигача кузатиб, қайтиб келди. Ҳозир у ўзини шу қадар бахтиёр ҳис қилар эдики, бу ер юзида инсон зоти бундан ортиқ бахтни тасаввур қилолмайди. Аммо у ўчоқ олдига келиб, креслога ўтириши билан деворга осиглиқ турган сағри терининг тагин салгина камайиб қолганлигини кўриб, кўксига тиз ўрилгандай бўлди. У она тилида ниҳоятда болохонадор сўкинди. Кресло суюнчиғига ўзини ташлаганича, парда осилган карнизга паришон тикилиб қолди.

— Ё раббий!— ҳайқирди у.— Наҳотки, ҳамма истакларим... Шўрлик Полина!

Рафаэль паргарни олиб, бу тонг қанчалик қимматга тушганлигини ўлчаб кўрди.

— Икки ой умрим қопти!— деди у.

Йигитнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб қетди. Лекин бирданига ўрнидан туриб, қаҳр-ғазаб билан сағри терини тутамлаб олди ва:

— Ўлгудай аҳмоқ эканман!— деганича уйдан югуриб чиқиб, богдан ўтиб, қудуқ олдига борди, сағри терини қудуққа улоқтирди.

— Бўлганича бўлар...— деди у.— Бошимга ураманми бу бемаъни нарсани!

Шундай қилиб, Рафаэль севгидан маст бўлиб, Полина билан бахтиёр яшай бошлади. Тўйни бир оз кечиктиришга тўғри келди. Бунинг сабабларини айтиб ўтирмаймиз, чунки қизиқарли эмас. Март ойининг дастлабки кунларида меҳмонлар тўйга ниҳоят ташриф этишди. Рафаэль билан Полина оғир синовлардан ўтишди. Туйғуларининг барқарорлигига энди сира шубҳа қилишмасди. Улар бахтга етишганларидан

ўзини бир-бирига яна ҳам меҳрибон бўлиб кетишди. Муҳаббат билан пайванд мана шу икки қалб дунёда бошқа топилмас керак. Улар бир-бирларини қанчалик яқиндан билгани сари бир-бирини еру осмонга ишонмасди. Иккаласиям — меҳрибон, иккаласиям — тортинчоқ, иккаласиям — эҳтиросли эдилар. Аммо бу фаришталарга хос покиза эҳтирос эди. Бахтларининг осмонида бирорта қора булут кўринмасди. Бирининг тилаги, истаги иккинчиси учун қонун эди. Иккаласиям бадавлат бўлганидан, ҳар қандай инжиқликни кўтаришлари мумкин эди, демак, уларнинг бирорта тилагини инжиқлик деб бўлмасди. Рафаэлни умир йўлдоши нозик дидли, шортгаъб, нафосат ошиғи эди. У аёллар ўч бўладиган қимматбаҳо либос, тақинчоқларга парво қилмасди. У севгилисининг бир табассумини хурмуз марваридига алишмасди. Мусулми ва гуллар унинг энг яхши зийнати эди. Зеро, Полина билан Рафаэль жамоат орасида, қизгин давраларда юришни ёқтиришмасди. Хилват гўшалар уларнинг баҳри дилини очарди. Текин томошага ўч бўлган одамлар тўйдан аввал бу ажойиб ошиқ-маъшуқларни ҳар куни кечқурун ё театрда, ёки операда кўришарди. Биринчи кезларда ғийбатчилар уларнинг оловида исинмоқчи бўлишди; аммо тез орада Парижни алғов-далғов қилиб юборган воқеалар бўронидан сўнг беозор ошиқ-маъшуқларни тинч қўйишди. Бунинг устига уларнинг тўйлари бўлади, деган гап чиқиб қолди. Ахлоқ муҳаббатлари шундан сўнг уларни оқлашди; ошиқ-маъшуқларнинг қароллариям одатдагидан ташқари камтарин, камсуқум бўлгани учун ғийбат олови унчалик авж олмади. Шу айинда улар бахтга етишганлари учун ортиқча гап-сўзга қолганлари йўқ.

Февралнинг охирларида кунлар анча исиб, баҳор сурурларини эсга солаётган бир пайтда, Полина билан Рафаэль югрокқина оранжерея қишки боғ ичида нонушта қилишаётган эдилар. Оранжерея гулга тўла меҳмонхонани эслатар, унинг тўғри боққа чиқарди. Қиш қуёшининг заиф нурлари оғида-сонда ўсган бутазордан ўтиб, ҳавони илита бошлади.

Дарахтларнинг ола чалпоқ барглари, тўп-тўп гуллар, нур билан соянинг ўйини дилни яйратарди. Парижликлар ҳали мунғайган ўчоқлари олдида исиниб ўтирган бир пайтда ёш келин-куёв анвой гуллар ўртасида чақчақлашиб ўтиришарди. Бу лаззатбахш ва ҳашаматли оранжерея полига майсазор рангидаги бўйра тўшалганди. Кўк мато билан қопланган деворда тангадек зах изи йўқ.

Мебель ёғочдан бўлиб, кўриниши қўполроқ, аммо обдон жило берилганидан ойнадай ярақларди. Полина сут ҳидини олиб, столга чиқиб ўтириб олган мушукнинг тумшугини кофе билан бўяб қўйди. У мушуги билан ўйнашни яхши кўрарди, тоқ қаймоқни унинг тумшуги остига олиб борар, гоҳ ғашига

тегиш ва ўйинни чўзиш мақсадида ундан узоқроққа олиб бориб қўярди. Бусиз ҳам ўн карра газетани қўлидан қўйиб, қўлига олган Рафаэлга халақит бериш учун Полина мушук ҳар гал ташланганда шарақлаб кулар ва ҳазил устига ҳазил қилар эди. Табиийлик ва самимийлик тимсоли бўлмиш бу тонгги манзарадан таърифга сизмас бахт порлаб турарди. Рафаэль ўзини газета мутолаасига берилгандай қилиб кўрсатиб, мушук билан олишаётган Полинага, узун пеньюарига — енгил уй кийимига чулғаниб олган Полинасига, унинг ёйилган сочларига, қора духоба туфли кийган, кўкимтир томирлари ярашиб турган момиқдай оёқларига зимдан боқар эди. Мана шу уй либосида у гул-гул очилиб, Вестолнинг хаёлий образлари сингари мафтункор бўлиб кетар эди; бу ҳолатда уни жувон ҳам деса бўларди, бўй қиз деса ҳам бўларди; жувондан кўра кўпроқ бўй қиз деб тахмин қилиш мумкин эди. У беғубор саодатдан масту мустағриқ, муҳаббатнинг илк севинчларидан энди-энди баҳра топмоқда эди шу топда. Ширин орзулар гирдобига фарқ бўлган Рафаэлнинг диққати газетадан бир нафас бўлиниши биланоқ Полина уни секин тортиб олди, гижимлаб юмалоқлади-да, боққа улоқтирди, мушук эса одатда боши-кети ўзига ҳам маълум бўлмаган сиёсат орқасидан ўзини ташқарига отди. Бу болаларча шўхлик диққат-эътиборини бутунлай ром этган Рафаэль яна мутолаа қилгиси келиб қолдию, газетани олиш учун пастга эгилди, шу дам умрида сира эшитмаган, самимий, шод, булбулигўё сингари ёқимли қаҳ-қаҳа жаранглаб кетди.

— Сени газетага рашк қиламан,— деди Полина беғубор қаҳқаҳасидан ёшланган кўзларини артар экан.— Ахир бу фирт бевафолик эмасми?— сўзида давом этди у тўсатдан эсли-хушли аёл қиёфасига кириб,— бу қанақаси бўлди? Менинг ёнимда русларнинг аллақандай чақирқларини берилиб ўқишинг яхшими? Император Николайнинг насрини наҳотки севги сўзлари ва нигоҳлардан афзал кўрсанг?

— Асло ўқимаётган эдим, жоним, сенга зимдан қараб ўтиргандим.

Шу дам оранжерея ёнида боғбоннинг оғир қадамлари шарпаси эшитилди — нағал қоқилган этикларини остида қум фарч-гурч эзиларди.

— Ҳаловатингизни бузганим учун мени авф этинг, жаноб маркиз, авф этинг хоним, лекин бир ғалати нарса келтирдимки, умрим бино бўлиб бундайини кўрмаганман. Гап шундаки, ҳозиргина қудуқдан сув тортиб олаётган эдим, челаққа қўшилиб аломат бир денгиз ўлани чиқди. Мана, қаранг! Сувга шунчалик чиниққан экан — сира ивимабдиям, зах тортмабдиям. Тарашадек қуруқ, зигирча шилимшиги йўқ. Буни жаноб марказга кўрсатай, қизиқсалар керак, ҳар ҳолда ўқимишлироқ-ку, деб тўғри сизга олиб келдим.

Шундай деб боғбон ҳажми олти дюймдан ошмай қолган беҳосият сағри терини Рафаэлга кўрсатди.

— Раҳмат, Ваньер,— деди Рафаэль.— Ҳақиқатан ғалати нарса экан.

— Ҳой, сенга нима бўлди, жоним? Рангинг қув ўчиб кетди?— деб юборди Полина.

— Сизга рухсат, Ваньер.

— Юрагимга гул-гула тушяпти,— деди Полина,— овозинг бир лаҳзада ўзгарди-қолди. Нима бўлди ўзи? Тинчликми? Қаеринг оғрияпти? Тобинг қочдими? Ҳай, ким бор?— деб қичқирди у.— Тез доктор чақиринглари! Ионафан, қайдасан?

— Ҳечқиси йўқ, Полина,— деди Рафаэль ўзини бир амаллаб қўлга олиб.— Юр, бу ердан кетайлик. Қайсидир гулнинг ҳидига чидолмаяпман. Анави тўзимгулнинг ҳидимикин?

Полина жонҳолатда бечора ўсимликка ёпишиб, томир-помири билан юлиб олди-да, боғ ичкарисига ирғитди.

— Бўйингдан айланай,— хитоб қилди Полина Рафаэлни севгисидай иссиқ бағрига босиб, нозу фироқ билан қирмизи лабларини бўса учун тутар экан.

— Мазанг қочиб, пахтадай оқариб кетганингда бир нарсага тушундимки, куннинг битса мен ҳам шу чоғ дунёдан кўз юмар эканман — шунчалик жонимга жон бўлиб кетгансан. Курагимни силаб кўргин, Рафаэль, этим увишгандай бўляпти — бу ажалнинг нафаси. Лабларинг чўгдай-а! Қўлингчи? Муздек совуқ!

— Парво қилма,— деди Рафаэль.

— Ийе, яна кўз ёшинг нимаси?! Кел, ёшингни лабим билан артай.

— Полина, Полина, мунча мени севмасанг!

— Сенга бир нима бўлди, Рафаэль. Қани, гапир, барибир сирингни билиб оламан. Қани, буни менга кўрсат-чи,— деди Полина ва сағри терини қўлига олди.

— Менинг кушандам,— деб юборди йигит даҳшат оғушида тилсимга тикиларкан.

— Вой, нималар деяпсан?— ўпкаси ёрилгудай сўради Полина тақдирнинг кароматли рамзини қўлидан тушириб юбориб.

— Мени севасанми?— сўради йигит.

— Севасанми? Ахир сенда инсоф борми?

— Бўлмаса мени пича тинч қўй.

Бечора жувон чиқиб кетди.

— Наҳотки!— ёлғиз қолиб ҳайқирди Рафаэль.— Мана шу маърифатли замонамизда олмослар карбон кристали эканлигини биламиз, ҳамма нарсани изоҳлаш мумкин, янги чиққан Маҳдини полиция судга тортади, унинг кўрсатган мўъжизаларини Фанлар академияси текширади, фақат нотариал ҳужжатларга ишонамиз. Шундай бир вақтда мен аҳмоқ аллақандай дуо-оятларга ишониб юрсам-а! Лекин, худо суйган

бандасига азоб беришни яхши кўради, деган гапга ишонмай ман... Олимлар билан гаплашиб кўриш керак...

Кўп ўтмай у бочкаларнинг катта омборхонаси бўлган Вино бозори билан маст-аластларни кўпайтирадиган «кўчат хона» бўлган Салпетриер худойихонаси оралигига бориб қолди. Бу ердаги чоғроқ ҳовузда ўрдакларнинг энг ноёб турлари сузиб юришарди. Қуёш нурларида патлари черков ма зойиқасидай товланиб, жилоланарди. Бу ерга бутун дунёнинг ўрдаклари келиб қолгандай эди — улар ғағалаб, ўмба лоқ ошиб, сувда сузиб, гўё ўрдак «депутатларининг» палатасини ташкил этишганди. Фақат бу «депутатлар» қонунлари ҳам, сиёсий шиорлари ҳам йўқлиги учун бахтиёр эдилар. Улар бу ерда овчилар таҳдидидан қўрқмай фароғатда яшашарди. Фақат онда-сонда табиётшунос уларнинг тинчини бузарди, холос.

— Жаноб Лавриль мана шу ерда,— деди қоровул, зоологиянинг мана шу пирини излаётган Рафаэлга.

Маркиз иккита ўрдакни берилиб кўздан кечираётган паст бўйли жанобга қаради. Ўрта ёшлардаги бу олим истараси иссиқ, очиқ кўнгил эди. Бутун вужудидан илм-фанга меҳр ёғилиб турарди. Бошидаги паригини қашлайвериб, қийшайтириб юборган, унинг тагидан оқарган сочи кўринарди. Ўзига бундай бепарволик олимнинг илм-фанга, кашфиётларга ўчлигини, шайдолигини кўрсатарди. Бу эҳтиросга берилган одам бошқа барча ишқибозлар сингари бор оламни унутди, ўзиниям ўйламай қўяди. Рафаэлнинг ҳам олимлиги, тадқиқотчилиги тутиб кетди, у мана шу табиётшуноснинг ишларидан ҳайратга тушди. У инсоният билимини бойитаман деб кечалари ухламай ишлаган, ҳатто унинг хатолари ҳам Францияга шон-шуҳрат келтирган. Дарвоқе, танноз хонимлардан бирортаси олимнинг эгни-бошини кўриб масхара қилган бўларди. Жаноб Лавриль зоогенетика бўйича кузатишлар ўтказётганида эгилиб-тураверганидан, панталон — уйлик шими билан йўл-йўл нимчаси орасидан ёғимланган кўйлагининг оқи кўриниб қолганди.

Салом-алиқдан сўнг Рафаэль дарров жаноб Лаврилнинг ўрдакларини одатдаги сўзлар билан мақтаб қўйди.

— Нимасини айтасиз, ўрдакларга боймиз,— жавоб берди табиётшунос.— Дарвоқе, ўзингиз биларсиз, бу ўрдаклар пардаоёқлилар гуруҳининг энг кўп тарқалган турига кириди. Мана шу турдаги қушларнинг бир юз ўттиз етти хили бор. Оққуш билан зинзин ўрдагидай, ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир хилнинг ўз номи, хулқ-атвори, ватани, қиёфаси бор. Бир хили бошқа хилидагидан худди оқ танли билан занжидай фарқланиб туради. Ҳолбуки, биз бирор ўрдакни танавул қилаётганимизда унинг қаерларда тарқалганини...

Шу пайт олим қирғоққа чиққан чиройли бир қушни кўриб қолди.

— Қаранг, қаранг, галстукли оққуш, Канаданинг шўрлик фарзанди. Шунча жойдан бу ерга жигарранг — кўкимтир патларини, қора галстукчасини кўрсатгани келган! Қашланишини қаранг... Мана буниси машҳур момиқ патли ғоз, уни гага-ўрдак ҳам дейишади. Танноз хонимларимиз бу момиқдан тўшак қилиб ётишади. Оқ-қизил товланиб турган қоринчасига қаранг, яшил тумшугига қаранг. Ҳозиргина буларнинг қовушувини кузатишга муяссар бўлдим. Натижасини сабрсизлик билан кутяпман. Бу қушчаларнинг бир юз ўттиз саккизинчи хилини ҳосил қилишга умид боғлаб юрибман, балки янги насл каминанинг номи билан аталар.— Мана, ўша «келин-куёвлар»,— деди олим икки ўрдакни кўрсатиб.— Мана бу эса гулиқаҳқаҳ ғоз (*anas aebifrons*) буниси — ҳуштақбоз ўрдак (*anas platyura*, Бюффандан). Ҳуштақбоз ўрдакни урчитсаммикин, оққуш ўрдакними ё ялпоқтумшукними,— деб узоқ иккиландим. Қаранг, манови семиз, қўнғир-қорамтир ялпоқтумшук (*anas cyreata*) ёвузни яхшилаб қаранг, ноз-карашмали кўкимтир камалакранг бўйинини кўринг. Лекин, ҳуштақбоз ўрдакнинг попушаги бор эди, шуни си маъқул деган бир қарорга келдим. Энди бизга фақат қора тожли ўрдак етишмай турипти. Жаноб табиётшуносларимиз тумшуги қийшиқ тувалоқни ўрдакнинг кераксиз такрори дейишяпти; менга қолса... (у шундай деб, шўх кўз қисиб қўйди, бу ишора олимнинг камтарлигидан ва қайсарлиги, мағрурлиги, мамнунлигидан далолат берарди).— ...Мен бошқача фикрдаман,— деб илова қилди у.— Кўриб турибсизки, тақсир биз бу ерда вақтни беҳуда ўтказаетганимиз йўқ. Мен шу кунларда ўрдак ўзи алоҳида бир тур эканлиги тўғрисида монография ёзганман... Хуллас, шунақа гаплар... Дарвоқе, бизга қандай хизматлари бор?

Бюффон кўчасидаги чиройли иморатга етгунларича, Рафаэль жаноб Лаврилга сағри терини текшириш учун бериб улгурди.

— Бу нарса менга таниш,— деди олим тилсимни лупага тутиб кўрар экан.— Бу нарса қандайдир қутичага қопқоқ бўлган. Сағри жуда қадимги! Ҳозир филофозлар тигрин ишлатишади. Тигрин, эҳтимол, билсангиз керак, Қизил денгизда учрайдиган *gala serpen* балигининг терисидан қилинади.

— Лекин, марҳамат қилиб мана бу нималигини айтиб беролмайсизми?

— Бу бошқа бир нарса,— жавоб берди олим.— Океан билан ер, балиқ билан тўрт оёқли ҳайвон ўртасида қанчалик фарқ бўлса тигрин билан сағри ўртасидаям шунчалик фарқ бор. Лекин балиқ териси ер устидаги ҳайвонларникидан гишиқ бўлади. Бу эса,— деди у тилсимни кўрсатиб,— ўзингиз

билсангиз керак, зоологиянинг энг қизиқарли маҳсулларидан бири.

— Масалан?— шошиб сўради Рафаэль.

— Бу эшак териси,— креслога ястаниб ўтириб олди олим.

— Биладан эшак териси эканлигини,— деди йигит.

— Эронда эшакнинг жуда ноёб тури бор,— гапида давом этди табиётшунос,— уни қадимгилар *equus asinus* хачир, тартарлар қулон дейишади. Паллас ўша ҳайвонларни текшириб, фанга маълум қилди. Илгари бу ҳайвонни узоқ вақт хаёлий, ўйлаб чиқарилган деб ҳисоблашарди. Бу ҳайвон, билсангиз керак, Муқаддас китобдаям тилга олинган, Мусо ўша ҳайвонни ўз тенглари билан қовушувини маън этиб қўйган экан. Аммо, ҳачирни бир замонлар бузуқлик қуроли қилиб олишганида тагин ҳам машҳур бўлиб кетди. Қадимги пайғамбарлар бу ҳақда кўп гаплар айтишган. Эҳтимол, биларсиз, Паллас *Acta Acad Petropolitana* китобининг иккинчи жилдида айтишича, форслар ва нўғайлар ҳозиргача бу ҳайвонлар билан бўладиган ғалати алоқаларни буйрак касалга ҳам қуймиҳдаги асаб касалига энг яхши даво деб билишар экан. Биз шўрлик парижликлар эшакни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Музейимизда йўқ у. Нақадар ноёб ҳайвон!— сўзида давом этди олим.— Бу сирли ҳайвоннинг кўзларида ёруғликни акс эттирувчи парда бор, шунинг учун Шарқ одамлари уни сеҳри бор дейишади: териси энг яхши отларимизнинг терисиданам юқароқ, силлиқроқ; очсариқ ёки тўқ сариқ йўл-йўл тусда бўлади, худди зебрага ўхшайди. Юнги шойидек майин, силаганда алтирайдн. Кўзи ўткирликда одамни кўзидан қолишмайди. Хачир биздаги хонаки эшаклардан каттароқ ҳам дадилроқ бўлади. Энг йиртқич ҳайвонлар ҳужум қилиб қолсаям яқинига келтирмай, олдидан келса тишлаб, орқасидан келса тепади. Чопқирлигига келсак, қушдай учади. Энг яхши арабий ва форсий тулпорларам унга етолмайди. Эҳтимол, биларсиз, биз ҳозир таъзиясини ўтказаятган заҳматкаш олим Нибурнинг отаси аниқлашича, хачир соатига етти жүгрофий миля* чопа олади. Ҳурликни севадиган бу мағрур ҳайвон бизнинг айниган эшакларимизга сира ўхшамайди. Хачир чаққон, ҳаракатчан, ақлли ва айёр, чиройли ва шўх бўлади. Шарқ ҳайвонот оламининг подшоси у! Турк ва форс хурофотчилари хачирнинг қаердан келиб чиққанигаям сирли тус беришган. Тибетлик ва татар ривоятчилари бу танти ҳайвонларнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилишганда Сулаймон пайғамбарнинг ҳам номини тилга олишади. Хачирни тутиб қўлга ўргатиш учун кўп заҳмат чекиш керак. Уларни тоғда тутиб бўлмайди, жуда қийин: у оҳудай сакрайди, қушдай учади. Учар отлар, бизнинг Пегас тўғрисидаги ривоятлар шубҳасиз, Шарқ мамлакатларида, чўпон-

* М и л я — 1852 метр.

лар орасида тарқалган. Форсда урғочи наслини қизғиш рангга бўяшади. Эҳтимол, бизда кўп ишлатиладиган «Қизил эшакдай қайсар» деган матал шундан келиб чиққандир.

Бир замонлар Францияда табиёт фанига эътибор берилмаган вақтларда кимдир ана шу аломат ҳайвонни олиб келган бўлса керак. У асоратни унчалик кўтаролмайди. Эҳтимол, матал шу сабабдан тўқилгандир. Сиз кўрсатаётган мана бу тери ана шу хачирнинг териси. Унинг номини турлича изоҳлашади. Бировлар Шагри турк сўзи дейишади, бошқалар Шагра шаҳар бўлиб, бояги аломат ҳайвонларнинг суяк, терилари шу шаҳарда кимёвий қайта ишланади, деб ўйлашади. Паллас бундай тери қандай ишланишини яхши тавсифлаган. Худди шундай ишлаш туфайли терида бизни ҳайратга соладиган донаторлик пайдо бўлади. Мартеланс бир хатида ёзган эдики, Шагри — дарёнинг номи экан...

— Шарҳларингиз учун ташаккур: борди-ю бенедиктчилар ҳалигача яшаб келганларида эди, буларнинг ҳаммасидан аббат Кальмага ўхшаган бирорта одам ажойиб шарҳлар ёзган бўларди, бироқ мен ҳозир диққатингизни шунга жалб этиш шарафига муяссарманки, ушбу бир парча терининг ҳажми даставвал... манови географик харита билан тенг эди— деди Рафаэль, очиқ ётган атласга ишора қилиб,— лекин уч ойда у сезиларли даражада қисқарди...

— Тўғри,— жавоб берди олим,— тушунаман. Жонли мавжудотларнинг қолдиқлари атмосфера шароити таъсирида табиий емирилишга учрайдилар. Ҳатто металллар сезиларли даражада кенгайди ва қисилади, инженерлар илгаридан темир белбоғлар билан сиқилган катта тошлар оралиқлари очилиб қолганликларини ҳам кузатишган. Фан беқиёс кенг, инсон ҳаёти эса жуда қисқадир. Шунинг учун биз табиатнинг барча ҳодисаларини биламиз деб даъво қилолмаймиз.

— Саволим учун олдиндан узр сўрайман,— ҳафсаласи пир бўлиб давом этди Рафаэль.— Бу терининг зоология умумий қонунларига бўйинсуниши ва кенгая олишига ишончингиз комилми?

— Албатта-да!.. Об-бо ҳароми-ей!— минғирлади жаноб Лавриль туморни тортқилаб кенгайтиролмай.— Дарвоқе, жаноб олийлари,— қўшиб қўйди у,— машҳур механика профессори Планшет ҳузурига боринг,— балки у терига таъсир ўтказиш, юмшатиш ва чўзиш иложини топар.

— Яшанг, бир умр миннатдор бўламан.

Рафаэль табиатшунос олим, дилкаш Лавриль билан таъзим қилиб хайр-хўшлашиб, уни кабинетида, шиша идишлару гербарийлар қуршовида қолдириб, Планшетникига югурди. Энди, ушбу ташрифдан сўнг, ҳали ўзи англаб етмай, фанларнинг асосини таснифлашни билиб олди. Санчо Панса Дон Кихотга эчкилар воқеасини завқ билан сўзлаган — ҳайвонларни санаб, уларни бирма-бир рақамлаштирган эди.

Содда Лавриль ҳам Санчо Пансани эслатарди. Бир оёғи гўрга бориб қолган олим номаълум мақсадларда олам океанларига сочиб юборилган беҳисоб ҳайвонот тўдаларининг кичик бир қисминигина биларди, холос.

Рафаэль мамнун эди.

— Энди эшагимни нўхталаб оламан!— деди у ҳаяжонланиб.

Ундан олдин Стерн: «Узоқ умр кўрай десанг — эшакни авайла!» деганди. Аммо ўзиям жуда қайсар махлуқ-да!

Планшет новча, қотма — бетиним ҳаёлотга муккасидан кетган, ҳаракат дея аталадиган тубсиз жарликка доимо тикладиغان ҳақиқий шоир эди. Майда одамлар бу олий тафаккур эгаларини тушуниб бўлмайдиган, дабдаба ва ҳашаматга бефарқ қарайдиган, уззукун ўчиб қолган сигарасини сўриб, меҳмонхонага ҳам тугмаларини палапартиш қадаб кирувчи олимларни аҳмоқ санашади. Шундай кун келадики, улар бўш фазони узоқ ўлчаб ёки Аа-Сд остига иксларни қалаштириб ташлаб, бирор табиий қонунни таҳлил қиладилар ва қайси бир жўн моддани парчалайдилар; ҳадемай кўрибсизки, содда тузилиши билан бизни ҳам ҳаяжонга соладиган янги машина ёки қандайдир арава томошасига оломон йиғилиб турипти. Қамтар олим мухлисларига кулимсирайди: «Мен нима ясабман! Ҳеч нарсамас. Инсон кучни кашф этолмайди, уни йўналтиради, холос, фан табиатга тақлиддан иборат», дейди.

Рафаэль кирганида механик қоққан қоziқдек қаққайиб турар, дорда осилиб қотган гавда узилиб тикка тушиб қолган, деб ўйлаш мумкин эди. Планшет қуёш соати циферблати бўйлаб думалаётган гулдор тош соққани кузатар, унинг тўхташини кутарди. Олим шўрлик на орден, на пенсия олмасди, чунки у ўз молини одамларга кўз-кўз қилолмасди. У кашфиётлар посбонлигида турганлигидан бахтиёр эди ва на шон-шухратни, на олий базмларни, на ўзини ўйларди; у фан билан ва фан учун яшар эди.

— Фирт жумбоқ!— деди ўзича ғудраниб.— Келинг!— деди у Рафаэлни кўриб.— Хизматларига тайёрман. Онажонингиз саломатликлари қандай?..— Рафиқамга учрай қолинг.

«Ахир мен ҳам шундай яшай олардим»,— деб бир ўртанди Рафаэль. Йигит олимга тилсимни кўрсатаркан, унга қандай таъсир қилиш мумкинлигини сўраб, Планшетнинг ҳаёлини бўлди.

— Балки соддалигимдан куларсиз,— деди маркиз гапининг ниҳоясида,— бироқ, сиздан ҳеч нарса яширмайман. Менимча, бу тери шундай қаршилик кўрсатиш кучига эгаки, буни ҳеч нарса енга олмайди.

— Зодагонлар фанни ўйинчоқ деб қарайдилар,— мулоҳаза бошлади Пленшет,— уларнинг бари биз билан суҳбатда худди астроном Лаланднинг мухлисига ўхшайди. Уша олиф-

га мухлис ой тутилиб аслига қайтганидан сўнг бир гуруҳ хонимларни бошлаб келиб: «Марҳамат қилиб, бошқатдан бошланг» деган экан. Сизга қандай ҳаракат ҳосил қилиб берай? Механиканинг мақсади — ҳаракат қонунларини тадбиқ этиш ёки уларнинг кучини йўқотишдир. Ҳаракатнинг ўзига келсак; бемалол заифлигимни тан олиб айтаманки, биз уни аниқлашга ожизмиз. Ана шундай ўзимизни чеклаб оламиз-да, қаттиқ ва суюқ жисмларнинг ҳаракатини идора қилувчи қандайдир доимий ҳодисаларни кузатамиз. Бундай ҳодисаларнинг асосий сабабини топгач, жисмларнинг ўрнини алмаштира оламиз, маълум суръатдаги ҳаракат меъёрини айта оламиз, уларни бўлақларга бўламизми ёки кукунларга айлантирамизми, шунга қараб, уларни отишимиз, бўлақларга ёки чексиз заррачаларга ажратишимиз мумкин: уларни қайришимиз, айлантиришимиз, шаклини ўзгартиришимиз, қиспишимиз, кенгайтиришимиз, чўзишимиз мумкин. Фаннимиз фақат далилга сўянади. Манови соққани кўряпсизми?— давом этди Планшет,— у мана бу тошнинг устида турипти. Энди эса, у ёқда. Физикавий жиҳатдан шундоққина табиий, аммо онг идрок этолмайдиган бу ҳаракатни нима деб атаймиз? Ҳаракатми, ҳаракатлантиришми ёки ўрин алмаштиришми? Ушбу қуруқ сўзлар ортида ҳеч бир нарса йўқ-ку, ахир? Ном қўйиш — вазифа ҳал бўлди дегани эмас-ку? Ҳолбуки бутун фан ўзи шунақа. Бизнинг машиналар ҳаракатдан фойдаланади ёки уни тўхтата олади, бу — бор гап. Мана шу арзимас мўъжизани моддаларга нисбатан тадбиқ этсак, бутун Парижни портлатиб юборади. Биз суръатни куч эвазига ва кучни суръат эвазига ошира оламиз. Куч ва суръат нима дегани? Фаннимиз ҳаракатни ясай олмаганидек, бунинг жавобини ҳам бера олмайди. Ҳаракат, қанақа бўлишидан қатъий назар, катта энергиядир, инсон эса энергияни йўқдан ярата олмайди. Энергия ҳаракатга ўхшайди, у ўзида энергия моҳиятини мужассамлаштиради. Ҳамма нарса ҳаракатда. Фикр ҳаракатда. Табиат ҳаракатга асосланган. Улим ҳам бизга унчалик маълум бўлмаган ҳаракатдир. Агар тангри абадий бўлса, ишонинг, у ҳам доимий ҳаракатдир. Балки, худо ҳаракатнинг ўзи бўлиб чиқар? Ана шунинг учун ҳам ҳаракат тангри таоло каби тушунтириб бўлмайдиган, оллонинг ўзидай теран, ўзидай чек-чегарасиз, эгаллаб бўлмайдиган ва сезиб бўлмайдиган хилқатдир. Ҳаракатнинг ўзини кўрмай туриб, оқибатини сезамиз. Ҳаракатни инкор этиш худони тан олмагандай гап. Ҳаракат қаерда бору, қаерда йўқ? У қаердан келиб чиқади? Унинг бошланиши қаерда? Охири қаерда? У атрофимизни қуршайди, бизга таъсир қилади ва билдирмай кетиб қолади. У далил сингари аниқ, мавҳумот сингари қоронғидир; у ҳам оқибат ҳам сабаб — ҳар иккаласидир. Унгаям макон керак. Маконнинг ўзи нима? Макон ҳаракатдагина ўзлигини кўрсатади: ҳарқатсиз макон қуруқ сўздир.

Бу муаммо бўшлиқ сингари, оламнинг яралиши каби чигалдир; чексизлик ва ҳаракат инсон фикрини довдиратиб қўяди, одам фақатгина бир нарсани — ҳаракатни ҳеч қачон тушуна олмаслигини тан олиши мумкин. Кетма-кет йўналган икки соққадан ҳар бирининг орқасида макон бор. Инсон онги учун у Паскаль қулаб тушган тубсиз жарга ўхшайди. Сиз номаълум кучга бўйсундиришни истаган номаълум жисмга таъсир этиш учун олдин шу жисмни ўрганишимиз керак; у табиий хоссаларига кўра куч таъсирида ё синади ёки унга қаршилиқ қўрсатади; агар жисм бўлиниб кетса, демак мақсадга етмаган бўламиз. Агар уни қисмоқчи бўлсангиз — унинг барча зарраларига бир хил ҳаракат билан таъсир этиш керакки, уларнинг ораларидаги бўшлиқ бирдай озайсин. Бордию, чўзмоқчи бўлсангиз — унинг ҳар бир молекуласига бирдай марказдан қочма ҳаракат билан ёндошишимиз лозим, чунки бу қонунга қатъий риоя қилмасак, изчиллик бузилади. Ҳаракатнинг беҳисоб усуллари ва чексиз комбинациялари бор. Сизга қанақа ҳаракат керак ўзи?

— Менга шундай босим керакки, ушбу терини чексиз чўза олсин... — тоқати-тоқ бўлиб деди Рафаэль.

— Ҳар бир жисмнинг ўзига яраша чегараси бўлади, шунинг учун уни чексиз даражада чўзиш мумкин эмас, — эътироз билдирди математик, — бироқ жисм эзилганида шубҳасиз қалинлиги камайиб юзаси кенгайди. Ундан ортиқ эзишга жисмнинг моддалари етмай қолади.

— Моддаси етгунча эсангиз, — миллионлар сизники бўлади! — қичқирди Рафаэль.

— Шу иш учун бунчалик катта пул олиш инсофдан эмас, — голландларга хос хотиржамлик билан деди профессор, — ҳатто худосиниям пашшадай мажақлайдиган машина тўғрисида икки оғиз гапириб бераман. У кишини этиги ва шпори билан, галстуги, шляпаси, олтини ва бошқа қимматбаҳо нарсалари билан мажақлаб, бир варақ қоғозга айлантириб қўяди...

— Қандай даҳшатли машина!

— Хитойлар болаларни сувга фарқ қилиш ўрнига уларни худди шундай мажақлашлари керак эди, — давом этди олим авлодларга нисбатан хунук гапираётганини ўйлаб ўтирмай.

Ўз фикрига буткул берилиб кетган Планшет таги тешик бўш гул тувакни олди-да, қуёш соатининг плитасига қўйиб, лой келтириш учун боққа чиқди. Рафаэль энагаси сирли эртак айтиб бераётган гўдакдек ҳайратда эди. Олим қайтиб кириб, лойни плита устига қўйди-да, чўнтагидан боғбонлик пичоғини чиқариб, қарағайнинг иккита шохчасини кесиб олди, худди уйда ёлғиз ўзи юргандек ҳуштак чалиб, уларнинг пўстини шила бошлади.

— Мана, машинанинг асосий қисмлари, — деди у.

Лойдан қилинган тирсак ёрдамида ҳалиги найчаларнинг

бирини гул тувакнинг остига — тешигига тўғрилаб маҳкамлади. Ясалган нарса худди тамаки чекиладиган катта трубкани эслатарди. Сўнгра Планшет плита устидаги лойни эзгилаб, уни дастали курак шаклига келтирди; гул тувакни унинг кенг жойига қўйиб, қарағай найчасини курак дастасига ўхшаган жойига маҳкамлади. Кейин найчанинг учига бир сиқим лой суртиб, айнан шундай найчани шу ерга тиккасига суқиб қўйиб, яна бир тирсак ёрдамида уни ётиқ найча билан улади; энди ҳавоми ёки суюқликми, ўйлаб ўтирмай ясалган шу машинада ҳаракатланиб, тик найчадан оралиқдаги каналга югуриб, бўш гул тувакка тушиши мумкин эди.

— Бу аппарат учун, — мурожаат этди Рафаэльга у кириш нутқи бошлаган академик сингари жиддий, — буюк Паскаль қаршисида таъзим қилишимиз шарт. Унинг шундай иззат-ҳурматга ҳаққи борлиги исботланган.

— Тушунолмадим...

Олим жилмайди. У мевали дарахтдан (аптекачи чумолиларга қарши ишлатиш учун юборган) елимсимон дори солинган идишни ечиб олди-да, остини синдирди ва уни воронкага айлантириб, уни гул тувакка ўхшаш катта идишга маҳкамланган ётиқ найчага тиккасига уланган қарағай найчасига тикиб қўйди; сўнгра катта идиш билан тик найчани кўмадиган даражада сув қўйди...

Рафаэль эса сағри терисини ўйларди.

— Сув, ҳали ҳам сиқилмайдиган жисм ҳисобланади, тақсир, сиз ана шу асосий фикрни эсдан чиқарманг, — огоҳлантирди механик, — тўғри, у сиқилди, лекин шу даражада камки, сувнинг сиқилишини биз нолга тенг деб ҳисоблайверамиз. Гул тувак деворларига ҳам лиммо-лим сув сатҳини кўряпсизми?

— Кўряпман.

— Ана шундай, тасаввур қилингики, бу сатҳ мен суюқлик қуйган қарағай найчасининг перпендикуляр кесмасидан минг баравар баланд. Қаранг, воронкани оляпман.

— Хўш?

— Мана, тақсир, найча тешиги орқали яна бир миқдор сув юбориб, ушбу масса ҳажмини бир оз оширсам, суюқлик ўрин алмаштиришга мажбур бўлиб, гул туваги шаклидаги идишда юқорига кўтарила бошлайди. Бу ҳол ҳар иккала қисмда суюқлик сатҳининг бирдай бўлишигача давом этади.

— Тушунарли! — завқланди Рафаэль.

— Аммо, — давом этди олим, — фарқ шундаки, тик найчага қўйилган ингичка сув оқимини бир фунт оғирликда деб фараз қилсак, унинг босими шубҳасиз суюқликнинг бутун массасига таъсир этади, буни гул тувакдаги ҳар бир томчи сув ҳис этади. Шундай қилиб, минглаб, сув устунлари ҳар бирига тик найча бўйлаб шунча куч таъсир этгандек юқорига ўрлайди ва бу ерда... — Планшет гул тувагига ишора қил-

ди,— устан берилган кучга нисбатан минг баравар кучли энергия ҳосил бўлади.

Олим бармоғи билан лойга тиккасига суқилган дарах найчасига ишора қилди.

— Жуда оддий,— деди Рафаэль.

Планшет табассум қилди.

— Бошқача қилиб айтганда,— математикларга хос изчил мантиқ билан давом этди у,— катта идишдаги сув тўкилиб кетмаслиги учун унинг сатҳидан сувнинг ҳар бир заррасига тик найчадан келаётган кучга қарши тура оладиган босим керак, агар бизнинг сув устунимиз бўйи бир фут бўлса, катта идишдаги минглаб сув устунларининг бўйи унчалик бўлмайди. Энди эса,— Планшет қарағай найчани чертиб қўйиб, деди,— манови аппаратчани муайян қаттиқликдаги ва ўлчовдаги метал найлар билан алмаштирамиз ва катта идишдаги суюқлик устини силжийдиган металл қопқоқ билан маҳкам ёпамиз, унга параллель равишда муайян қаттиқликдаги қўзғолмас қопқа ўрнатамиз. Шундай қилиб, тик най орқали тинимсиз сув қуйиш имкониятига эга бўламиз. Икки қаттиқ қопқоқ орасида сиқилган жисм бир томондан берилган улкан куч натижасида борган сари эзила бошлайди. Найга тинимсиз сув юбориш ва суюқ моддага энергия узатиш — механика учун жўнгина иш. Бунинг учун икки поршень ва бир неча клапан кифоя. Тушунарлими, азизим,— сўради у Валантенни қўлтиқлаб олиб,— икки чексиз босим орасига қўйилган жисм эзилмай қоладими?

— Қойил! Шунга «Қишлоқдаги мактублар»ни ёзган одам ихтиро қилганми?!— шодланди Рафаэль.

— Худди ўзи. Механикада бундан оддийроқ, бундан ажойиброқ нарса йўқ. Буғ машиналариям худди шу принципда ишлайди, фақат тескари йўналишда. Буғ машиналари сувнинг кенгайишига асосланган. Лекин сув муайян чегарагача кенгайди холос. Сувнинг қаршилиги эса, маълум маънода салбий куч бўлиб, чексиз даражада катта бўлади.

— Агар шу тери кенгайса,— деди Рафаэль,— Блез Паскалга жуда баланд ҳайкал ўрнатаман, механиканинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилганлар учун ҳар ўн йилда бериладиган юз минг франкли мукофот тайинлайман, амма-холаларингизнинг қизларига сеп қиламан, ниҳоят ақлдан озган ва ғариб, бечора математиклар учун худойихона очиб бераман.

— Жуда яхши бўларди,— мамнун жилмайди Планшет.— Эртага сиз билан Шпигхальтерникига борамиз,— давом этди у доимо олимлар муҳитида ўсган одамга хос хотиржамлик билан.— Шпигхальтер аломат механик. Яқинда у менинг лойиҳам бўйича такомиллашган бир машина ясади, ана ўша машина ёрдамида ёш бола минг боғ пичанни шляпасига жойлай олади.

— Эртагача хайр!

— Хўп, хайр!

— Ана механикаю мана механика!— хайратланди Рафаэль.— Энг ажойиб фан шу. Лавриль ўз қулонлари, таснифлари, ўрдакларю ва хиллари, банклардаги майиб-машриқлари билан фақат хаскашликка яраши мумкин.

Эртаси куни Рафаэль вақтичоғ бўлиб Планшетникига келди ва иккаласи биргаллашиб Саломатлик кўчасига йўл олишди. Кўчанинг номиеқ Рафаэлни кўнглини тоғдек кўтарганди. Кўп ўтмай йигит Шпигхальтернинг маҳобатли устахонасида — олов пуркаб, ғувуллаб турган ўчоқлар орасида юрарди. Бу ер чирсиллаб, учқунлар ёғинини сачратаётган ўт, уюм-уюм мих, тоғ-тоғ бўлиб ётган поршену паррақлар, темир тўсинлар, дастаклар, эговлар, гайкалару дарё-дарё чўян, үйилган ёғоч, пўлат клапанлару тунукалар макони эди. Темир қириндилари томоқни кириб кетарди. Темир чанг бўлиб ҳавода «сузиб» юрар, одамларнинг уст-бошини қоплар, иси бутун устахонани тутиб кетган эди. Темирнинг бир режага солинган ўз ҳаёти бор эди — у эрир, юрар, ўйлар, одамларнинг хоҳиши билан минг шаклга кириб, ҳаммасига кўникиб кетаверарди. Босқонларнинг тинмай гувуллаши, болға-тўқмоқларнинг дам сайин кучаяётган тақир-туқури, чийиллаётган дастгоҳлар исканжасида гижирлаётган темирларнинг шовқини остида Рафаэль кенг, тоза ва баҳаво бўлмаган ўтди. Бу ерда у кечагина Планшет сўзлаб берган улкан пресс-босманинг икир-чикиригача бир-бир кўздан кечирди. Босманинг йўғон-йўғон чўян тахталарию темир устунларини, уларни бир-бирига жипслаб турган бақувват тагликни кўриб, хайратдан ёқасини ушлади.

— Агар сиз етти марта ушбу дастани чаққон бурасангиз,— деди Шпигхальтер ялтироқ темирдан қилинган пишанга ишора қиларкан,— бу пўлат тахта чил-чил бўлиб, оёқларингизни илма-тешик қилворади.

— Худо сақласин!— деб қичқирди Рафаэль. Планшет ўз қўли билан сағри терини бу қудратли босманинг икки тахтаси орасига қўйди ва илмий дунёқарашдан ҳосил бўлмиш пишанч билан пишанг дастасини чаққон буради.

— Ҳой, тез ётинглар, бўлмаса нобуд қилади!— қичқирди тўсатдан Шпигхальтер ва биринчи бўлиб ўзини ерга отди.

Устахонада қулоқни тешиб юборгудек бир шовуллаш эшитилди. Дастгоҳ ичидаги сув-чўянни ўпириб, селдек отилиб чиқдию одамларнинг бахтига, бугун зарбаси билан эски ўчоққа урилиб, уни қулатди-да, чархпалак қилиб, бамисли куюн уйни ўз домига тортиб учириб кетгандай, уни майиштириб ташлади.

— Ана холос!— деди совуққонлик билан Планшет. Сағрига жин ҳам урмабди! Жаноб Шпигхальтер, чўяннинг дарзи бормиди дейман ёки асосий қувур ишдан чиққанмикин?

— Йўқ, йўқ, асло! Чўянимни беш қўлимдай биламан. Бу нарсангизни йўқотинг, тақсир, уни афсуни бор.— Немис жонҳолатда оғир болғага ёпишиб, терини сандон устига улоқтирди-да, ғазабдан қайнаб, бор кучи билан тилсимни шундай урдик, ўзиям бундай зарба устахонасида биринчи марта бўлса, ажаб эмас.

— Болғанинг изи ҳам қолмади!— деб юборди Планшет, қайғар сағри терини силаб кўраркан. Ҳар томондан ишчилар югуриб келишди. Халфа терини олиб, тошкўмир лахча бўлиб ёнаётган ўчоқ ичига ташлади. Ҳамма ўт олдида ярим доира ҳосил қилиб, улкан босқонларнинг таъсирини кутишарди. Рафаэль, Шпигхальтер ҳамда профессор дами ичига тушган, уст-бошлари қоп-қора бўлиб, одамларнинг ўртасида туришарди.

Рафаэль йиғилганларнинг йилтираб турган кўзларига, қурум босган афт-ангорларига, яғири чиқиб, ялтираб турган қора уст-бошларига, жун босган кўкракларига боқиб, немис балладаларида тасвирланган хаёлий тун оламига кўчди. Халфа терини ўн минутча ўчоқда тутиб, оташкурак билан тортиб олди.

— Менга беринг,— деди Рафаэль.

Халфа ҳазиллашиб терини Рафаэлга узатди. Рафаэль парвойини бузмай терини олди-да, уни ғижимлаб кўрди. Кимдир даҳшат ичида додлаб юборди. Ишчилар тумтарақай бўлиб қочишди. Бир зумда бўшаб қолган устахонада ёлғиз Валантен ва Планшет қолишди.

— Ҳақиқатан, бу ишга шайтон аралашган!— қичқирди Рафаэль умидсизлик билан.— Наҳотки, оламда ҳеч бир одам жонимга оро кириб, умримга ҳатто бир кун қўшиб берол-маса?!

— Айб менда, муҳтарам жаноб,— жавоб берди математик олим,— аввал бу ғалати терини қизиган темирни ёйиб, ту-нука ишлаб чиқарадиган оғир дастгоҳларда синаб кўриш керак эди. Негайм сизга бу қурғур босмани тақлиф қила қолдим-а?

— Мен ўзим шуни сўрадим-ку,— эътироз билдирди Рафаэль.

Олим ўн икки суд маслаҳатчиси оқлаган айбдордай енгил нафас олди. Аммо яна ғалати тери муаммосига қизиқсиниб, бир оз ўйланиб турди-да:

— Бу нотаниш моддани реактивлар таъсирида синаб кўриш керак,— деди.— Юринг-чи, Жафеникига борайлик, балки кимё механикадан устун келар.

Валантен машҳур кимё олими Жафени уйига кетиб қолмасдан олдин ўз лабораториясида учратиш ниятида отга камчи босди.

— Салом, қадрдон дўстим,— деди Планшет креслода ўти-

риб, қандайдир қўйқани текшираётган Жафега мурожаат қилиб,— Кимёнинг аҳволи қалай?

— Кимё инқирозга юз тутди. Ҳеч бир янгилик йўқ.— Ҳа, айтгандай, Академия салицин борлигига тан берди, бироқ салицин, аспарагин, воқалин, дигиталин — шуям кашфиёт бўлдию...

— Янги моддалар кашф қилишга қурбингиз етмай, янги номлар кашф этиш йўлига ўтиб олибсиз шекилли,— луқ-ма ташлади Рафаэль.

— Гапингиз рост, йигитча!

— Менга қара,— деди профессор Планшет кимёгарга,— мана шу модданинг таркибини билиб бер-чи. Ундан биронта элемент ажратсанг, мен ҳозирданоқ унга, «Шайтонин» деган ном бераман, чунки уни қисиб кенгайтирмоқчи бўлиб, гидравлик босмани ишдан чиқардик.

— Қани, қани!— қичқирди хурсанд бўлиб кимёгар.

— Балки бу янги, жўн модда бўлиб чиқар.

— Бу бори-йўғи эшак терисининг бир парчаси,— деди Рафаэль.

— Ҳай, ҳай, тақсир!— аччиқланди кимёгар.

— Ҳазиллашаётганим йўқ,— эътироз билдирди маркиз унга сағри терини узатиб.

Барон Жафе турли-туман тузлар, ишқорлар, газларни татиб кўришга ўрганган тилини терига теккизиб, бир-икки ялаб кўргач:

— Таъми йўқ-ку! Қани, уни фтор кислотаси билан сийлаб кўрамиз,— деди.

Терига фтор кислотаси қўйиб кўришди. Ҳар қандай жонзотнинг тўқимасини бир зумда сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиб ташлайдиган бу модда терига тариқча таъсир қилмади.

— Бу сағри тери эмас!— хитоб қилди кимёгар.— Ҳўш, бу сирли нарсани минерал, деб фараз қилиб, қитиқ патига тегиб кўрайлик-чи, яъни баланд ҳароратга чидамли металл эритадиган идишимга солиб кўрамиз. Ичида қизил поташ ҳам тайёр эди.

Жафе чиқиб кетди-ю, дарҳол қайтиб хонага кирди.

— Бу аломат нарсанинг бир парчасини олишга ижозат беринг,— деди у Рафаэлга.— Ғаройиб нарса экан...

— Бир парчасини?— қичқирди юборди Рафаэль.— Қилдеккинасини ҳам бермасман. Ҳай, ана ўзингиз олақолинг,— илова қилди у ҳазил товушда, истеҳзо билан.

Олим терини тилиб кўрмоқчи бўлиб, устарани синдириб қўйди, уни кучли электр токи билан бўлакламоқчи бўлди, вольт олови билан куйдириб кўрди — қўйинг-чи, илмнинг барча чақмоқлари бу даҳшатли тилсим олдида ожиз бўлиб чиқди. Кечки соат етти эди. Планшет, Жафе ҳамда Рафаэль сўнгги тажрибанинг натижасини кутиб, вақт қандай ўтганини

сезишмасди. Сағри тери бир талай хлорли азот билан тўқнашувда ҳам ғолиб чиқди.

— Энди нима қилдим?— деб хитоб қилди Рафаэль.— Бу худонинг иродаси. Куним битибди.

У иккала олимни ҳайратда қолдириб, чиқиб кетди. Улар таассуротларини ўртоқлашолмай, узоқ сукут сақлаб ўтиришди; ниҳоят, Планшет тилга кирди:

— Бу воқеа тўғрисида Академияда оғиз очиб ўтирмайлик, йўқса, ҳамкасбларимиз бизни аҳмоққа чиқаришади.

Иккала олим гўрдан чиққан, аммо арши аълода тангрини кўрмаган бандаларга ўхшар эдилар.

— Илм ожиз! Кислота сувчалик таъсир қилмади! Қизил поташнинг шармандаси чиқди! Вольт оловиям, чақмоқ ҳам ўйинчоқ бўп қолди!

— Гидравлик босма нондай ушалиб кетди-я,— илова қилди Планшет.

— Мен шайтонга ишонаман,— бир лаҳзали сукутдан сўнг гап қотди Жафе.

— Мен худога ишонаман,— жавоб қилди Планшет.

Ҳар бири ўз эътиқодига содиқ қолди. Планшет механика учун коинот бир машинаки, уни ишчи бошқариш керак, деган фикрда, Жафе эса химия учун борлиқ ҳамма нарсани бузғувчи шайтоннинг иншооти, олам эса ҳаракатчан бир газдир, деб ҳисоблар эди.

— Биз бу далилни инкор этолмаймиз,— сўзида давом этди кимёгар.

— Эҳ, бизларни овутиш учун назарияпараст жаноблар мубҳам бир аксиома ўйлаб чиқишган: «далилдай аҳмоқона» дейишади улар.

— Аммо эсдан чиқарма — сенинг аксиоманг ҳам бир далил-ку!— деб қолди кимёгар.

Улар кулиб юборишди ва ҳеч нарса бўлмагандай бемалол тушлик қилишга ўтиришди: бундай одамлар учун мўъжиза табиатнинг қизик бир ҳодисаси эди, холос.

Валантен уйига қайтиб келди; ичига чироқ ёқса, ёришмасди. Энди у ҳамма нарсадан умидини узди: хаёли чархпа-лак бўлиб айланар, чувалиб, тутқич бермасдан ҳар томонга қочарди: бу кайфият одатда иложсиз қолган одамда бўлади.

У Шпигхальтернинг дастгоҳида бирон-бир кўз илгамас қусур бор, деган гумон билан ўзини овутса ҳам механика ва оловнинг ожизлигига сира ҳайрон бўлмасди. Аммо терининг майинлиги (қўлига олганда Рафаэль дарров пайқаганди) ва одамзотнинг тасарруфида бўлган барча емирувчи кимёвий воситаларга чидамлилиги йигитни даҳшатга соларди. Инкор қилиб бўлмайдиган бу нарсадан боши чир айланарди.

«Ақлимдан озибман,— ўйларди у,— эрталабдан бери оғзимга увоқ ҳам олмадим у шунга қарамай на туз тотгим, на сув ичгим келади, юрак-бағрим ёниб кетяпти.»

У сағри терини ўз жойига осди, сўнг тилсимнинг тархини қизил сиёҳ билан белгилаб, креслога чўкди.

— Соат саккиз бўлибди-я!— хитоб қилди. Кун ҳам тушдай ўтиб кетди.

У кресло суюнчиғига тирсагини тираб олди-да, кафтига бошини қўйиб, оғир хаёлларга чўмиб, анчагача ўтириб қолди. Одатда бундай ўйларнинг сирини ўлимга маҳкум одамлар ўзлари билан гўрга олиб кетишади.

— Эвоҳ, Полина, шўрлик қизалоқ,— деб хитоб қилди у.— Шундай тубсиз жарликлар борки, муҳаббатнинг қанотлари қанчалик бақувват бўлмасин, уларнинг устидан олиб ўтолмайди.

Шу чоғ кимнингдир оғир хўрсинишини эшитиб қолди ва фақат ошиқ-маъшуқларгагина хос ажойиб зийраклик билан хўрсинаётган одам Полина эканлигини тушунди.

«О, мана ҳукм ҳам тайёр!— ўйлади Рафаэль.— Агар Полина ҳақиқатан шу ерда бўлса, мен унинг қучоғида жон беришга розиман».

Шўх-шодон кулги эшитилди. Рафаэль каравот томон ўтирилди-да, шаффор чодир орқасида Полнининг чехрасини кўрди: У, бировга ҳийласини ўтказган ёш боладек мамнун ва беғубор кулар, сумбул сочлари елкаларига ёйилган эди. Шу чоғ у бир даста атиргул орасидаги бенгал гулига ўхшаб кетарди.

— Ионафанни ўзимга оғдириб олдим,— деди Полина.— Хотининг бўлиб туриб, бу кароватга ҳаққим йўқми? Аччиқланма, жоним, сенинг хонангда ухлаб, тўсатдан олдинда пайдо бўлмоқчийдим. Мен тентакни кечиргин, хўпми?

Оқ муслин либосда гулдек очилган Полина мушукдек тўшакдан сакраб чиқди-да, Рафаэлни тиззаларига жойлашиб олди.

— Қандай тубсизлик ҳақида гапираётган эдинг, жоним?— сўради жувон ташвишли бир қиёфада.

— Улим ҳақида-да.

— Мени куйдирма,— деди жувон.— Бир хил ўйлар борки, биз бечора жувонларнинг ақлимиз етмайди, бунақа ўйлар бизни адоий тамом қилади-я. Бу гап муҳаббатнинг кучиданми ёки журъатсизлигимизданми — аниқ билмайман. Йўқ, ўлимдан сира чўчимаيمان,— кулиб давом этди у.— Охирги бўсаларингдан баҳра олиб, эртага тонгдаёқ сен билан бирга дунёдан кўз юмиш — мен учун бахт. Шу кунлар ичида бир аср яшагандекман. Агар бир соат, бир кеча тотувлик ва меҳр-муҳаббатга лиммо-лим ҳаёт жомини сипқорган эканмиз, беш кунлик дунёда оз-кўп яшашимизнинг нима аҳамияти бор?

— Гапинг рост, худоям шунга раво кўрганга ўхшайди. Кел, бир ўпай-да, кейин ўлаверамиз,— деди Рафаэль.

— Ўлсак ўлаверамиз,— кулиб жавоб берди Полина.

Эрталабки соат тўққизлар эди: дераза панжарасидан тушаётган нурни муслин пардалар хиралаштирса ҳам севишганлар ноз уйқуда ётган хонада чўғдек ёниб турган гилалару шойи билан қопланган жиҳозлар кўзга аниқ ташланарди. У ер-бу ерда зарҳал буюмлар йилтирарди. Мана, қуёш нури муҳаббат ўйинларидан уялиб, аста ерга сирғалиб тушган момикдай кўрпани ёритди.

Баланд тошойнада осиглиқ турган Полинанинг кўйлаги шарпага ўшарди. Қошиқдек туфличалари тўшакдан анча нарига ирғитилган. Булбул келиб дераза тоқчасига ўтирди: унинг чаҳчахи-ю, учиб кетаётганида қанотининг «пирр» этган товуши Рафаэлни уйғотиб юборди.

— Модомики, ўлишим муқаррар экан,— деди у, тушда хаёлига келган фикрни ниҳоясига етказиб,— демак, танамда — руҳим билан жонланган мана шу суяк билан гўштдан иборат машинада анча-мунча қусурлар бор экан. Врачлар ўлим қутқусини яхши сезишади, соғманми, касалманми, айтиб беришлари мумкин.

Полина Рафаэлнинг бошини бир қўли билан қучоқлаганича маст уйқуда ётарди. Жувон уйқусида ҳам севги изҳор қилаётгандай эди. Чақалоқ сингари чалқанча тушиб ётган Полина, гўё билинар-билимас бир маромда нафас олаётган ярим очиқ нафис лабларини унга чўзган кўйи ҳамон ундан нигоҳини узмаётгандек туюларди. Майда, садафдек оппоқ тишлари узра табассум порлаб турган дудоқлари бамисоли чўғдай товланарди. Шу тобда Полинанинг юзи эҳтиросли мулоқот пайтидагидек оппоқ оқариб, ниҳоятда тиниқлашиб кетганди. Ширин уйқуда жуда чиройли бир ҳолатда ётган оққўнгили севгилиси чақалоқ сингари ғоят масъум кўринарди; ҳаттоки энг самимий аёллар ҳам кундузи юракларини аллақандай ғам-кадарга чўлғовчи баъзи дунёвий шарт-шароитлар асири бўлиб қоладилар, аммо уйқуда улар қайтадан болаликдаги каби табиий туйғулар оламига қайтадилар. Хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай эришлик сезилмайдиган, ҳамма нарсага беғараз боқадиган, табиатнинг дилбар бир хилқати бўлмиш Полина ҳар жиҳатдан баркамол эди. Ён томондан унинг юзи майин шойи парку устида янада жозибалироқ кўринарди, уни қандайдир саркаш кўрсатиб турган паришон сочлари кўйлагининг бурмалари билан битта бўлиб ётарди. Полина ноз уйқуда эди, узун-узун киприклари ўткир ёғдудан нигоҳини ҳимоя қилиб тургандек, ёхуд эҳтироснинг киши борлигини чулғаб олувчи ўткинчи лаҳзаларини узайтиришга ёрдам бераётгандек қўйи тушганди; унинг кокилига ўралиб ва фландр тўрлари остидан кўриниб турган пуштиранг, бежирим қулоғи рассомни, шоирни, чолни ақлдан оздириши, телбани эса эҳтимолки, ҳушига қайтариши ҳеч гап эмасди. Ишонмасангиз, севгилингиз сизга қандай майин чирмашиб ухлашини ва тушида жилмайишини, дунёдаги

ҳамма нарсени эсидан чиқариб, уйқу ичида фақат сизни хоҳлашини, сўнги бўсалар ҳақида унсиз сўйлаб турган дудоқлари билан сиз томон қандай интилиб турганини бир кўринг. Сиздан кўнгли тўқ ҳолда яримянғоч, аммо вужудига муҳаббат пардаси ёпилган ҳамда ғижимланган тўшак ичида ҳам хаё-ибосини сақлаган аёлни тасаввур қилинг. Унинг ерда сочилиб ётган кийимларига, кеча сизни деб шунча сабр-сизлик билан суғуриб ташлаган ипак пайпоқларига, сизга нисбатан чексиз ишончидан дарак берувчи ечиғлиқ боғичига бир қур назар солинг. Ахир шуларнинг ҳаммаси жаннатни эслатмайдими? Ахир бу боғич бутун бир дoston эмасми? Боғич билан шунча йил қўриқлаб келинган бебаҳо бойлик энди сизники, у жисмингизнинг бир қисмига айланган. Ҳаяжонланган Рафаэль муҳаббат ва хотираларга лиммо-лим, ёғдуларигача шаҳват акс этиб турган хонага бир сидра кўз югуртириб чиқди-да, ҳали вужуди пок ва бокира, айни чоқда, ҳам ишқ оловида ёниб турган, энг муҳими, жисму жони билан бевосита унинг ўзиники бўлган мана шу аёлга яна қараб қолди. Рафаэль абадий яшашни истарди. Унинг нигоҳи тушиши билан, худди қуёш нури ургандек, Полина кўзини очди.

— Хайрли тонг,— деди Полина табассум билан.— Жуда чиройли бўп кетибсан, босқинчи!— ҳазиллашди у.

Муҳаббату навқиронлик, гира-шира ёғду ва сукунатдан пайдо бўлган жозибадорлик ила нафас олаётган бу икки ёш жаннат ҳурларига ўшарди. Мурғакликда одам масъум ва беғубор бўлгани сингари, келин-куёвликнинг биринчи кунлари ҳам бетакрор ва сеҳрли бўлади. Эвоҳ, севгининг бу баҳорий нашъу намолари, ўсмирлик палламиздаги табассумлар сингари, бир куни барҳам топади, сирли, ишқий ўйлари-миз тинчлик беравермаганда эса, сабр косамизни лиммо-лим тўлдириш, ёки ўзининг муаттар бўйлари билан кўнглимизни кўтариш учун хотирамизда маҳкам ўрнашиб қолади.

— Нега уйғондинг?— деб сўради Рафаэль.— Ухлаётганингни шундай ҳузур билан томоша қилаётувдимки, кўз ёшимни тиелмадим.

— Мен ҳам,— жавоб берди Полина,— кечаси ухлаётганинда менам сенга қараб йиғлаган эдим, лекин кўзларимдан оққан севинч ёшлари эмасди. Менга қара, Рафаэль, қулоқ сол! Ухлаганда оғир-оғир нафас оласан, кўкрагингда бир нималар бўлаётганга ўхшайди, қўрқиб кетаман. Худди силдан адойи тамом бўлган отам сингари калта-калта, қуруқ йўталасан. Мен бу касалингни ўпкангдан келаётган бир хил шовқиндан билдим. Кейин эса, иситманг чиқди, бунга ишончим комил — қўлинг нам ва иссиқ эди... Азизим... Сен ҳали ёшсан,— давом этди Полина титраб,— сен ҳали соғайиб кетишинг мумкин, борди-ю, мусибат бўлиб... Йўқ-йўқ,— деди у бирдан севиниб,— ҳеч қандай мусибат бўлмайди: врачларнинг айтишича, бу касаллик юқумли эмиш.— У иккала қўли

билан Рафаэлни қучоқлади ва оромижон бўса билан ғиппа нафасини бўғди.— Қаригунча яшашни истамайман,— деди у.— Иккаламиз ҳам ёш ўламиз ва қўлимизда гулдасталар билан арши аълога учиб кетамиз.

— Тўрт мучали соғ одамгина шундай орзулар билан ўзини овутади,— деди Рафаэль ёрининг сочларини ўпар экан.

Бироқ шу топда худди тобутдан чиқаётгандек қаттиқ ва йўғон йўтали эшитилди, одатда бундай йўтал қўрқинчли бўлиб, беморнинг юзидан қонини қочиради ва безгак тутиб, қора терга ботиради. Унинг асаблари чунон таранглашгандики, бор гавдаси қаттиқ-қаттиқ силкинади, орқа мияси оғриб, қон томирларидан қўрғошин оққандай вазминлашади. Ранги бўздай оқарган Рафаэль изтироб ичида оҳиста парқуга ўзини ташлади,— у гўё бутунлай мадори қуригандай шалпайиб қолган эди. Даҳшатдан тош қотган Полина катта-катта очилган кўзларини унга тиккан эди.

— Ўзимизни уринтириб қўймайлик, жонгинам,— ниҳоят тилга кирди у қўнғлидаги даҳшатли сезгини Рафаэлдан яширишга ҳаракат қилиб. Полина юзини қўллари билан берки-тиб олди, кўз олдида ажалнинг совуқ башараси турарди. Рафаэлнинг афти кўкариб кўзлари ботиб кетган эди. Ҳозир афти илмий мақсад учун гўрдан қовланиб олинган бош суякка ўхшар эди. Полинанинг эсига кеча Валантен оғзидан чиқиб кетган гап келди.

«Ҳа, ҳатто севги ҳам ўтолмайдиган тубсиз жарликлар бор. Аммо қисмат шу экан, ўзимни шу жарликда дафн этаман»,— деб ўйлади жувон.

Шу ноҳуш ҳодисадан уч-тўрт кун ўтгач, март тонглари-нинг бирида Рафаэль ўз ётоқхонасида тўрт врач қуршовида ўтирарди. Врачлар уни дераза ёнидаги креслога, нурга яқинроқ ўтказиб, навбатма-навбат томирини кўриб, батафсил текшириб, саволларга тутишарди.

Бемор ўз касали ҳақида врачларнинг қандай хаёлда эканлигини билишга интилар, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини, пешоналарида пайдо бўлган ҳар бир бурушиқни синчковлик билан кузатарди. Бу консилиум — машварат унинг сўнги умиди эди. Олий суд ҳукм чиқариши керак — ё ҳаёт инъом этади, ё ўлимга маҳкум қилади. Одамзот тўплаган бор тажриба-ю, илмнинг охириги сўзини эшитиш ниятида Валантен ҳозирги замон тиб илмининг буюк алломаларини ҳузурига чорлади. Бойлиги-ю, оқсуяклиги шарофати билан рўпарасида лаббай, деб тиббиёт соҳасидаги уч йўналиш вакиллари ҳозир у нозир бўлишди.

Докторларнинг учтаси, спиритуализм, таҳлил ва ҳаётга эрмак деб қаровчи эклектизмнинг ўзаро курашини мужассамлантирган шахслар тиббиётнинг бутун фалсафасини бу ерга дастак қилиб олиб келган эдилар.

Тўртинчи врач эса Орас Бьяншон, чуқур илм эгаси, ке-

лажаги порлоқ, ҳозир ҳам кўзга кўринган врачларнинг энг забардасти, серғайрат ёшларнинг оқил ва камтарин вакили эди.

Бу ёшлар Париж университети игна билан қудуқ қазигандек қилиб терган бор хазинани қўлга киритиб, бир неча аср ичида йиғилган материалларни тартибга келтирар, балки, ниҳоят тиббиёт қалъасини тиклашар?

Маркиз ва Растиньякнинг дўсти бўлмиш бу одам мана бир неча кундан бери Рафаэлни даволаб юрганди, энди эса, уч профессорнинг саволига жавоб беришда беморга ёрдам қилар, вақти-вақти билан уларнинг эътиборини сил касали аломатларига ўхшаш белгиларга тортишга ҳаракат қиларди.

— Балки ўзинга жуда эрк бериб, тараллабедод ҳаёт кечиргандирсиз-а? Еки сира ўзингизни аямасдан ақлий меҳнат билан шуғуллангандирсиз?— сўради Рафаэлдан донги кетган докторлардан бири. Бу одамнинг кенг пешонаси, рапидадек юзи, зуваласи пишиқ, йўғон гавдаси қолган икки рақибдан анча қўли баланд эканлигидан дарак бериб тургандай эди.

— Уч йил бошимни кўтармай катта бир асар ёздим, балки, кези келиб, унга кўзингиз тушар, кейин эса кайф-сафога берилиб, ўзимни адоий тамом қилмоқчи бўлдим.

Буюк табиб «Ўзим ҳам билган эдим», дегандек бош ирғаб қўйди. Бу ўша органик мактабнинг бошлиғи, бизнинг Қабанислар ва Бишаларнинг издоши, машҳур Бриссе эди. Органик мактаб вакиллари воқеъликка тўғри муносабатда бўлиб, материалистик фикр юритар эдилар. Улар ҳар бир одамга ҳамиша муайян ва ўзининг шахсий тузилиши қону-ларига мутлақо тобе бир хилқат деб қарар эдилар; шу боисдан нормал ҳолатда бўлган соғлиқнинг сабаблари билан бир қаторда у ёки бу тарзда юз берган ўлимнинг сабаблари уларга доим беш қўлда маълум бўлиб туради.

Жавобни эшитиб, Бриссе дераза раҳига суянганча сукут сақлаб, диққат билан Рафаэлни кузатаётган ўрта бўйли, нақш олмадай юзлари билан чақноқ кўзлари қадимий сатирларни эсга солувчи кишига хомуш қаради. Ғоят хушчақчақ ва диндор бу одам доктор Камеристус бўлиб, виталистлар раҳбари, Ван-Хелмонт мавҳум таълимотининг учига чиққан ҳимоячиси эди. Бу таълимот инсон ҳаётини жарроҳ тиғини масҳара қилувчи, жарроҳлик илмига панд берувчи, тиббий дори-дармонлардан, риёзат масалаларидан, киши жисмини илмий равишда тадқиқот этишларидан юз ўгириб, интилишларимизни ерга урувчи, ақлга сизмас муъжиза, олий ибтидо, деб биларди. Гўё ҳаёт қандайдир илоҳий қонунга бўйсунувчи ва ўқтин-ўқтин киши жисмида аланга олиб, охи-роқибатда тез ўлимга маҳкум, айна пайтда эса, янаш қобилиятига эга бўлган организмда ўчиб қолувчи кўзга кўринмас

бир олов эди. Учинчи докторнинг лабларида истехзоли кулги пирпирарди. Бу одам доктор Могреди, ўткир ақл соҳиби, аммо ўлгунча захар ва аскиябоз одам эди. У беморларни даволашда фақат скальпель — жарроҳ тигининг кучига таянар, Бриссенинг фикрига қўшилиб, сопна-соғлом одам тўсатдан ўлиб қолишига ишонар, шунинг билан бирга Камеристуснинг одам ўлимдан кейин ҳам яшайди деган фикриниям қувватларди. У ҳар бир назариянинг маълум фазилатлари бор деб тан олса ҳам, биронтаеига тарафдор бўлмас, медицина системаларидан энг афзали — фактларгагина таяниб, ҳеч бир системасиз ишлашни ўзига шиор қилиб олганди. Медицинанинг Панурги, зийракликнинг султони, буюк тадқиқотчи ва учига чиққан аскиябоз, барча, ҳатто энг қалтис тажрибаларни жон-жон деб ўтказадиган бу одам шу вақт сағри терини кўздан кечирмоқда эди.

— Истакларингиз билан терининг буришиб, тораиши орасидаги мутаносибликни ўз кўзим билан кузатишни жуда орзу қилардим, — деди у маркизга.

— Сабаб? — деб юборди Бриссе.

— Сабаб? — такрорлади Камеристус.

— Э, ҳа, демак фикрингиз бир экан-да! — луқма ташлади Могреди.

— Ҳа, бу тери буришиб, тораишининг сабаби жуда осон, — деди Бриссе.

— Чунки у гайритабий тери, — деди Камеристус.

— Дарҳақиқат, — яна тилга кирди Могреди, юзига ёлғондакам жиддий тус бериб Рафаэлга сағри терини қайтараркан, — бу нарсани шарҳлаб бериш қийин бўлса-да, аслида табиий бир ҳолат: олам яралгандан бери тери борган сари буришиб, медицинани ҳам, гўзал аёлларни ҳам мушкул аҳволга солиб қўяди.

Валантен уч докторни зимдан кузатаркан, биронтасида ўзига нисбатан заррача ҳамдардлигу раҳм-шафқат кўрмасди. Учласи ҳам пинагини бузмай, беморнинг жавобларини тинглар, совуққонлик билан аъзойи баданини текшириб, уни саволга тутишарди.

Уларнинг такаллуфи замирида ашаддий эътиборсизлик ётарди. Бениҳоя ишончданми ёхуд паришонликданми, ишқилиб, жуда кам гапиришарди. Баъзан Рафаэль буларнинг хаёли бошқа ердами, деб шубҳаланиб қоларди. Бьяншон дарднинг ҳар қандай оғир аломатларига уларнинг эътиборини жалб қилмасин, фақатгина Бриссе онда-сонда оғзининг бир чети билан «яхши», «хўш», деб қўярди. Камеристус чуқур хаёлларга ғарқ эди. Могреди икки савдойининг бутун хатти-ҳаракатларини назардан қочирмасдан, астойдил ўрганаётган драматургга ўхшарди. Ораснинг юзидан беморнинг дард тортаётганидан қаттиқ изтироб чекаётгани, ҳамдардлиги билиниб турарди.

У яқиндагина врач бўлганди, шу боис ҳали беморларнинг азобига танаси бошқа дард билмас зайлида бепарво қарай олмас, ўлим тўшагида ётган касалнинг олдида тўнкадай беҳис туролмасди. У ҳали ғалаба учун қулай фурсатни ихтиёр қилиб, хужумга ўтаётган, ўлаётганларнинг хириллашига парво қилмайдиган саркардага ўхшаёлмас, ҳамдардлик кўз ёшларини тийиб ололмас эди. Докторлар ярим соатча, агар таъбир жоиз бўлса, тўй либосини тиктиришга келган куёв болани тикувчи ўлчаб-бичгандай, касалликни ҳамда беморни ўлчаб-бичишди, шу аснода у-бу нарсалар ҳатто, ҳатто сўнги ахборотлар ҳақида гаплашиб олишди. Ниҳоят, маслаҳатлашиб, диагноз қўйиш мақсадида Рафаэлниги кабинетига ўтмоқчи бўлишди.

— Мен ҳам маслаҳатингларга кирсам бўладими? — сўради Рафаэль.

Бриссе ҳамда Могреди бунга тиш-тирноғи билан қарши бўлишди, беморнинг такрор-такрор илтимосларига қарамай, унинг ҳузурида муҳокама ўтказишдан бош тортишди. Рафаэль одатга бўйсунушдан бошқа иложи қолмай, аста даҳлизга чиқиб олишга қарор қилди, зеро у ердан уч оғайни профессорнинг медицина мунозарасини бемалол эшитса бўларди.

— Муҳтарам жаноблар, ўз мулоҳазамни қисқача қилиб айтиб ўтишга ижозат берсангиз, — деди Бриссе. — Сизларга гапимни ўтказмоқчи эмасман, ҳамда эътирозларингизни эшитиб ўтирмайман ҳам, чунки биринчидан: бу мулоҳазам муқаррар ва ниҳоятда муҳим. Мен даволаётган бир беморим худди мана шу касалга ўхшайди. Иккинчидан: мени шифохоҳада интизор бўлиб кутишяпти. Уша ерда қатнашим жуда зарур бўлгани учун биринчи бўлиб сўз олишга мажбурман. Бизни ҳозир қизиқтираётган шахс ақлий меҳнат билан шуғулланиб, анча ўзини уринтириб қўйган... Орас, бемор нима иш қиларди? — сўради у ёш ҳамкасбидан.

— Ирода назарияси устида ишлаган.

— Бай-бай-бай, ҳадди, ҳудуди йўқ мавзу экан! Такрорлайман, у ақлий меҳнатга зўр берган, ҳаёти тартибдан чиқиб кетган, бунинг устига қувватни оширувчи дориларни кўп ичаверганидан дармони қуриб қолган, ҳаддан ташқари ишлайвериб, мияси билан аъзойи баданини ишдан чиқарган. Кўриниб турган ҳамда текшириш жараёнида аён бўлган бир қатор аломатлар шунини кўрсатадики, жаноблар, ошқозон тамоман ишдан чиққан; нафас олиш, овқатни ҳазм қилиш, қон айланиш каби жараёнларни идора қилувчи асосий лимпатик асаб толалари яллиғланган, курсоқ пардаси ниҳоятда юпкалашган, қорин таранг бўлиб турибди. Жигари шишганига эътибор бергандирсиз? Ниҳоят, беморни даволаётган жаноб Орас Бьяншон овқат ҳазм қилиши жуда қийин бўлади,

деди. Гапнинг пўскалласини айтганда, ошқозоннинг ўзи йўқ, чунки одам адо бўлган. Ақл-фаросат қобилияти йўқолган, сабаби, еган овқатини ҳазм қилолмай қолган. Иссиқ жоннинг муҳим аъзоси бўлмиш қурсоқ ўз хусусиятларини тинмай йўқотаётгани туфайли, бутун аъзоларни ишдан чиқарган. Қорин бўшлиғининг асаб тўқималари орқали касаллик мияга урган, мия ҳам яллиғлана бошлаган, бу аъзонинг таъсирчанлиги шундан. Унда мономания пайдо бўлган, ваҳима-чи бўлиб қолган. Тасаввурида сағри тери ҳақиқатан қисқараётгандек туюлади, ҳолбуки, бу терининг ҳажми ҳозир кўриб турганимиздек, сира ўзгармаган. Лекин тери қисқараётибдими, йўқми, бундан қатъи назар, бемор учун бунинг заррача аҳамияти йўқ. Тезроқ беморнинг қорнига зулук қўйинг, одамнинг энг зарур мана шу аъзосини тиниқтиринг. Беморнинг ҳаётини тартибга солинг, қарабсизки, мономания касали ўтади-кетди. Вассалом. Муолижани бутун икир-чикиригача доктор Бьяншоннинг ўзи тайинлаши керак. Балки дард оғирлашгандир, балки нафас йўллари ҳам яллиғлангандир, аммо энг аввал ошқозону ичакларни даволаш минг марта зарурроқ деб ҳисоблайман. Оғир назарий ишлар устида зўр бериб ишлаш ҳамда кучли эҳтиросларга берилиш танадаги ҳаёт механизмларини дабдала қилган: аммо ҳали дарднинг олдини олиб, беморни оёққа турғазиш мумкин. Шундай қилиб, дўстимизни қутқариш сизнинг қўлингизда, — гапига хулоса ясади у Бьяншонга мурожаат қилиб.

— Ҳамкасбимиз оқибатни сабаб деб тушуняпти, — деди Камеристус. — Ҳа, у гоят аниқ кузатган ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам беморда бор, аммо бамисли ойна синганда ҳар томонга дарз кетгандек, бу дарз ошқозондан мияга эмас, аксинча, миядан ошқозонга борган. Ойгани синдириш учун зарба керак эди, ким берди шу зарбани? Биз бир нарса дея оламизми? Ахир беморни яхшилаб кузатиб келганмидик? У кўрган-кечирган ҳамма нарсадан хабаримиз борми? Жаноблар, унинг асосий асаб толаси — Ван-Хелмонт археяси жароҳатланган, жони ўқ илдизидан шикаст топган. Илоҳий учқун бамисоли куч узатувчи механизм ролини ўйнайдиган ва иродани, хусусан, мана шу ҳаёт фанини вужудга келтирадиган воситачи — онг, организмнинг кундалик фаолиятини ҳамда айрим аъзоларнинг функциясини идора этишдан тўхтаб қолган, — менинг қадрдон олим ҳамкасабам тўғри таъкидлаган барча чалкашликлар худди шундан бошланади. Касаллик қорин усти атрофидан бошланиб, мияга томон эмас, аксинча, миядан бошланиб, қорин усти атрофига томон силжиган. Йўқ, — деди у кўкрагига муштлаб, йўқ — мен одамга айланиб қолган ошқозон эмасман. Йўқ, бу ҳали тамом бўлди, деган гап эмас. Ошқозоним соппа-соғ бўлса, қолган ҳамма нарса иккинчи даражалидир, деб ҳукм чиқаришга мен журъат қилолмайман. . . Биз, — деди у хиёл мулоийм

оҳангда, — турли субъектив фикрлар келтириб чиқарувчи кучли тиббий ҳодисаларни ягона жисмоний сабаб қилиб кўрсатишга ҳамда уларга бир хилдаги давбланиш курси тавсия этишига заррача ҳаққимиз йўқ. Одамларнинг мижози ҳар хил бўлади. Ҳар биримиз бошқа-бошқа нарсалардан таъсирланадиган, бошқа-бошқа нарсалардан озиқланадиган, бошқача дори-дармонларни кўтарадиган ва бизга мутлақо аён бўлмаган қонунлар таъсирида ўз юмушларини ўзича адо этадиган аъзоларимизга эгамиз. Интиҳосиз ваҳдати вужуднинг ҳар бир заррасига олий зот айрим-айрим вазифалар юклаган, ана шу зарралар вужудимизга руҳ ато қилади. Ҳар бир руҳ эса ҳар кишида турлича зуҳр этади. Руҳ одамни интиҳоли вужудга айлантиради. Аммо интиҳоли вужуд қандайдир нуқтада интиҳосизлик, чексизликка сабаб бўлади. Шунинг учун биз ҳар бир вужудни айрим кўриб чиқмоғимиз, миридан-сиригача ўрганишимиз, қандай яшаётганини, қудрати нимада эканини билишимиз лозим. Ивиган момикнинг юмшоқлиги билан жилвир тошнинг қаттиқлиги ўртасида олам-олам сир-синаот бор. Худди шу нарса инсонга ҳам тааллуқлидир. Пешонасига узоқ умр кўриш ёзилган баъзи одамларнинг вужуди юмшоқ бўлсаям, мушаклари темирдан қаттиқ. Одамни шундай яратган табиатнинг қанча-қанча хатолари бор экан? Табиат бундай одамларни бўшаштириб, тинкаматорини қуриб даволайди. Сизларнинг фикрингизча, одам куч-қуввати, асаблари ҳамиша заифлашиб туради. Хуллас, мен бунақа беморларни руҳий дунёсига таъсир этиш, ички оламини чуқур ўрганиш йўли билан даволаш тарафдориман. Касаллик сабабларини инсон танасидан эмас, руҳий дунёсидан қидириш даркор! Табиб — илҳомкор, пурқудрат хилқатдир. Худо пайғамбарга минг йиллар қаърини кўриш, шоирга борлиқни қайтадан идрок этиш, мутрибга эса номаълум оламнинг мусиқий оҳанглари топиш салоҳиятини бахш этган! . . . Худди шунга ўхшаб, қодир эгам табибгаям ҳаёт-мамот турларининг қаърига назар солиш салоҳиятини ато қилган.

— Қачон кўрмасанг, ўзининг ҳоқими мутлоқ подшопарастларча диний тиббиётини ўртага суқади-я! — деб гудранди Бриссе.

— Жаноблар, — шошилиб Бриссенинг гапини бўлди Могреди, — бемор масаласига қайтайлик. . .

«Демак, шу экан-да, илмнинг каромати, — маъюс ўйлади Рафаэль. — Менинг шифо топишим тасбеҳу зулуклар, Дюпюитреннинг пичоғню, Гогенлоэ тўранинг дуоларига қараб қолган экан-да. Далил билан сўз, модда билан руҳ бир ёқдаю, Могредининг гумонлари бир ёқда. Ожиз одамзоднинг «Ҳа» ёки «Йўқ» сўзлари ҳар ерда мени қувлаб юрибди. Ҳамиша Рабленинг Каримари-Каримарасига йўлиқасан. Руҳий касалга дуч бўлсанг — каримари! Тананг оғриси — каримара.

Уласанми-қоласанми — буни билишмайди. Планшет ҳар ҳолда ростгўйроқ. «Билмадим» — деди-қўйди.

Шу чоғ Валантен доктор Могредининг овозини эшитди. — Бемор — мономайми? Нима қипти — деб хитоб қилди у. — Аммо унинг йилига икки юз минг ливр даромади бор. Бундай мономанлар камдан-кам учрайди, шу боис биз унга маслаҳатимизни аямаслигимиз керак. Қурсоғи миясига таъсир қилдими, мияси қурсоғигами, буни балки бемор ўлганида аниқлармиз. Шундай қилиб, хулоса чиқарайлик. Рафаэль касал — бу кундай аён. У муолажага муҳтож. Асабини тинчлатиш ҳамда ошқозону ичакларини даволаш учун қорнига зулук қўяйлик, шундан сўнг шифобахш сувли жойларга юборайлик — демак бир йўла икки йўлдан кетамиз. Модомики, ўпка касали бўлса, биз уни даволай олмаймиз. Шу сабабдан...

Рафаэль шошилиб бориб, ўз жойига ўтирди. Бир оздан кейин тўрт шифокор кабинетдан чиқиб келишди. Сўз Орасга берилди.

— Докторлар бир қарорга келиб, дарҳол қоринга зулук қўйишни зарур топишди. Шунингдек, вақтни бой бермай тана ва руҳни шифолашни бошлашни тавсия этишди. Биринчидан, жисмингиздаги яллиғланиш жараёнига чек қўйиш мақсадида парҳезда бўласиз (шу ерга келганда Бриссе маъқуллаб, бош ирғади). Бундан ташқари, руҳингизни кўтариш мақсадида гигиеник режим сақлайсиз. Яна биз яқдиллик билан шифобахш сувлар бор жойларга боришингизни тавсия қиламиз. Масалан, Эксга, Савойяга ёки хоҳласангиз Мон-Дор, ёки Овернга. Савойянинг ҳавоси ва табияти Капталага қараганда анча хузурбахшроқ, аммо яна таъбингиз. (Бу гал Камеристус ўз розилигини изҳор этди.) — Докторлар, — дэвом этди Бьяншон, — нафас олиш аъзоларингизда арзимаган ўзгаришларни сезишиб, менинг олдинги маслаҳатларимни тўғри топишди. Шифокорлар, сизни тезда тузалиб кетади, деган фикрда; бу эса мен берган барча дориларни тўғри алмаштириб истеъмол қилишингизга боғлиқ... Шу...

— Шу сабабдан қизингиз тилдан қолган, — кулиб, гапни илиб кетди Рафаэль Орас билан кабинетига кириб, бу фойдасиз машварат учун пул тўлар экан.

— Жуда саботли-да, булар, — деди унга ёш шифокор. — Камеристус сезади, Бриссе ўрганади, Могреди шубҳаланади. Ахир одамнинг руҳи ҳам, жисми ҳам, ақли ҳам бор-ку, шундай эмасми? Мана шу асосий сабаблардан бирортаси мижозимизда устунроқ бўлади. Одамнинг мижози бари бир одамзот илмига таъсир қилади. Ишонсанг, Рафаэль — биз шифоламаймиз, фақат беморга мадад берамиз. Бриссе ҳамда Камеристус йўллари орасида яна куттиш йўли ҳам бор, аммо бу системани муваффақиятли қўллаш учун беморни ўн йил кузатиш керак. Қолган барча илмлар негиздаги каби

медицина негизда ҳам инкор ётади. Хуллас, эс-ҳушингни йиғиб ол. Савойяга бориб кўр; энг яхшиси, табиятга ишон, тўғрисиам шу.

Шундан сўнг бир ой ўтди. Ажойиб ёз оқшомларидан бирида Экснинг шифобахш сувида дам олаётганларнинг баъзилари сайрдан кейин оромгоҳда тўпланишди. Рафаэль одамларга орқасини ўйрганича, деразанинг олдида узоқ ўтириб қолди. У паришонхотирликка берилган эди: бундай пайтда турфа ўй-хаёллар бостириб келаверади, лекин улар бирон қатъий фикрга айланмасдан, худди шаффоф, рангсиз булутлардай тарқаб кетаверади. Бундай пайтда одам сокин маъюсликка чўмади. Кўнгил гўё уйқудагидай тин олади. Валантен бу дилхуш туйғулардан маст бўлиб, ҳеч қандай дардни сезмаётгани, айниқса, ниҳоят сағри терисини таҳдид солишдан тўхташга мажбур этганидан кўнгли ёришиб, илиқ оқшом сукунатидан завқланиб, соф ва муаттар тоғ ҳавосини тўйиб симирарди. Чўққиларда шафақнинг қип-қизил шуълалари сўниб, салқин туша бошлаганида у деразани ёпиб қўйгани ўрнидан турди.

— Илтимос, ёпманг, — деди унга қараб кексароқ бир хоним. — Биз бўғилиб кетяпмиз.

Қандайдир ғазаб аралаш айтилган бу жумла Рафаэлнинг қулоғига ўқдай санчилди. Одатда ўзимизга дўст деб билгимиз келган айрим кишиларнинг оғзидан баъзан шундай сўзлар чиқиб кетадики, бундан ҳайрихоҳ туйғуларимиз озор топади, инсон худбинлигининг ҳадсизлигини сезамиз. Рафаэль кампирга худди дипломатларникидай совуқ назар билан бошдан-оёқ қаради-да, лакейни чақирди. Лакей ёнига келгач, қуруққина қилиб:

— Деразани очинг! — деди.

У шундай дейиши билан залдагиларнинг қиёфаларида ҳайратланиш аломатлари пайдо бўлди. Гўё Рафаэль ҳаддан ташқари қўпол бир ҳаракат қилгандай одамлар унга томон маънодор қарашганча, ўзаро шивирлаша бошлашди. Ёшларга хос тортинчоқликдан ҳали батамом халос бўлмаган бу йигит уялиб кетди, лекин у шу зумнинг ўзидаёқ довдирашни йиғиштириб, ўзини ўнглаб олди. Ғалати воқеанинг содир бўлишида ўзининг қанчалик айбдор эканлигини ўйлашга тиришди. Шунда ҳамма нарса унинг миясида бирданга равшанлашиб, ўтган кунлар хотиридан бирин-кетин ўта бошлади. Атрофидаги одамларнинг капалагини учуриб юбораётган сабаблар гўё мурданинг кўк томирлари сингари намоён бўла борди, одатда мутахассислар озгина дори юбориш билан бундай кўк томирларнинг майда-чуйда шахобчаларигача потратиб билиб олишади. Рафаэль бир дақиқалик мана шу можародаёқ ўзининг кимлигини пайқади, у ҳаётининг ҳар кунини-ю, миясида кечган ҳар бир ўй-хаёлигача эътиборидан ўтказди. У ҳайратомуз маъюслиги ва паришонлиги билан

бу беғам жамоанинг ичида ажралиб қолаётгани, ҳадеб ўз тақдири ҳақида ўй сураётгани, доим машъум дарди билан бандлигини, энг оддий суҳбатлардан ҳам, одамлардан ҳам жирканиб, юз ўгираётганини хаёлидан кечирди. У бошқалар билан вақтинчалик таниш-билиш орттиришдан қочаётган эди. Бундай сайёҳлар одатда кейинчалик учрашиб қолиш эҳтимолидан холи бўлганлари учунми, ўзаро жуда тез эл бўлиб кетаверишади. У ҳамма нарсага бутунлай бепарво эди, қисқаси, у тўлқинларнинг меҳрли эркаланиши-ю, шовқинларини асло сезмайдиган гаройиб қояга ўхшарди. У ғайритабиий бир фаросат билан атрофидагиларнинг дилида ҳазир не кечаётганлигини уқиб турарди. Рафаэль қандил нуридан сарғиш боши ва заҳил юзи ёришиб турган чолни кўриб, қайсидир бир кунни уни қартадан ютгани, лекин яна ўйнашга таклиф этмаганини эслади. Чолнинг нариёғида кўҳликкина бир аёл турар эди, Рафаэль у аёлнинг нозу карашмаларини бежавоб қолдирганди. Ҳар ким қандайдир бир гина-кудуратни унга айб қилиб тақар, гарчи бундай қараганда у гина-кудуратлар унчалик оғир бўлмаса-да, лекин кишиларнинг шахсиятларига оғир ботгани дилларига ўтириб қолган эди. У ким билан жиндай муносабатда бўлмасин, беихтиёр ана шу кимсаларнинг қитиқ патига теккан эди. Рафаэль меҳмонга чорлаган, отларини минган одамлар унинг бадавлатлигини кўриб, гаши келарди. Бу одамларнинг ношукурлигидан ранжиган йигит уларни ҳақоратланишдан халос этмоқчи бўлганида эса улар: «Валантен ўзини биздан юқори қўяди»,— дейишиб, уни оқсуякликда айблашди. У атрофидагиларнинг кўнглига назар солиб, уларнинг пинҳоний ниятларидан воқиф бўларкан, бу жамоа қаршисида, сирти ялтироқ назокат қаршисида даҳшатга тушди. Рафаэлни боғлиги ва ҳаддан ташқари зукко эканлиги учун бу бандалар ҳасад қилишар, уни кўргани кўзлари йўқ эди. Йигитнинг сукут сақлаши бу ҳангаматалаб инсонларнинг умидларини пучга чиқарар, унинг камтаринлиги майда, ивирсиган одамларнинг назарида такаббурлик бўлиб кўринар эди. Йигит уларга нисбатан қанчалик маҳфий, оғир жиноят қилиб қўйганлигини англади: у жамият қоидаларини тан олмасдан яшар эди. Уларнинг бешафқат истибдодига итоат этмайдиган Рафаэль бу кишилар билан пачакилашиб ўтиришни лозим топмади. Йигитнинг эркин, мағрур муомаласи учун ўч олишга қасд қилганлар Валантенга ўзларининг қудратини кўрсатиб қўйиш, унга нисбатан ўзига хос сургун эълон қилиш, йигитга кўзлари учиб турмаганини билдириб қўйиш ниятида ўз-ўзидан иттифоқ бўлиб олишди. Жамиятнинг бу тахлит қиёфаси олдинга Рафаэлни қалбида таассуф туйғусини уйғотди. Аммо у ўтқир фаросати билан бу одамларнинг маънавий дунёсини ўраб турган ниқобни чилпарчин қилиб, унда нимазоҳирлигини очиб ташлаганида ўз-ўзидан чўчиб тушди ва

бошқа ҳеч нарсани кўрмаслик умидида кўзларини юмди. Ҳақиқатнинг бу мудҳиш кўриниши тагин шу заҳотиёқ парда ичра яширинди; йигит ҳар қандай ҳокимлигу устунлик билан боғлиқ даҳшатли ёлғизликда қолиб кетди. Шу дақиқада қаттиқ йўтали тутиб қолди. Биронтаси икки оғиз хайрихоҳ сўз айтишни эп кўрмади. Жилла бўлмаса, биров одатда бундай олий зотлар тўпланган жойда шу хил вазиятда айтиладиган қандайдир бир бепарво ёки тузсизроқ бир нарса деб бўлса-да, ҳамдардлик билдиришни лозим топмади, аксинча қулоғига адоват овозлари ва газабли шивир-шивирлар эшитилди. Одамлар ҳеч бўлмаса юзакироқ бирон муомала қилишни ҳам ўйлашмади, эҳтимол, улар бу хил муносабатларининг чин эмаслигини Рафаэль бари бир билиб қолади, деб ўйлаганлари учун ҳам шундай қилишгандир.

— Унинг касали юқумли.

— Мудир уни залга киритмаслиги керак эди.

— Нафсиларини айтганда, маданиятли одамлар даврасида бундай йўталиш асло мумкин эмас!

— Бундай дардга йўлиққан экан, сув бўйига келиб нима қиларди...

— Бу ерда ортиқ қолишнинг иложи йўқ энди.

Бундай ўринсиз адоватдан қутулиш ниятида Рафаэль ўрнидан турди-да, зал бўйлаб юра бошлади. Йигит ҳеч бўлмаса бирон кишидан паноҳ топиш умидида ёлғиз ўтирган бир ёш хонимнинг олдида борди ва унинг билан ширин суҳбат қургани энди оғиз жуфтлаганида, жувон юзини ўгириб олди-да, ўзини гўё раққосаларни тамоша қилаётган қилиб кўрсатди. Рафаэль шу бир оқшомнинг ўзида тилсимининг бор-йўғини исроф қилиб қўймадиммикан, деб хавотирда эди. Ниҳоят у ҳеч кимса билан суҳбат қуришни истамай, ҳатто бунга ботинмай, залдан бильярдхонага қочиб ўтди. Бильярдхонада ҳам ҳеч ким унга оғиз очмади, ҳеч ким ҳам таъзим қилмади, ҳеч ким жилмайиб боқишни ҳам раво кўрмади. Рафаэль азалдан теран мушоҳадалар юргизиш қобилиятига эга бўлганидан, у қандай қилиб ҳаммада ўзига нисбатан нафрат уйғотаётганининг ҳақиқий ва бирдан-бир сабабини фаҳмлади. Бу тор доира, эҳтимол, ўзи ҳам билмагани ҳолда, киборлар жамиятини бошқариб турувчи олий қонунга бўйсуниб иш кўрарди. Жамиятда ҳукм сурган шафқатсиз ахлоқ Рафаэль учун беш панжасидай маълум эди. Йигит ўзининг ўтмишига назар соларкан, ана ўша шафқатсиз ахлоқнинг энг мукамал кўринишини Феодорада топди. Илгарилари бадавлат бевадан ўзининг юрак изтиробларига малҳам топа олмгани сингари, ҳозир ҳам атрофидаги кимсалардан бетоблигига ҳамдардлик кутиши анқонинг тухумини топишдай гап эди. Соппа-соғ киши ўзининг баданидан ўлим даракчиси бўлмиш дардни қандай ҳайдаса, киборлар жамияти ҳам ўзининг орасидан бахтсиз кимсаларни шундай суриб чиқаришади.

Жамият дарду ғамлардан ҳазар қилади, улардан маразда кўрққандай кўрқади.

Мабодо жамият ё ғам-кулфатни, ё иллатни танлаши зарур бўлиб қолса, сўзсиз у иллатни танлайди, чунки илла ҳам киборлар учун дабдабага ўхшаган бир нарса. Жамия ҳар қандай бахтсиз одамни камситишни, ҳажв-масхара қилишни қойиллатади. Жамият тахтдан улоқтирилган қиролнинг юзига мағзава чаплашга уста. Чунки қирол ҳам би вақтлар фуқарога шунини раво кўрган эди. Бу табақа қадимги ёш римлик жононлар сингари маҳв бўлган гладиаторларга шафқат қилмайди; олтин у ҳақорат, хўрлаш мазкур жамия ҳаётининг замиридир... Ожизларга ўлим!— дунёдаги барча халқларнинг олий табақаларига мансуб одамларнинг шиори ана шундай, чунки ҳамма ерда бадавлат кишиларнинг мартабаси улуг; тўқликда туғилиб киборлик билан танглайи тикланганларнинг қалбида ана шу шиор умрбод муҳрланиб қолади. Мактабда ўқиётган болаларга бир қаранг. Шунда қаршингизда жамиятнинг кичрайтирилган ҳолдаги қиёфаси намоён бўлади, айниқса, болаларга хос соддадиллик ва самимийлик сабабли янада ҳақиқийроқдир: бу ерда сиз шакшубҳасиз камбағал — ғарибларни, қайғу ва изтироб бандаларини учратасиз, бошқалар уларга нисбатан ё ҳазар қилишга, ё ҳамдардликка ўхшамаган аллақандай ғалати муомалада бўлишади. Инжил эса бу бандаларга жаннат ваъда қилади. Жондор махлуқлар зинаси бўйлаб сал пастроқ тушингчи. Агар биронта қушча уясида касалланиб қолса, бошқалари унга чанг солишиб, юлқилашиб, чўқилаб ташлашади ва охири ўлдиришади. Худбинликнинг ана шу қонунига содиқ бўлган жамият ўзининг кўтаринки кайфиятини бузишга журъат қилиб, унинг ҳузур-ҳаловатини бузганларга жазо беришда ҳеч нарсадан тоймайди. Қимки жисмоний ёки маънавий дардга мубтало бўлса, кимки камбағал ва ночор бўлса, у киши барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган бир бандадир ва у банд фақат ўз саҳросида ўз ёғига ўзи қоврилишга маҳкуmdir! Қай тарафга боқмасин, уни ҳамма ёқдан совуқ зимистон қамраб олади — совуқ қарашлар, совуқ муомалалар, юракни ёрадиган сўзлар ва муз қотган юраклар унга азоб беради. У бандо мабодо тасалли топадиган жойда ҳам озор топмаса, бу унинг бахти! Улим тўшагида ётганлар, ўз маконларингизда унут бўлиб қолаверинглар. Қари-қартаңлар, ўзларингизнинг совуқ уйларингизда жунжикканча ёлғиз ўтираверинглар! Сепсиз қари қизлар, тошқотганча ўтираверинглар, ҳеч кимнинг кўзи сизларга учиб тургани йўқ. Агар жамият бирон-бир бахтсизга душманлик кўзи билан қарамаяптими, демак ўша бахтсиздан унга фойда бор. Демак, у бечоранинг қонини сўриб олиш, жилоблаб эгарлаш ва ўлганнинг устига чиқиб тепгандай ҳузур қилиб миниб олишни хоҳ-

лайди. Жиззаки канизаклар, чеҳраларингизни очинг, олиҳиммат оймчаларингизнинг тирриқ таъбларига итоаткорона ҳамдам бўлинг, унинг кучукчаларини авайлаб кўтариб олиб, улар билан ади-бади қилганча оймчаларингизни овутинг, унинг тилакларини кўз қарашларидан уқиб олишга урининг-да, тилингизни тийинг! Эй, сен ливрея киймаган хизматкорлар қироли, шарманда нонхўр, ғурурингни уйингда қолдириб кел-да, бурнингни кўтараверма, ҳоқонинг овқатини ҳам қиларкан, сен ҳам тиммасдан кавшан, унинг кўз ёшлари билан йиғла, унинг қаҳқаҳаси билан кул, у тўқиган аскияларини мақта, тагига сув қуймоқчи бўлсанг тишингни тишинга босиб, унинг хонавайрон бўлишини кут. Киборлар жамияти бахтсиз одамнинг иззатини шу тариқа жойига қўяди: у толен пастни ё ўлдиради, ё ҳайдаб чиқаради; таҳқирлайди ё қатл этади.

Бу фикрлар Рафаэлнинг қалбида худди шоирона илҳом ҳайтидагидек шиддат билан туғён урди. У атрофига назар солди ва одатда жамият бахтсиз бандаларни ўзининг орасидан сиқиб чиқариш учун уфурадиган совуқликни пайқади, бундай совуқлик декабрнинг баданга игна санчиб ўтувчи изтирини шамолидан ҳам баттар қалбларни жунжиктиради. Иигит қўлларини чалиштириб, деворга суянди, у ғам-алам устида ўрганарди. У бунақанги мудҳиш одатлар жамиятга нуқул шодлик келтиравермаслиги ҳақида бош қотирарди. Шодлик қаёқда! Ҳузур-ҳаловатсиз эрмаклар, кўнгилхушликсиз байрамлар, завқу шавқсиз жазавага тушишларми? Бошқача айтганда, ўчоқда бурқсаб ётган ўтинлар ёки оловнинг учқуниниям кўрмай сўниб қолган кулми? Рафаэль бошини кўтариб, ёлғиз қолганини, ўйнаётганларнинг тарқаб кетганини кўрди.

«Мободо, зўрлигимни кўрсатганимда, уларга йўталиш ҳам ёқимли туюларди!»— ўйлади у.

Иигит шундай деб ўйларкан, ўз-ўзига нафратлар ёғдириди-да, шу кўйи хаёллар оламига ғарқ бўлди.

Эртаси куни курортнинг табиби уни кўргани келди ва хушмуомалалик билан саломатлигини суриштирди. Табибининг мойдай ёқимли сўзларини тингларкан, Рафаэль ниҳоятда тўлқинланиб кетди. Иигитга доктор мулоим ва меҳрибон кўринди, унинг малларанг париги толалари инсонга бўлган муҳаббат билан товланиб, фрагининг андазасию, чалворининг бурмаларигача, худди руҳоний—квaкерларникидай учи танқайган бошмоқларидан, ҳатто паригининг толимидан букирроқ елкаларига қўйилиб турган упасигача, ҳамма-ҳаммасидан табибнинг очикфёллиги, ҳақиқий христианларча меҳрибонлиги сезилиб турарди. У беморлар билан қартаю ҳар хил ўйинларгаям (гарчи бунда сира мағлуб бўлмаса-да) киришиб кетаверадиган, бошқалар учун жонини жабборга берадиган кишидай бўлиб туюлди.

— Жаноб маркиз,— деди у суҳбатининг ниҳоясида,— энди хурсанд қилишим мумкин. Сизнинг жуссаю баданингизнинг барча хусусиятлари эндиликда менга яхши маълум, энди ҳеч иккиланмасдан парижлик ўткир қобилиятли врачлар касалингизнинг табиатини аниқлашда бирмунча хатога йўл қўйганлар, дея оламам. Жаноб маркиз, гарчи бирон бахтсиз воқеа сабаб бўлмаса, сиз ҳали *Мафусаил* ёши қадар умр кўрасиз. Упкаларингиз тетикликда худди темирчининг босқонидай бир гап, ошқозонингиз эса туяқушнинг ошқозонидан кам эмас. Аммо-лекин, агар сиз тагин ҳам тоғ иқлимида яшашни давом эттираверсангиз, тез орада зах чуқурга тушиб қолишингиз ҳеч гапмас. Сиз гапирмасимдан тушуниб оласиз, жаноб маркиз. Инсоннинг нафас олиши худди оловнинг ёнишига ўхшаган бир гап эканлигини кимё тасдиқ этган, ёниш кучи эса ёнувчи модданинг қанчалик қуюқлашуви ёки суюқлашувига боғлиқ бўлади, ёнувчи модда ўз навбатида ҳар бир кимсада алоҳида тўпланиб боради. Сизда ундай моддалар тўлиб-тошиб ётибди: сиз, агар таъбир жоиз бўлса, бениҳоя кислородланган кишисиз, чунки худо сизга улдуғ ишларни амалга ошириш учун жўшқин организм ато этган. Заиф мижоз одамларнинг ҳаёт кечиришларини таъминлаб турадиган тоза ва соф ҳаводан нафас олиш билан сиз шундай ҳам шиддат-ла кечаётган ёниш жараёнини янада тезлатасиз. Ҳолбуки, сиз учун энг яхши жой — водийлар ва ундаги оғилхоналарнинг димиққан ҳавоси. Ҳа, тафаккур ишидан ҳолдан тойган киши учун шифо берадиган ҳавони Германиянинг қалин яйловларида, Баден-Баденда, Теплицада топса бўлади. Агар Англия сизни чўчитмаса, туманли иқлими ичингиздаги ҳовурни босиши мумкин. Бироқ Урта ер денгизи сатҳидан минг фут баландликда жойлашган бу курортимиз — сиз учун ҳалокатнинг худди ўзи. Менинг фикрим шундай,— деди у атайлаб ўзини жиддий кўрсатишга уришиб,— уни сизга айтяпману, лекин аслида бу гаплар бизнинг манфаатларимизга тўғри келмайди, чунки сиз дабдурустдан кетмоққа чоғланиб, бизни хафа қилиб қўйишингиз мумкин.

Сўзамол табиб шу сўнги сўзларни айтмаганида, унинг сохта меҳрибонлигига Рафаэль, эҳтимол ишонган ҳам бўлармиди. Бироқ у синчков йигит бўлгани сабабли врачнинг гап оҳангига, бу жумлани айтаётган пайтдаги имо-ишораларию кўзининг ўйнаб туришига қараб, бу одам ҳалиги беғам касаллар тўпининг топширигини бажараётганини англаб олди. Шундай қилиб, қувноқ башарали бекорчилар, зериқаётган кишилар, санқиган инглизлар, ўйнашларининг этагини тутиб, эрларидан қочиб келган олифта хонимлар, бедармон, ожиз ва умри тугаб бораётган ночор бир беморни курортдан ҳайдаб юборишнинг бундай усулини ўйлаб топишган, гўёки унинг ҳар кунги таъқибларидан шу йўл билан

қутулиб олишмоқчи бўлишган. Рафаэль бу ҳийла туфайли оз-моз эрмак учун имконият туғилиб қолганини кўриб, уларнинг чақиригини қабул этди.

— Тагин бу ердан жўнаб қолиб, сизни хафа қилиб қўймаслик учун берган маслаҳатингиздан фойдаланиб, шу ерда яшашни давом эттираверишга ҳаракат қиламан,— деди у докторга.— Эртагаёқ иморат қуришни бошлаб юбораман ва шубҳасиз у ерда сиз айтган ҳаво бўлади.

Рафаэлнинг лабларини буриб юборган бу аччиқ кинояни тўғри тушунган доктор у-бу деб ўтиришни маъқул кўрмай, яхшиликча таъзим қилиб қўя қолди.

Бурже кўли — тоғдаги лаби учган улкан бир косага ўхшайди, Урта ер денгизи сатҳидан етти юз-саккиз юз фут баландликда жойлашган бу «косадаги» сувнинг ҳар бир томчиси шу қадар зилолки, бу қадар шаффоф сувни ер юзининг бошқа бирон жойидан асло топиб бўлмаса керак. Мушук Тиши чўққисидан қараган кишига кўл худди кимнингдир чўнтагидан тушиб қолган ферузадай бўлиб туюлади. Бу мўъжизавий сув омборининг кенглиги тўққиз милу чуқурлиги баъзи жойларда ҳатто беш юз футгача етади. Қайиққа ўтириб, бу сокин сувнинг нақ ўртасида, ложувард осмон остида пайдо бўлиб қолсангиз, фақат эшакларнинг гижирлашини эшитиб, йироқлардан ёлғиз парқу булутлар огушидаги тоғларни кўриб, қорда ярқираб ётган француз Морьенасини томоша қиласиз. Гоҳо майин қирққулоқлар ёки пастаккина бутазорлар билан қопланган харсангтош қоялар, гоҳо шўхчан тепаликлар ёнида сузганча бир томондан дабдабали табиат, бошқа томондан — саҳро (худди бойнинг тўйида камбағалнинг ҳозир бўлганидай) манзарасини кузатиб борсангиз, қанчалик ҳамоҳанглигу, қанчалик зиддиятлар гувоҳи бўласиз. У ерда ҳамма нарса кўпдай ва шу билан бирга ҳаммасиям камдай! Тоғларда кўриш ва кўришнининг ўзига хос алоҳида шарт-шароитлари бўлади; юз футли қарағай худди қамишдай, кенг водийлар торгина сўқмоқ сингари кўриниши мумкин. Бу кўл шундай бир манзилки, у ерда кишининг юраги ҳақиқатан ҳам сел бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу ерда тафаккур кўнгил билан уйғунлашади. Сиз бошқа ҳеч қаерда шу ердагидай сув билан осмон, тоғлар билан замин ўртасидаги ажойиб ҳамоҳангликни учрата олмайсиз. Бу ерда барча ҳаётий муносабатларга шифо бахш этувчи малҳамни топиш мумкин. Бу макон изтироблар сирини пинҳон тутуди, қайғу юкини енгиллаштиради, ғам-андухдан озод қилади ҳамда ишқ-муҳаббатга шундай бир алоҳида аҳамият ва эътибор бағишлайдики, натижада севги келтирадиган завқ теран ва соф бўлади, бўса эса, илоҳий тус олади. Лекин бу кўл аввало — хотиротлар кўлидир; у кишини хотирлашга ундайди, инсон хотирларини кўл юзидай

мавжлантиради, бу мавжлар ҳамма нарсани ўзида акс эттира оладиган кўзгулардир. Фақат мана шу жозибатор табиат қўйнидагина Рафаэль ўз гамини унутар, атрофга бепарво боқиб хаёл сурар, тилак балосидан халос юрарди. Доктор келиб кетганидан сўнг у айланиб келгани жўнади ва қайиқчига хилват, кўркем тепаликнинг тумшуғи ёнида тўхташни буюрди, тепаликнинг нариги ёнбағрида Сент-Инносан қишлоғи жойлашган эди. Шу дўнгликка чиққан киши Бюже тоғини, тоғ этагида оқаётган Рона дарёсини, кўлнинг тубини ҳам кафтдагидай кўриб турарди. Лекин Рафаэль бу ердан қарама-қарши тарафдаги соҳилни, ҳазин От-Комб аббатлиги, ундаги қояларнинг жарликлари аро хожларини тугатган хожилармисол манзил топган Сардиния қиролларининг оромгоҳини томоша қилишни айниқса ёқтирарди. Бирданига эшакларнинг роҳиблар куйи мисол бир маромдаги жўровоз гичирлаши табиат сукунатини бузди. Ҳали ҳам ўз ўйлари билан банд Рафаэль кўлнинг одатда кимсасиз бўладиган бу жойида яна кимнингдир сайр қилиб юрганидан ҳайрон бўлиб, қайиқдаги кишиларга назар ташлади ва у кеманинг қўйруғида ўтирган, у кунни ўзи билан қаттиқ гаплашган кампирни кўрди. Қайиқ Рафаэлнинг тўғрисида келганида ёлғиз ўша хонимнинг оқсочигина Валантенга таъзим қилиб қўйди. Нуфузли оиладан чиққан бу камбағал қизни йигит худди биринчи марта кўриб тургандай эди. Кема дўнгликнинг нариёғига ўтиб кетди ва бирпасдан сўнг Рафаэль хонимларниям энди унутгани, худди шу зум ёнгинасида кўйлакнинг шилдираши-ю, енгил қадам товущини эшитди. Йигит ўгирилиб, ҳалиги хизматчини кўрди; қизнинг тортинибгина турганига қараб, Рафаэль унинг ўзига нимадир демоқчилигини англади-да, яқин борди. Уттиз олти ёшлар чамасидаги баланд бўйли ва ориқ, жозибасиз ва совуққина бу қиз барча қариқизлар сингари журъатсиз, уқувсиз ва оғир қадам босишига кўзларининг чақнаши мутаносиб эмаслигидан хиёл уялиб турар эди. Ҳали ёшлик ўтини исроф қилиб улгурмаган қариқиз ўзининг ажойиб фазилатлари ва камолати хусусида юқори фикрда эканлигини кўрсатиб қўймоқчидай мағрур қараб турарди. Шу билан бирга унинг ҳаракатлари аёл қалбининг жами назокатига сабру тоқат ила амал қилиб яшаган кўпгина хотинларники сингари, реждибаларникисимон эҳтиёткор эди.

— Ҳаётингиз хавф остида, курзалга яна бориб юрманг!— қиз Рафаэлга шундай дедию, гўё бу билан у номусига шак келтириб қўйгандай чўчиб, дарҳол ўзини орқага ташлади.

— Хоним, сиз бу ерга келиш билан нақадар меҳрибонлик кўрсатдингиз, шунинг учун илтимос қиламан, тушунтириброқ гапирсангиз: нима гап ўзи?— жилмайди йигит.

— Вой, арзимаган сабаб бўлса, графиняни норози қилишга

журъат этармидим, ахир бирдамас-бирда у сизни огоҳлантирганимни билиб қолиши мумкин-ку...

— Буни унга ким ҳам айтарди?— сўради Рафаэль.

— Тўғри айтасиз,— деди унга қариқиз, кўзларини офтобга чиқиб қолган бойқушдай пириллатиб.— Лекин ўз ҳаққингизда ҳам енг,— қўшиб қўйди қиз,— сизни бу ердан ҳайдашни ўйлаётган йигитлар сизни дуэлга чақириб отишишга мажбур қиламиз, деган фикрга келишди.

Йироқдан кекса хонимнинг чақириги эшитилди.

— Хоним, сиздан гоят миннатдорман...— гап бошлади маркиз.

Бироқ йигитнинг ҳомийси тоғнинг аллақеридан яна чийиллаб келаётган хўжасининг товущини эшитиб, жўнаб қолган эди.

«Шўрлик қиз! Бахтсизлар доим бир-бирларини тушунадилар ва қўллаб-қувватлайдилар»,— ўйлади Рафаэль ва даврахт тагига чўкди.

Қандай?— деган сўроқ, шубҳасиз, ҳар қанақа фаннинг калити ҳисобланади; буюк кашфиётларнинг кўпчилиги «Қандай қилиб?»— деган савол туфайли очилган. Кундалик турмуш борасида, эҳтимол, ҳар қадамда ҳадеб «Нима учун? саволига жавоб излайверишдан ҳам ҳаёт тажрибаси келиб чиқса керак. Лекин, яна шунисиям борки, киши ҳамма нарсани олдиндан кўра билса, кўпгина хом хаёллар пучга чиқади. Худди шунингдек, Валантен ҳам ҳеч қандай фалсафий мақсадни хаёлига келтирмаган ҳолда қариқизнинг холис гапи ҳақида уни-кети йўқ хаёлларга чўмди, оғир ҳам юки елкасига ўрнашиб олди.

«Оқсоч қизнинг менга ишқи тушиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас,— ўйлади у,— ахир эндигина йигирма етти ёшдан, увноним бор, йиллик даромадим икки юз минг ливрдан кам эмас! Аммо-лекин, унинг қутуришда мушукларни бир чўқишда қочирадиган соҳибасининг қизни ёнгинамдан қайиққа солиб ўтишини ғалати ҳол деса бўлади. Иккала хоним Савояга худди суғурлардай уйқуни ургани келишган бўлса, доим тонг отган-отмаганлигини сўрагани пешиндагина тумшуқларини кўрпадан чиқарадиган бўлишса-ю, бугун нима бўлиб, тонг-сахарлаб ўринларидан туриб, ногоҳ учрашувдан кўнгил очгани менинг изимдан қувиб юришибди?»

Кўп ўтмай қирқ ёшлик лақма қариқиз Рафаэлнинг назарида маккор ва миждов жамиятнинг яна бир вакили, тубан муғамбирлик, даққилик, айёрлик намунаси, хотинлару роҳибаларда учрайдиган, димоқ-фироқ, ҳойу-ҳавас намунаси бўлиб кўринди. Дуэль ҳақидаги хабар шунчаки ўйлаб топилган гапмикин, ёки уни қўрқитмоқчи бўлишдимикин. Бу сурбет, хирапашшалардай майда жонзотлар йигитнинг иззати-га тегишди-ю, оқибатда унинг ғурурини кўзгаб синчковли-

глини уйғотиб қўйишди. Аҳмоқ бўлиб қолишни ва қўрқоқ деган ном орттиришни истамаган йигит, афтидан бу ҳангамадан кўнглини очиш учунми, шу куни оқшом тушиши биланоқ курзалга равона бўлди. У катта залдаги каминнинг мрамор деворига суянганича турар, жанжал чиқишига ҳеч қандай баҳона тўғдирмасликка уринар эди. Лекин у одамларни диққат билан кузатаркан, ўзининг ниҳоятда сергаклиги билан маълум маънода жамиятнинг ғашига тегаётган эди. Йигит рақиблари биринчи бўлиб олдиға келишларини хотиржам кутарди. Одатда ўз кучига ишонадиган доғларгина ҳадеб ангиллайвермасдан, ўзларини вазмин тутишади. Рафаэль оқшом сўнгида курзалга кирадиган эшикдан бильярдхонанинг эшигигача бориб-келиб ўйин залида айланиб юрар, баъзи-баъзида қарта ўйнаётган ёш йигитлар давраси томонга қараб қўярди. Бир оздан кейин йигитлардан бири унинг номини тилга олди. Гарчи улар шивирлаб гаплашаётган бўлишса-да, Рафаэль ўзининг қандайдир баҳсга баҳона бўлганини англаб олди. Ниҳоят, қаттиқроқ айтилган бир неча жумла унинг қулоғига чалинди:

— Сен-а?

— Ҳа, мен!

— Қўлингдан келмайди?

— Гаров боғлашим мумкин.

— Ҳе-е, қайтиб бўпти.

Баҳс нима тўғрисида кетаётганини билишга жуда қизиқаётган Валантен уларнинг суҳбатига қулоқ солганча бир жойда тўхтаганида бильярдхонадан новча ва елкадор, хушсурат бир йигит чиқиб келди, унинг кўзлари қандайдир моддий қудратига бино қўйган одамларники каби чақчайган ва сурбегларча ўйнаб турарди.

— Муҳтарам жаноб,— деди у бемалол Рафаэлга қараб,— менга жанобларига бир нарсани айтиб қўйишни топширишди, у нарсанинг нима эканлигига, менимча, унчалик фаҳмлари етмаётганга ўхшайди: сизнинг афтингизу бутун турқи тароватингиз бу ердагиларнинг ҳеч бирисига, шу жумладан, каминага ҳам ёқмаяпти. . . Сиз ҳар ҳолда умумнинг фаровонлиги йўлида ўзингизни қурбон қила олиш даражасида тарбия топган зот бўлсангиз керак, шунинг учун курзалда қайтиб қорангизни кўрсатмаслигингизни ўтинаман.

— Муҳтарам жаноб, Империя замонларида кўпгина гарнизонларда шу тахлитда ҳазиллашиб юришарди, ҳозир эса бу хил гаплар аҳмоқликни билдиради,— совуққина жавоб берди Рафаэль.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ,— эътироз билдирди йигит.— Яна қайтараман: курзалга кириш сизнинг саломатлигингизга тўғри келмайди. Сизникидақа дардга чалинган кишига жазира ва дим ҳаво, кучли ёруғлик, кўп одам тўпланган жой кони зарар.

— Тиббиётни қаёқда ўргангансиз?— сўради Рафаэль.

— Муҳтарам зот, бакалавр унвонини Париждаги Лепаж куролхонасида олганман, шамширбозликнинг қироли Серизье эса менга докторлик унвонини тақдим этган.

— Бўлмасам, энди сизга охирги унвонни олиш пайти келибди,— чўрт кесди Валантен.— Одобу назокат қондаларини ўрғаниб олсангиз, тузуккина йигит бўласиз-қўясиз.

Шу пайт йигитларнинг қайси бири жим, қай бири хахолаб кулганча, бильярдхонадан чиқиб келишди. Бошқалар эса қартани йиғштириб қўйишди-да, қулоқларига мойдай ёқаётган жанжални тинглай бошлашди. Фанимларнинг орасида ёлғизланиб қолган Рафаэль иложи борича ўзини осойишта тутишга ва жилла бўлса-да, ножўя ҳаракат қилмасликка уринди, лекин рақибни унга фавқулодда кескин ва ўткир ҳақорат сўзини айтганида, Валантен вазминлик билан шундай деди:

— Муҳтарам зот, бизнинг даврамизда тарсаки қўйвориш одобдан эмас, аммо-лекин сизнинг тубан хулқингизни лаънатлашга сўз топишим қийин.

— Етар! Бас! Эртага гаплашиб оласизлар,— йигитлар шундай дейишганча рақибларнинг орасига тушишди.

Рафаэлни таҳқирловчига чиқаришди. Баҳсни Бордо қалъаси ёнида, янги тушган йўл ёқасидаги майсазор нишабликда ўтказадиган бўлишди, дуэлдан тирик чиққан кишининг ана шу йўл билан Лионга жўнаб қолиши мўлжалланганди. Рафаэль ё тўшакка оёқ узатиши, ё Экси ташлаб кетиши лозим эди. Жамият тантана қилаётганди. Эрталаб соат еттида Валантеннинг рақибни иккита секундант ва хирург билан биринчи бўлиб учрашув жойига етиб келди.

— Қандай яхши жой экан-а. Об-ҳавоюм нақ дуэлбоп бўлганини қаранг!— деди у шўхчан зангори осмонга, йўл ва қоялар томонга кўз югуртирар экан,— унинг нигоҳларида на яширин шубҳа излари, на ҳасрат алами сезилмасди.— Мабодо унинг елкасига теккизганимда ҳам камида бир ой тўшак тортиб ётишга мажбур бўлади,— давом этди у,— шундаймасми, доктор?

— Лоақал шундай бўлиши бегумон,— жавоб берди хирург.— Фақат сиз ҳадеб у ёғочга осилаверманг, акс ҳолда қўлингиз толиб қолади-да, қуролни яхши ушлай олмайсиз. Рақибингизни ярадор қилиш ўрнига ўлдириб қўймасангиз яхшийди.

Экипажнинг тақир-туқури эшитилди.

— Келаётган: ўша,— дейишди секундантлар. Кўп ўтмай тўртта от қўшилган экипаж кўринди, отларни иккита форейтор бошқариб ўтиришарди.

— Қанақанги зот ўзи бу!— хитоб қилди Рафаэлни рақибни.— Почта аравасида келурлар ўлим томон...

Дуэлда, худди қимор ўйинидаги сингари, натижанинг

қандай бўлишидан қатъи назар, бевосита манфаатдор томонларнинг ўй-хаёлига ҳар қандай майда-чуйдалар ҳам таъсир қилаверади. Шунинг учун йигит извош етиб келиб, йўлда тўхтагунча бирмунча безовталаниб турди. Извошнинг зинасидан даставвал кекса Ионафан қийналиб сакраб тушди-да, Рафаэлнинг чиқишига қарашворди: қария уни ориқ, қалтироқ қўллари билан суяб турар, у гўё маҳбуб маҳбубаси ҳақида ташвиш чекканидай йигитга жиндай бўлса-да малол етказмаелик учун ҳадеб парвона бўларди. Улар иккаласи катта йўл ёқасидан отишиш жойига қадар етиб келадиган сўқмоқ бўйлаб кетишди. Бир пайт уларнинг қораси кўринмай қолди-да, бир оз муддат ўтганидан сўнг пайдо бўлишди, улар секин-аста келишаётганди. Бу ғаройиб манзаранинг тўртовлон гувоҳлари малайининг қўлларига суянган Рафаэлнинг яқин келиши билан ғоят ҳайратда қолдилар: озгин ва ранг-рўйи сомон бўлиб кетган йигит бошини қуйи осилтирганча, худди бод касалига мубтало бўлган кишидай, сукут сақлаганча қадам босарди. Уларга қараб, ҳатто келатганларнинг иккаласи ҳам чоллар деб ўйлаш мумкин эди: бирови, замон зайли билан, иккинчиси эса, тафаккур юки остида эзилиб тамом бўлишганди. Биринчисининг қордай оппоқ сочлари улуғ ёшидан далолат берса, йигит учун ёшликнинг нималниги аллақачон унут бўлган эди.

— Муҳтарам зот, мен туни билан мижжа қоқмадим,— деди Рафаэль рақибига қараб.

Рафаэлнинг муздай сўзлари ва даҳшатли нигоҳлари жанжалнинг ҳақиқий айбдорини қалтирашга мажбур қилди, зодагон йигит ич-ичидан қаттиқ ўкиниб, қилмишидан уялиб кетди. Рафаэлнинг ўзини тутиб туришида, товушида ва ҳаракатларида қандайдир бир ғайриоддий ҳол зоҳир эди. У жим бўлиб қолди ва ҳеч ким сукунатни бузгани журъат этмади. Ҳавотир ва бестоқатлик авжига минди.

— Ҳали ҳам бўлса, оддийгина қилиб узр айтиш кеч эмас,— яна сўз очди Рафаэль,— кечирим сўрасангиз бўларди, марҳаматли жаноб, акс ҳолда ҳалок бўласиз. Сиз ўзингизнинг эпчиллигингизга бино қўйяпсиз, устунлигингизга ишончингиз комиллиги учун ҳам отишиш тўғрисидаги фикрингиздан қайтгингиз йўқ. Аммо-лекин, билиб қўйинг, марҳаматли зот,— олижаноблик юзасидан сизни огоҳлантириб қўймоқдаман, аксинча менинг ошигим олчи бўлади. Камина ёвуз қудратнинг соҳиблар. Мен шундай бир тилак билдирсам бас, сизнинг маҳоратингиз ҳавога уади, бошингиз айланаиб, қўлларингиз қалтираганча, юрагингизни титроқ босади, буниси-ку ҳолва, оқибатда ҳалок бўласиз. Мен у қудратимни намойиш этишни хоҳламасдим; зеро бу қудрат оёқларимга болта уради. У сизгагина ўлим келтириб қолмайди. Агар мабодо кечирим сўрашдан бош тортсангиз, гарчи одам ўлдириш сиз учун оддий бир ҳунар эса-да, бу сафар отган ўқ

ингиз анув селга томон ғойиб бўлади, менинг ўқим эса ҳатто мўлжалга олмасам ҳам, тўппа-тўғри юрагингизга бориб санчилади.

Йигитнинг ҳасратли овози Валантеннинг гапини бўлди. Рафаэль гапираркан, даҳшатли даражадаги жиддий ва ниҳоятда ўткир нигоҳларини рақибига қадаб турарди; у қаддини ростлади, унинг юзи худди хавfli телбаники каби бепарво тус олди.

— Марҳамат қилиб, у жим бўлсин,— деди зодагон йигит секундантларидан бирига,— товуши ўтакамни ёрворгидай бўляпти!

— Марҳаматли жаноб, етар! Сиз бекорга сўзамоллик қиляпсиз!— қичқирди жарроҳ ва гувоҳлар Рафаэлга қараб.

— Жаноблар, мен бурчимни адо этдим. У зот ҳам кўнгилида не борлигини изҳор этсалар чакки бўлмасди.

— Бўлди-е! Бас қилинг!

Рафаэль тек қотганча ғанимидан кўз узмас, рақибига эса гўё илоннинг қаттиқ назари остига тушган қушча мисол илоҳий куч билан ипсиз боғлаб қўйилгандай турарди. Бу ҳалокатли нигоҳга бўйсунишга мажбур бўлган йигит кўзларини олиб қочди-ю, лекин тагин беихтиёр унинг ҳукмига дучор бўлди.

— Менга сув беринглар, чанқаб кетдим...— деди у секундантга.

— Чўцияпсанми?

— Ҳа,— жавоб берди у.— Унинг кўзлари ёниб, мени сеҳрлаб қўйяпти.

— Ё кечирим сўрайсанми?

— Кеч бўлди.

Отишувчилар учун ўн беш қадамлик майдон тайинлашди. Уларнинг ҳар қайсисига иккитадан тўппонча беришди, баҳснинг шартларига кўра рақиблар секундантлар ишора қилишганидан сўнг хоҳлаган пайтида икки мартадан ўқ узишлари мумкин эди.

— Нима бўлди сенга, Шарль?— қичқирди Рафаэлнинг рақибига секундантлик қилаётган йигит.— Уқни порох солмасдан жойлаяпсан-ку!

— Тамом бўлдим!— деди у эшитилар-эшитилмас.— Сизлар мени офтобга рўпара қилиб қўйибсизлар...

— Қуёш сизнинг орқа томонингизда,— деди унга Валантен дағаллик билан ва отишга ишора берилганига ҳам, рақибининг уни чинакамга мўлжалга олаётганига ҳам қарамасдан, шошилмасдан тўппончасини ўқлади.

Бу қадар фавқулодда ишонч шунчалик даҳшатли эдики, ҳатто отишма жойига келиб олишган, ҳангаматалаб извошчиларнинг ҳам вужудига қалтироқ тушди. Рафаэль ўзининг қодирлигини намойиш қилганча, эҳтимол, кучини синаб кўрмоқ ниятида Ионафан билан сўзлашиб турар, гарчи рақибга ўқ узаётган бўлса-да, кўзларини малайдан олмас эди.

Шарлнинг ўқи мажнунтолнинг шохчасини синдирганча учиб, сувга бориб тушди, Валантен эса таваккалига отди-да га- нимнинг нақ юрагига урди ва зодагон йигитнинг йиқилиб тушганига ҳам эътибор бермай, киссасидан сағри терисини олди-да, бир одамнинг ҳаёти қанчага тушганини билмоқчи бўлди. Тилсим эман япроқчасидай бўлиб, бужмайиб қол- ганди.

— Ҳой, извошчилар, бунча ивирсиб қолдинглар?— деб Рафаэль йўлга тушди.

Шу кун кечқуруноқ у Францияга етиб келди ва Оверн йўли билан Мон-Дордаги шифобахш сувлар томон жўнаб кетди. Йўл бўйи унда кутилмаган бир фикр пайдо бўлди, одатда бундай ўйлар офтобнинг қалин булутлари орасидан ўтиб, қоронғи водий ёритган шуълалари янглиғ баъзи-баъ- зида дилга оралаб туришади. Бераҳм донишмандликнинг ғамгин аломатлари! Бу хил хаёллар содир бўлиб ўтган во- қеаларни қайтадан ойдинлаштиради, хатоларимизни ошкор айлайди ва шунда биз қачондир йўл қўйган хатоларимиз учун ўзимизни афв этишга ночор қоламиз. Рафаэль бирда- нига бениҳоя қудратга қодир бўлса-да, аммо бу кучдан қан- дай фойдаланиш йўлини билишнинг имкони йўқлигини ўй- лади. Салтанат ҳассаси — болакай учун ўйинчоқдай бир гап, *Ришелье* учун у ойболтанинг ўзидир. Наполеон эса бу ҳасса- дан дунёни остин-устин қилиб юбориш ишида дастак сифа- тида фойдаланиши мумкин. Ҳукмдорлик кишиларни табиат- тан қандай яралган бўлсалар, айна шу ҳолида қолдираве- ради, у буюк шахсларгагина қанот бахш этади. Рафаэлнинг қудрати ҳар нарсага етарди-ю, лекин ҳеч нарсани амалга ошира олмади.

Мон-Дор шифохонасидаги жамоа ҳам худди Эксагидай жонзот мурдасининг исини узоқдан сезган ҳайвонлар олис- роққа қочгандай, Рафаэлдан ўзларини четга ола бошлашди. Ҳар иккала томон ҳам ўзаро бир-бирига адоват билан бо- қишарди. Яқинда юз берган ҳодиса йигитнинг кўнглида жамоага нисбатан нафрат ўтини оловлантирганди. Шунинг учун Рафаэль аввало яқин атрофдан ўзи учун хилват бир манзил топиш пайидан бўлди. У беихтиёр табиат кучоғида табиий туйғулар билан далалар қўйнида дилимизга ҳузур бахш этувчи гиёҳу ўсимликлар оламида бўлишга майл се- зарди. Валантен жойлашган кунининг эртаси унчалик қий- налмасдан Санси чўққисига чиқиб олди-да, у ердан тоғ те- варагидаги жойларни, номаълум кўлларни, Мон-Дор қиш- лоқларининг кулбаларини томоша қилди, у ерларнинг харо- ба ва ёввойи манзаралари эндиликда рассомларимизнинг ҳам мўйқаламларини ўзига тортмоқда. Баъзан қовоғидан қор ёққан бу тоғларнинг ҳазин манзараларига зид равишда жозибадорлиги, гўзаллиги билан кўзни олувчи ажойиб ма- коялар ҳам учраб турарди. Қишлоқдан деярли ярим миль

арида Рафаэль ана шундай жой устидан чиқиб қолди. Гў- дак сингари шўх ва ўйноқи табиат ўзининг энг зўр хазина- ларини атайлаб яшириб қўйгандай, у одамлардан четроқ бўлган ана шу кўркам ва дилкаш маконда қўним топмоққа қарор қилди. Бу ерда дарахтдаги мева сингари тинч ва та- бий кун кечириш мумкин эди.

Тўнқариб қўйилган, пастдан юқорига томон кенгая бора- диган харсанг гардишли шаршара — воронкани ёнлари ало- мат тилимланиб чиқилган улкан косани кўз олдингизга кел- тириш, олдингизда бир текисдаги силлиқ ва равон, гиёҳлар- сиз мовий текислик ястаниб ётади, унинг кўзгусимон бетида қуёш нурлари ўйнайди. Нарироқда эса — қояларнинг ўнгир- лар билан ажралиб турувчи бурмалари тизилиб кетган, қоя- ларда аста-секин ёмғир сувларининг тўпланиши билан қулай деб турган, қотиб қолган лава оқимлари бало-қазодай бў- либ осилиб ётишади, қоялардаги пастак дарахтларни шамол силкиб юлқийди. Зимистон ва салқи дараларнинг айрим жойларида худди кедр дарахтларида юксак-арғувонлар уч- райди, чўққиларнинг сарғиш ёнбағирлари ўпирилиб, унгур- ларга айланган, уларнинг маймунжонлар, гуллар ўсиб, гиё- ҳу кўкатларга бурканган қоронғи ва чуқур жағлари кўриниб туради. Бу «коса»нинг қачонлардир эҳтимол вулқон отилиб чиққан тубида гавҳардай ялтिलाб ётган шаффоф сувли ки- чикроқ кўл бор. Чуқур ҳовузнинг гир атрофидаги мажнун- тол, тоғ ўти, шумтол дарахтлари ҳамда шу паллада қий- фос гулга кирган турфа хушбўй ўтларга қопланган тошлоқ соҳилларда инглизларнинг гулзорига ўхшаган кўм-кўк май- сазор ястаниб ётарди. Майсазордаги чиройли ва нозиккина гиёҳлар қояларнинг унгуларидан сизиб оқадиган жилға- лардан сув ичар; баланд чўққилардан тинимсиз шамол — бўрон учириб туширган ўсимликларнинг чириндилари билан ўғитланар эдилар. Қўйлакнинг бурмаларидай гардишли кўл тахминан уч арпан майдонни ишғол қилганди. Қоялар сувга шунчалик яқин жойлашганидан ўтлоқнинг кенглиги, эҳтимол, икки арпандан ошмас, баъзи жойларидан эса сигир зўрға ўта оларди. Юқорига кўтарила борган сари ўтлоқ сий- раклашиб кетганди. Тепада хилма-хил шаклдаги қоялар кўкка бўй чўзган, уларнинг чўққилари булутлар билан қў- шилиб кетганди. Шип-шийдам, биёбон чўққиларнинг ҳувил- лаган ёввойи манзаралари водийнинг осойишта гўзалли- гидан кескин фарқ қилиб турарди: қоятошлар ўпирилиб кет- гудай таҳлика солар, жимжимадор шаклларда товланар эди. Қояларнинг бири шу даражада роҳибларга ўхшаш бўлгани- дан ҳатто Капуцин деб ном олганди. Гоҳо офтоб нурлари бу ўткир учли тепаларни, қаққайган ҳайбатли тошлоқларни, баланд тоғ тепасидаги дараларни ҳам ёритиб қолар ва шун- да қуёш шуълаларининг оқимига ва ҳавонинг турфа хил тов- ланишларига итоатгүй маконлар гоҳ тилларанг тусда ярқи-

раб, гоҳ қирмизирангга бўялар, гоҳ пуштиранг, гоҳ кулранг шафаққа айланиб, гоҳо тагин сўниб қолар эди. Хуллас, тоғ чўққиларининг туси вақти-вақти билан кабутарнинг бўйни каби камалакдай турли рангларда товланиб турарди. Баъзан ё тонгда, ё оқшом чоғи қуёшнинг ўткир шуъласи иккита тўлқинсимон харсангтошнинг орасига тушиб, ажойиб кажаванинг тубига қадар етиб борар ва гўё пешин маҳали ором олгани чўзилган испанларнинг маҳкам беркитилган дарчаси тешигидан тушаётган тилларанг шуъладай кўлнинг бетига жилоланарди. Қуёш илгари замонларда қайсидир бир ўзгариш туфайли сувга тўлиб қолган кратернинг нақ тепасига келган дақиқада тошлоқ соҳиллар исий бошлайди, гўё сўнган вулқон тагин оловлангандай, ҳосил бўлган иссиқликдан новдалар ниш уради, ўсимликлар ҳосилга киради, гуллар ял-ял ёнади ва бу хилват гўшанинг мева-чевалари етила боради.

Рафаэль у ерга чиқиб, майсазорда молларнинг ўтлаб юрганини кўрди; у кўл томонга бир оз юргач, қуруқликнинг кенгроқ жойида томи ёғочдан бостирилган, тошдан қурилган оддийгина бир уйни кўрди. Атроф-теварак билан ғоят уйғун бўлган мўъжаз кулбанинг томини тўсинлар, печакгуллар ва бошқа турли ўтлар қоплаган, бу нарса иморатнинг анча кўҳналикдан дарак берарди. Ярми увалиб тушган мўридан сизилиб чиқаётган тутун узра қушлар бемалол парвоз этарди. Эшик олдида муаттар пуштиранг гулларга бурканган иккита улкан дукчўп бутаси орасига каттагон ўтиргич қўйилганди. Эркинликда, ўз ҳолича ўсиб ётган ток новдалари, атиргул ва ясминлар том тепасига чамбарак бўлиб осилиб ётганидан уйнинг деворини деярли кўриб бўлмасди. Уй эгалари бу тахлит қишлоқ зийнатига эътибор ҳам қилмаганликлари учун ўсимликлар табиий гўзаллигини, бокиралигини сақлаб қолганди. Маймунжон бутасига ёйилган кийимлар офтобда қурирди. Каноп лосини тутқич асбоб устида мушук чўққайиб ўтирар, титқич остидаги картошка лўчоқлари орасидан янгигина тозаланган мис қозон қўринарди. Рафаэлнинг кўзи уйнинг орқа томонида (эҳтимол, товуқлар боғчаю полизга кириб кетмасин деб тикланган) тоғолча новдаларидан ясалган четанга тушди. Гўё дунёнинг чегараси ана шу ерга келиб таққа тўхтагандай туюларди. Валантеннинг қаршисидаги бу уй қояларнинг шундай биқинига қурилган, бир пайтнинг ўзида ҳам ихтирочиликнинг, ҳам палапартишликнинг намунаси бўлиб кўринадиган аломат қуш уяларига жуда ўхшаб кетарди. Бу табиатнинг содда ва ажойиб, ёввойи, аммо нафис бир маскани эди. Зеро, бу «асар» бизнинг ниҳоятда сийқалашган нафосатимиздан минг миллар йироқда равнақ топган ва асло ўзга бир ғоянинг акси бўлмай, тасодифан, ўз-ўзидан юзага келганди. Рафаэль у ерга етиб келган пайтда қуёш нурлари ўнг томондан найза

ёниб тушиб турарди, ўсимликлар турли рангларда ял-ял сарди. Офтобнинг ана шу сеҳрли нуридан пайдо бўлган соялар, кулранг, сарғиш, қоялар, турфа тусда ғуж-ғуж бўлиб ўсган кўк, қизил ва оқ гуллар, ёйилиб, ялпайиб ётган ўсимликларнинг поялари ва қўнғироқлари, духобасифат йўсинлар, арчагулнинг қирмизи шингиллари ва, айниқса, кўл мавжи, харсангтош чўққилар, дарахтлар, уй ва осмон худди кўзгудагидай акс этиб турган зилол сувнинг сокин мавжи алоҳида кўзга ташланади. Бу гўзал манзарада қат-қат ялтироқ тошдан тортиб, хиёл соя тушиб турган оқимтир кўкатзорга қадар ҳамма нарса ярқираб ётарди. Шуларнинг бариси: ялтироқ юнгли олачипор сигир, сув ҳавзасини шокиладай қамраб олган нозик сув ўтлари, ҳавза узра гўнгиллаб ушиб юрган мовий ва зумрадранг ҳашаротлар ва силлиқ тошларнинг тўшини малла соч каби ўраб олган дарахт илдизларининг ниҳоятда уйғунлиги кўзни қувонтиради. Бу хилват маконнинг сувлари, гуллари ва магораларидан уфураётган муаттар илиқ ҳаводан Рафаэлнинг баҳри дили очилиб кетди. Чамаси, шу пайтгача ҳеч бир солиқ ундирувчининг рўйхатига тушмаган бу чакалакзорда ҳукм сурган сукунатни иккита ит вовиллаганча бузиб юборди. Сигирлар водийга кириладиган томонга бошларини ўгиришди. Сўнг ҳўл тумшуқларини Рафаэлга буришди-да, маъносиз боқишганча, яна ўт ямлашда давом этишди. Тоғ тепасига нима бўлиб чиқиб олган эчки улоғи билан Рафаэлнинг ёнидаги харсангтош майдончага сакраб тушиб, унга савол назарила тикилишганча туриб қолишди. Итларнинг ҳуришига уйдан дўмбоққина бир болакай чопиб чиқди-да, оғзини очганча лол бўлиб қолди: сўнгра ўрта бўйли, оппоқ сочли қария пайдо бўлди. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам атрофдаги манзара, ҳаво, гуллар ва иморат билан айни мос эдилар. Бу ҳаёт малҳамига бой табиат қўйинида сиҳат-саломатлик манбаи тўлиб ётар, қарилик ҳам, болалик ҳам бу ерда ўзгача гўзаллик кашф этарди. Хуллас, бу маскандаги турли жонзотларнинг ҳаёти ибтидоий соддаликдан, оддий бахтдан далолат берарди. Ана шу оддий бахт қаршисида бизнинг риёкорона фалсафа юритишимизнинг нақадар сохталиги очилиб қолади ва юрагимиз сунъий завқлардан халос бўла боради. Бу қария Шнетицнинг мардонавор қалами учун ажойиб бир мижоз бўлиб хизмат қилиши мумкин эди: унинг қорайган юзи, эҳтимол, кўл теккизгайдаям бир қолда тураверадиган дағал ажинлар билан қопланган қирра бурни, худди қари ток баргидай кўкимтир томирлари бўртиб турган ёноқ суяклари, юзидаги кескин чиқиқларнинг ҳаммаси, гарчи эндиликда мадордан қолган эса-да, илгари бақувват бўлганини билдириб турарди. Чолнинг сийрак оппоқ жун билан қопланган қадоқ кўллари шу кунда ишдан қолган; унинг чинакам эркин ва озод инсон каби қаддини рост тутиб туришига қараб, мабодо бу одам Италияга

тушиб қолганида тенгсиз озодликка бўлган муҳаббати туфайли ҳақиқий қароқчининг ўзи бўларди деб ўйлаш мумкин эди. Асил тоғлик болакайнинг қоп-қора кўзларини ҳатто офтоб ҳам қамаштира олмас, юзлари жигарранг тусли, тимқора сочлари тўзғиб ётарди. У эпчил ва жасур, ҳаракатлари ҳам худди қўшларникидай энгил эди, унинг жулдур кийими орасидан оппоқ, тоза бадани кўриниб турарди. Бола билан чол ёнма-ён туришар, ҳар иккаласининг юзи бирдай ифода касб этар ва уларнинг кўз қарашларидан икковининг ҳам аини бир хил беғам турмуш кечиришларини билиб олса бўларди. Ожизликнинг икки хил кўриниши, яъни битиб, тугаб бораётган қувват билан ҳали ривожланиб улгурмаган куч ўртасида бўладиган алоҳида бир шартга биноан чол болакайнинг шўхликларини ўзлаштирган, кичкинтой эса буvasининг инжиқликларини ўрганиб олганди. Оз-моздан кейин бўсағада ўттиз ёшлар чамасидаги жувон пайдо бўлди. У йўл-йўлакай ил эшиб келарди. Аёл овернлик эди, оппоқ тишли, бугдоймағиз, қувноқ ва хушрўй бу хонимнинг чеҳраси, қадди-қомати, кўйлаги ва сочларини тараши, диркиллаган кўкраклари унинг асил овернлик эканлигидан далолат бериб, талаффузи, меҳнаткашлиги, кўрслиги, тежамкорлиги ва самимийлиги, хуллас, ана шу фазилатларнинг жами унинг Оверн ўлкасига мансуб эканлигини яққол билдирарди.

Хоним Рафаэлга таъзим қилиб қўйди, шундан сўнг гап бошлашди. Итлар жим бўлишди, чол офтобда курсига чўқди, болакай эса онасига эргашганча номаълум кишидан кўзларини узмай, жимгина суҳбатга қулоқ тутарди.

— Бу ерда яшашдан қўрқмайсизларми, ҳурматли хоним?

— Нимадан ҳам қўрқардик? Анави эшик тўсилгач, бу ёққа нимаям кира оларди? Йўқ, биз ҳеч нарсадан қўрқмаймиз! Нафсиламрини айтганда, — деди у маркизни уйнинг энг катта хонасига тақлиф қиларкан, — ўғриларнинг кўзи учиб турган нарсанинг ўзи йўқ!

Хоним қўлларини ёйганча ёлғиз зангори, қизил ва яшил бўёқлар билан ишланган: «Хурматнинг ўлими», «Тангри қаҳри», «Император гвардиясининг гренадёрлари» суратлари осиб қўйилган деворларга ишора қилди. Хонада бундан ташқари яна ёнғоқ дарахтидан ясалган эски нақшин каравот, бурама оёқли стол, курсилар, ҳамир тоғора, шифтга осиглиқ чўчка ёғи, туз солинган кувача, печка ва ўчоқнинг тоқчасига терилган, ганчдан ишланган ҳайкаллар бор эди. Рафаэль уйдан чиқаётиб, қояларнинг орасида қўлларига кетмонча ушлаб олган эркакнинг эгилганча уй томонга қиқисиниб тикилиб турганини кўриб қолди.

— Хўжайин, — деди аёл деҳқонларга хос жилмайиб қўяркан. — Уша ерда ишляпти.

— Чол отангиз бўладиларми?

— Йўқ, бу киши эримнинг боболари бўлади. Ёши бир юз

некига кетяпти. Шунга қарамасдан яқинда ўғилчамиз билан Клермонга пиёда бориб келишди! Жуда бақувват киши эди, ҳозир энди уйқую овқатни билади. Болакай билан овуни, баъзан кичкинтой уни тоққа бошлаб кетади, шунда ҳам чол индамай эргашаверади.

Валантен дарҳол ана шу чол ва болакайнинг ёнида қўшим топишга, мана шу ҳаводан нафас олиб, улар еган нондан ейишга, уларга ўхшаб ширин уйқуни уришга, ўзининг томирларида ҳам ана шундай қонни гуширтиришга қарор қилди. Умри тугаб бораётган одамнинг тантиқлиги! Мана шу қонларга чиганоққа ўхшаб ёпишиб олиш, умр касасини бир неча кунгагина бўлса-да, исроф қилмасдан, баданидаги ўлим хуружини тинчитиб туриш йигитнинг яккаю-ягона мақсади, ҳаётдаги энг ноёб орзуси, энг тўғри кун кечириш бўлиб қолган эди. Чинакам худбинларча бу фикр унинг бор вужудига сингиб кетган ва бутун борлиқ йигит учун фақат шу фикрдагина мавжуд эди. Унга баъзида бу олам ниҳон бўлгандай, яъни бутун дунё ўзидангина иборатдай туюларди. Бутун олам бемор тўшагининг ёстиқ тарафидан бошланиб, оёқ учида адо бўларди. Водий Рафаэль учун ана шундай оромгоҳга айланди.

Ким серташвиш чумолининг ҳаракатларини кузатмаган, ким оқимтир чиганоқли шиллиққуртнинг нафас оладиган ёлғиз тешигига чўп тиқиб ўйнамаган? Ким нозиккина чўзанақнинг ажойиб парвозини томоша қилиб, эман япроғининг қирмизи бети худди гота ибодатхонасининг бурма нақшлари каби ёрқин томирларга тўла эканлигини кўриб яйрамаган дейсиз? Ким ёмғир томчилари билан қуёш нурларининг тимқора черепица том устида жимирлашини узоқ-узоқ томоша қилиб, ҳузур топмаган: бир томчи шудринг, гул баргчалари ёки косачасининг ранг-баранг ажойиботларига қараб ўйга толмаган? Ким табиат қўйнида беғаму бекин, лекин кишини қандайдир мушоҳадаларга ундайдиган ширин хаёлларга берилмаган? Бошқача айтганда, ким гоҳи вақтлар гўдакларча эринчоқлик билан (мободо меҳнатни ҳисобга олмаганда) ёввойиларча ҳаётдан завқланмаган? Рафаэль бир неча кун худди ана шундай: гаму ташвишларсиз, истагу тилақларсиз ҳаёт кечирди; оқибатда саломатлиги анча яхшиланиб, ўзини ниҳоятда тетик ҳис қила бошлади ва хавотиру ваҳималари унут бўлиб, изтироблари босилиб қолди. У тоғу тошларга чиқиб оларди-да, қандайдир чўққида чўкка тушганча, йироқ-йироқларни томоша қилиб ўтирарди. Йигит худди кунни бўйи офтоб нурини эмган гиёҳдай ёки уясига беркиниб олган қуёндай, узун кун шу жойларда юраверарди. Ёхуд, Рафаэль ўсимликлар ҳаёти манзаралари-ю, осмон авзонини ўрганиб, заминдаги, сувдаги ва ҳаводаги барча жонзотларнинг ўсишини кузатар эди. У ибидой борлиқни муҳофаза қилувчи қонунларнинг ҳимоясидан паноҳ топиш мақсадида табиатнинг

ҳақиқий ботиний ҳаётида иштирок этишга, табиатга хос сокин мўмин қобилликни ўзига иложи борича сингдириб олишга ҳаракат қиларди. Йигит ўзидаги ўзликдан халос бўлишни истар эди. Қадимги замонларда одил суд қаҳрига дучор бўлган жиноятчилар черков ҳимоятидан паноҳ топганлари сингари, Рафаэль ҳам борлиқ деган тангрининг кароматига умид боғлаган эди. У, бу бепоён ва қудратли тараққиётнинг бир таркибий қисмига айланишга сазовор бўлди, об-ҳавонинг барча ўзгаришларига кўникиб кетди, қояларнинг ҳамма кавакларига кириб чиқди, бутун наботот аҳлининг феълу атворини, сувнинг қандай пайдо бўлиб, қандай оқиш сирларини ўрганди, ҳайвонлар билан ошно тутинди. Хуллас, Рафаэль шу тирик замин билан шу қадар чатишиб кетдики, ҳатто маълум маънода табиатнинг қалбига йўл очиб, унинг сирларидан воқиф бўлди. Рафаэль табиатдаги барча оламларнинг ҳад-ҳудудсиз кўринишларини маълум бир руҳ тараққийсининг турли шакллари, яхлит бир ҳаракатнинг ҳар хил бирикмалари, ҳаду чегара билмаган бир мавжудотнинг буюк нафаси деб билар; бу мавжудот тинимсиз ишлар, фикр юритар, қўзғалар ҳамда камол толарди: йигитнинг ўзи ҳам ана шу буюк ҳаёт билан бирга ҳамоҳанг ўсишни, тинимсиз ҳаракатда бўлишни ва тафаккур юритишни истарди. У худди чиғаноққа ўхшаб, бутун ҳаётини тоғу тош ҳаёти билан уйғунлаштирди, у билан чатишиб кетди. Оннинг мана шу сирли ойдинлашуви, оромбахш хушсизлик, хаёлий соғайиш туфайли бу яшнаб ётган табиат қўйнида Рафаэль дастлабки кунлари яна завқли болалик оламига қайтгандай бўлди. У бутун-бутун тунларни қандайдир бир арзиманган нарсани излашга ҳам сарф қилиб юбораверар, сонсиз ишларни бошлару биронтасини ҳам ниҳоясига еткизмас, кечагина мўлжаллаб қўйган режалари эртаси хаёлидан кўтарилиб кетаверарди. Йигит ғам-ташвиш нималигини билмай, ўзини барча дардлардан бутунлай халос бўлгандай бахтиёр сезарди.

Бир куни у чошгоҳгача ўрнидан турмади: миясини на ўнгига, на тушига ўхшамаган ажиб бир мудроқ чулғаб олган, назарида бутун борлиқ хаёлдай, хаёллари эса ҳақиқатдай аниқ-тиниқ кўринарди. Йигит бехосдан, ўзининг ухлаётганиниям, уйғоқлигиниям англамасдан, мудраб ётганида ҳар куни хўжасининг соғлигини суриштиргани келиб юрадиган Ионафан билан уй бекасининг суҳбатини — ўзининг саломатлиги тўғрисидаги ҳисоботни эшитиб қолди. Овернлик ойимча, шубҳасиз, Валентенни ҳали ухлаб ётибди, деб ўйлаган ва тоғликларга хос бор овози билан шанғиллаб гапирарди.

— Яхши ҳам деб бўлмайди, ёмон ҳам деб,— деди хоним.— Тагин туни билан йўталиб чиқди, ҳатто бирон кориқол бўлиб қолмасайди, деб ўйладим. Азиз хўжамизнинг ҳа-

деб йўталиб, тупураверганига одам ачиниб кетади. Эрим иккаламиз у бечоранинг шунчалик йўталишга кучни қаёқдан олишига ҳайрон қоламиз. Кишининг юрак-юрагини ўртаб юборади. Қандай бало касалга йўлиққан ўзи, у? Йўқ, шўрликка қийин! Ҳар куни эрталаб унинг тўшақда ўлиб ётганини кўрмасайдим, деб дилим вайрон; ранги худди мумдан ишланган тангрининг суратидай сарғайиб кетган! Бир-икки марта ўрнидан тураётганида кўзим тушиб қолди, намунча таёқдай ориқ бўлмаса у шўрлик! Тагин, ундан қандайдир ёмон ҳид келадиган бўлиб қолибди. Ўзи буниям сезмайди. Ҳеч нарса билан иши йўқ, худди буқадай бақувват одамга ўхшаб, ҳадеб йўргалагани йўргалаган. Ўзини жудаям тегик тутиб, беморлигини билдиргиси келмайди! Нафсиларини айтганда, бечора худди хочга тортилган тангрига ўхшаб, ёруғ дунёда ҳаддан зиёд азият чекиб юборди, олло шояд заҳматини енгил қила қолсайди! Бизга-ку, бари бир, у шўрликка ўлим тилаш хаёлимиздаям йўғ-а! Мабодо, бизга шунчалик, инъом-эҳсон қилмаганларидаям, бари бир, уни ҳозиргидай парвариш қилаверган бўлардик, улардан ҳеч қандай ёмонлик кўрганимиз йўқ. Вой, парвардигор-эй,— гапида давом этди бека,— ўзи фақат мана шу парижликларгина шу хил мараз дардларга чалинади. Қаердаям улар унга мубтало бўларкин-а? Бечора йигитча қайтиб энди одам бўлмаса керак! Бу безгак ўлгур у шўрликни бунчалар эзгилмаса, бунчалар қолдан тойдириб, жонини олавермаса, нима бўларкин-а! Бу эса у бечоранинг хаёл кўчасига кирмайди, ўзи сезмайдиям дардининг бедаволигини... Бунга асло кўз ёши қилиш керак эмас, жаноби Ионафан! У дарду балоларидан халос бўлган куни: худога шукур!— дейиш керак, шунинг билан вассалом. Хўжангизнинг саломатлиги учун черковга тўққиз танга инъом этсангиз бўлармиди. Садақа радди бало бўлиб баъзи касалларнинг тузалиб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳатто ўзим ҳам шундай ажойиб бир одамни, қўзичоқдай мўмин-қобил бир инсонни саломатлигини асраб қолиш умидида шам ёқишим мумкин...

Рафаэлининг овози шу қадар бўғилиб қолган эдики, бақришга мадори етмай, бу даҳшатли ҳангамани тинглаб ётаверишга мажбур бўлди. Лекин бари бир у ниҳоятда ғашни келганидан, ўрнидан туриб, бўсагага чиқди.

— Э, қари тўнка!— қичқирди у Ионафанга.— Сен мени бутунлай гўрга тикмоқчимсан?

Арвоҳ пайдо бўлди, деб ўйлаган хотин қочиб қолди.

— Иккинчи марта менинг аҳволимни сўраб-суриштирганингни эшитмай,— давом этди Рафаэль.

— Хўп бўлади, марҳаматли маркиз,— жавоб қилди қари хизматкор кўзларини артганча.

— Бундан кейин буйруғимсиз бу ерга ҳадеб лақиллаб келавермасанг, янаям дуруст бўларди.

Ионафан эшик томон йўналди, лекин кетиш олдидан хўжасига яна бир бор садоқат ва ҳамдардлик ҳислари тўла нигоҳ ташлаб олди, Рафаэль хизматкорнинг бу қарашидан ўзининг аҳволига ўлим ҳукми ўқилганини сизди. Энди йигитга ҳамма нарса очик-ойдин бўлган, батамом дили вайрон эди. У бўсағага чўкка тушиб, қўлларини кўкрагига чалиштирганча, бошини қуйи осилтирди. Утақаси ёрилаётган Ионафан унга яқинлашди:

— Хўжам...

— Йўқол ҳамманг, йўқолларинг!— бақирди бемор.

Рафаэль эртаси эрталаб чўққига чиқди-да, ҳамма ёғини йўсин қоплаган ёрда ўтириб олди, у ердан курорт қишлоғидан бу ергача келувчи сўқмоқ барала кўриниб турарди. Йигитнинг кўзи пастда тагин овернлик аёл билан гаплашаётган Ионафанга тушди. Рафаэлниг ниҳоятда нозик бўлиб кетган фаросати хонимнинг бош чайқаш, умидсизлик ишоралари, соддадил аянчли қиёфаси замирида не ётганлигини англаб олаётганди. Сукунатаро шамол уларнинг машъум сўзларини етказиб турарди. Даҳшатга тушган йигит энг баланд чўққилар орасига яширинди ва у ерда то кечга қадар қолиб кетди. Йигит бахтга қарши, ўзига нисбатан пайдо бўлган шафқатсиз ҳамдардлик туфайли онгига чирмашган ҳазин ўйларни миясидан ҳайдаб юборишга ожизлик қиларди. Қўққисдан овернлик аёлнинг ўзи унинг рўпарасида оқшом ғира-ширасидаги кўланкадай намоён бўлди, тасавurning шоирона ўйини туфайли аёлнинг эгнидаги йўл-йўл оқ гулли қора кўйлак Валантенга оппоқ қовурғалари қовжираган арвоҳ бўлиб туюлди.

— Ҳамма ёққа шудринг тушиб бўлди, азиз афандим,— деди у.— Бу ерда ётиб қолсангиз, бошингизга бало орттирасиз. Уйга қайтадиган вақт бўлди. Нам ҳавода нафас олиш яхши эмас, устига-устига, эрталабдан бери туз тотмагансиз.

— Минг лаънат!— қичқириб юборди йигит.— Мени ўз ҳолимга қўйинг, қари жодугар, бўлмаса, бу ердан кетаман! Ҳар куни саҳарлаб гўримга ғишт қалаганингиз ҳам етар энди, жуда бўлмаса, кечкурунлари мени тинч қўйсангиз-чи?

— Ғишт қалаяпсан, деясизми, афандим? Бир ками шу эди, ўзи!.. Ким экан ўзи у, гўрингизга ғишт қалаган? Ҳақ гапни айтганда, хўжам, мен бувамизнинг умрини тилаяпман оллодан, гўрингизга ғишт қалаб нима зарур кепти! Ғишт қалаш эмиш! Ғишт қалашга улгураимиз ҳали.

— Бас қилинг!— деди Рафаэль.

— Қўлимга суяниб олинг, афандим!

— Йўқ!

Бошқаларнинг сизга ачиниши, агар ҳақиқатан ҳам ачинарли аҳволда бўлсангиз, сиз учун энг даҳшатли изтиробдир. Одамларнинг нафрати куч-қувват беради, ана шу ҳис замирида ҳаётингизнинг маънисини кўрасиз, нафратга жа-

юбан қасос туйғусида ёнасиз, лекин улар изҳор этаётган ҳамдардлик бизнинг қўл оёқларимизни боғлаб, қувватимизни янада сўриб олади. Бу — мулойим ёвузликдир, — бу — қалимлик қиёфаси остида зоҳир бўлган нафрат, ёки бўлма-са, таҳқирловчи назокатдир. Рафаэль ўзига нисбатан юз шли чолда — тантанавор, болакайда — қизиқувчан, бекада — хирапашадай ғашга тегувчи, унинг эрида — ғаразли ҳамдардликни кўриб турар, гарчи бу туйғу турли шаклларда намоён бўлса-да, у йигитга ёлғиз бўсағада турган ўлимдан дарак берарди.

Шоир борлиқ заминиди маънос ёки шўхчан шеър ёзар экан, бунга аввало уни қайси образнинг ҳайратга солгани сабабидир, чунки унинг илҳом оғушидаги қалби бошқа оҳангнинг инкор этади ва фақат ёрқин, кўзга ярқ этиб ташланувчи бўёқларнигина қабул қилади. Атрофидагиларнинг ҳамдардлиги Рафаэлниг дилида ҳасрату мусибатдан иборат маънос куй пайдо қилган эди. Табиат билан яқин бўлишни ниёт қилган йигит ҳақиқий туйғуларнинг қанчалик ошкор бўлишини астида хаёлига ҳам келтирмаганди. У гоҳида бирор дарахт тагида ўзининг назарида ёлғиз ўтирганида вужудига елимдай ёпишиб олган ва тинка-мадорини қуритадиган йўтал тутиб қоларкан, бирданига ўтлоқ орасида ёввойилардай бекиниб олган болакайнинг чақнаб турган, оловдай кўзларига нигоҳи тушар, ўзини болаларча қизиқувчанлик билан кузатаётганини сезар эди. Боланинг бу хил қизиқувчанлигида мамнунлик, мазах ҳамда аллақандай кучли, лекин шафқатсиз эътибор ҳам зоҳир эди. Траппчи роҳибларнинг: «Оғайни, ажалинг етди!» — деган ёвуз сўзлари Рафаэль билан бирга яшаётган бу деҳқонларнинг нигоҳларидан ёғилиб тургандай эди; у кўпроқ, ошноларининг соддадил сўзлариданми, ё уларнинг сукут сақлашлариданми, нимадан кўрқинини ажрата олмасди, уларнинг бутун борлиги Валантени ваҳимага соларди. Бир куни эрталаб у атрофида қора кийинган қандайдир одамларнинг айланиб юришганини, зимдан таъқиб этиб кузатишаётганини кўриб қолди. Сўнгра улар ўзларини бу ерга сайр қилгани келган одамлар қилиб кўрсатишиб, бир неча бемаза саволлар билан мурожаат этишди; йигит уларга қисқагина жавоб қилди. Рафаэль булар курортнинг табиби ва руҳонийси эканлигини сизди. Одамларни эҳтимол Ионафан юборган ёки уй эгалари чақиртирган, ёки бўлмаса, шунчаки яқинлашган ажал дараги стаклаб келган бўлиши мумкинлигини фаҳмлади. У ўзининг дафн этилаётганини хаёлига келтириб; руҳонийларнинг тиловатини эшитгандай, шамларни аниқ кўраётгандай бўлди. Шунда ўзи учун бутунлай янги бир ҳаёт кашф этган вақтида бу дабдабали табиатнинг барча гўзалликлари энди қора мотам нардаси аро кўриниб кетди. Қачонлардир унга узоқ ҳаёт ваъда қилган нарсаларнинг бариси эндиликда яқин келиб қолган ўлим

ҳақида дарак берарди. Эртаси кун Рафаэль кузатиб қолаётган уй эгаларининг ҳасрат, надомату ҳамдардликка тўла тилакларини безор бўлгунча тинглаб, Парижга равона бўлди.

У йўлда туни бўйи ухлаб, Бурбонненинг энг хушманзара водийларидан ўтишаётганида уйғонди; обод қишлоқлар ва кўркам манзаралар йигитнинг кўз ўнгидан худди тушидагидай ғизиллаб ўтар эди. Табиат Рафаэлга шафқатсиз киноя қилаётгандай, бор гўзаллигини намоён этмоқдайди. Гоҳо чиройли ўлка бўйлаб иланг-биланг оқиб ётган Алье дарёси ярқираб кўзини олар, гоҳо қўнғир қоялар орасидаги дараларда журъатсизгина қисилиб турган қишлоқ ибодатхонаси томларининг найзалари қуёш нурида ўйнаб қолар, гоҳо бир маромдаги тоқзорлар тугаб, сойлардаги тегирмонлар пайдо бўлар, гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда маҳобатли қасрлар, тоғ ёнбағрига қапишган овуллар, атрофида осмон бўйли тераклар ўсиб ётган йўллар чиқиб қолар эди. Ниҳоят, тилларанг қумлоқлар бағрида олмосдай учқун сачратиб турган бепоеън Луара кўлининг сатҳи ярқираб кўзга ташланди. Рафаэлнинг дилига васваса солувчи нарсалар атрофда тўлиб ётарди. Худди гўдак боладай ўйноқи, қирчиллаган табиат июнь ойига хос завқу шавқ ва эҳтиросини базўр тийганча, беморнинг сўниб бораётган нигоҳларини фалокатли аснода ўзига тортар эди. Йигит фойтун дарчасини бекитди-да, яна уйқуга чўмди. Оқшомга бориб, Кон воҳасидан ўтиб кетишганидан сўнг у шўх мусиқа садоларидан уйғониб кетди ва қаршисида қишлоқ байрами намоён бўлди. Почта бекати майдоннинг шундай ёнгинасида жойлашган эди. Извошчилар отларни алмаштиришгунча, Рафаэль қишлоқ аҳлининг қувноқ ўйинларини, гуллар билан безаниб олишган там-там қизларни, завқланиб ўйнаётган йигитлар ва қиттай-қиттай отиб олишганидан қип-қизариб кетган қари-қартангларни томоша қилиб турди. Кичкинтойлар қувнаб ўйнашар, кампирлар шўхчан кулишганча ўзаро гап сотишарди. Ҳаммаёқда шодиёна шовқин авжига минган, кийим-кечаклару қатор столлар ҳам шодликдан безатилгандай эди. Майдон ва ибодатхона ҳам байрам тусида, гўё томлар, деразалар ва эшиклар ҳам яسانيб олишганга ўхшарди. Барча ўлаётган кишилар каби Рафаэлгаям озгинагина шовқин қаттиқ таъсир этар, у қалбининг тўридаги ҳазин туйғуни босишга ожизлик қиларди. У скрипкаларнинг овозини бўғишни, ўйин-кулгунни тўхтатишни, ҳамма товушларни ўчириш ва бу сурбет байрам аҳлини тарқатиб юборишни нстаб қолди. Рафаэль юраги ўртанганча фойтунга ўтирди. Сўнгра у майдонга яна қайрилиб қараркан, вақтичогликни худди кимдир ҳуркитиб юборгандай, хотин-қизларнинг қочиб кетишаётганини, ўриндиқларнинг ҳувиллаб қолганини кўрди. Оркестр учун ясалган саҳнада ёлғиз биргина кўр музикачи кларнетда чийилдоқ рақс куйини чалишда давом этарди. Бу раққосларсиз куй нағмаси, аргувон

тарихти остида ёлғиз ўзи турган хунук, сочлари патила-патила бўлиб кетган чолнинг турқу-таровати гўё Рафаэлнинг оқилида учқунланган истакнинг хаёлий тарзда вожиб бўлганга ишора эди. Чинакам ёз ёмғири челақлаб қуяр, одатда булутлар электр қувватларига тўлиб кетган дамларда ана шундай ёмғир ерни севалаганча қўққисдан ёғиб беради ва қандай тез бошланган бўлса, худди шундай тез тўхтаб қолади. Буларнинг бариси шу даражада табиий юз бердики, Рафаэль куюннинг оқимтир булутларни қандай учириб олиб кетаётганига бирров қараб қўйди-да, сағри терисини кўздан кечириб қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. У бурчакка қисилиб ўтириб олгач, извош яна йўлида давом этди.

Эртасига Рафаэль ўзининг хонасида, камин олдида ўтирар эди. У жунжикиб кетаётганидан ўтинни кўпроқ ёқишни буюрди. Ионафан хатларни олиб кирди. Мактубларнинг ҳаммаси Полинадан эди. Йигит гўё солиқ йиғувчининг оддий хабарномасини олгандай, шошилмасдан конвертни йиртди-да, биринчи хатни суғуриб ўқий бошлади:

«Бари бир жўнабсан-да! Рафаэль, ахир бу қочоқлик-ку. Сени қаерга кетди, деб суриштирсам, ҳеч ким лом-мим деёлмади. Буни ҳатто мен билмагач, бошқа ким ҳам биларди?»

У давомини ўқишни хоҳламасдан, хатларни совуққонлик билан олди-да, ўтга ташлади. Сўнгра маъносиз ва руҳсиз боққанча оловнинг атир сепилган қоғоз бўйлаб ўрмалашини, варақнинг ўт тафтидан товланиб, қовжирашини, кейин бужмайиб, майда-майда бўлиб кетаётганини кузатиб ўтирди. Чала ёнган парчалар кул устида буралиб ётар, уларда гоҳо жумланинг бошланишини, гоҳо айрим сўзларни, гоҳо давом куйиб улгурган қандайдир фикрларни ўқиб олиш мумкин эди. Рафаэль беихтиёр равишда ҳижжалашга берилиб кетди.

«Рафаэль... эшигинг олдида ўтирганча... кутдим... Инжиқлигинг... итоатдаман... Рақибалар... мен — сираям!... сенинг Полинанг... севаверади... Демак, энди сен Полинани унутмоқчисан?... Мабодо, мenden халос бўлмоқчи бўлсанг, бундай йўқолиб кетмас эдинг... Бир умрлик муҳаббат... Улим...»

Бу сўзлардан йигитнинг виждони ўртаниб кетди-да, оташкуракни олиб, мактубнинг охириги парчасини ўтдан тортиб олди.

«... Мен қайгурдим, Рафаэль, — ёзар эди қиз, — аммо зорланмадим! Сен ҳижрон йўлини танлаш билан шубҳасиз, мени қандайдир бир хатардан асрамоқчи бўлгансан. Балки қачондир сен мени ўлдиришинг мумкин, лекин менга озор етказмайсан, чунки ниҳоятда олижаноб одамсан. Ортиқ бундай қочоқлик қилмагин. Эсингда бўлсин: мен ҳеч қандай азобу уқубатлардан чўчимайман, фақат сен ёнимда бўлсанг бас. Сен менга етказмоқчи бўлган озор — бу озор эмас, ахир қалбим сенга изҳор қилганимдан ҳам зиёда севгига

тўлиб турибди. Мен ҳамма нарсага бардош бераман, фақат сендан олисда қолиб, ҳижронда кўз ёши тўкмасам, фақат сенинг... борлигингни билсам бас...»

Рафаэль чала куйган мактуб парчаларини камин устига қўйди, кейин уларни яна олов қаърига иргитди. Бу бир парча варақ унинг қалбида тошган ўтли муҳаббатнинг ва эндиликдаги маъшум қисматнинг жонли гувоҳи эди.

— Жааноб Бьяншонни чақириб келгин,— деди у Ионафанга.

Орас келганида Рафаэль кўрпага кириб олган эди.

— Дўстим, ҳаммаша мудроқ ҳолатда ётиш учун озгина афъюн қўшиб ичиладиган дори тайёрлаб бера олмайсанми? Мен у дорини ҳамма вақт ичайин, бироқ зарар қилмайдиган бўлсин.

— Бундан осон иш борми,— деди ёш врач, лекин ҳар кун тамадди қилгани бир неча соатга ўрнингдан туришингга тўғри келади.

— Бир неча соатга, дейсанми,— унинг гапини бўлди Рафаэль.— Йўқ, ҳечам, бир соатдан ортиққа туришга мажолим йўқ.

— Мақсадинг нима ўзи?— сўради Бьяншон.

— Ухлаш ҳам, бари бир, яшашнинг бир тури-ку, ахир!— жавоб қилди бемор. Табиб рецепт ёзар экан, у Ионафанга йўл-йўриқ берди:

— Қоровулларга ҳеч кимни, ҳатто Полина де Вичнау хонимни ҳам қабул қилмаслигини айтиб қўй.

Қари хизматкор табибни эшиккача кузатиб қўяркан, ундан сўради:

— Орас афандим, умид қилиб бўлармикин-а, ўзи?

— Эҳтимол ҳали узоқ яшаши ҳам мумкин, балки шу бугун кечқуруноқ адо бўлар. Унинг яшаши ва қаза қилишига бирдай имкони бор. Аниқ бирон нарса дейишим қийин,— жавоб берди табиб ва бошини сарак-сарак қилиб қўйди.— Йўлини топиб, уни бир оз овутиш керак.

— Овутиш, дейсиз! Сиз унинг қандайлигини билмайсиз, афандим. Бир сафар у одам ҳам ўлдирди-ю, лекин заррача сесканмади!.. Ҳеч нарсадан кўнгли тўлмайди.

Бир неча кун мобайнида Рафаэль сунъий уйқудан бош кўтармади. У моддий кучи билан номоддий руҳимизга таъсир этувчи дори ёрдамида тиниқ тасаввурини сақлаган ҳолда баъзи танбал ҳайвонлар ҳолига тушиб қолди, бу аҳволда қарахт бўлиб қолган ҳайвонлар худди сўлиган ўсимликларга ўхшайди ва улар бирон енгил-елпи ўлжани деб ўрнидан қўзғалишга ҳам эринишади. Йигит хонага ҳатто ёруғлик туширишни ҳам ман қилиб қўйди; энди қуёш нурлари уни ортиқ безовта қилмасди. У кечқурун соат саккизларда базўр ўрнидан туриб, ўзи сезиб-сезмай қорнини тўйдирарди-да, тагин ўринга чўзиларди. Ҳаётнинг совуқ ва ғира-шира дақиқа-

лари унинг учун турлича шакл-шамойилсиз қиёфалар, лаҳзалар, оқ-қора манзараларни кўриш билан ўтиб кетарди. Валантен сукунатга ғарқ бўлган, ҳаёти ҳаракату тафаккурдан батамом бегона эди. Бир кун кечқурун у одатдагидан кечроқ уйғонди, лекин таом келтирилмаган эди. У Ионафанни чақирди.

— Бошинг оққан томонга жўнашинг мумкин,— деди у чолга.— Мен сени бадавлат қилдим, пири бадавлат бўлдинг, аммо-лекин менинг ҳаётим билан ўйнашма, бунга асло йўл қўймайман... Ахир итдай очман, ярамас! Овқат қани? Нега миқ этмайсан?

Ионафаннинг чеҳрасида мулойим табассум жилваланди. Қари хизматкор ҳайҳотдай улкан хоналар ичра қўлидаги шамни милтиратганча тагин паришон бўлиб қолган хўжасини йўлак бўйлаб бошлаб кетди. Улар залнинг остонасига стишгач, малай қўққисдан эшикни очиб юборди. Ёруғликдан Рафаэлнинг кўзлари қамшиб, кутилмаган тамошадан ҳангманг бўлиб қолди. Шамларга тўла қандиллардан хона чарогон бўлиб кетган, ҳаммаёққа маркизнинг гулхонасида етиштирилган ранг-баранг гуллар териб қўйилган, тиллаю кумуш, садафу мрамар идиш-товоқлар ярақлаётган стол усти ажойиб бўй таратиб, иштаҳани қитиқловчи шоҳона овқатларга лиқ тўлиб кетган эди. Столнинг атрофида Рафаэлнинг ошна-оғайнилари йиғилишган, йигитларнинг ёнидан гул-гул очилган дилбар хонимлар жой олишган, сочларига гуллар қадалган, нигоҳлари оловдай ёнувчи, оппоқ елкалари ва ярим очиқ сийналарини кўз-кўз қилиб ўтирган, ниҳоятда башанг кийинган бу хонимларнинг ҳаммаси ҳам ўзига яраша гўзал ва кўрганларнинг кўзини олар даражада жозибадор эдилар. Бирисининг бадани ирландларникидай нимча остида тирсиллаб турар, бошқасининг андалузча юбкаси ошиқларнинг нигоҳини ўйнатарди. Манави ярим яланғоч жонон ишқ-муҳаббат маъбудаси Дианамисол ясанган бўлса, анави қалби ишқ ўти-ла тўлиб-тошган бошқа бириси де Лавальер хоним каби оддий кийимда эди. Меҳмонларнинг бариси сармаст эдилар. Ҳаммаларининг нигоҳларидан қувонч, ишқ-муҳаббат ва ҳузур-ҳаловат ёгилиб турарди. Эшикда мурдаларникидай сўник юзли Рафаэль пайдо бўлиши билан бу кутилмаган байрамнинг ўткир чироқлари каби тантанавор олқиш овозлари янгради. Бу овозлар, хушбўй ҳидлар, ёғду, гўзал хонимларнинг чеҳраси йигитга таъсир қилиб, унинг қалбида яшаш иштиёқини уйғотгандай бўлди. Ғалати хаёлларнинг ниҳояси каби қўшни меҳмонхонадан ажойиб мусиқа садолари янграб, бу завқли шодиёгани босиб кетди. Рафаэль нозик бир аёл қўлчаларининг силаётганини сезиб қолди; бу Акилина эди; бу дилбар ҳатто уни ўзининг сутдай оппоқ қўллари-ла оғушига тортмоққа ҳам тайёр эди. Шунда бу манзара ғира-шира тушларида кечадиган хаёлий сиймо-

тўлиб турибди. Мен ҳамма нарсага бардош бераман, фақат сендан олисда қолиб, ҳижронда кўз ёши тўкмасам, фақат сенинг... борлигингни билсам бас...»

Рафаэль чала куйган мактуб парчаларини камин устига қўйди, кейин уларни яна олов қаърига иргитди. Бу бир парча варақ унинг қалбидан тошган ўтли муҳаббатнинг ва эндиликдаги машғум қисматининг жонли гувоҳи эди.

— Жапон Бьяншонни чақириб келгин,— деди у Ионафанга.

Орас келганида Рафаэль кўрпага кириб олган эди.

— Дўстим, ҳаммиша мудроқ ҳолатда ётиш учун озгина афъюн қўшиб ичиладиган дори тайёрлаб бера олмайсанми? Мен у дорини ҳамма вақт ичайин, бироқ зарар қилмайдиган бўлсин.

— Бундан осон иш борми,— деди ёш врач, лекин ҳар кунни тамадди қилгани бир неча соатга ўрнингдан туришинга тўғри келади.

— Бир неча соатга, дейсанми,— унинг гапини бўлди Рафаэль.— Йўқ, ҳечам, бир соатдан ортиққа туришга мажолим йўқ.

— Мақсадинг нима ўзи?— сўради Бьяншон.

— Ухлаш ҳам, бари бир, яшашнинг бир тури-ку, ахир!— жавоб қилди бемор. Табиб рецепт ёзар экан, у Ионафанга йўл-йўриқ берди.

— Қоровулларга ҳеч кимни, ҳатто Полина де Вичнау хонимни ҳам қабул қилмаслигини айтиб қўй.

Қари хизматкор табибни эшиккача кузатиб қўяркан, ундан сўради:

— Орас афандим, умид қилиб бўлармикин-а, ўзи?

— Эҳтимол ҳали узоқ яшаши ҳам мумкин, балки шу бугун кечқуруноқ адо бўлар. Унинг яшаши ва қазо қилишига бирдай имкони бор. Аниқ бирон нарса дейишим қийин,— жавоб берди табиб ва бошини сарак-сарак қилиб қўйди.— Йўлини топиб, уни бир оз овутиш керак.

— Овутиш, дейсиз! Сиз унинг қандайлигини билмайсиз, афандим. Бир сафар у одам ҳам ўлдирди-ю, лекин заррача сесканмади!.. Ҳеч нарсадан кўнгли тўлмайди.

Бир неча кун мобайнида Рафаэль сунъий уйқудан бош кўтармади. У моддий кучи билан номоддий руҳимизга таъсир этувчи дори ёрдамида тиниқ тасаввурини сақлаган ҳолда баъзи танбал ҳайвонлар ҳолига тушиб қолди, бу аҳволда карахт бўлиб қолган ҳайвонлар худди сўлиган ўсимликларга ўхшайди ва улар бирон енгил-елпи ўлжани деб ўрнидан қўзғалишга ҳам эринишади. Йигит хонага ҳатто ёруғлик туширишни ҳам ман қилиб қўйди; энди қуёш нурлари уни ортиқ безовта қилмасди. У кечқурун соат саккизларда базўр ўрнидан туриб, ўзи сезиб-сезмай қорнини тўйдирарди-да, тагин ўринга чўзиларди. Ҳаётнинг совуқ ва гира-шира дақиқа-

лари унинг учун турлича шакл-шамойилсиз қиёфалар, лаҳзалар, оқ-қора манзараларни кўриш билан ўтиб кетарди. Валантен сукунатга гарқ бўлган, ҳаёти ҳаракату тафаккурдан батамом бегона эди. Бир куни кечқурун у одатдагидан кечроқ уйғонди, лекин таом келтирилмаган эди. У Ионафанни чақирди.

— Бошинг оққан томонга жўнашинг мумкин,— деди у чолга.— Мен сени бадавлат қилдим, пири бадавлат бўлдинг, аммо-лекин менинг ҳаётим билан ўйнашма, бунга асло йўл қўймайман... Ахир итдай очман, ярамас! Овқат қани? Нега миқ этмайсан?

Ионафаннинг чеҳрасида мулойим табассум жилваланди. Қари хизматкор ҳайҳотдай улкан хоналар ичра қўлидаги шамни милтиратганча тагин паршон бўлиб қолган хўжасини йўлак бўйлаб бошлаб кетди. Улар залнинг остонасига етишгач, малай қўққисдан эшикни очиб юборди. Еруғликдан Рафаэлнинг кўзлари қамашиб, кутилмаган тамошадан ҳангманг бўлиб қолди. Шамларга тўла қандиллардан хона чарогон бўлиб кетган, ҳаммаёққа маркизнинг гулхонасида етиштирилган ранг-баранг гуллар териб қўйилган, тиллаю кумуш, садафу мрамар идиш-товоқлар ярақлаётган стол усти ажойиб бўй таратиб, иштаҳани қитиқловчи шоҳона овқатларга лиқ тўлиб кетган эди. Столнинг атрофида Рафаэлнинг ошна-оғайнилари йиғилишган, йигитларнинг ёнидан гул-гул очилган дилбар хонимлар жой олишган, сочларига гуллар қадалган, нигоҳлари оловдай ёнувчи, оппоқ елкалари ва ярим очик сийналарини кўз-кўз қилиб ўтирган, ниҳоятда башанг кийинган бу хонимларнинг ҳаммаси ҳам ўзига яраша гўзал ва кўрганларнинг кўзини олар даражада жозибадор эдилар. Бирисининг бадани ирландларникидай нимча остида тирсиллаб турар, бошқасининг андалузча юбкаси ошиқларнинг нигоҳини ўйнатарди. Манави ярим яланғоч жонон ишқ-муҳаббат маъбудаси Дианамисол ясанган бўлса, анави қалби ишқ ўти-ла тўлиб-тошган бошқа бириси де Лавальер хоним каби оддий кийимда эди. Меҳмонларнинг бариси сармаст эдилар. Ҳаммаларининг нигоҳларидан қувонч, ишқ-муҳаббат ва ҳузур-ҳаловат ёғилиб турарди. Эшикда мурдаларникидай сўник юзли Рафаэль пайдо бўлиши билан бу кутилмаган байрамнинг ўткир чироқлари каби тантанавор олқиш овозлари янгради. Бу овозлар, хушбўй ҳидлар, ёғду, гўзал хонимларнинг чеҳраси йигитга таъсир қилиб, унинг қалбидан яшаш иштиёқини уйғотгандай бўлди. Ҳалати хаёлларнинг ниҳояси каби қўшни меҳмонхонадан ажойиб мусиқа садолари янграб, бу завқли шодиёнани босиб кетди. Рафаэль нозик бир аёл қўлчаларининг силаётганини сезиб қолди; бу Акилина эди; бу дилбар ҳатто уни ўзининг сутдай оппоқ қўллари-ла оғушига тортмоққа ҳам тайёр эди. Шунда бу манзара гира-шира тушларида кечадиган хаёлий сиймо-

лар эмаслиги лоп этиб йигитнинг мясига урди-да, у ёввойиларча чинқириб юбориб, эшикни тарақлатиб ёпиб қўйди ва марҳаматли қари хизматкорининг афтига тарсаки тортворди.

— Ифлос! Мендан тезроқ қутулмоқчи бўлибсан-да — бақирди у.

Сўнгра йигит ҳозиргина қандай хавф-хатарга учраганини ўйлаб, дағ-дағ қалтираганча, базўр ётоғига етиб олди-да, уйку дорисидан янада кўпроқ ичиб, ўрнига кирди.

«...Нима бало бўлди!— ўзига келгач ўйга толди Ионафан.— Ахир жаноб Бьяншон албатта овутиш керак деганди-ку».

Тун яримлаб қолганди. Бу дам уйқудаги Рафаэлнинг чеҳраси гул-гул очилиб кетган, инсон табиатидаги мўъжизалардан бири содир бўлмоқдайди. Оппоқ юзларининг қип-қизариб кетган яноқлари кўзга ташланарди. Одатда бундай ҳолат табиқларни лолу ҳайрон қолдиради. Унинг қизларни-кидай нозик пешанасида буюклик акс этарди. Йигитнинг худди онасининг бағрида бўлган ётган гўдакникидай тинч ва осойишта қиёфасидан ҳаёт уфуриб турарди. У соғлом ва қаттиқ уйқуда ётар, қирмизи лабларидан бир текисда тоза нафас чиқар, хаёлида аллақандай ажойиб ҳаёт кечираётгандай жилмайиб ётарди. Эҳтимол, у ўзини юз ёшга етган қария ҳолида, унга узоқ ёш тилаётган набиралари даврасида кўраётгандир. Балки тушида ўзининг бутоқлар соясидаги оддий курсида офтобда тобланиб ўтирганини, нурли олислардаги орзули маконини тоғлар тепасидан пайғамбармисол томоша қилаётганини кўраётгандир!..

— Хайрият-э!

Қимнингдир кумушдай жаранглаган овози унинг тушларидаги туманли қиёфаларни тарқатиб юборди. Рафаэль чироқ ёруғида ёнида Полинасининг ўтирганини кўрди; қиз ҳижронли ва ғамли кунларда янада очилиб кетган эди. Рафаэлни қизнинг узун қоп-қора зулфлари ичида гулгунлашиб кетган, сув нилуфарининг гулбарги каби оппоқ чеҳраси ҳайратга солди. Қизнинг кўз ёшлари икки чаккасидан йилтиллаб оқар, гўё у салгина қимирласа, ёшлар пастга думалаб кетадигандай эди. Бошдан-оёқ оппоқ кийинган, бошини қуйи қсилтириб, тўшакка енгилгина кўниб ўтирган Полина кўкдан пайдо бўлган парига, шундай «пуф» деса учиб, кўздан йўқолиб кетадиган руҳга ўхшар эди.

— Оҳ, мен аразларимни унутдим!— хитоб қилди қиз Рафаэль кўзини очгач.— Сенга фақат бир нарсани айтишим мумкин — мен сеникиман! Ҳа, юрагим ишқу муҳаббатга тўлиб кетган. Фариштам, сен ҳеч қачон ҳозиргидай жозибатор бўлмаган эдинг! Кўзларинг чарақлаб турибди... Лекин ҳаммасини тушуниб тирибман, ҳаммасини! Сен менсиз соғаймоқчи бўлдинг, мендан чўчидинг... Иложим қанча...

— Кет, кет! Мени холи қолдир!— ниҳоят бўғилиб, овоз чиқарди Рафаэль.— Илтмос, кетгин! Агар шу ерда қолади-ган бўлсанг, мен ҳалок бўламан. Сен менинг ўлишимни истайсанми?

— Улишингни?— саволга савол билан жавоб қилди аёл.— Ҳали сен менсиз ўласанми? Улиш-а? Ахир, ҳали жуда ҳам ёшсан-ку! Улим? Ахир, мен сени севаман-ку! Улим!— яна бир марта дил-дилидан такрорлади у ва беихтиёр йигитнинг қўлларига ёпишиб олди.— Қўлларинг совуқ!— деди у.— Ёки менга шундай туюляптими?

Рафаэль ёстиғи остидан товут ўтининг баргидай ингичка бўлиб қолган сағри терисининг парчасини суғуриб олди ва уни кўрсатиб, хитоб қилди:

— Полинам, ажойиб ҳаётимнинг ажойиб гунчаси, бир-биримиз билан видолашиш фурсати етди!

— Видолашиш?!— қайтарди Полина ҳайрат ичида.

— Ҳа. Мана, менинг тилакларимни бажо келтирадиган ва умримнинг қай тарзда қисқариб бораётганини кўрсатиб турадиган туморим. Мана, менга яна қанча яшаш насиб этишини кўр. Менга яна бир мартагина боқсанг, кейин оламдан ўтсам ҳам майли.

Полина Валантенни ақлдан озибди, деб ўйлади. У туморни кўлига олди ва чироққа яқинлаштирди. Рафаэлга ва туморга тушиб турган жимирлаган ёруғликда маҳбубининг чеҳрасини ва сеҳрли тери қолдигини жиддий диққат билан кўздан кечирди. Оташин муҳаббат ва даҳшат ўтида қоврилаган Полинанинг нақадар сулувлгини кўрган Рафаэль ўзини тутиб туrolмади: нозик эркалашлар, завқу шавқ туғғени ҳақидаги хотиралар йигитнинг мудроқ қалбида қайта жонланди ва ўчоқдаги кул босган чўғнинг ўт олгани каби, гурлаб ёниб кетди.

— Полина, берироқ кел!.. Полина!

Қизнинг кўксидан даҳшатли қичқирдиқ отилиб чиқди, кўзлари олайиб, изтироб-ла чимирилган қошлари кўркүвдан пирпираб кетди. Рафаэлнинг нигоҳларида бир пайтлар қизга қанчалар ғурур бахш этадиган шиддатли тилак акс этарди. Лекин Рафаэлнинг нигоҳларидаги ўт қанчалик оловлана боргани сари сағри терисининг қийқими ҳам қизнинг кафтини қитиқлаб, шунчалик бужмайиб борарди! Полина қўшни хонага ўқдай отилиб чиқиб олди-да, эшикни ёпди.

— Полина! Полина!— қичқирарди жон бераётган йигит келин орқасидан чопганча.— Мен сени севаман, жонимдан яхши кўраман, сен билан бўлишни истайман!.. Сенинг қучоғингда ўлишни хоҳлайман! Эшикни очмасанг лаънат дейман!

Йигит ҳаётининг энг сўнгги тўлқини — ғайритабиий куч билан эшикни синдириб ташлади ва маҳбубасининг диванда ярим яланғоч чангак бўлиб ётганини кўрди. Кўкрагини тил-

ка-пора қилгани роса уринган Полина ўзини тезроқ ўлдирмоқ учун охири рўмоли билан ўзини бўғишга ўтган эди.

— Мен ўлсам, у тирик қолади!— дерди Полина бўйнига ўралган рўмолни қиснишга қаттиқ уринаркан.

Аёл сочлари түзгига, елкалари очилиб, кўйлагининг тугмалари бўшаб кетганди. Еноқлари ял-ял ёниб, зор-зор йиғлаганча изтироб ва аламдан илондай тўлғаниб, ўлим билан олишаётган аёлниң шиддати шавқ ўтидан маст Рафаэлни қутуртириб юборди ва йиғит йиртқич қуш каби ўзини қизга томон отиб, рўмолни пора-пора қилди-да, севгилисини қаттиқ бағрига босди.

Ўлим билан юзма-юз келган Рафаэль бутун қувватини сўриб олаётган тилагини изҳор қилмоқ учун сўз қидирди-ю, лекин унинг нафаси қайтиб, кўксидан бўғиқ хириллаш эшитилди, холос, Ниҳоят, биронта ортиқча сўз айтишга мадори қолмаган йиғит тишини Полинанинг сийнасига ботирди. Қулоғига чалинган бақирқиқлардан қўрқиб кетган Ионафан ҳозир бўлди ва уйнинг бурчагида йиғитни маҳкам қучоқлаб турган аёлни мурдадан тортиб олишга уринди.

— Сизга нима керак?— дод солди аёл.— У меники, уни мен ҳалок қилдим, ахир мен худди шундай бўлишини айтмаганмидим!

ХОТИМА

— Полинанинг тақдири нима бўлди?

— Полинанингми? Мана, эшитинг. Сиз ҳеч қачон осойишта қиш оқшомида оила билан ўчоқ олдида ўтирганча оловнинг эман тарашани қандай ямлаётганини томоша қилиб, муҳаббат ёки ёшлик ҳақидаги хотираларга берилганмисиз? Ёнаётган ёғочда шахмат тахтасининг қизил катаклари ҳосил бўлади, бериқоқда эса, тараша баҳмалдай товланади, олов сатҳида кўкиш шуълалар чопқиллашиб ўйнашиб, сакрашади. Бир пайт номаълум рассом пайдо бўлади-да, у шу ёлқиннинг бўёқларидан фойдаланиб, сўз билан ифодалаш қийин бўлган санъаткорлик-ла қирмизи ва бинафшаранг шуълалар қўйнида қандайдир илоҳий гўзаликка, мислсиз назокатга бой аёл қиёфасини чиза бошлайди. Бу бир дақиқа ичида содир бўладиган, кейин асло такрорланмайдиган манзарадир: аёлнинг сочлари шамолда ўйнаб, чеҳрасида завқу шавқ барқ уради: гўё олов ичра оловдай! У жилмайиб, табассум ҳадя қилади-да, пинҳон бўлади. Алвидо, алангада ёниб очилган, эй гул! Алвидо, камолига етмаган ҳодиса, сенга мангулик насиб этмади, сен ҳаддан зиёд эрта, ё ҳаддан зиёд кеч келганинг учун гўзал олмос бўлиб чарақлай олмадинг!

— Полина-чи, унга нима бўлди?

— Ҳали ҳеч нарсани тушунмадингизми? Унда мен яна қайтадан бошлайман. Ўзларингизни сал четроқ олинглар, четроқ! Мана у орзулар гултожи бўлмиш аёл, бўса каби бир зумлик лаззат, яшиндай оловли ҳаёт, чақмоқдай ўтга солувчи бир паризод, бор вужуди руҳият, бор вужуди муҳаббатга йўғрилган! У қандайдир бир алангали вужудга айланган, ёки унинг ишқида ёнган аланга бир зумга руҳланиб қолган! Унинг чеҳраси айни малакларникидай пок ва ибонли. У ҳақиқатан ҳам фариштадай гулгун ёнади. Сиз унинг қанотлари ҳавода шалдирашини эшитмаянсизми? У ёнингизга келиб қушдан-да енгилроқ қўнади ва хавотирли нигоҳлари фикру ёдингизни тамоман асир қилади. Унинг тинч, лекин қудратли нафаси сеҳрли куч билан дудоқларингизни ўзига тортиб туради. У кетишга шайданаркан, сизни ўз ортидан эргаштиради, шунда сиз қанот пайдо қилгандай ҳис этасиз ўзингизни. Сиз ҳеч бўлмаганда бирон марта ҳаяжондан қалтираган кўлларингизни сутдай оппоқ бу вужудга тегизишни, унинг тилларанг сочларини силашни, порлаб турган кўзларидан бўсалар олишни орзу қиласиз. Сизни туман маст қилиб қўяди, сеҳрли мусиқа хаёлингизни ўғирлайди. Бутун вужудингиз титраб-қалтирайди, бор-йўғингиз — улғу бир тилакка, улкан бир изтиробга айланиб қоласиз. О, кулиб боқмаган бахт! Лабларингиз у аёлниң дудоқларига ёпишади, лекин сиз даҳшатли огриқдан сесканиб кетасиз! Оҳ! Бошингизни каравотнинг четига уриб олган бўласиз, тўқ қизил ёғочни, совуқ зарҳални, бронзани ёки мис маъбудани ўпаётган бўласиз.

— Полина-чи, Полина қани?

— Ҳалиям етарлимасми? Бўлмасам, тингланг. Ажойиб тонглардан бирида Тур шаҳридан чиқиб кетаётган «Анжер» кемасида бир йиғит чиройли хоним билан қўл ушлашиб турарди. Улар Луаранинг кенг сатҳи узра худди сув ва қуёш фарзанди сингари ёки бўлмаса, булутлар ва ҳавонинг фаройиботи сингари туман орасида кўққисдан пайдо бўлган оппоқ шарпани томоша қилиб туришарди. Бу енгил шарпа ҳавода гоҳ малак бўлиб, гоҳ пари бўлиб жилваланарди. Одатда сиз излаётган сўз хаёлда ана шундай кезиб, яшириниб юради-ю, лекин уни топиб бўлмайди. Шарпа ороллар ўртасида кўчиб юради, у баланд терак новдаларининг орқасига беркиниб, имлаб қўяди, кейин аёлнинг сурати каттариб борарди ва шунда унинг атрофи ярақлаб кетади, эҳтимол, бу — аёл чеҳраси теварагида қуёш шуъласи ҳосил қилаётган гардиш изларидир. Шарпа кичик қишлоқлар, водийлар устида парвоз этади, гўё у кеманинг Юссе қальъаси ёнидан ўтишига йўл қўймайдигандай бўлиб туюлади. Бу манзарага қараб, балки у Антуан де ла Саль тасвирлаган хонимнинг арвоқидир, у ўз мамлакатини замон истилосидан ҳимоя этмоқчи бўлаётгандир, деб ўйлайди одам гоҳида.

— Майли, хўп англадим, бу Полина бўлса керак, Феодора-чи, у қаёқда?

— О! Феодорами! У билан сиз ҳали учрашиб қоласиз... Кеча у Италиялар театрида бўлган, бугун Операга боради, уни ҳаммаёқдан топасиз. Агар таъбир жоиз бўлса, Феодора — жамиятнинг ўзи!

Париж, 1830—1831 йиллар

ИЗОҲЛАР

САҒРИ ТЕРИ ТИЛСИМИ

Романнинг биринчи нашри Парижда 1831 йилнинг август ойида муаллифнинг кириш сўзи билан икки китобда босилиб чиққан. Бальзак «Сағри тери»дан айрим парчаларни вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилган. 1830 йилнинг декабрида «Карикатура» журналида қиморхона саҳласи (романнинг бошланиши) «Сўнгги наполеондор» номи билан чоп этилди. Бальзак ҳаётлигида «Сағри тери» етти марта нашр этилган. «Ревью де Дё Монд» журналининг 1831 йил май сонида «Базм» («Сағри тери»нинг биринчи қисмидан, Тайфер уйидаги зиёфат) парчаси босилди. «Ревью де Пари» газетасининг 1831 йил 27 май сонида романдан «Шоирнинг ўз жонига қасди» парчаси эълон қилинди.

Автор «Сағри тери» романини 1845 йилда «Инсоният комедияси» («Фалсафий этюдлар») биринчи нашрининг XIV томига киритди.

Бальзак кўнглида «Сағри тери»ни ёзиш нияти аста-секин пайдо бўлган. Асарни ёзиш нияти қандай туғилганлигини ёзувчининг кундалик дафтарларидан билса бўлади. Дафтардаги ilk ёзувлар: «Ҳаёт тимсоли бўлган терини кашф этиш». Иккинчи ёзув, «Фалсафий эртаклар учун. Биринчидан, сағри тери. Инсон ҳаётининг тоза ва оддий ифодаси, чунки у ҳаёт, чунки у механизм. Инсон ҳаёти машинасининг аниқ формуласи. Хуллас, якка вужуд тасвирланади, лекин ҳаётни қилиб; мавҳум эмас». Сўнг Бальзак асарнинг фалсафий заминини қуйидагича ифодалайди: «Бу асар (фалсафий эртак) ҳозирги асримиз, ҳаётимиз, худбинлигимизнинг формуласи бўлиб қолади».

Бальзак асарига ўзига хос тасвирий эпиграфни илова қилган. Бу эпиграф XVIII аср ёзувчиси Л. Стерннинг «Трестрам Шенди, жентельменнинг ҳаёти ва мулоҳазалари» романидан олинган. Стерн романи қаҳрамонларидан бири, кайрал Трим хассасининг учи билан худди шундай тўлқинсимон

(фақат тикка) шаклни чизади. Бу билан у инсон ҳаёти ҳақидаги мулоҳазасини билдиради.

«Сағри тери» ҳақида «Карикатура» журналида Александр Б. имзоси билан босилган биринчи тақризда эпиграф бундай талқин этилади: «Романда инсон ҳаёти илондай эгри-бугри, тўлқинли, иланг-биланг чизиқдан иборат драмага қиёс қилинади, зотан, унинг эгриликларидан қочмаслик керак; асарнинг қойилмақом эпиграфи шуни англатади».

Жанр жиҳатидан «Сағри тери» Бальзакнинг фалсафий романларига кирди. Ёзувчининг фалсафий романлари, қиссалари ва ҳикоялари туркуми шу асар билан бошланади. Бальзак замондоши бўлган танқидчи Ф. Шаль ҳаққоний кўрсатишча, адиб «Сағри тери»да «янги давр фантастикаси»ни кашф этган. Чиндан ҳам Бальзак асарда ёш шойр тақдирини кўрсатиш орқали буржуа воқелигининг ақлга мувофиқ эмаслигини, эҳтиросларнинг ғаройиблиги ва шафқатсизлигини, кундалик турмуш пўчоғи остидаги даҳшатни, фожеани очиб кўрсатади.

«Сағри тери»да Бальзак буржуа жамиятидаги асосий зиддиятларни очишга интилади: у, меҳнатнинг таги роҳат эмаслигини кўрсатишга интилади. Бир ёқда ғариб, қашшоқ турмуш қондирилмаган истаклар; бошқа ёқда инсон шахсиятини вайрон қилувчи айш-ишрат, шахват кетидан қувиш.

Сағри тери романда шахснинг манманларча тилак-истакларини қондириш йўлида ҳалокатга учрашининг тимсоли бўлиб кўринади. «Тилак — бизни куйдиради, имкон эса — хароб қилади» дейди Рафаэлга кекса антикварь. Тилак, эҳтирослардан ўзини тийиш ҳам, айш-ишратга муккадан кетиш ҳам одам учун ҳалокатлидир.

Буюк асарлар яратиб, Парижни забт этишни орзу қилган камбағал шоирнинг ҳаёт йўлини тасвирлар экан, Бальзак муайян даражада ўзининг ёшлик йилларини эслайди. Асарда ёзувчининг Ледигьер кўчасидаги болаҳонада — ҳужрада кечирган очив-тўқин турмуши, дадил ижодий режалари, меҳнати ўз аксини топган.

«Сағри тери» асирида тилга олинган кўпгина муаммолар ва мавзулар Бальзакнинг кейинги романларида янада ривожлантирилди. Чунончи, адиб «Ушалмаган орзулар», «Куртизанкаларнинг дабдабасию ғариблиги» романларида шойр тақдири мавзуга мурожаат қилади. Киборлар жамиятининг вакили, меҳнат қилмай, айш-ишратда яшаш фалсафасини тарғиб қилувчи Растиньяк дўсти Рафаэлнинг тақдирига катта таъсир кўрсатади. Кейинчалик, Растиньяк «Инсоният комедияси»нинг асосий қаҳрамонларидан бирига айланади; «Горио ота» романида, «Ўзи билмас масхарабозлар» ҳикоясида, «Куртизанкаларнинг дабдабасию ғариблиги» романида ва бошқа бир қатор асарларида ҳаракат қилади. Сағри тери»да, айш-ишрат саҳнасида «Инсоният комедияси»нинг

асосий қаҳрамонларидан яна бири «Олтнчиларга чўмилиувчи қотил» банкир Тайфер пайдо бўлади. («Қизил мусофирхона», «Горио ота» асарларини қаранг.).

Бальзак «Сағри тери»да қўллаган бадний усуллар: муболаға, бўёқларни қуюқлаштириш, образни кескинлаштириш йўли билан катта умумлашмалар чиқариш унинг индивидуаллаш санъати билан, ёрқин ҳаётий деталларни тасвирлаш маҳорати билан бириктириб кетиши адибнинг кейинги асарларида асосий ижодий метод сифатида янада тўлақонли ривожини топди.

Асар ўзбекчада «Сағри тери тилсими» деб олинди.

Савари, Феликс — француз астрономи ва математиги, Бальзакнинг дўсти.

Гуассакоалько — Мексикадаги дарё; унинг соҳилида сурғунга юборилганларнинг колониялари жойлашган эди.

Дарсе, Жан — француз химиги (1725—1801) у хайрсадақа идораларида енгил овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиш мақсадида суякдан елим олиш усулини ўйлаб топган.

Трант-э-карант (ўттиз ва қирқ) — шу номли қарта ўйинида ютуқли холлар сони.

Савояр (савойялик) — жанубий Франциянинг департаментларидан бири. Савоядан чиққан шахс; саёқ созанда бола.

Калибан — Шекспирнинг «Бўрон» драмасидаги ярим одам — ярим махлуқ; «замин руҳи» сифатидаги хаёлий персонаж.

Сезострис — эрамиздан аввалги XIII асрда яшаб ўтган мисрлик фиръавн Рамзес II назарда тутилган.

Писарро, Франсиско (1475—1541) — Перуни истило этган у босиб олган жойларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган шафқатсизликларни амалга оширган. *Руйиш* — анатомиячи голланд олими.

Лара — Байроннинг шу номли поэмаси қаҳрамони.

Вотива қалқонлари — қадимги римликлар душман устидан қозонилган ғалаба шарафига қасрлар деворига ялиб қўядиган қалқонлар.

Қадм — қадимги грекларнинг Фива шаҳрига асос солган афсонавий шахс; афсонага қараганда, бу шаҳарнинг илк аҳолиси Қадм яқсон этган аждарнинг тишларидан ўсиб чиққан.

Курул курсиси — Римнинг олий бошлиқлари: консуллар, преторлар ва бошқаларнинг ўз вазибаларини бажариш чоғида ўтиришган амал курсилари.

...**француз даҳрийларининг пири**... — Бальзак, диндор жаҳлатпарастлар ва хурофотчи руҳонийлар билан тинмай курашган француз ёзувчиси, файласуф — маърифатпарвари Вольтерни (1694—1778) шундай атаган.

Гей-Люссак, Жозеф — Луи (1778—1850) — француз физиги ва химиги, у кашф қилган қонунлар шу фанларнинг тараққийси, материалистик дунёқарашнинг равнақ топиши учун катта аҳамият касб этган.

Араго, Доминик-Франсуа (1786—1853) — астрономия, оптика, электр магнитланиши, метеорология ва бошқа соҳаларда улкан кашфиётлар очган француз физиги, астрономи ва сиёсий арбоби.

...Мен регентнинг бадахлоқ саройини кўрдим. — Людовик XV нинг балоғатга етмаган йилларида (1715 йилдан 1722 йилгача) регентлик қилган Орлеанлик Филиппнинг саройи кўзда тутилган.

Сведенборг, Эммануэль (1688—1772) — қатор диний-мистик асарлар яратган швециялик адиб.

Леонарда — француз ёзувчиси Лесажнинг (1668—1747) «Жиль Блаз» романидаги ошпаз қиз персонажи.

...бюджет... Сен-Жермен гарафлардан Шоссе — д'Антенга кўчиб ўтди. — Яъни, бюджетни энди киборлар эмас, буржуазия бошқаради (Сен-Жермен атрофи — Париждаги оқсуяклар истиқомат қиладиган маҳалла; Шоссе — д'Антен эса асосан йирик буржуазия вакиллари яшаган кўча).

Фуқаро қирол — француз буржуа доиралари томонидан қирол Луи — Филиппга берилган лақаб, қирол ана шу доираларнинг гумаштаси эди.

Криспин — эски итальян комедиялари, Реньяр (1655—1709) ва Лесаж комедияларидаги олчоқ муттаҳам малай тоифаси.

«Қизил қароқчи» — америкалик адиб Ф. Купернинг 1828 йилда эълон қилинган романи.

Ботани-Бэй (Ботаника кўрфази) — Австралиядаги кўрфаз, инглиз ҳукумати 1787 йилда унинг соҳилларида сургун қилинганлар колониясига асос солди.

Мэтр Алькофрибас — Алькофрибас Назье — XVI асрда яшаган француз сатирик ёзувчиси Франсуа Рабле номининг ҳарф ўйини, у «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романида ўзини шундай атайди.

...суҳбат вазиятини азот билан тўйдириш... — яъни, суҳбат тарзини сушт ва зерикарли қилиб юбориш (химик элементнинг номи бўлмиш грекча «азот» сўзи «жонсиз» демакдир).

...Людовик XVIII нинг ёлғони: бирлашиш ва гиналарни унутиш. — Людовик XVIII подшоҳликка ўтиргач, эълон қилган шиор (бутун француз миллатининг бирлашуви ва ички низоларнинг унутилиши) аслида ёлғон бўлиб чиқди, яъни Реставрация — Тикланишнинг илк кунлариданоқ Бурбонларнинг рақиблари шафқатсиз қувғинга дучор бўлишди.

Боссюэ, Жак-Бенинь (1627—1704) — Француз руҳоний, қатор тарихий ва диний-илоҳий асарларнинг муаллифи.

Балланшчи — француз публицисти, файласуф — мистиги Балланшнинг (1776—1847) маслакдоши, Балланш тараққиёт

нўлини христианларча диний-мистик идеалларнинг амалга оширилишида деб билган.

Карлчи — 1830 йилги инқилоб натижасида тахтдан туширилган француз қироли Карл X нинг мухлиси.

Лафайет, Мари Жозеф-Поль (1757—1834) — Америка халқининг озодлик уруши қатнашчиси сифатида донг таратган француз сиёсий арбоби. 1789 йилда Бош штатларга сайланган, лекин кейинчалик, халқ оммаларининг активлигидан чўчиб, аксилинқилобий доиралар билан яқинлашган ва 1791 йилнинг 17 июлида халқ намоийшини ўққа тутиш ишига раҳбарлик қилган. 1830 йилда Луи-Филиппнинг тахтда тикланишига ёрдам берган.

«Богемия қироли ва унинг етти қасри тарихи» — XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган француз романтик адиби Шарль Нодьеннинг асари.

...Ревю де Дё-Монд»ни тасвирларкан... — «Ревю де Дё Монд» журналининг муҳаррири Бюлоз ғилайкўз бўлган.

Биша, Франсуа (1771—1802) — франциз олими, физиолог — врач.

Оссиан — шотландларнинг афсонавий қўшиқчиси, шоир Макферсон 1765 йилда ўзининг эпик достон ва қўшиқлар тўпламини унинг номидан нашр этган.

Карраччи, Аннибал (1560—1609) — итальян рассоми. «Қутқарилган Венеция» — инглиз драматурги Томас Отвейнинг (1651—1685) фожеаси.

Ларошеллик жасур йигитлар — Ла-Рошелда хизмат қилган Бори, Губен, Помье ва Рау деган тўртта сержант, улар 1822 йилда қўшинлардаги республикачилар фитнасининг қатнашчилари сифатида қатл этилган.

Мильтоннинг пандемониуми — инглиз шоири Мильтоннинг (1608—1674) «Иўқотилган жаннат» поэмасидаги иблислар — ёвуз руҳларнинг макони.

Пиррон — қадимги грек гумончи файласуфи (эраמידан олдинги 360—270 йиллар).

Буриданнинг эшаги. — XIV асрда яшаган француз ақидапараст олими Буридан ирода эркинлиги ёлғонлигининг исботи сифатида эшакни бир хил иккита пичан гарами ўртасига қўйилса, албатта очликдан ўлиши, яъни ҳар иккала уюм ҳам уни ўзига бирдай тортиши ҳақида ганирган. Бу образ қатъиятсиз ва мужмал кишиларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Дамьен, Робер-Франсуа. — Людовик XV га қарши уюштирган суиқасди учун 1757 йилда тўрт пора қилинган. Кўрганларнинг айтишига қараганда, у қатл пайтида жаллодлар то қўл ва оёқларининг пайларини қирқиб ташлашамагунича тўртта отни тутиб турган.

Виллель — XIX асрнинг 20-йилларида Францияда мистиклар мажлисининг раиси, ультрароялистларнинг гумаштаси бўлган.

Марселина — Фигаронинг онаси, Бомаршенинг «Фигаронинг уйланиши» комедиясидаги персонаж.

Санъатлар кўприги — пиёдалар учун мўлжалланган кўприк, ундан ўтиш учун бир судан ҳақ тўланган.

«Кўрғошин камералар» — Венециядаги дождлар саройининг томи остидаги турма камералари, маъбусларнинг иссиқдан азоб чекишлари учун камераларнинг деворлари кўрғошиндан ясалган бўлган.

...Диогенга ўхшаб... — яъни, қадимги грек файласуфи Диогенга (эрамиздан олдинги 404—323 йиллар атрофи) ўхшаб ҳаёт кечирмоқ. Ривоятларга қараганда, Диоген бу дунёнинг барча неъматларидан юз ўгириб, хумда яшаган ва тирикчилик ўтказиш учун керакли нарсалардангина фойдаланган.

Ариэль — Шекспирнинг «Бўрон» драмасидаги хаёлий персонаж, ҳаво руҳи.

Сен-Дени — Париж ёнидаги Сен-Дени шаҳрида Наполеон I томонидан таъсис этилган Фахрий легион ордени кавалерларининг қизлари таълим оладиган ўқув юрти.

Янги Пигмалион — Пигмалион — қадимги грек афсоналаридаги ўзи яратган гўзал Галатея ҳайкалини севиб қолган ҳайкалтарош, худолар унинг илтижоларига жавобан ҳайкалга жон ато қилганлар.

Лозен — Людовик XIV нинг саройига яқин шахс, ҳар хил саргузаштлари билан донг таратган оқсуяк фосиқ.

...шундай галстуклар таққан эдики, уларни кўрганда бутун Кرواتияликлар ҳасаддан тош қотишарди... Сўз ўйини: французча крават (галстук) сўзи — кроат (хорватлик) сўзидан келиб чиққан деб ҳисобланади. Хорватлар армиясида башанг галстуклар тақиш удум эди, шундай галстуклар тақиш Францияда модага айланиб кетди.

Лекомб мактублари — XVIII асрда овоза бўлган жиноят процессининг қаҳрамони Мария Лекомбнинг ишқий мактублари.

...«Кларисса Гарлоу»ни ўқиркан, Ловеласнинг ўкиришларига ҳамдард бўлади — «Кларисса Гарлоу» — инглиз адиби Ричардсоннинг (1689—1761) романи, Ловелас — шу роман персонажи, Клариссанинг ошиғи;

Арсиноя ва Араминта саҳналари — Арсиноя — Мольернинг «Мизантроп» комедияси персонажи, мунофиқ таннос тип. Араминта — инглиз драматурги В. Конгривнинг (1670—1729) «Қари бўйдоқ» комедияси персонажи.

Марварид шодаси воқеаси — Қиролича Мария — Антуанеттанинг марварид шодаси сотиб олгани ҳақида овоза бўлган можаро назарда тутилмоқда. Бу ишга кўплаб йирик француз давлат арбоблари, зодагонлар, руҳонийлар вакиллари ва бошқалар қўшилган.

Жан-Поль — атоқли немис ёзувчиси Иогани Пауль Фрид-

рих Рихтернинг (1763—1825) тахаллуси, унинг ижодида сентиментал идилия ўткир сатира билан чатишиб кетган. Рихтер немис романтикларининг ижодига сезиларли таъсир кўрсатган.

Герцог Кларенс — инглиз қироли Эдуард IV нинг (XV аср) укаси; у ўлим жазосига ҳукм қилинган. Айтишларига қараганда, унга қатл усулини танлаш ҳаққи берилган ва у вино тўла бочкада чўктиришларини сўраган.

...Херакл косаси... бу жаҳонни Искандардан озод қилди. — Айтишларича, Македониялик Искандар зиёфатда катта косада май ичиб ҳалок бўлган.

Евсевий Сальверт — француз ёзувчиси, файласуф ва сиёсий арбоби, 1823 йилда ёзилган «Одамларнинг, халқларнинг номи ва жуғрофий атамалар ҳақидаги фалсафий ва тарихий тажриба» китобининг муаллифи.

Баремона ахлоқ — Бертран Барем (XVII аср) ҳисобчилик бўйича маълумотнома тузган. Мазкур ўринда «баремона» сўзи майда — ҳисобкаш маъносида қўлланилган.

Ролан Шарль (1661—1741) — француз тарихчиси ва педагоги.

...қаршилик ҳаракатдан устун келди... — Иккита француз буржуа партияси: мўътадил ислоҳотлар ўтказишга ундовчи «ҳаракат партияси» ва ўзининг гумаштаси бўлмиш Луи Филипп юритаётган сиёсатни тўла маъқулловчи консерватив «қаршилик партияси» ўртасида 1830 йилдан кейин кечган кураш назарда тутилмоқда.

Андувлетлик аббатисса хоним — инглиз ёзувчиси Л. Стернинг «Тристрам Шенди» романи қаҳрамони аббатисса ҳақорат сўзларини айтаётганида «гуноҳнинг кам бўлиши» учун у сўзларни чала қилиб айтар экан.

...Вестоллнинг хаёлий образлари... — Вестолл Ричард (1765—1836) Мильтон ва Шекспир асарларига суратлар чизган инглиз рассоми.

...император Николайнинг насрини афзал билмоқ... — Польшадаги 1830 йилги қўзғолон бостирилгач, Николай I нинг полякларга қарата чақириғи назарда тутилмоқда.

Орас Бьяншон — табиб, Бальзакнинг «Инсоният комедияси»га кирган кўплаб асарларнинг қаҳрамони.

«Мана, нима учун қизингиз тилдан қолди!» — Мольернинг «Сохта табиб» комедиясидан олинган жумла.

Н. Муравьева

Пале-Рояль — Париждаги қасрлар ансамбли — регистони, сиёсий минбар.

Руссо, Жан Жак — буюк француз маърифатчиси, «Юлия ёки Янги Элонза», «Дил изҳори» асарлари муаллифи (1712—1778).

Тантал — қадимги Лидия подшоеси. Юнон афсоналарига кўра, абадий азобга маҳкум этилган. Бўйнигача сувда турса ҳам ташналиги қонмаган, боши узра мевалар осилиб турса ҳам очликдан азобланган.

Россини, Жоакино — итальян бастакори, «Севилья сарта-роши» операсининг муаллифи (1792—1868).

Тюильри — француз қиролларининг қасри, Конвент мажлислари шу ерда ўтган.

Лувр — Француз қиролларининг саройи, дунёдаги энг йирик санъат музейларидан бири.

Биби Марям ибодатхонаси — Париждаги энг катта ёдгорлик, улуғвор меъморлик санъати намунаси, В. Гюго романи шу ибодатхонага бағишланган.

Приап — ҳосилдорлик ва севги тангриси Дионис, Вакхнинг бошқача номи.

Тибул — Рим шоири, ишқий элегиялар автори (м. ав. 50—19 йиллар).

Юлия — Рим императори Октавиан Августнинг қизи, ишқпараст малика.

Ренессанс — Уйғониш даври: Шарқда IX—XVI асрлар, Ғарбда XIV—XVII асрлар.

Бенвенуто Челлини — италиялик ҳайкалтарош, заргар, ўзининг ажойиб ҳаёти ҳақида хотиралар китоби ёзган (1508—1571).

Тенирс — фламанд рассоми. Деҳқонлар ва шаҳарликларнинг маиший ҳаёти манзараларини тасвирлаган (1610—1690).

Сальватор Роза — итальян мусаввири, пейзаж устаси (1615—1673).

Жан Гужон — француз ҳайкалтароши, Луврни безаган (1510—1568).

Пуссен, Никола — буюк франциз мусаввири, Римда ижод қилган, қахрамонлик пейзажи устаси (1594—1665).

Микеланжело, Буонаротти — рассом, ҳайкалтарош, физик, меъмор, шоир, Италия Уйғониш даври мутафаккири (1475—1564).

Клод Лоррен — француз пейзажчи мусаввири, «Европанинг ўғирланиши», «Ганг», «Оқшом» асарлари муаллифи (1600—1682).

Герард Доу — рассом, голланд мусаввири (1613—1675).

Рембрандт, Харменс Ваг-Рейн — буюк голланд рассоми (1606—1669).

Мурильо, Бартоломе — атоқли испан рассоми, «Бола билан кучук», «Кўча болалари асарлари машҳур (1617—1682).

Веласкес — рассом, Мурильо замондоши, улуғвор манзаралар устаси.

Байрон — буюк англиз романтик шоири, лорд-ҳукумат

аъзоси, Грек халқининг миллий озодлик курашида ҳалок бўлган (1788—1824).

Рафаэль, Санти — Италия Уйғониш даврининг буюк мусаввири — (1482—1520).

Кореджо, Антонио — Рафаэль замондоши, мусаввир, Парма ибодатхонаси гумбазларини безаган.

Коринна — миллдан аввалги V асрда яшаб, ижод қилган юнон шоираси, Плутарх ёзишчи, улуғ шоир Пиндарнинг устоди. Овидий «Севги шеърлари»ни Кориннага бағишлаган.

Кювье — буюк француз анатом-палеонтолог (1769—1832).

Фауст, Брокен — Табиатнинг сирли ҳодисаси — Брокен тоғидаги улкан соялар Фаустни ҳам қизиқтирган.

Декарт, Рене — буюк француз олими, файласуф, физик, математик, шоир. (1596—1650).

Мирабо, Талейран, Питт, Меттерних — XIX асрда Европа тақдирига катта таъсир кўрсатган давлат арбоблари.

Лукулл, Луций — Рим лашкарбошиси, Митридат VI Епатор армиясини енгиб, Кичик Осиёни забт этган (106—56).

Сатурналия — қадимги Римда ҳосил тангриси Сатурн шарафига ўтказилган байрамлар.

Картезици — Декарт (Де-Картези) маслакдошлари.

Каватина — операда лирик оҳангдаги якка ашула.

Камбасарсе, Жан Жак — француз давлат арбоби, 9 термидор тўнтаришидан кейин Конвент раиси бўлган (1753—1824).

Гаргантюа — Франсуа Рабле романи қахрамони, катта иштаҳаси билан машҳур.

Сулла, Луций Корнелий — Рим лашкарбошиси ва сиёсий арбоби, аввал консул, сўнг диктатор (м. ав. 138—78).

Людовик Ун тўртинчи — француз қироли, 1643—1715 йилларда ҳукм сурган, у «Давлат — мен» деган экан.

Ришелье, Арман Жан — француз давлат арбоби, кардинал, Людовик XIII нинг министри (1585—1642).

Робеспьер, Максимилиан — инқилобий яacobичилар диктатураси бошлиғи, атоқли француз давлат арбоби (1758—1794).

«Иликни суғурувчи мутафаккир» — Суқрот ҳаким назарда тугилади.

Рабле, Франсуа — буюк француз сатирик ёзувчиси, машҳур «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи автори (1494—1553).

Монтань, Мишель — француз Уйғониш даври мутафаккири, «Тажрибалар» асари муаллифи (1533—1592).

Макбет — Шекспир трагедияси қахрамони; аввал садоқатли, мард жангчи, сўнг ёвузлик билан подшоликка интилади. Макбет хоним ҳам уни ёвузликка ундайди.

Сибаритлар — қадимги юнон ўлкаси — Сибарисда яшаган бадавлат, эрка-тантиқ одамлар.

Мефистофель — Шайтон, Иблис, Олам сирларини билишга интилган Фауст билан ҳамиша баҳслашиб, ҳаракатга чақиради, ёвуз ишларга ундайди.

М. Маҳмудов.

На узбекском языке

Оноре де Бальзак

ГОВСЕК
ШАГРЕНЕВАЯ КОЖА

Редантор М. Турсунов
Рассом В. Плетухин
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Э. Саидов
Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 1012

Босмахонага берилди 27.03.1980 й. Босишга рухсат эшилди 28.01.1981 й. Формати 60×90^{1/16}. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 18,5. Нашр. л. 19,54. Тиражи 600000. Заказ № 3007. Ваҳоси 1 с. 50 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 28.

Редантор Х. Эргашев
Рассом Ш. Булаков
Расмлар редактори Э. Валиев
Тех. редактор А. Ильина
Корректор М. Абдушукурова

Босмахонага берилди 15/II 1968 й. Босишга рухсат эшилди 24/IV 1968 й. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 5,875. Шартли босма л. 9,66. Нашр л. 9,62. Тиражи 15000. Ғафур Ғулом номидаги бадний адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Шураси Матбуот Давлат комитетининг 3-босмахонасида қоғозга босилди.